

1262
33
X-92

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

ХАЛҚАРО ПРОТОКОЛ ВА ЭТИКЕТ
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ



ТОШКЕНТ – 2001

Маъруза матнлари «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасининг 2000 йил 30 августдаги мажлисида мұхокама қилингандың жағынан учун тавсия этилген.

Муаллифлар: доцент Ф. Т.Әгамбердиев
доцент Ш. Ф. Юлдашев

Масъул мұжаррир:

Иқтисодиёт факультеті декани
профессор А. В. Ваҳобов

КИРИШ

Ҳар бир одам ўз умри давомида амалий муносабатда бўлиши табиий. Расмий хат ёки таклифномани қандай қилиб тўғри ёзиш, ҳамкорни қабул қилиш ва у билан музокаралар олиб бориш, мунозарали масалани ҳал қўйилиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин? Кўптина мамлактларда мана шу масалаларга жуда катта эътибор берилади. Кўптина амалий муносабат ва хулақ – авторнинг «ёзилган» ва «ёзилмаган» қойдалари билан. Унинг хусусиятлари, меъёрлари, қонуниятлари билан дастлабки танишув мактабдаги бошланади.

Чет элда миллионлаб нусхада чоп этилаётган амалий этикет ва протоколга, амалий муносабат психологиясига доир китобларга қизиқиши катта. Ҳар бир одам касби, ижтимоий мақомидан қатъи назар озми – кўпми ана шундай муаммоларга дуч келади.

Амалий муносабат бизнес билан шуғулланувчи одамлар учун алоҳида аҳамиятта эга. Улар фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан муносабат илми ва санъатини қанчалик яхши билишларига боғлиқ. Фарбда тегишли ўқув курслари деярли ҳар бир университет ва коллежда мавжуд, кўплаб илмий ва оммабон адабиёт нашр этилади. Натижада қабулга борган одам сочиқни кўярга жой топмасдан ёки винони қайси бокалга қўйишни билмасдан қийналмайди, ҳамкор билан музохарага киришар экан, уни қаерга ўтказишни ва суҳбатни нимадан бошлашни билади.

Афсуски, бизнинг мамлакатимизда узоқ вақт давомида амалий муносабатнинг протокол ва этикет деган жиҳатини нари борса чет элга ишлагани кетаёттанларга: дипломатлар, ташки савдо ташкилотларининг ходимларига ўргатишар эди. Бошқа мутахассислар камдан – кам ҳолларда ана шу «ҳикматлар» ҳақида ҳеч бўлмаганда умумий маълумот олиш имконига эга бўлар эдилар. Амалий муносабатнинг психология, амалий суҳбатлар ва музокаралар олиб бориш технологияси билан боғлиқ жиҳатларига умуман эътибор берилмас, бунинг ўрганадиган жойи йўқ деб ҳисобланар эди.

Ҳозирги замон ўзгарди. Биринчидан, ўз фаолияти жиҳатидай хорижлик шериклар билан бояланган кишилар доираси анча кенгайди. Улар ишларини муваффақиятли олиб бориш учун амалий муносабатнинг ҳамма қабул қиласи қоиди ва меъёрларини музокаралар ва суҳбатлар ўтказишни билишлари керак. Иккинчидан, ягона амалий дунёнинг бир қисмига айланада борганизмиз сари, биз мавжуд умумий ёнуниятларни кундалик

ҳаётимизга тобора күпроқ олиб кирамиз, мамлакатимиздаги ҳамкорлардан ҳам мәданий муносабатларни талааб қиласымиз. Амалий муносабатларга бағишилаб чет әлда чөп этилган машхур китобларнин таржимаси борган сари күп босилиб чиқмоқда ва тез сотилиб кетмоқда. Шундай бўлсада, конкрет шулар мутлақо етарли эмас.

Лекциялар матнида ҳамма қабул қиласан протокол ва этикет қоидалари келтирилган. Уларга риоя этиш мажбурий бўлиб, шерикнинг амалий мәданиятидан, демак у ишларни юксак профессионал даражада олиб бора олишдан далолат беради.

1-МАВЗУ. ЧЕТ ЭЛЛИК ҲАМКОР БИЛАН МУНОСАБАТДА БУЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий режими.
2. Визалар бериш ва мамлакатта кириш.
3. Ўзбекистон ТИВ Консуликтар бошқармасида рўйхатдан ўтказиш.
4. Таклифни расмийлаштириш.
5. Виза олиш тартиби.
6. Чет эллик фуқароларнинг мамлакатда бўлиши.
7. Чет эллик фуқароларнинг мамлакатда бўлиш қоидаларини бузганиклари учун жавобгарлик.

Адабиётлар:

1. Т. И. Холопова, М. М. Лебедева. Протокол и этикет для деловых людей. М., «Аникл» 1994 й. 1-боб.
2. Р.Т. Де Джордж «Делоавя этика». «Санкт-Петербург» перевод с английского 2000 й. 1 том.
3. Жен Лгер. «Деловой этикет», М.: «Жон Уэйли энд Сэнз», 1994 й.
4. Фишер Р., Юри У. «Путь к согласию или переговоры без поражений», инглизчадан таржима. М.: «Наука», 1990 й.

1. Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий режими

Хорижий фирма ва ташкилотлар вакиллари билан амалий алоқалар жараёнида уларнинг иштирокчилари турли давлатларнинг фуқаролари яъни муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган чет эллик фуқаролар эканлигини эсда тутиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, чет эллик фуқаролар билан муносабатда бўлиш айрим ҳуқуқий асосга таяниши керак. Мана шу ҳуқуқий асосларни аниқ билмаслик қонунни бузинимизга ва қонунга мувофиқ жавобгар бўлишимизга олиб бориши мумкин.

Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий холати.

Чет эллик фуқаролар ким? Чет эллик фуқаро – бу давлатнинг фуқароси бўлмай, бошқа давлат фуқароси бўлган ва бошқа давлат фуқаролигига мансублигининг исботига эга бўлган шахсdir. Паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат ана шундай исбот бўлади.

Чет эллик фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг жами **ҳуқуқий режим** деб аталади. Бу режим мамлакат ички қонунлари ва халқаро шартномаларнинг мөёrlари билан белгиланади.

Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуий режимга халқаро ҳуқуқда ҳамма эътибор этган ва деярли барча мамлакатларнинг қонунчилигида қўлланиладиган бир қатор принциплар асос бўлади.

1 – принцип. Устки бу давлат ҳудудида бўлган чет эллик фуқароларга шу давлатнинг юрисдикцияси таалуқли бўлади.

Давлат ҳудудида чет эллик фуқароларнинг бўлишига доир қоидаларни белгилайди ва улардан бу қоидаларнинг бажарилишини талаб қиласди. Унинг юридикцияси иммунитетлар ва имтиёзларга эга бўлган тор доирадаги шахсларгагина таалуқли бўлмайди. Бундай шахслар жумласига қўйидагилар киради:

- давлатларнинг дипломатия ва консул вакиллари ва уларнинг оила аъзолари;
- давлатларнинг бошқа давлатта ташриф билан борган расмий вакиллари;
- халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари;
- давлатларнинг халқаро ташкилотлар, халқаро конференциялар, конгресслардаги вакиллари, маҳсус миссияларнинг ходимлари.

2–принцип. Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқларини улар борган давлат ҳимоя қиласди.

Ҳар бир давлат ўз ҳудудида бўлган чет эллик фуқароларга муайян ҳажмда ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилайди.

«Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеи тўғрисидаги қонуннинг 18 – моддасига мувофиқ давлат чет эллик фуқароларнинг шахси ва мол – мулкини ҳимоя қиласди.

Чет эллик фуқаролар ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Конституциясини ҳурмат қилишлари ва унинг қонунларига риоя этишлари шарт.

3–принцип. Давлат чет эллик фуқаролар бу давлат олдиаги ва унинг жисмоний ҳамда юридик шахслари олдиаги ўз мажбуриятларини бажарган тақдирда унинг ҳудудидан чиқиб кетиши ҳуқуқини инкор этмаслиги керак.

«Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеи тўғрисида»ги қонунда чет эллик фуқаронинг Ўзбекистондан чиқиб кетишига рухсат берилмайдиган ҳодлар белгилаб қўйилган:

1. Агар чет эллик фуқарони жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлса, – иш юритиш тамом бўлгунича.

2. Агар чет эллик фуқаро жиноят содир эттанилиги учун ҳукм қилинган бўлса – жиноятни ўтаб бўлгунича ёки жазодан озод қилингунича.

3. Агар чет эллик фуқаронинг мамлакатдан чиқиб кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса – чиқиб кетишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиши тўхтагунича.

4. Агар Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган чиқиб кетишга тўсқинлик қилувчи бошқа асослар мавжуд бўлса.

4-принцип. Чет эддаги шахс фуқароси бўлган давлат бундай шахсни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Бу ҳимоя дипломатия ва консулилк муассасалари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу тартиб 1961 йилги Диiplоматия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясида, 1963 йилги Консулилк алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясида, 1967 йилги Консулилк вазифалари тўғрисидаги Европа конвенциясида, икки томонлама шартномалар ва мамлакатнинг ички қонунларида назарда тутилган.

✓ Чунончи, Ўзбекистон элчихоналарининг консулилк бўлимлари ва ўзбекистоннинг чет эддаги консулилк муассасалари қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўзбекистоннинг юридик шахслари ва фуқаролари улар яшаб турган давлат қонунлари берадиган ҳамма қонунлардан фойдаланишларини назорат қиладилар, давлатларнинг фақат ўз фуқароларига берадиган ҳуқуқлари бундан мустасно.

2. Ўз консулилк округларида доимий яшайдиган ва вақтинча яшаб турган ўз мамлакатлари фуқаролари ҳисобини юритадилар.

3. Фуқаролик масалалари билан шуғулланадилар (паспорт берадилар, муддатини узайтирадилар. унга ўзгартишлар киритадилар.

4. Ўзбекистонга кириш, ундан чиқиб кетиш ва унинг ҳудуди орқали транзит тартибда ўтиш учун визалар берадилар, уларни узайтирадилар, бекор қиладилар, визаларга ўзгартишлар киритадилар.

5. Ўзбекистон фуқаролари турган давлатнинг суд муассасаларида улар номидан вакил бўладилар.

Консулилк муассасалари ўз мамлакатларининг ўз консулилк округларида турган фуқароларига айрим муаммоларни ҳал қилишда ҳам ёрдам берадилар. Масалан, агар сиз чет эдда бўлган вақtingизда қийин аҳволга тушиб қолган бўлсангиз (паспортингизни, унга тиркаладиган визани йўқотиб қўйсангиз, йўл ҳаракати қоидаларини бузган ёки йўл – транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган бўлсангиз, сиз яшаётган меҳмонхонада

англапшилмовчилик чиққан бўлса, ўзингизга керакли ҳужжатларни нотариал расмийлаштириш заруриятига дуч келган бўлсангиз ва ҳ. к.) – бу масалаларнинг ҳамаси юзасидан консуллик муассасасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари, тегишли ҳақ эвазига консуллик муассасаси зарур ҳолларда пул, бойликлар ва қимматли қоғозлар ҳамда ҳужжатларни сақлаб қўйиш учун қабул қиласди. Борди – ю, сиз билан бирон кор – хол юз берса, у яқин қариндошларингизга бу ҳақда хабар беради.

Шу сабабли чет зага кетаёттанингида ёнингизда Ўзбекистон консуллик муассасасининг телефон рақамлари бўлгани маъқул.

2. Визалар бериш ва мамлакатта кириш

Амалий ҳамкорликни ривожлантириш жараёнида ҳар бир корхонада музокаралар олиб бориши, контрактлар тузиш ва шу кабилар учун ўзининг чет эллик ҳамкорини Ўзбекистонга таклиф қилиш зарурияти туғилади. Шу муносабат билан бир қатор амалий масалалар: Таклифни қандай қилиб тўгри расмийлаштириш мумкин? Мамлакатта кириш учун визани қандай олиш мумкин? Мамлакатта келган чет эллик фуқароларни рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай? Деган масалалар пайдо бўлади.

1984 йил 10 майдан бошлаб амал қилиб келган аввалги «Чет эллик фуқароларнинг СССРда бўлиш қоидалари»га нисбатан янги қоидалар чет эллик фуқароларнинг мамлакатимизга кириши ва бу ерда бўлиши режимини маълум даражада осонлаштиради. Хусусан, янги қоидаларда чет эллик фуқароларнинг кооперативлар, қўшма корхоналар, уюшмалар ва бошقا ташкилотлар таклифиға мувофиқ келиши мумкинлиги назарда тутилган. Бундан ташқари чет эллик фуқароларнинг мамлакат ҳудудида юриш тартиби соддалаштирилган. Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотлари илтимосига кўра чет эллик фуқароларнинг кўп марта виза олишига рухсат берилиши мумкин. Чет эллик фуқароларнинг паспортларини рўйхатта олиш вақти узайтирилган, мамлакатта кириш ҳуқуқини берувчи визада кўрсатилган жойга бориши тартиби осонлаштирилган ва ҳ. к.

Агар Ўзбекистоннинг тегишли мамлакат билан тузган битимида мамлакатта кириш ва ундан чиқиб кетишнинг бошқа тартиби белгилаб қўйилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар рухсатнома – Ўзбекистоннинг кириш (кириш – чиқиш) визалари

бўлган тақдирдагина Ўзбекистонга ҳақиқий паспортлар ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатлар бўйича киришлари мумкин.

Ўзбекистонга кириш визалари (кириш) ва Ўзбекистонга кириш ҳамда ундан чиқиб кетиш визалари (кириш – чиқиш) чет эллик фуқароларга чет эдда Ўзбекистоннинг дипломатия ва консулилк муассасалари томонидан берилади.

Агар Ўзбекистон бирон – бир мамлакат билан дипломатия ва консулилк алоқаларига эта бўлса, виза олиш учун консулилк масалаларида ишончнома бўйича Ўзбекистоннинг манфаатларини ифода этувчи мамлакатнинг дипломатия ва консулилк муассасасига мурожаат қилиш керак бўлади.

«Чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги қонунда чет эллик фуқаронинг мамлакатимизга киришига қўйидаги сабабларга кўра рухсат бермаслик мумкинлиги кўрсатиб ўтилган:

1. Давлат хавфсизлитетини таъминлаш ёки жамоат тартибини сақлаш манфаатларини кўзлаб.

2. Агар Ўзбекистон фуқаролари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса.

3. Агар чет эллик фуқаро Ўзбекистонга аввалги келишида Ўзбекистонда чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистоннинг божхона, валюта ёки бошқа қонунларини бузган бўлса.

4. Агар чет эллик фуқаро мамлакатимизга кириш ҳақида илтимоснома берган вақтида ўзи ҳақида ёлғон маълумотлар берган бўлса ёки зарур ҳужжатларни бермаган бўлса.

Хизмат юзасидан келаётган чет эллик фуқароларга Ўзбекистонга кириш учун визалар беришга Ўзбекистон ҳудудида ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган ўзбек қабул қилувчи ташкилотлари ёки доимий хорижий ваколатхоналарнинг таклифи асос бўлади.

Чет эллик амалий ҳамкорга таклифнома юбориш ҳамда мамлакатимизга кириш учун виза олиш тадбири қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотини Ўзбекистон ТИВ Консулилк Бошқармасида мажбурий рўйхатдан ўтказиш.

2. Дастраслабки келишувдан кейин чет эллик ҳакорга таклифнома юбориш.

3. Чет эллик фуқароларнинг чет эддаги Ўзбекистон дипломатия ва консулилк муассасаларидан Ўзбекистоннинг кириш – чиқиш визасини олиши.

Бу босқичларни батафсилоқ кўриб чиқамиз.

3. Ўзбекистон тив консуллик бошқармасида рўйхатдан ўтиш

Ўзбекистон ҳудудида ташки иқтисодий фаолиятни, шу жумладан бевосита ишлаб чиқариш фаолиятини, илмий-техникавий алоқани, соҳилябўйи, чегара савдосини ва товар айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи Ўзбекистоннинг барча ташкилотлари мамлакатимиз қонунларига мувофиқ Ўзбекистон ТИВ Консуллик Бошқармасида мажбурий рўйхатдан ўтишлари шарт.

ТИВ КА бошлиги номига буюртманома қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- фаолият соҳаси (қисқа);

- банк ҳисобварақларининг (сўмдаги ва валютадаги) рақамлари;

- почта реквизитлари;

- алоқа воситалари рўйхати (телефон, телекс, телефонфакс);

- шартномаларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхати;

- протокол масалалари билан шуғулланувчи ходимларнинг фамилиялари ва телефонлари.

Қўйидаги ҳужжатларнинг нусхалари:

- устав (нотариал идора томонидан тасдиқланган нусхаси ёки ксеронусхаси);

- маҳаллий ҳокимият идораларининг рўйхатта олиш ҳақидаги қарори;

- солиқ инспекциясида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

- ЎзР ТИВда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома (жамоат ташкилотлари учун).

КК учун — хорижий томондан бошқарув аъзоларининг рўйхати ва муассаслар рўйхати.

Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхона ва фирмалар учун — Ўзбекистон ҳалқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

Тегишли суратда расмийлаштирилган ҳужжатларни олганидан кейин ТИВ Консуллик Бошқармаси 30 кун ичидаги (ҳужжатлар олинган санадан бошлаб) сизни чет зллик фуқароларни мамлакатимизга бевосита таклиф этиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхатига киритади. Бунда Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилоти Консуллик Бошқармасида тегишли рақам билан рўйхатта олинганлиги

ҳақидаги белгиланган нусхадаги маълумотномани олади. Бундан ташқари Консулилк Бошқармаси чет элдаги Ўзбекистон дипломатия ва консулилк муассасаларини чет элликларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхати ҳақида тегишли суратда хабардор қиласди.

4. Таклифни расмийлаштириш

Энди қабул қилувчи ташкилот ўзининг чет эллик ҳамкорларига таклифнома юбориш имконига эга бўлади.

Таклифнома матнида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: чет эллик фуқаронинг фамилияси ва исми; унинг туғилган куни, ойи ва йили; жинси, фуқаролиги, паспортининг раҳами, сафардан мақсад (музокаралар, тижорат, кўргазма ва ҳ. К.); борар жойлари (шаҳарлар, поселкалар, вилоятлар); Ўзбекистонга кириши ва ундан чиқиб кетиш санаси; қабул қилувчи ташкилот номи ҳамда таклифномани имзолаган шахснинг фамилияси ва лавозими.

Таклифномани имзолашга қабул қилувчи ташкилотнинг раҳбарлари ҳақлидирлар. Мамлакатда бўлиши муддати иш юзасидан мақсадга мувофиқлик билан белгиланади ва қоида тарикасида, 1 – 2 ҳафтани таликил этади.

Таклиф чет эллик фуқарога одатда телекс ёки хат кўринишида юборилади.

Тайёрланган таклифнома чет эл фирмасига жунатишдан олдин қуйидагилар билан келишилади:

- давлат тузималари учун ва уларга қарашли бўлиб, ўз ташки алоўалар бошқармалари ёки бўлимларига, четта чиқиш гуруҳларига, консулилк – виза бўлимлари ва шу кабиларига эга бўлган ташкилотлар учун – шу бўлинмалар билан. Уч иш кунида рад жавоби берилмаган тақдирда таклифнома чет эл фирмасига юборилади;

- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ташкилотлари учун, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари;

- ТИВ Консулилк Бошқармаси билан белгиланган шакл бўйича Консулилк Бошқармаси сўров юборилган санадан кейинг (дам олиш ва байрам кунларини ҳисобламаганда) 5 иш куни ичидаги рад жавоби бермаса таклифнома мўлжалланган манзилга юборилиши мумкин. Консулилк Бошқармаси рад жавоб берган тақдирда қабул қилувчи ташкилотни чет эллик шахснинг мамлакатимизга киришига йўл қўймадиган сабаблардан хабардор қиласди;

— Тошкент вилоятидан ташқаридаги қолған ҳамма ташкилотлар учун таклифнома маҳаллий ҳокимият идоралари билан келишилади.

5. Виза олиш тартиби

Белгиланган шаклдаги бундай таклифнома Ўзбекистоннинг элчионаси ёки консульлик муассасаси учун чет эллик фуқарога виза беришда етарли асос бўлади.

Виза сўровини кўриб чиқиш муддатлари халқаро битимларда ёки икки тарафлама келишув асосида қабул қилинган амалиёт натижасида белгиланади. Турли мамлакатларда бу муддат паспорт тури, сафардан кўзланган мақусад ва унинг қанча давом этишига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Чет эллик фуқароларнинг виза сўраб Ўзбекистон элчиоанарага ва консульлик муассасаларига мурожаат қилиши учун энг кам муддат амалий хизмат сафари чорида 5 кунни (зарур ҳолларда бу муддат 2 кунгача қисқартирилиши мумкин) ва агар мамлакатта кириш учун кўп марталик виза олиши зарур бўлса 14 кунни ташкил қиласди.

Турли мамлакатларда бу муддатлар турлича. Масалан, Австрия ва ГФРда виза сўровини 10 кунда, Финляндия ва Швейцарияда 7 кунда, Жазоир, Испания ва Францияда 15 кунда, Бельгия, Дания, Саудия Арабистон ва Нидерландияда 21 кунда кўриб чиқадилар ва ҳ. К.

Чет эл фуқароси кириш – чиқиши визасини олиши учун у Ўзбекистон элчионаси ёки консульлик муассасасига қўйидағи ҳужжатларни тақдим этиши керак:

1. Чет эл фирмасидан виза сўралган талабнома.
2. Ўзбекистоннинг виза анкетаси.
3. 4x5 см. катталиқдаги 3 дона фотосурат.
4. Кўрсатилган таклифнома.
5. Паспорт. Анкеталарнинг тузилиши маҳаллий амалиётта ва мамлакатда қанча ваqt бўлишига боғлиқ. Шунинг асосида анкетларда чет эллик фуқаролар ҳақида озми – кўпми тўлиқ ахборот бўлади.

Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотлари ТИВ Консульлик Боншармасига мурожаат қилиб, бизнинг бир ёки бир неча ташқи иқтисодий ташкилотларимиз билан фаол ҳамкорлик қилаётган чет эллик фуқароларга мамлакатта кириш учун кўп марталик виза беришни сўрашлари мумкин. Бундай тартиб қўшма корхоналарнинг ходимларига ҳам тегишли, чунки

уларнинг чет эллик иштирокчилари ишлаб чиқариш зарурияти туфайли мамлакатимизга мунтазам келиб туришлари керак бўлади.

Консуллик Бошикармаси Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотларидан чет эллик фуқарога кўп марталик виза бериш ҳақидаги илтимос далиллар билан асосланган ёзма мурожаатни олганидан кейин, агар эътироz бўлmasa, З ҳафта мобайнидакўп марталик виза бериши ҳақида элаҳионага ёки консулиkkка кўрсатма беради.

Кўп марталик визалар 1–2 йил муддатта берилади. Визаларни З–йилга узайтириш виза ҳужжатларини расмийлаштиrmаган ҳолда амалга оширилади.

Бир қанча ҳолларда икки томонлама давлатлараро ъбитимларда мамлакатимизга визасиз кириши назарда тутилади.

Халқаро амалиётiga келсак, визасиз айирбошлиш кўпгина мамлакатлар орасигда кенг ёйилган. Масалан, Дания 89 мамлакат билан, Италия – 65 мамлакат, Финляндия – 75 мамлакат билан визасиз айирбошлишга эга ва ҳ. к.

6. Чет эллик фуқароларнинг мамлакатда бўлиши

Чет эллик амалий ҳакорни таклиф қилганда шуни ҳам эсда тутиш керак бўладики, Ўзбекистон ҳудудида ва мамлакат бўйлаб вақтинча яшапи билан боғлиқ бир қанча расмиятчиликни бажариш зарур.

Яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари расмийлаштириш.

Чет эллик фуқаролар давлатимиз ҳудудида «Чет эллик фуқароларнинг мамлакатда бўлиши қоидалари» да белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилган паспорт бўйича яшайдилар. Бундай тартиб бошқа мамлакатларда ҳам бор.

Чет эллик фуқаролар мўлжалланган жойга келгандаридан кейин ўз паспортларин рўйхатдан ўтказиш учун кун ичидаги тақдим этадилар, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно (эски қоидаларда рўйхатдан ўтиш учун бир сутка ваqt берилар эди).

Ушбу қоидаларда паспортларини рўйхатдан ўтказишдан озрод қилинадиган шахслар рўйхати кўрсатиб ўтилган.

Улар жумласига қўйидагилар киради:

а) чет мамлакатларнинг давлат бошлиқлари, парламент ва ҳукумат делегацияларининг аъзолари, бу делегацияларнинг техник ходимлари, санаб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари;

б) БМТ томонидан берилган паспортлар бўйича Ўзбекистонга келган шахслар;

в) 18 ёшга тўлмаган чет эллик фуқаролар;

г) Ўзбекистонга байрам ва дам олиш кунларига ёки оддий кунларда З суткагача муддатта келган ва шу кунлар ичida Ўзбекистондан чиқиб кетадиган чет эллик фуқаролар;

д) круиз қилаёттган чет эллик фуқаролар;

е) Ўзбекистонга белгиланган тартибда келган ҳорижий самолетлар экипажларининг аъзолари;

ж) халқаро фуқаро ҳаво авиалиниялари экипажлари, халқаро темир йўл поездлари бригадалари таркибига кирадиган шахслар амалдаги ҳаракат жадвалида кўрсатилган аэропортлардада ёки станцияларда турган вақтларида.

Ўзбекистон ТИВда қоидаларга мувофиқ, дипломатия имтиёзлари ва иммунитетлариданг фойдаланувчи чет эллик фуқаролар рўйхатдан ўтадилар. Мазкур шахслар ТИВ дипломатия, консулий ёки хизмат карточкалари беради ёки улар рўйхатдан ўtkazilganligi бевосита паспортга ёзиб қўйилади.

Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотларида шу ташкилотлар йўли билан келган чет эллик фуқаролар З ойгача муддатта рўйхатдан ўtkaziladi.

Бундан ташқари, паспортлар ички ишлар идораларида рўйхатдан ўtkaziladi. Бу тартиб Қоидаларнинг 17 – 20 бандларига кирмайдиган чет эллик фуқароларга, шунингдек хусусий ишлар билан келган ёки хусусий манзилларида яшаёттган чет эллик фуқароларга тегишили. Бу тоифадан шахслар ўзларида мавжуд бўлган визалар асосида рўйхатдан ўtkaziladi, башарти Ўзбекистоннинг тегишили мамлакат билан тузган битимида Ўзбекистонга киришнинг бошқача тартиби белгилаб қўйилган бўлмаса (21 – банд).

Чет эллик фуқаролар рўйхатда туришининг амал қилиш муддатини узайтириш ички ишлар идораларида ва меҳмонхоналарда амалга оширилади. Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотлари рўйхатта туришининг амал қилиш муддатини кўни билан З ойга узайтиришлари мумкин. Чет эллик фуқаро рўйхатда туришининг амал қилиш муддати ички ишлар идоралари (ОВИР, ички ишлар бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман идоралари – милиция бўлимлари) унинг Ўзбекистондан чиқиб кетиш визасининг амал қилиш муддатини узайтирганларида кейингина узайтирилиши мумкин (23 – байд). Бу мақсадга эришиши учун Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилоти УВИРга ёзма илатимоснома ҳамда чет эллик фуқаронинг паспортини Ўзбекистоннинг кириш – чиқиш визаси иловаси билан бирга тақдим этиши керак.

МАМЛАКАТДА ЮРИШ

Чет эллик фуқароларнинг мамлакатимиз ҳудудида юриши узоқ вақт давомида ҳал қилиниши қийин бўлган муаммо бўлиб келди. Бу қийинчилик, хусусан, визалар ҳақидаги гарб ва совет концепциялари бир – биридан фарқ қилганилиги туфайли келиб чиқар эди.

Визалар тўғрисидаги гарб концепцияси ва ҳалқаро амалиёт мамлакатта келувчи чет эллик фуқаро унинг ҳудудида эркин юришини тақозо этади (ёпиқ жойлар бундан истисно). Чунончи, бизнинг злачихоналаримиз чет элдаги, савдо ваколатхоналаримиз, консулхоналаримизнинг ходимлари мамлакатда рухсат олиб эмас, балки айна агоҳлантириган ҳолда юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бундай тартиб кўпгина мамлакатларда – Белгия, ГФР, Канада, Нидерландия, Франция, Япония ва бошқалар қабул қилинган. Бу массасаларнинг ходимлари сафар куни, юриш маршрути, тўхталадиган жойлар ва транспорт тури ҳақида ўзлари турган мамлакат ТИВларини 24 соат ёки 48 соат оддин хабардор қилиб қўйишлари керак.

Қисқа муддатли хизмат сафарига борган ўзбекистонлик фуқаролар ҳам кўпчилик мамлакатларда бутун мамалкет бўйлаб эркин ҳаракатланиши ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Мамлакатимиздаги визалар ҳақидаги концепция узоқ йиллар мобайнида секлайдиган концепция бўлиб колаверди: амалда чет эллик фуқаро СССРга эмас, балки Москвага виза олар эди, бирон – бир қўшимча жойга бориш учун кўпчилик ҳолларда қўшимча рухсат олиш талаб қилинади.

1988 йил март ойидан бошлаб мамлакатимизда муайян ижобий тамойиллар кўзга ташлана бошлади. Биринчидан, чет эллик фуқаролар мамлакатимиз ҳудудида бўлиши ҳақидаги янги Қоидаларда уларнинг сафар ҳақида огоҳлантириб, эркин юриш ҳуқуқи ёзиб қўйилди.

Чет эллик фуқаролар Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб сафар қилганиларида қўйидаги қиодаларга амал қиласадилар:

1. Томонларнинг ўзаро келишуви асосида Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бўйлаб сафар қилиш ҳақида огоҳлантириш (нотификация) бекор қилинади.

2. Чет эл дипломатия ва консульлик ваколатхоналарининг, ҳарбий атташехоналарнинг ходимларига, Ўзбекистонда аккредитация қилинган чет эллик журналистларга, авиакомпаниялар, банклар, савдо – саноат фирмаларининг Ўзбекистонда рўйхатта олинган доимий ваколатхоналари ҳамда бошқа доитмий чет эл ваколатхоналлари ходимларига Ўзбекистон ҳудудида эркин юриш ҳуқуқи берилади. Кенг

омманинг бориши учун маҳсус руҳсатнома талаб қилинадиган ва бориш (кириш) маҳсус ўрнатилган говлар, йўл белгиланри ёки кўрсаткичлар билан чеклаб қўйилган обьектлар ва бошқа жойлар бундан мустасно.

3. Кенг омманинг бориши учун маҳсус руҳсатнома талаб қилинадиган обьектлар ва бошқа жойларга боришни хоҳлаган чет эллик фуқаролар қабул қилувчи ташкилотлар билан сафар йўналишлари, муддатлари ва транспорт турлари ҳақида мустақил равишда келишиб оладилар.

4. Чет эллик фуқаролар Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб сафар қилган вақтларида уларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар орқали ёки сафар қатнашчиларининг хоҳишига қараб, давлат муассасалари ёхуд хусусий муассасалар орқали чипталар сотиб олишларига, меҳмонхона хизматлари ва бошқа хизматларига буюртма беришларига руҳсат этилади.

Ёзишмалар олиб борганда, чипталарга буюртма берганда турили мамлакатлардаги байрам ва ишланмайдиган кунларни эътиборга олиш керак.

7. Чет эллик фуқароларнинг мамлакатда бўлиш қоидаларини бузганликлари учун жавобгарлик

Ўзбекистон ҳудудида чет эллик фуқаролар Ўзбекистоннинг ҳукуқ – тартиботига бўйсунадилар. Дипломатия ва консулий имтиёзлари ҳамда иммунитетларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатангина алоҳида қоидалар амал қиласди. Хусусан, дипломатия ва консулий ходимлари фуқаролик, маъмурий ва жиноий юрисдикциядан иммунитетта эга бўладилар. Бу иммунитет улар ўзлари турган мамлакатнинг маҳаллий суди томонидан суд қилиниши мумкин эмаслигини анлатади. Бироқ дипломатлар жавобгарлиқдан қочиш ёки унга гап бериш учун ўз мавқеларидан фойдаланмасликлари керак. Бу улар мансуб бўлган дипкорпушнинг обрў – эътибори учунгина эмас, балки ўзлари вакили бўлган мамлакатнинг обрў – эътибори учун ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Давлат ўз ҳудувида турган ва жиноят содир эттан чет эллик дипломатни ҳисга олиши ёки ўз судига бериши мумкин эмас, лекин у дипломат ўз расмий мажбуриятларини мумкин бўлмайдиган қилиб қўйишга, давлат чегараларидан чиқариб юборишга ва муносиб даражада жазолашни дипломатия йўллари билан талаб қилишга ҳақлию. Агар чет эллик дипломат содир эттан ҳукуқбузарлик унча катта бўлмаса, у турган давлат

ҳуқумати дипломатия йўллари орқали кўрсатиб ўтиш билан чекланиши мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида бўлиб, имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланмайдиган ҳамда жиноят, маъмурий ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган чет эллик фуқаролар эса мамлакатимиз фуқаролари билан умумий асосларда жавобгар бўладилар.

Мамлакатимизда бўлиш Қоидаларини бузган чет эллик фуқаролар Қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Бундай жавобгарликка тортиш ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар асосида яшаётган белгилаб қўйилган рийхатдан ўтиш ёки прописка ёхуд мамлакатда юриш тартибига риоя этмаётган, ўзлари учун белгилаб қўйилган яшаш муддати тамом бўлгач, мамлакатдан чиқиб кетишдан бўйин товлаётган, шунингдек мамлакатимиз орқали тўхтосиз ўтиб кетиши қоидаларига риоя қиласаётган чет эллик фуқароларга тегишлидир.

Чет элликларнинг ҳуқуқий мавқеи тўғрисидаги қонунларни бузган чет эллик фуқароларнинг ўзбекистонда туриш муддати қисқартирилиши мумкин.

Ниҳоят, ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юбориш каби маъмурий жазо фақат чет эллик фуқароларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Мамлакатда турган чет эллик фуқароларга нисбатан кўриладиган бундай чоралар бошқа давлатларда ҳам мавжуд.

Худди ўзбекистонлик фуқаролар каби ўзбекистон ҳудудида турган чет эллик фуқаролар ҳам ҳар қандай жиноятларни содир эттанлари тақдирда жиноят кодекс мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ўзбекистонда бўлиш Қоидаларини қасдан бузган ва шу қоида бузишлар учун маъмурий жазоларга тортилган (яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар асосида яшаганлик, мамлакатда юриш қоидаларига риоя этмаслик, белгилангани яшаш муддати тугагач, мамлакатдан чиқиб кетишдан бўйин товлаш ва бошқа қоидабузарликлар) чет эллик фуқаролар ҳам жиноий жавобгар бўладилар.

Шуни маҳсус таъкидлаш керакки, «Ўзбекистонда чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеи тўғрисида»ги Қонунинг ва уларнинг мамлакатда бўлиши Қоидаларининг бажарилиши учун ушбу чет элликни мамлакатта таклиф қилган ўзбекистон ташкилотлари ҳам масъулдирлар.

Шу сабабли, маъмурий ва бошқача жавобгар бўлишга йўл қўймаслик учун ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотлари

чет эллик фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз вақтида тушунтирилишини, шунингдек улар билан муносабатларда ҳуқуқий нормалар аниқ бажаришни таъминлашлари керак. Бундан ташқари, мамлакатда бўлиш қоидаларга мувофиқ, Ўзбекистоннинг қабул қилувчи ташкилотлари чет элликларга Ўзбекистонда бўлиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилиши, уларнинг мамлакатда юриши ҳамда белгиланган муддат тамом бўлгач, ундан чиқиб кетиши учун жавобгардирлар.

Бошқа давлатларнинг чет эл фуқаролари ҳуқуқий мавқеини тартибга солувчи қонунларида айрим турдаги қонунбузарликлар учун аинча қаттиқ жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Агар чет эл фуқароси Австрия чегараларини визасиз кесиб ўтиш ҳуқуқига эга бўлмаса ва унинг ҳудудига визасиз кирса, қонунни бузган киши ҳақидаги маълумотлар компьютер маълумотлар банкига киритиб қўйилади ва кейинги гадда легал йўл билан мамлакатта кира олмайди. Италияда визаси йўқ чет эллик фуқаро ушлангудек бўлса, қонунни бузган кипни полиция участкасига олиб борилади ва жиноятнинг оғирлигига қараб жарима ёки қамоқ жазоси билан жазоланади. Қонунбузар мажбурий тарзда мамлакатдан чиқариб юборилади ва унга уч—ён йил мобайнида мамлакатта кириш ташқилланади. Бенилюкс мамлакатларида қонунбузар мамлакатдан чиқариб юборилади, жиддийроқ ҳолларда унинг уч—ён йил мобайнида ёки умрбод мамлакатта кириши тақиқлаб қўйилиши мумкин. Италияда қонунбузар мамлакатдан чиқариб юборилади ва унинг бу ерга келиши умрбод тақиқлаб қўйилади. Францияде қонунбузарнинг паспортига штамп босилади ва ўн йилгача мамлакатта кириши тақиқланади. Норвегияда қонунбузар судга қадар қамоқда сақланади, шундан кейин суд жарима суммасини белгилайди, у мамлакатдан чиқариб юборилади ва унга кириш бир умрга тақиқлаб қўйилади. Швейцарияда қонунбузар чиқариб юборилади ва агар мамлакатда бўлган вақтида жиноят содир қилган бўлса, унинг бу ерга келиши умрбод тақиқлаб қўйилади. Германияда қонунбузардан немис визаси учун ҳақ тўлаш талаб қилинади, сўнгра у келган мамлакатига чиқариб юборилади, бу одам ҳақидаги маълумотлар компьютерга киритилади ва улар кейинчалик виза беришни рад этиши учун асос бўлиши мумкин. Швеция ва Финляндияда қонунбузарларга жарима солинади ва улар мамлакатдан чиқариб юборилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Чет эллик фуқаролар ким.
2. Чет эллик фуқароларнинг хуқуқий режимини қандай принциплар белгилайди.
3. Ўзбекистоннинг чет элдаги консуллик муассалари қандай вазифаларни бажаради.
4. Чет эл фуқаросини мамлакатимизга киришига қандай сабаблар түсқин бўла олади.
5. Виза олиш тартиби қандай босқичлардан иборат?
6. Ўзбекистон ТИВ Консуллик Бошқармасида рўйхатдан ўтиш шартлари нималардан иборат.
7. Чет эл фирмасига жўнатилидиган таклифларни қайси мутасадди ташкилот билан келишилади.
8. Чет эл фуқароси бизнинг мамлакатимизга виза олиши учун қандай хўжжатлар тақдим этиши зарур.
9. Хориж мамлакатларида визаси бўлмаган фуқаросин қандай ноҳушликлар кутиши мумкин.

2-МАВЗУ. ХОРИЖИЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

1. Амалий протокол ва этикет тушунчаси.
2. Чет эл делегацияларини қабул қилишининг протокол масалалари.
3. Саломлашиш ва танишишириш.
4. Автомобилларга ўтқазиш.
5. Музокаралар олиб боришининг протокол билан боғлиқ жиҳатлари.
6. Амалий ҳакор излаш ва уни текшириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий – қонуний ҳужжатлар. Ўзбекистон. Т. 1995. №3 – 15 – Бет.
2. «Хорижий инвестициялар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. (1998й. 30 апрел.)
3. «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини муховаза қилиш вакафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. (1998й. 30 апрел.)

4. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўқрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. (1999й. 14 апрел.)
5. Т. И. Холопова, М. М. Лебедева. Протокол и этикет для деловых людей. М., «Аникл» 1994 й. 6-7-боб.
6. Жен Лгер. «Деловой этикет», М.: «Жон Уэйли энд Санс», 1994 й.
7. Фишер Р., Юри У. «Путь к согласию или переговоры без поражений», инглизчадан таржима. М.: «Наука», 1990 й.

1. Амалий протокол ва этикет тушунчаси

Шундай қилиб, қонунинг ҳамма талабларини бажариб ва бунда бир талай бюрократик расмиятчиликларни енгиб, чет эллик ўз ҳамкоримизни мамлакатта таклиф қилишга муваффиқ бўлдик. Учрашувга тайёрланар эканмиз, ўзимизга мана бундай савол берамиз: чет эллик фуқаро билан амалий ва кундалик мулоқот қилишнинг бирон – бир алоҳида хулқ – автор қоидалари борми? Гарчи бу соҳада ҳеч қандай юридик меъёrlар бўлmasa – да, бу ҳол мулоқот пайтида ўзимизни тамомила эркин ҳис қилишимиз мимкин эканligини англатмайди.

Халқаро муносабатларнинг кўп асрлик ривожланиш тажрибаси турли мамлакатлар вакиллари ўртасида энг муҳим асосий мулоқот қоидаларини ишлаб чиқиш имконини берди. Бу қоидалар дипломатия протоколи ва этикетда ҳаммадан кўпроқ жамланган.

Дипломатия протоколи алоҳида рол ўйнашига шу нарса сабаб бўлдики, кўп йиллар мобайнида халқаро муносабатлар асосан давлатлар ўртасида ривожланиб келди ва бунда протоколга амал қиласлик жиддий сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди.

Халқаро иқтисодий алоқалар кенг ривожланиб, халқаро жараёнига борган сари кўп одам – амалиётчilar дунёсининг вакиллари қўшилган сари дипломатия протоколининг қатъий ғқоидалари улар орасида ҳам қўлланила бошлиди. Шундай қилиб, амалий протокол ва этикетнинг ҳамма эътироф этган foят муҳим меъёrlарига дипломатия протоколи ва этикетнинг асосий қоидалари асос қилиб олиниди.

Энг аввало, дипломатия протоколи тушунчасининг ўзига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Агар давлатлар ва уларнинг вакиллари ўзаро муносабатларнинг умумий асосий қоидаларига риоя қиласалар

эди, улар ўртасида нормал муроқот бўлмасди. Бу қоидалар қўйидагилардан иборат:

- суверенитетни;
- тенгликни;
- ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш;
- бир - бирларининг ички ишларига аралашмаслик.

Шу муносабат билан мана бундай саволлар туғилади: давлатлар ўз обрўлари ва миллий қадр - қимматларига зарар келтирилган ҳолда чет давлатлар вакиллари билан қай усуlda ва қандай шаклда муроқот қилишлари керак? Бошқа давлатта нисбатан ўз ҳурматини қандай намойиш этиш керак? Дипломатия протоколи ана шу саволларга жавоб беради.

Дипломатия протоколи - ҳукуматлар, таңқи ишлар идоралари, дипломатия ваколатхоналари, дипломатия ходимлари ва бошқа расмий шахслар ҳалқаро муроқотда амал қиласидан умумий қоидалар, анъаналар ва расм - русумлар мажмуидир.

Дипломатия протоколи ўз вазифасига кўра ҳалқаро категория. Унинг асосий меъёrlарига ҳамма давлатлар озми - кўпми бир хил риоя этишлари керак. Лекин ҳар қайси давлатнинг дипломатия протоколи ўз миллий хусусиятларига эта бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда янги давлатларни тан олиш, дипломатия алоқалари ўрнатиш, дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқларини тайинлаш, ишонч ёрлиқларини топшириш, дипломатия ташрифларини амалга ошириш, сұхбат ва музокаралар ўтказиш, дипломатия ва шахсий ёзишмалар олиб бориш, шартнома ва битимларни имзолаш, дипломатия қабулларини ташкил этиш, расмий делегацияларни кутиб олиш ва кузатишни ташкил этиш, ҳалқаро кенгашлар ва конференциялар чақириш, турли байрамлар ва матам меросимларини низонлаш вақтида дипломатия протоколи меъёrlарига қаъий риоя қилиш шарт.

Дипломатия протоколи қоидалари тизими, мамлакат ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг қанчалигидан, сиёсий таъсири ва иқтисодий қудратидан қатъи назар, давлатларнинг суверен тенглигидан иборат ҳамма эътироф этган ҳалқаро ҳуқуқий принципга асосланган.

Давлат суверенитети давлат байробига ҳурмат кўрсатиш, мадҳияни ижро этиш ва шу каби нормаларда ўз ифодасини топади.

Давлатларнинг тенгҳуқуқлилиги принципи дипломатларни улар борган мамлакатнинг энг юқори шахсига таништириш навбатида, делегацияларни ҳалқаро конференцияларда,

дипломатияларни дипломатия қабулларида ўтказишида намоён бўлади.

Дипломатия протоколи нормалари асосан халқаро хушмумалалик принципларига таянади. Гарчи, бу принцип мажбурий юридик кучга эга бўлмаса – да, шунга қарамай дипломатлар унинг нормаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга, дипломатия протоколи жуда мослашувчан. Халқаро амалиётда ҳамма қабул қиласан нормалар доирасида унда анча катта чекинишлар бўлиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатига қараб, қандай сиёсий вазифалар қўйилганига қараб, протокол қоидаларга ҳар хил тус бериш учун (кўпроқ ёки камроқ тантанаворлик; расмий маросимларда иштирокэтувчилар сонини кўпайтириш ёки қисқартириш; улардаги вакиллик даражасини кўтариш ёки пасайтириш ва бошқалар учун) ҳамиша имкон топилади.

Лекин шуни унугмаслик керакки, қарор топган анъанадан, нормалардан ҳар қандай чекинишга эътибор берилади ва у тегишлича талқин қилинади.

Масалаи, Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг 1992 йил февралида Австралияга расмий ташрифи чоғида протоколдан четта чиқишига йўл қўйилди. Бу ҳол қироличанинг ташрифдан кўнгли хира бўлишига олиб келди ва унга кўрсатилган қабул учун Британия фаолларида газаб тўронини кўтарди.

Австралия бош вазири Пон Китинг қабул маросимига тўпланган 800 нафардан ортиқ балад мартабали меҳмонларни таништирилар экан, афтидан, беихтиёр инглиз қироличасининг белига қўлини қўйди. Бунинг устига унинг келиб чиқиши Голландиялик бўлган хотини сарой этикети талаб қиласан риверансни бажо келтирмади, яъни ҳурмат юзасидан монархга тизза буниб салом бермади.

Бу нохуш ҳодиса эътиборсиз қолмади. Матбуот уни бутун бир жанжалга айлантириб юборди. Гап шундаки, Австралия – Англияning собиқ доминиони, сўнгра эса қўпчилик ҳолларда Англия монархи давлат бошлиғи деб ҳисобланадиган Миллатлар иттифоқига киравчи иттифоқчисидир. Австралиядагилар эса буни шубҳа остига қўйишганга ўхшайди. Тасодифан юз берган бу ҳодиса икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшиламади. Бу муносабатлар эса шундоқ ҳам яхши эмас эди.

Шундай қилиб, дипломатия протоколи қоидаларига қатъий амал қилиш давлатлар ва уларнинг вакиллари ўртасида нормал муносабат сақланишида катта рол ўйнайди.

Амалий протокол нима? Унга ҳам кутиб олиш ва кузатиши, сұхбат ва музокаралар олиб бориш, қабулларни ташкил этиш. Амалий ёзишмаларни расмийлаштыриш ва шу кабилар тартибини белгилайдиган қоидалар асос бўлади.

Шу билан бирга амалий мулоқот доирасида дипломатия протоколи қоидалари консервативлигини бирмунча йўқотди, анче эпчил ва эркин бўлиб қолди. Бироқ бу зарур ҳолларда дипломатия протоколи қоидалари амалий мулоқотда ҳам қаттиқ қўлланишини истисно этмайди ва шундай қилиш хато бўлмайди.

Чет эл фирмалари вакилларининг ташрифдан мақсади алоқа ўрнатиш имкониятларини аниқлашдан; музокаралар олиб боришидан; ҳужжатларни имзолашдан; семинарлар, ярмаркалар, кўргазмалар ташкил этиш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин.

2. Чет эл делегацияларини қабул қилишнинг протокол масалалари

Делегациянинг ташриф буюришдан мақсади, унинг шахсий таркиби ҳамда ваклат даражаси, протокол нуқтаси назаридан қараганда, энг муҳим масалалар бўлиб, делегация даражасини ва уни қабул қилиш хусусиятларини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, делегацияни қабул қилиш шакли делегациянинг келишдан кўзлаган мақсадига ва унинг бошлиттининг мартабасига боғлиқ.

Делегациянинг мамлакатда бўлиши дастурини тайёрланаш.

Чет эл делегацияси келгунига қадар уни қабул қилувчи томон делегация мамлакатда бўлишининг 2 та ладастурини ишлаб чиқиши керак. Булар:

- меҳмонларга мўлжалланган умумий дастур;
- қабул қилувчи томон, манфаатдор шахслар ва ташкилотлар учун зарур бўлган техник тафсилотларни ўз ичига оладиган муфассал дастур.

Умумий дастур қўйидаги масалаларга доир ахборотни ўз ичига олади:

1. Делегацияни кутиб олиш.
2. Дастурнинг амалий қисми (музокаралар, учрашувлар, сұхбатлар).
3. Қабуллар (нонушта, тушлик ва ҳ.к.).
4. Маданий дастур.
5. Мамлакат бўйлаб сафар.
6. Делегацияни кузатиши.

Муфассал дастурга келсак, режа барбод бўлиши ва янглишишларга йўл қўймаслик учун унда чет эл делегациясини қабул қилиш билан боғлиқ ҳамма ташкилий масалаларини акс эттириш керак. Хусусан, делегацияни кутиб олиш қабул қилувчи томондан қўйидаги масалаларни ишлаб чиқишини талаб қиласди:

- кутиб олувчиларнинг шахсий таркиби;
- матбуот, радио, телевидение вакилларининг (агар зарур бўлса) иштирок этиши;
- гуллар тақдим этиш;
- табрик нутқлари;
- транспорт билан таъминлаш;
- меҳмонхонага жойлаштириш ва шу кабилар.

Муфассал дастурнинг ҳар бир банди батафсил ишлаб чиқиб, масъул ижрочиларни албатта кўрсатишни талаб қиласди.

Агар делегация бошлиги рафиқаси билан келаётган бўлса, қабул қилувчи томон меҳмонининг рафиқаси ва меҳмонни кузатиб юрувчиларнинг рафиқалари учун маҳсус дастур ёки умумий дастурда алоҳида тадбирларни назарда тутиши керак.

Дастурни ишлаб чиқиш вақтида шуни ҳисобга олиш керакки, ташриф иш юзасидан амалий руҳда бўлишига қарамай, делегация мамлакатда бўлган вақтида қабул қилувчилар томонидан ҳам, меҳмонлар томонидан ҳам иорасмий учрашувлар ташкил этилиши одат бўлган. Ана шундай учрашувни биринчи бўлиб қабул қилувчи томон ташкил этади.

Учрашув ресторонда ташкил этилса, оркестрдан, кириш эшикларидан, хизмат биноларидан узоқроқдаги столни танлаб олиш керак. Бундай учрашувларни одатда меҳмонлар овқатланадиган ресторанда ҳам ўтказмаслик керак.

Меҳмонлар ҳам бизнинг делегациямиз учун жавоб учрашувни ташкил этиш имкониятидан фойдалана олишлари учун дастурда битта бўши кегани режалаштириш зарур.

Ҳар кунги дастурда иккинчи нонушта ва шахсий ишлар учун бўш вақт қолдириш фойдали бўлади.

Қисқа муддатли ташриф билан 2–3 кунга келаётган делегацияларни иш ҳафтасида қабул қилиб, шанба ва якшанба кунларига мўлжалламаган яхшироқ, акс ҳолда дам олиш кунлари учун ҳам дастур мўлжаллаш керак бўлади.

Фарб давлатлари пойтахтларида кечки сайдлар ташкил этиш удум бўлган. Бизнинг шаҳарларимизда кечқурун сайд этишининг иложи йўқ. Шу сабабли чет элликларни ўз шаҳримизга таклиф қилган вақтимизда уларни кечқурунлари нима билан машгул қилишини ўйлаб қўйини мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргә дастур түзгән вақтда қабул қылувчи ташкилотнинг эътибори делегация ташрифидан кўзланган мақсадга (музокаралар, учрашувлар, сұхбатлар ва шу кабилар) қаратилимоги керак, албатта. Дастурдаги энг асосий нарса – унинг мувозанатлигидир. Бир томондан у делегация аъзоларининг профессионал қизиқишиларини қондириши, иккинч томондан эса умумий маълумот берадиган бўлиши ҳам керак.

ДЕЛЕГАЦИЯНИ КУТИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

Шундай қилиб, дастур тузилди, энди чет эл делегациясини кутиб олиш вақти ҳам етди. Бу ўринда ҳам баъзи протокол қоидаларига амал қилиш зарурлигини назарда тутиш керак.

Делегация бошлигини кутиб олувланинг мартабаси ва лавозими келаётган делегация бошлигининг мартабаси ва лавозимига мос бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, агар хорижий фирма бошлиғи келаётган бўлса, уни қабул қылувчи фирма бошлиғи кутиб олиши зарур.

Кутиб олиш учун одатда кутиб олувлечи делегация бошлиғи 2–3 киши ҳамроҳлигига келади. Агар меҳмон рафиқаси билан биргә келаётган бўлса, уни бизнинг делегациямиз бошлиғи ҳам ўз рафиқаси билан кутиб олади.

3. Саломлашиш ва танишиш

Биринчи бўлиб қабул қылувчи делегация бошлиғи ўзини таништиради. Агар у билан биргә рафиқаси ҳам меҳмоннинг рафиқасини кутиб олиш учун келган бўлса, делегация бошлиғи уни ҳам таништиради.

Иккинчи бўлиб меҳмон – хорижий фирма бошлиғи ўзини ва ўз рафиқасини таништиради.

Шундан кейин қабул қылувчи делегация бошлиғи меҳмонларни кутиб олиш учун келган ўз ходисмлари делегация аъзоларини мартабаларига қараб (юқоридан пастга) таништиради. Агар кутиб олувлilar орасида аёллар бўлса, биринчи навбатда улар таништирилади. Агар аёллар бир неча нафар бўлса, улар мартабаларига қараб, шундан кейин эса эркаклар ҳам мартабаларига қараб таништирилади.

Сўнгра келган делегация бошлиғи ҳам шу тартибда ўз делегацияси аъзоларини таништиради.

Қабул қиталувчи томон бошлиғи делегацияни аэропортда ёки вокзалда кутиб олар экан, делегация таркибига кирган ёки делегация аъзолари билан биргә келган ҳамма хонимларга туллар тақдим этиши керак. Аэропортда ёки вокзалда кутиб олиш ёки

кузатиши пайтида гулларни целлофанга ўралаган ҳолда тақдим этиш ўринли бўлади.

Равшанки, илиқ кутиб олиш ва хайрлашиш — одамлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим усбури бўлиб, у иш жараёнида дўстона вазият тутилишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам фирмага таклиф бўйича ёки унинг фаолияти билан танишиш учун келаётган чет эллик меҳмонларни фирма бошлиги кутиб олиши, кузатиши ва тантанали қабул маросимида қўтлаши керак. Қолган вақтда меҳмонлар билан фирманинг бошқа ходимлари машғул бўлиши мумкин.

Эркаклар гул тақдим этмайдилар. Юбилейлар бундан мустасно.

Дунёда саломлашиш усуслари жуда ҳам хилма-хил. Масалан, Янги Зеландияда яшайдиган маори қабилалари бир-бирларига салом берганида бурунларини текказиб олишади. Тибет аҳолисида мана бундай одат бор: улар саломлашганда ўнг қўллари билан бош кейимларини ечадилар, чап қўлларини эса қулоқ орқасига олиб бориб, тилларини чиқаришади. Японияда саломлашиш мақсадида таъзим қилишининг уч тури бор. Булар — икки букилиб салом бериш, 30' букилиб ўртача салом бериш ва 15' букилиб енгил саломлашиш. Европаликлар одатда чап қўллари билан шлячталарини бир оз кўтариб қўядилар ва енгилгина этилиб қўядилар. Берет, тўқилган ва мўйна шапкалар бу ҳисобга кирмайди.

Лекин, миллӣ одатлар қанча хилма-хил бўлмасин, халқаро саломлашиш этикети аслини олганда бир хил бўлиб, қўйидаги қоидаларга асосланади:

— эркак аёла биринчи ъбўлиб салом беради, аммо Англияда бундай имтиёз берилган;

— ёшлар биринчи бўлиб ўзларидан каттага салом беришади. Ёш аёл ўзидан катта аёлга, шунингдек ўзидан анча катта эркакка биринчи бўлиб салом беради;

— мансаби кичикроқ киши мансаби каттароққа салом беради. Делегация аъзоси ўз делегацияси ва чет эл делегациясининг раҳбарига биринчи бўлиб салом беради.

Сизга салом беришларини кутиб турманг, айрим чет мамлакатлар армияларининг Уставларида ёзиб қўйилган қоидага амал қилган яхши: бир хил унвонли икки офицердан қайси бири ҳушмуомала ва яхши тарбия кўрган бўлса, ўшениси биринчи бўлиб саломлашади.

Агар аёл эркакдан ўзига кетаётган, турган ёки ўтирган бир турӯҳ одамлар ёнидан ўтиб кетаётган ёхуд уларга қўшилаётган бўлса, биринчи бўлиб эркакка салом беради.

Таништириш ёки танишишнинг ўзига келсак, бунда ҳам маълум тартиб – қоида бор. Илгари нотаниш бўлган, янги келган одамни – тўплангандарга, эркакни – аёлга, учкалик машҳур бўлмаган одамни – ўзидан кўра ҳурматлироқ одамга (хизмат мавқеига мувофиқ ва ҳ. к.) таништирадилар.

Ёши катта одамларни таништирган вақтда, одатда, уларнинг унвон ва мартабалари айтилади. Расмий маросимда ҳозир бўлганларни таништириш чоғида ҳам шундай қилинади.

Таништириш вақтида миннатдорчилик билдирилмайди, балки одамлар бир – бирларига салом берадилар ва қўл олишадилар. Эркакларга доим, аёлларга эса – иккала томоннинг розилиги билан шундай қилиш тавсия этилади.

Эркак киши аёлга таништирилганида биринчи бўлиб аёл қўл узатади. Ёши анча катта одамлар ҳам шундай қилишади. Ёши катта аёл ёшроқ аёлга, раҳбар тобеига қўл узатади ва ҳоказо. Агар эр – хотинлар учрашаётган бўлишса, аввал аёллар бир – бирлари билан саломлашишади, сўнгра эркаклар аёлларга салом беришади ва шундан кейингина эркаклар ўзаро саломлашишади. Эр – хотинга биринчи бўлиб аёл таништирилади.

Агар қўл бериб саломлашиладиган бўлса, эркак киши саломлашган вақтида ҳамма ҳолатларда ҳам ўнг қўлидаги қулқопни ечиши керак, аёл эса қўлида тўқилган қўлқоп ёки қалин муйна қўлқоп бўлсагина шундай қиласди. Агар учрашув пайтида икки аёлнинг бири қўл олиши учун қўлқопини ечса, бошқаси ҳам унга эргашиши керак.

Аёлларнинг қўлини ўшиш одатига келсак, ҳозир кўпгина мамлакатларда бу одатга деярли амал қилинмайди. Бу одат хусусан полякларда сақланиб қолган. Улар қўлини ўшиш аёлга алоҳида ҳурмат рамзи бўлиб, учрашувга тантанали руҳ бағишлайди, деб ҳисоблашади. Австрияда фақат жуда тантанали ҳоллардагина аёл қўлини ўшишади.

Дунёning кўпчилик мамлакатларида бўлганидек, бизнинг мамлакатимизда ҳам фақат эрли аёлларнинг қўлини фақат тантанали вазиятдагина ўшин расм бўлган. Шу билан бирга бу ҳаракат фақат ёпиқ бинолардагина ўринли бўлишини назарда тутиш керак. Агар сиз шу усуlda саломлашишга қарор қилган бўлсангиз, у ҳолда олдинга бир оз эчилган ҳолда хонимнинг қўлини лабрингизга олиб келингда, қўлнинг устки томонини тез ўнинг, бунда – баъзан ҳатто лабларингиз тегар – тегмаз даражада бўлиши керак. Турган гапки, ўпаётган пайтингизда аёлга қараб турган бўлишингиз керак.

МУРОЖААТ. Дипломатия протоколи ва этикет давлат бошлиқлари, вазирлар, элчиларга мурожаат қилиш қоидаларини аниқ белгилаб қўяди.

Фарбий Европа мамлакатларида бир—бирларига мурожаат қилганда киши номига унинг унвони ёки лавозимини қўшиб айтиш одат бўлган: профессор Мориарти, доктор Ватсон ва ҳ. К. Шу билан бирга бизнинг мамлакатимиздан фарқли ўлароқ, «доктор» ёки «профессор» каби унвонлар фақат шу шахснинг ижодий касб кишиси эканлигини англатиши мумкин. Ўҳша шахсда шундай унвон ҳақиқатан бор бўлиши асло шарт эмас. Австрияда тиббиёт ходимлари, фан докторлари, актерлар, мусиқачиларга «жаноб доктор» дега мурожаат қилинади. АҚШ ва Англияда ҳар қандай ўқитувчини профессор дейишлари мумкин. Кўпчилик мамлакатларда одамларга мурожаат қилганда уларнинг фамилиясини айтмаслик мумкин: жаноб мэр, жаноб доктор. Германия бундан мустасио бўлиб, у ерда ҳатто шундай ҳолларда ҳам барибир фамилияси қўшиб айтилади: герр доктор Шульц. Аёлларни эрларининг унвони бўйича аташлари мумкин. Австрияда «фрау профессор» деган ибора бу аёлнинг эри университет ўқитувчиси деган маънони англатиши мумкин.

4. Автомобилларга ўтказиши

Шундай қилиб, меҳмон кутувчилар ва меҳмонлар бир—бирлари билан танишиб ва саломлашиб бўлганларидан кейин автомобилларга ўтирадилар ва келган делегация яшайдиган жойга жўнайдилар.

Халқаро протокол амалиётида автомобиллардаги жойлар фахрли ва ҳурматли жойларга бўлинади.

Юриб кетаётган автомобил орқа ўриндинининг ўнг томонидаги жой биринчи фахрли жой ҳисобланади.

Машина келиб тўхтаганида унинг ўнг томондаги эшиги йўлкага қараб туриши керак. Биринчи бўлиб энг фахрли жойни эгаллайдиган йўловчи машинага ўтиради ва ундан чиқади.

Агар меҳмон рафиқаси билан келган бўлса, улар автомобилларга қўйидаги тарзда ўтказилади (2—расм).

Агар меҳмонлар кўп ўринли машиналарга ўтказилса, бу иш 3—расмда кўрсатилганидек бажарилади.

Агар автомобилга яна бир йўловчи ўтириши керак бўлса, у иккита асосий йўловчи ўртасидан жой олади (4—расм).

Йигма ўриндиқли кўп ўринли автоманинада жойлар 5—расмдагидек тақсимланади.

Бирон – бир маросимга борилганида, қоида тариқасида, автомобилларнинг фақат орқа ўриндаги эгалланади. Агар автомашинага яна бир йўловчи ўтиrsa, у ё йигма ўридикини эгаллайди ёки фахрли жойда ўтирган кишига машина юриб кетаётганида ёки ундан чиқаётганда халақит қиласлик учун икки шарафли шахс ўртасидан жой олади (б – расмга қаранг).

Агар шароит автомобилнинг ўнг томони билан йўлкага келиб тўхташига имкон бермаса, энг фахрли жойни эгаллайдиган йўловчи чап эшикдан ўтиради, қолганлар ҳам чап эшикдан ўтиришиади. Манзилга етиб боргач, втомобил ўнг томондан чиқиш мумкин бўладиган тарзда тўхтатилади.

Транспорт сифатида таксидан фойдаланилган ҳолларда фахрли меҳмонга ҳайдовчининг ўнг томонидаги олдинги ойни таклиф қилиш протоколни бузиш ҳисобланади. Бордию, транспорт сифатида шахсий автомобилдан фойдаланилса ва ҳайдовчи кутиб олишга чиқсан делегация аъзоси бўлса, унинг ёнидаги жой меҳмонлар учун энг фахрли жой бўлади.

Меҳмонларингиз автомобилга ўтиришидан ёки ундан чиқишидан олдин уларга эшикни очиб бериш, сўнгра эса улар кетидан эшикни ёпиб қўйиш керак. Бу мажбурият кутишга чиқсан делегация аъзолари зиммасида бўлади ва меҳмонлар автомобилларга қандай ўтқазилишига қараб, ҳайдовчи, таржимон, кузатувчи шахслардан бирининг зиммасида бўлиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб биз меҳмонларингиз ташриф вақтида яшайдиган меҳмонхонага етиб келдик. Меҳмонлар учун меҳмонхонага жой буюрган вақтда қанча эркак, қанча аёл келиши кутилаёттанилиги, улар орасида эр – хотинлар борлиги билан олдиндан қизиқиш керак бўлади. Шунингдек номер учун ким – таклиф қилаёттан томон ёки меҳмонларнинг ўзлари – ҳақ тўлаши масаласини олдиндан ҳал қилиб қўйиш керак. Агар меҳмонхонада кўнгил очиш хизмати бўлса, кўнгил очиш муассасасига чипталар сотиб олиш ҳам шу тариқа ҳал қилинади.

Энди, ҳушмуомала мезбонлар сифатида биз меҳмонларни жойлаштириш нормал кечаеттанига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Лекин буни одоб билан амалга ошириш йўли қандай?

Меҳмонларни меҳмонхона эшигига қолдириб кетиш ҳурматсизлик бўлади – тўсаттан ҳужжатларни расмийлаштириш пайтида биро – бир масала туғилиб қолсачи?

Меҳмонларни уларга ажратилган номерлар эшигигача ку – затиб бориш ҳам ноқулай, чунки шундай қилсангиз, меҳмондўст одам сизни бир пиёла чой ёки кофега таклиф қилишга мажбур бўлади, холбуки ҳозир у бунга мутлақо тайёр эмас.

Энг яхшиси меҳмонлар билан лутфан ташриф буюриш (протокол ташриф) ҳақида келишиб олиб, меҳмонхона вестибюлида хайрлашган маъқула.

1	2
3	шофер

1	2
3	шофер

1'	2'
3'	шофер

1 – расм; 1 – чет зал делегацияси бошлиги;

2 – кутиб олуви ч делегация бошлиги;

3 – таржимон

2 – расм; 1 – чет зал делегацияси бошлиги;

2 – бизнинг делегациямиз бошлиги;

3 – таржимон

1' – чет зал делегацияси бошлигининг рафиқаси;

2' – бизнинг делегациямиз бошлигининг рафиқаси;

3' – таржимон.

1	3	2
4		5
6	шофер	

3 – расм

1'	3'	2'
4'		5'
6'	шофер	

4 – расм

1	2
3	4

5 – расм

1	3	2
		4
	шофер	

6 – расм

ЛУТФАН ТАШРИФ БЮОРИШ

Қабул қилинган умумий амалиётта мувофиқ фахрий меҳмон (келган делегация бошлиги) ўз ташрифининг амалий қисмини бошлашдан олдин мезбон томога лутфан ташриф буюради. Бу ташриф меҳмонни келган вақтида кутиб олганлик учун жавоб тариқасида амалга оширилади. Протокол ташрифнинг зарурлиги шу билан изоҳланадики, делегация бошлиқлари сарф дастурини яна бир бор аниқлаштириб олишлари, агар зарур бўлса, унга тузатишлар киритишлари керак.

Учрашувнинг аниқ вақти ва жойини узил – кесил танлаш ҳуқуқи меҳмонлар ихтиёрида бўлади. Одатда бундай учрашувлар мезбон ташкилот биносида ўтади.

Белгиланган вақтда меҳмонни вестибюолда котиб ёки ёрдамчи кутиб олиб, муассаса раҳбари ҳузурига кузатиб боради. Мезбон ташкилот раҳбарлари камдан – кам холларда, жуда

фаҳрли меҳмонлар келган тақдирдагина уларни шахсан ўзи кутиб олиши мумкин.

Раҳбар хонасида меҳмонларни қабул қилиш учун маҳсус ажратилған жой бўлгани маъқул. Журнал столчаси теварагида диван ва юмшоқ курсилар бўлиши меҳмонларни протокол талабларига мувофиқ ўтқазиш имконини беради. Меҳмон учун шарафли жой дивандир. Мезбон диванинг чап томонида турган курсига ўтиради. Бунда меҳмон мезбоннинг ўнг қўл тарафида бўлиши керак. Агар меҳмон ва уни қабул қилувчи шахс биргаликда диванга ўтирасалар, бунда ҳам меҳмон мезбоннинг ўнг қўли тарафда ўтириши керак (7 – расмга қаранг). Кабинет эгаси ўтирганидан кейингина меҳмон ҳам ўтиради. Агар меҳмон хоним билан бирга бўлса, дивандаги энг шарафли жойда – меҳмоннинг чап қўли томонида асосий меҳмон ўтиради. Таржимон хоҳлаган жойига ўтиради. Меҳмонларни ёзув столи олдида ёки стол бошида ўтирган ҳолда қабул қилиш, шунингдек уларни кўчанинг қуёшли томонига очиладиган даразалар қаршисига ўтқазиш мумкин эмас. Бу ҳол тарафларнинг муайян тенгсизлиги мұхитини туғдиради ва ҳурматсизлик белгиси деб баҳоланишият мумкин.


5. Музокаралар олиб боришнинг протокол билан боғлиқ жиҳатлари

ДБ – делегация бошлиғи


Т – Таржимон



Расм 8.



Расм 9.



Расм 11.

Расм 10.

Музокаралар энг аввало ҳамкор билан биргаликда иккала тарафни қизиқтираёттан мұаммони муҳокама қилиш ва ўзаро фойдалы қарорға келиш учун зарур. Музокараларни тайёрлаш ва олиб бориш чөнідә протокол руҳидаги бир қатор мұаммолар туғилади. Музокараларнинг муваффақиятли бориши ҳам, уларда қабул қилинадиган қарорларнинг келажаги ҳам шу мұаммоларға түгри ёндошишта болғып бўлади.

Маълумки, музокаралар жараёни уч асосий босқицдан иборат.

Булар:

- музокаралар тайёрланиш;
- музокаралар олиб бориш жараёни;
- музокаралар натижаларини таҳлил қилиш ва эришилган келишувларни бажариш.

Протокол масалаларини ҳал қилиш зарурати асосан биринчи босқицда — музокараларга тайёрланиш, жараёнида ёнида туғилади. Бунда делегация тузилади, музокара олиб бориш жойи ва вақти белгиланади, зарур бино тайёрланади ва ҳ.к.

Делегацияни тузиш унинг миқдор ва шахсий таркибини аниқлашни, шунингдек делегация бошлигини тайинлашни талаб қилади. Фирма раҳбарияти муассасанинг музокараларда қатнашадиган ва музокараларни олиб борадиган ходимлари рўйхатини тузади. Ана шу шахслардан кейинчалик делегация тузилади. Икки томонлама музокаралардаги делегацияни тузиш вақтида, қоида тарзида, уларнинг миқдор таркиби таҳминан тенг бўлишига асосланилади. Тенглик принципи музокаралардаги вакиллик даражасига ҳам тааллуқидир.

Музакараларни қайси тилда олиб бориш тарафлар келишувига мувофиқ аниқланади. Музокаралар тарафлардан бирининг тилида ҳам, учинчи тараф тилида ҳам олиб борилиши мумкин.

Музокаралар олиб бориш жойи ва вақтини белгилаш. Учрашув жойи ва вақти унинг иштирокчиларининг ўзаро келишуви билан белгиланади. Бунда тарафлардан биронтаси ҳам учрашув жойи ва вақти ҳақидаги ўз таклифини иккинчи тарафга зўрлаб қабул қилдирмаслиги керак. Айниқса бу гап учрашув ташаббускорига тегишли бўлиб, у гарчи ўзи учун қулай бўлган учрашув жойи ва вақтини оғир ботмайдиган қилиб билдириши мумкин бўлса — да, бу масалани узил — кесил ҳал қилишни таклиф этилган тарафга қўйиб бериш керак.

Музокаралар вақти ўзгарган ёки улар бошқа кунга кўчирилган тақдирда уларнинг ҳамма иштирокчиларини бундан хабардор қилиб қўйиш керак.

Учрашув жойи қатнашчилардан бирининг хизмат биноси ёки бетараф ҳудуд бўлиши мумкин.

Тарафлар тайёргарлик кўра олишлари, зарур ҳужжатларни тўплай олишлари ва ўрганишлари учун учрашув мавзуини олдиндан келишиб олиш маъқул.

БИНОНИ ТАЙЁРЛАШ

Учрашувларни, айеңса расмий вакиллар билан учрашувларни маҳсус тайёрланган биноларда ўтқазиш мақсадга мувофиқ.

Столларда ҳеч қандай ортиқча ҳужжатлар бўлмаслиги керак. Уларда блокнотлар, қалам, гутурт, сигаретлар, улдонлар (агар бу бинода чекишига рухсат этилади деб ҳисобланса), маъданли сув солинган шишалар ва фужерлар (тўнкариб қўйилади – бу улар ишлатилмаганинг белгиси) туриши мумкин. Бундан ташқари, столларга пастак гулдонларда гул қўйилиши мумкин. Столнинг шаклига қараб уларни столнинг марказига ёки четларига қўйиш мумкин.

Чет эл делегациясини фирма йўлагида, вестибиюlda кутиб оловчи одам қабул қилувчи делегация аъзоси бўлмаслигим керак. У протокол бўлимининг ходими, муассаса котиби ва шу каби вазифадаги ходим бўлиши мумкин. У делегацияни музокаралар ўтадиган бинога қадар кузатиб боради. Қабул қилувчи делегациянинг ўзи бу бинода тўлиқ таркибда бўлади.

Агар музокаралар узоқ вақт давом этса, танаффус пайтида меҳмонларга чой, кофе, бутерброд, мева ва шу кабилар мумкин. Меҳмонларни алоҳида хонада сийлаш мақсадга мувофиқ. Бундай имконият бўлмаса, неъматлар музокара юритилаётган хонага олиб кирилади. Неъматлар шахсан делегациялар бошлиқлари олдигагина қўйилади. Қолганлар ўз – ўзларига хизмат қиласидилар.

МУЗОКАРАЛАР СТОЛИ АТРОФИГА ЎТҚАЗИШ

Музокаралар олиб бориладиган стол атрофига ўтқазиш умумий қабул қилинган қоидаларга мувофиқ ва иштирокчи шахсларнинг мартабаси хизмат мавқенини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Музокаралар столи атрофига ўтқазишнинг бир неча варианти бор. Делегацияларнинг бошлиқлари стол тўрида ўтиришлапри мумкин (таржимонлар ён томонда), шундан кейин стол атрофига делегациянинг қолган аъзолари даражасига қараб жойлашадилар (8 – расм).

Кўпинча ўтқазишнинг бошқа вариантидан фойдаланилади: делегацияларнинг бошлиқлари стол ўртасида бир – бирларининг қаршисига ўтирадилар, улар ёнида таржимонлар, шундан кейин делегацияларнинг аъзолари мартабасига қароаб ўтиради (9 – расм).

Агар музокараларда уч ва ундан ортиқ тараф қатнашаётган бўлса, улар доира ёки тўғри тўрт бурчак стол атрофида соат мили бўйича алфавит тартибида ўтирадилар (10 – расм). Алфавит

тартибида навбати билан раислик қиласылар ёки биринчи мажлисда мезбон, шундан кейин эса алфавит тартибида раислик қиласылар.

Ниҳоят, меҳмонларни ўтқизишнинг яна бир варианти шуки, бунда стол теварагида фақат делегация бошлиқлари ўтиришади, улар орқасида делегацияларнинг бошқа аъзолари жой олишади. Бундай ҳолатларда «тешик кулга» тарзидаги столдан фойдаланилади, чунки музокараларда қатнашувчи томонлар кўп бўлиб, оддий доира стол атрофига жойлашишнинг иложи бўлмайди (11 – расм).

Столнинг шакли фақат протокол учунгина аҳамиятли бўлиб қолмасдан, психологияк аҳамиятта ҳам эга. Доира смтол анча эркин муҳит туғдиради. У лойиҳа устида биргаликда ишлаш учун яхши. Бироқ доира стол музокара ёки суҳбат қатнашчилари ўртасидаги мансаб фарқларини бекор қиласи, яъни делегация раҳбари билан унинг аъзолари психологик жиҳатдан гўё бир – бирларига тенглашиб қолгандек бўладилар. Доира стол атрофига ўтказганда иш майднини қатнашчилар ўртасида бир текис тақсимлаш муҳимдир.

Аю Гизнинг фикрича, квадрат стол мусобақалашини муҳитини ёки мудофаага шайланишини келтириб чиқариши мумкин. Сизнинг ўнг томонгизда ўтирган одамлар чап томонингиздагиларга қараганда ҳамкорлик қилинга кўпроқ мойил бўладилар. Рупарангизда ўтирганлар эса кўпроқ оппозиция кайфиятида бўладилар.

Тўгри тўтбурчак столдан музокаралар олиб бориш учун кўпроқ фойдаланилади. Инглиз тадқиқчиси М. Аргайл айттанидек, столнинг катта – кичикилги жуда катта аҳамиятта эга бўлиши мумкин. Стол қанча катта бўлса, музокара иштирокчилари ўртасидаги фақат жисмоний эмас, балки психологик масофа ҳам шу қадар катта бўлади, яъни рози эмасликни билдириш «йўқ» дейиш шунча осон бўлади.

СУҲБАТНИ ЁЗИБ ОЛИШ

Мавжуд қоидаларга кўра, музокаралар тутаганидан кейин маҳсус тайинланган музокара қатнашчиси ёки фирма раҳбарининг ўзи (агар унинг ёнғиз ўзи музокара олиб борган бўлса) суҳбатнинг бетафси матинини тузади. Унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади: фирма номи; мамлакати; музокаралар бошланган жой, сана, вақт; Ўзбекистон томонидан ҳам, хорижий мамлакат томонидан ҳам музокараларда қатнашганлар (фамилияси ва лавозими); муҳокама қилинган асосий масалалар; муҳокама қилинган масалалар бўйича тарафларнинг фикри; эришилган келишув ёки

келишмочиликлар бўйича томонларнинг фикри; бирон – бир ҳужжатлар ёки бу ҳужжатларнинг нусхалари топширилганлиги ҳақида ёзув.

Суҳбатни ёзив олиш катта аҳамиятта эга, чунки амалий ишда кўпинча оддиги суҳбатларнинг ёзувларидан у ёки бу масала бўйича ахборот манбай сифатида фойдаланишга тўгри келади.

Шу сабабли суҳбат ёзувини дарҳол ёки зартаси куниёқ расмийлаштириб қўйиш тавсия этилади. Бундан ташқари чет эллик шериклар билан музокараларда муҳокама қилинган масалалар бошқа идора ва ташкилотларда ҳам қизиқиш туғдириши мумкин.

РАСМИЙ ШАХСЛАР БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СЎЗЛАШИШ

Иш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун бир қанча ҳолларда расмий музокаралар олиб бориш шарт эмас. Телефон орқали ҳам келишувга эришин мумкин.

Идоралар, ташкилотлар, чет эл фирмаларининг расмий шахслари билан телефон орқали сўзлашиш шахсий суҳбатта тенглаштирилади. Агар телефон орқали сўзлашгандა амалий масалалар моҳияттан муҳокама қилинган бўлса, бу ҳақда ёзувини тузиш зарур.

Агар сўзлашув натижасида келишувга эришилган бўлса, бу ҳақда дарҳол суҳбатдошга мактуб йўллаб, унда телефон орқали эришилган келишувни тасдиқлаш ёки муҳокама қилинган масала юзасидан томонлар билдирган фикрни акс эттириш шарт.

Чет элликлар билан иш олиб борадиган Россия фирмалари ва ташкилотларида хорижий фирмалар ҳамда ваколатхоналар вакиллари билан телефон орқали сўзлашувларни қайд этиш дафтари юритилади. Уларда телефондаги сўзлашув кимнинг ташаббуси билан бўлганилиги, қанча вақт давом этганлиги, сўзлашув мазмуни ёзив қўйилади.

7. Амалий ҳамкор излаш ва уни текшириш

Амалий ҳамкор излаш ва унинг молиявий жиҳатдан ишончлилигини текшириш ўзбекистонлик тадбиркорлар учун жуда долзарбdir. Хабардорликнинг сифат жиҳатидан яхшиланиши хатар даражасини пасайтиради, қаллоблик имкониятини бартараф этади. Ахборот хом ашё етказиб берувчилар, тайёр маҳсулотни сотиб олувчиларни излашда, турли қарз олувчилар билан ишлаганда хатар даражасини баҳолашда зарур.

Агар таң чет эллик ҳамкорни излаш ҳақида борса, у ҳолда ўзбекистонлик тадбиркорнинг вазифаси янада мураккаблашади. Мамлакатда бошқа давлатлардаги ҳамкорлар ҳақида ахборот түплаш тизимий йўқ. Тараб қилинаётган ахборотни олиш учун иккита йўл бўлиши мумкин.

Биринчи йўл Ўзбекистон савдо – саноат палатасининг эзчиҳоналар, тижорат банклари иқтисод бўлимларининг ахборотини, амалий газета ва журнallардаги мақолаларни, маҳсус маълумотномалардан олинган хабарларни түплаш ва қайта ишланидан иборат. Бу сармеҳнат йўл. У кўп сонли телефон сўзлашувлари, факслар жўнатиш, кўп миқдордаги узуқ – юлуқ маълумотларни таҳлил қилиш зарурати билан боғлиқ. Шундай қилиб, амалий ахборотни түплаш ва қайта ишлан – пул ва вақт талаб қиласиган фаолиятдир.

Иккинчи йўл ахборот фирмаларининг хизматларидан фойдаланишдан иборат. Улар фирмаларининг бутун фаолияти давомидаги ҳолатини таҳлил қиласиган. Бундай фирмалар кўпдан – кўп мустақил манбалардан ахборот олишга ҳаракат қиласи. Бу эса эришилаётган натижаларнинг ишончлилигини анча оширади.

Муҳим слов туғилади: Бўлажак ҳамкор тўғрисидаги ахборот қайси пайтда керак бўлади? Бизнинг фикримизга ахборот муайян фирма билан биринчи алоқа ўрнатиш вақтига керак, яъни фирмага ҳамкорлик қилиш ҳақида таклиф юборишидан ёки олинган таклифга жавоб қайтаришдан один бу фирмада тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот түплаш керпак. Агар бу иш қилинмаса, бундан кейинги ҳамма иш (телефон орқали сўзлашиш, факслар ва хатлар жўнатиш, малакали юристлар таржимонлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар таклиф қилиш, фирманинг ўзида кўп сонли кенгашлар ташкил этиш, янги муаммоларни маҳсулот етказиб берувчилар билан муҳокама қилиш) беҳуда иш бўлиб қолиши мумкин.

Демак, ишончли ахборот музокаралар бошланишидан один керак бўлади.

Энг муҳим масала мана бу: ўзбекистонлик тадбиркорга чет эллик ҳамкор ҳақида қандай ахборот керак? Одатда янги иш бошлаётган раҳбарлар бўлажак ҳамкорнинг жорий ҳисобварафида қанча пул борлиги билан қизиқадилар. Бунга доир ахборот олинди ҳам дейлик. Уни қандай талқин қилиш мумкин? Агар ҳисобварақда пул ҳам бўлса, эҳтимол у камбағалдир ёки пулларни яхши айлантираётгандир (ҳамма пуллари айланышдадир). Агар пул кўп бўлса, эҳтимол улар ҳаракатсиз

ёттандир (пул пул түгдирмайди), эҳтимол у бойдир, эҳтимол унинг ҳисобварафида қрзга олинган маблағлар ёттандир.

Хуллас, бўлажак ҳамкорнинг жорий ҳисобварафида ҳозирги пайтда турган аниқ сумма муайян хulosса чиқаришга имкон бермайди.

Бундай ҳолларда кредит тарихи ёрдам беради. Ривожланган мамлакатларда юридик шахслар (хусусий фирмалар) ва жисмоний шахслар (солиқ тўловчилар) хусусида кредит тарихи юритилади. Унга хусусий фирма ёки муайян солиқ тўловчи қандай пул қарз олгани ва уни нечоғлиқ ўз вақтида қайтариб берганлиги ҳақидаги маълумотлар киритиб борилади. Кредит тарихида муддатлар, суммалар, кечикириш ҳоллари, жарималар кўрсатилади. У ҳозирги вақтда кредитлаш хатарини баҳолаш имконини беради. Ривожланган мамлакатларда берилган ҳар бир кредит бир неча мустақил манбаларда рўйхатта олинади, сугурталанади. Ахборот тўплашни касб қилиб олган ҳар бир фирма истаган фирманинг кредит тарихини олиши мумкин.

Кредит тарихига судлардан, солиқ инспекциясидан, рўйхатта олувчи ва лицензия берувчи идоралардан олинган ахборот киритилади. У фойдали бўлиши мумкин. Фирма суд процесси юриттанилиги ҳақидаги ахборот бу фирма ютқазган сизнинг товарингизни тўлаб юбориши ва шу тариқа ўз мамлакатида «юзи шувит бўлишдан» қутилиб қолиши мумкинигини англалади. Қайтариб берилмаган катта кредит ҳақидаги ахборот яна ҳам муҳимроқ. Бундай фирма билан иш юритиш хатари жуда катта; лицензия йўқлиги ёки у чақириб олинганилиги ҳақидаги маълумотлардан ҳушёр бўлиш керак. Раҳбарнинг хизмат рўйхатига эътибор бериш керак. Агар мазкур фирманинг раҳбари ўтмишда бир неча банкрот бўлган компанияга бошчалик қитлаган бўлса, бу ташвишли ҳолдир. Бир неча фирмаларга згалик қилиш ёки уларни бошқариш ҳақидаги маълумотлар баъзан сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш имконини беради.

Фирманинг тўлов қобилияти унинг бир неча йиллик бухгалтерия ҳисоботини таҳлил қилиш асосида аниқланади; бу таҳлили мустақил равишда ёки молия мутахассисларини жалб этган ҳолда бажариш мумкин. Фирманинг иқтисодий аҳволига фақат ишлаб чиқариш омилларингина эмас, балки сиёсий омиллар ҳам таъсир кўрсатилиши мумкин. Масалан, Югославиядаги охирги воқеалар кўпгина маҳаллий фирмаларни хонавайрон қилди.

«Дан энд Брэдстрит» компаниясининг фикрича, ахборот тўплаш билан шуғулланадиган фирмани талашда қўйидагиларни ёътиборга олиш керак.

Биринчидан, фирма ахборот тўплашдан бошқа ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмаслиги керак. Иккинчидан, унинг ўзи ахборот тўплаши ва уни таҳлил қўилиши керак. Фақат шундагина унинг нархлари истеъмолчиларнинг кенг доирасига ҳамён кўтарадиган даражада бўлади.

Россия фирмалари электрон тармоқлардаги маълумотлардан фойдаланмасликлари керак. Одатда улар эскириб қолган бўлади. Учинчидан, бутун дунёдан маълумотлар тўплайдиган фирмаларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фирмамиз фақат сизнинг мамлакатингизда ёки айрим минтақада ишлаётган фирмаларниң хизматларидан фойдаланишини маслаҳат бермайди. Тўртинчидан, фирма мижозларга маслаҳат бериш бўлимига эга бўлиши ва буни бепул қилиши керак. Бешинчидан, салмоқли ахборот фирмалари буюртмачига ахборотни бир неча тиљда, шу жумладан рус тиљида ҳам беради. Ахборотни қулагай тиљда берганлик учун қўшимча ҳақ олинмайди.

Шуедай қилиб, бўлажак ҳамкор билан музокаралар бошланишидан олдин у ҳақда ишончли ахборот олиш харажатларни камайтиришга имкон беради тадбиркорлик фаолиятини янада даромади қиласди.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Давлатлар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий қоидалари нималарга асосланган.
2. Дипломатия протоколи қандай расм—руслар мажмуудан иборат?
3. Амалий протокол деганда нимани тушунасиз.
4. Чет эл делегацияларининг мамлакатда бўлиш дастурини тайёрлашда нималарни кўзда тутиш керак.
5. Делегацияларни кутиб олиш маросимларида саломлашиш ва танишиш тартиби қандай бўлади.
6. Мехмонларни автомобилга ўтказиш ва мехмонхонага кузатиб қўйиш тартиби қандай.
7. Музокара жараёни нима ва неча босқичдан иборат.

3 – МАВЗУ. АМАЛИЙ ЁЗИШМА

Режа:

1. Расмий хат – хабарларни тузишнинг умумий қоидалари.
2. Амалий хат.
3. Хатнинг тузилиши.

Адабиётлар:

1. Альбов. Письмо зарубежному партнеру. Л.: 1991.
2. Жен Легер «Деловой этикет», М.: «Жон Уэйли энд Сэнз», 1994 й.
3. Н. И. Громова ва бошқалар. «Ваш зарубежный партнер: переписка, документация, контрактү», М.: 1992.
4. Т. И. Холопова, М. М. Лебедева. Протокол и этикет для деловых людей. М., «АНКИЛ» 1994 й. 1 – боб.
5. ФишерР., Юри У. «Путь к согласию или переговоры без поражений», инглизчадан таржима. М.: «Наука», 1990 й.
6. Э. Я. Соловьев. Современный этикет. Деловой протокол. М.: 1998.

«Расмий ёзишма» деган атама ҳар қандай расмий шахс ўз номидан юбориладиган унинг номидан ва эгаллаб турган лавозим туфайли юбориладиган ҳар қандай хат ёки бошқа шаклдаги ёзишмаларни қамраб олади.

Хилма – хил расмий хат – хабарларнинг ҳаммасини шартли равишда иккита асосий турга ажратиш мумкин:

а) турили мамлакатларнинг давлат ташкилотлари, чет эл ваколатхоналари ва мансубдор шахслари ўртасидаги расмий ёзишлар (ноталар, меморандумлар, эсдалик ёзишмалари). Хат – хабарларнинг бу туридан асосан дипломатия ишида фойдаланилади;

б) у кўпинча ярим расмий руҳда бўладиган ва фирмалар, ташкilotлар ўртасида амалий алоқаларни йўлга қўйишида кенг ишлатиладиган амалий (тижорат) хатлар.

1. Расмий хат – хабарларни тузишнинг умумий қоидалари

Расмий ёзишлар услуби турили мамлакатларнинг тили ва анъаналарига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Лекин у ҳалқаро амалиёт ва таомилларга билан белгиланадиган айрим умумий қоидаларга бўйсунади.

Адресатта муносиб ҳурмат билдириш, айни вақтда мактуб жўнатувчи билан адресат ўртасидаги мэртабалар нисбатига риоя

этишдан иборат бўлган расмий ёзишманинг протокол талаблари танглик, ҳурмат ва ўзаро хушмуомалалик принципларига асосланади.

Ҳар қандай ҳужжат, у оғзаки нота ёки тижорат хати бўладими, бундан қатъи назар, бир неча мажбурий нуқталарга эга бўлади:

Мурожаат – адресатнинг расмий ва фахрий унвонини кўрсатади, маслан: Сэр, Ҳурмали жаноб Элчи, Жаноби Олийлари ва ҳ. к.

Хушомад – бу хушмуомалалик ифодаси бўлиб, хат шу мурожаат билан тутайди. Бу иборатлар ёзишманинг руҳига қараб ўзгаради, масалан: Элчи жаноблари, камоли эҳтиромимни қабул қилгайсиз..., Чуқур ҳурмат билан, Сизнинг ғоят самимий ёки оддийгина Сизнинг самимий ва ҳ. к.

Имзо – имзо ушбу ҳужжатни тасдиқлайди. Ўз имзосини қўйишга ваколатли бўлган шахснинг фамилияси одатда ҳужжатнинг охирига қўйилади.

Сана – кун, ой, йил ва хат ёзилаган жойни ўз ичига олиши керак. Бу маълумотларни ҳеч қачон қисқартириб ёзмаслик керак.

Манзил – тўлиқ фамилия, унвон ва манзил ҳужжатнинг қанақалигига қараб унинг биринчи саҳифасининг ё тепасига ёки пастига қўйилади ва хатжилдда такрорланади.

Бундан ташқари рамий ёки амалий хат – хабарларни ёзган вақтда қўйидаги умумий қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Хизмат хатлари тоза бланка ёки қофоз варағининг фақат одд томонига ёзилади.

2. Халқаро амалиётда узиндан узоқ хатлар ёзиш одат бўлмаган. Лекин хат бир саҳифадан ортиқ бўлса, варақнинг охирига «давоми бор» («continue over») деб қўйиш керак.

3. Бирични саҳифадан бошқа ҳар қайси саҳифага арабча рақамлар билан номер қўйилади.

4. Хизмат хатлари машинкада босилади, чап томондаги ҳошиянинг кентлиги камида 2 см бўлиши керак. Хат матнининг ўзи 2 ёки 1,5 интервалда босилади. Хатбоши сатр четидан – 5 ҳарф, адресатта муржаат эса хатбошисиз ёзилади.

5. Расмий руҳдаги жўнатиладиган ахборотда ҳеч қандай белги, машинистка фамилияси ва исмининг бош ҳарфлари, телефон номерлари ва шу кабилар бўлмаслиги керак. Ҳар қандай белгиларни хатнинг «иш»да тикиб қўйиладиган 2 – ёки 3 – нусхагиса қўйиш мумкин.

6. Матида тозаланган, тузатилган жойлар бўлишига йўл қўйилмайди.

7. Хатжидлар тегишли ўлчамда бўлиши керак. Мотам хатжидларидан (ичида қора астар билан) фақат ўз ўрнида фойдаланиш расм бўлган.

8. Келган хат—хабарларнинг ҳамма тупрларида кўрсатмалар қаламда ёки алоҳида варақчаларда ёзилиб, тиркаб қўйилади.

9. Хат матни ичкарига қилиб буқланади. Жуда муҳим амалий хатларни буқламасдан, катта қалин хатжидларда юборган матьқул. Унчалик расмий бўлмаган хатларни буқлаш мумкин.

10. Агар сиз табрик откриткалари юбораётган бўлсангиз, шуни эсда тутишингиж керакки, биргина имзонинг ўзини қўйиш расмий табрикномалардагина қабул қилинган. Шахсий откриткада ҳеч бўлмаганда бир неча сатр бўлиши керак.

11. Телеграф орқали юборилган сўровга 3 кун ичида жавоб қайтариш керак. Хатта — 10 кунгача. Агар сўровни батафсил кўриб чиқиш талаб қилинса, 3 кун ичида хат эътиборга олинганилигини маълум қилиш ва 30 кун ичида узил—кесил жавоб бериш керак.

НОТА, ЭСЛАТМА, МЕМОРАНДУМ

«Нота» деган умумий атама анъянага мувофиқ дипломатия ваколатхоналари билан улар турган мамлакатлар ҳукуматлари ўртасидаги расмий ёзишманинг ҳамма турларини қамроаб олади. Ноталар биринчи ёки учинчи шахсда ёзилиши расмий ёки норасмий бўлиши мумкин.

Биринчи шахсда ёзилган нота (шахсий нота) муҳим ва жиддий аҳамиятта эга масалалар бўйича ёки бирон—бир воқеа ёки фактлар тўғрисида маълумот учун юборилади.

Шахсий нота биринчи шахсда, нотани имзоланган киши номидан ёзилган хат шаклида бўлади. Нота мурожаатдан бошланиб, хушомад (хушмомалалик формуласи) билан тугайди. Хушламадда муаллиф «ўз эҳтиrimини изҳор этади».

Дипломатик амалиётида нотага жавоб қайтарганда кириш мурожаати ва якунловчи хушомадлар таърифида бир хиллик принципларига амал қилиш одат бўлган, яъни юборилган нотада қандай иборалар ишлатилган бўлса, жавоб нотасида ҳар одатда шундай иборалардан фойдаланилди.

Учинчи шахсдаги нота (оғзаки нота)дан кенг доирадаги масалаларни кўриб чиқиш учун фойдаланилди. Унда ҳам икки томонлама, ҳам кўптомонлама сиёсий, иқтисодий, илмий—техникавий ва бошқа муаммолар баён этилади. Ноталар орқали

визалар сүралади, шунингдек вакилликка доир ахборот эзчиҳоналар, савдо ваколатхоналари ва шу кабиларга етказилади.

Оғзаки нота матни вазирлик, эзчиҳона, савдо ваколатхонаси ва шу кабилар номитдан учинчи шахсда тузилади ва хушомадни ўз ичига оловчи мурожаатдан бошланади. Нота ҳамма қабул қиласан хушимуомалалик формуласи билан тугайди.

Оғзаки нота шахсий нотадан кўра камроқ даражада, аммо меморандум ёки эсадлик хатига қараганда кўпроқ даражада расмий номадир. Нота имзоланиши ёки унга исм-шарифнинг бош ҳарфлари мумкин. Санаси нота матнидаги охириги сўздан кейин алоҳида сатрга қўйилади. Бу алоҳида ҳурмат белгиси деб қаралади. Нотага жўнатувчининг муҳри босилади.

Эслатмалардан турли мақсадларда: суҳбат чоғидаги оғзаки баёнотни нотўри талқин қилишларига йўл қўймаслик мақсадида уни тасдиқлаш учун, шунингдек суҳбат, музокара чоғида эришилган оғзаки келиннувни тасдиқлаш учун; кўтарилилган масалага эътиборни жалб этиш учун, айрим ҳолларда эса суҳбатдош зиммасига суҳбат чоғида кўтарилилган саволларга жавоб бериш заруриятини юклаш учун фойдаланилади ва ҳ. к.

Шундай қилиб, агар музокараларда қатниашувчи ходим суҳбат чоғида муҳокама қилмоқчи бўлган масалаларга эътибор қаратилишини истаса, ёки ўзининг далиллари нотўри талқин қилинишига ёхуд нотўри тушунилишига йўл қўймаслик учун одиндан Эслатма тайёрлаб, унда масаланинг моҳиятини ва ўз далилларини баён этиши ва шундан кейин суҳбатда оғзаки баён қилганидан кейин уни суҳбатдошига топшириши керак.

Баъзан музокара олиб борган ҳамкорингизнинг ўзи суҳбатда, музокарада кўтарилилган масалалар, эришилган оғзаки келиннув ёки сақланиб қолган келиншовчиликлар хусусмда Эслатма юборишни илтимос қилиши мумкин.

Эслатма оддий қофозга босилади, номер ва муҳр қўйилмайди, манзил кўрсатилмайди. Матни тепасига «Эслатма» деган сарлавҳа босилади. Эслатма эгасиз шаклда тузилиб «илтимос қилинади», «қайд этишга тўғри келади», «хабар қилинади», «эслатилади» ва шунга ўхшаш эгасиз иборалар ишлатилади. Эслатмада мурожаат ва хушомад бўлмайди. У имзоланмайди ва жўнатувчининг муҳри босилмайди.

Матни охирида пастдан чап бурчакка жой [шаҳар] ва жўнатилган сана ёзилади. Эслатманинг топширилганлигини музокаралардаги суҳбат ёзувида қайд этиш ва унга ушибу эслатманинг нусхасини тиркаб қўйиш керак.

Меморандум масаланинг фактлар, ҳужжатлар билан боғлиқ ёки юридик томони батафсил баён этиладиган ҳужжатdir. Унда у ёки бу фикрлар таҳлил қилиниши ёки иккинчиси томоннинг далил – исботларига қарши баҳолашиш мумкин. Меморандум хат шаклида тузилади ва унда умумий қабул қилинган хушмуомалалик сўзлари бўлади. Меморандум ё ноталарга илова бўлади, ёки мустақил ҳужжат бўлади. Кўпчилик ҳолларда у муҳокама учун, бундан кейинги музокаралар учун ҳужжат бўлади.

Агар меморандум шахсан тошириладиган ёки куръер орқали юбориладиган ҳужжат бўлса, унга муҳр босилмайди ва номер қўйилмайди, ҳужжат имзоланмайди, жой (шаҳар) ва жўнатилган сана кўрсатилади.

2. Амалий хат

Ҳозир ҳалқаро алоқаларда қабул қилинган ёзишмаларнинг шакли буендан қарийб 150 йил аввал вужудга келган. Уларнинг ватани – Англия. Хат–хабарлар ёзишнинг асосий қоидалари айнан шу мамлакатда келиб чиқкан. Чет элда хат–хабарларнинг расмий томонларига биздагидан кўра кўпроқ эътибор берилади. Чет элдаги ҳамкорларингиз билан ўзаро яхши муносабатларни билмаслик орқасида бузиб қўймаслик учун ёзишмалар одобига қаттиқ риоя этилиши керак. Ёзишмалар қоидаларига риоя этиш сизнинг хушмуомалалигиниздан, ҳамкорни ҳурмат қиляшингиздан далолат беради.

Амалий хат фирма ёки ташкилотнинг муоссаса ёки жўнатувчи фирма реквизитлари қўйилган бланкаларига ёзилади. Бланканинг ташки кўриниши фирманинг ўзига хос ташрифномасидир. Шу сабабли уни тузишга жуда жиiddий муносабатда бўлиш керак. Бланка ҳанчалик расмий бўлса, хат услуги ҳам шунчалик расмий бўлиши керак.

Ҳар қандай хат хатжилддаги манзилдан бошланади. Хат адресатта аниқ етиб бориши учун сизнинг тахмин қилинаётган ҳамкорларингиз манзилини тўлиқ аниқлаш керак бўлади. Ўзбекистондагидан фарқли ўлароқ, бутун дунёда аввал «КИМГА»лиги, шундан кейин эса «ҚАЕРГА»лиги ёзилади. Хатни олувчининг манзили икки марта ёзилади: хатжилдда пастдан ўнг томонда ва хатнинг юқоридаги чап бурчакда ёзилади.

Агар хат солинадиган хатжилднинг тиниқ қопламали дарчаси бўлса, манзил бир марта – хатнинг юқоридан чап бурчагига ёзилади. Бунда хат олувчининг манзили хатжилд дарласидан кўриниб турадиган қилиб букланади.

Шундан кейин адресатнинг фамилиясини исми ва ота исмининг бош ҳарфлари билан бирга ёзиш керак: олдин бош ҳарфлар эса фамилия ёзилади. Хушмуомалалик бош ҳарфлар олдига «Ж—б» (Жаноб) деган қисқартмани, ёки фамилиядан кейин «Хонимга» ёки «Жанобларга» деган сўзлардан бирини қўйишни талаб қиласди.

Борди—ю, сиз биринчи марта потаниши одамга ёзаётган бўлсангиз ва фақат унинг фамилиясинигина билсангиз, маълум қийинчилклар туғилиши мумкин. Сиз мурожаат қилаётган одам эркак ёки аёллигини қандай билиш мумкин? Батъзи ҳолларда унинг эркак ёки аёллиги фамилиянинг ўзидан билиниб туради. Масалан, Исландияда фамилия ўрнига ота исми ёзилиб, унга «dottir» — қизи ёки «sson» — ўғли деган сўз қўшилади. Чувончи, Вигдис Финнобогадоттири — аёл, Хъялемар Ионссон эса — эркак. Бундан ташқари биринчи ўрнида доимо исм, ундан кейин эса фамилия туради.

Араб Шарқи мамлакатларида узундан — узоқ ота—боболар номи ёзилади — Аҳмад мбн (ўғли) МУҳаммад ибн Ҳасан ибн Ҳуссайн ёки Фотима бинт (қизи) Ҳасан ва ҳ.к.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида аввал исмни, кейин фамилияни ёзиш одат бўлган. Масалан, Хитойда биринчи ўрнида фамилия, сўнгра исм туради — Ден Сяопинь. Японида эса аксинча, аввал исм, сўнгра фамилия ёзилади — Акира Курасава. Венгрияда биринчи навбатда фамилия, сўнгра исм ёзилади — Батрок Бела. Агар аёлнинг фамилиясига «не» туталланмаси қўшилган бўлса, бу унинг эрли эканлигини билдиради. Агар Иштван бўлса бу эркак, борди—ю, Иштване бўлса — унинг хотини.

Адресатимизнинг граф, доктор, магистр ва шу каби унвони фахрий номи бўлиши мумкин. Бундай ҳолда «Жаноб» деган мурожаат ўрнига унинг унвони ёки фахрий номини кўрсатиш мумкин. Масалан, Доктор Д. Смитта, профессор А. Шульцга, Генерал Р. Вилсонга ва ҳ. к. Фарбий Европадаги ҳамма малакатларда, АҚШда бўлгани каби, оғзаки мурожаат қилганда ҳам, ёзима мурожаат қилганда ҳам унвон ва фахрий номларни тушуриб қолдириш ҳурматсизлик ҳисобланади. Лекин «Жаноб Қ унвон ёки фахрий ном Қ фамилия» ёзиш ёки айтиш фақат Германияда расм бўлган.

«Жаноб» ёки «Хоним» сўzlари ҳамма вақт «Ж—б», «Х—ним» деб қисқартирилади. Улар ҳеч қачон фамилиясиз ишлатилимайди. Иккинчи томондан, генерал, полковник, профессор ёки президент каби фахрий номлар ва унвонларни айниқса хатжилда тўлиқ ёзган афзал.

Англияда күпинча «Эскваер», қисқача «Эск» деган назокатли мурожаат ишлатилади. Масалан, Жон Смитта «эск».

«Эскваер» деган мурожаат ҳеч қачон «Жаноб» сўзи билан бирга ишлатилмайди.

Англияда бўлгани каби Францияда ҳам адресатнинг дворянча унвони ҳамма вақт манзилда кўрсатилади, бироқ уни хат матнида эслатиб ўтиш расм бўлмаган.

АҚШда, қоида тариқасида, инглизча ёзишма тартибига риоя этилади. Аммо инглизча «Эсквайр» ишлатилмайди. АҚШ ва Англияда эрли хонимлар ўз эрларининг исми ва фамилияларини ёзишади. Эрга чиқмаган хонимларга ёзилган хатларнинг манзилида ҳамма вақт уларнинг исми кўрсатилиши керак.

Манзилни ёзганда адресатнинг лавозими ёки фахрий номини билдирадиган қисқартмалардан ҳам фойдаланишга йўл қўйилади. Агар сизга ёзган кишининг лавозими фамилия олдига қўйилган қисқарт – сўздан англашилмаса, уни кўрсатиб ўтиш керак. Бу хат шахсий мурожаат деб қабул қилинмаслиги, адресат бўлмаган тақдирда уни ўринбосари оча олиши учун шундай қилинади. Борди – ю сизга хат ёзган одамга шахсан хат ёзмоқчи бўлсангиз, унинг фамилиясидан кейин «шахсан» деб қўшиб қўйишингиз керак.

Шундан кейин адресат ишладиган фирманинг номини ёзиш, сўнгра унинг почта манзилини, уй номерини, кўча номини (айнан шу тартибда) кўрсатиш керак. Манзил охирида шаҳар, штат графлик, кантон ва шу кабиларнинг номи, почта индекси ва мамлакат ёзилади. Тўлиқ манзил, масалан, қуйидаги кўринишга эга:

«Ж – б Ламникоскича,
Бош директорга,
«ТАМПЕЛЛА ПАУЭР Инк»,
109, Лапинти,
ТАМПЕРЕ, 33101,
ФИНЛЯНДИЯ.
ХАТ

Амалий хат жўнатувчи фирманинг бланкасига ёзилади. Бланкада фирма тимсоли тасвириланган, фирманинг тўлиқ номи, почта ва телеграф манзили, телефон, телефакс рақамлари ва банк реквизитлари кўрсатилган бўлади. Амалий хат, қоида тариқасида олти қисмдан иборат бўлди. Булар:

- сана;
- манзил;
- кириш мурожаати;
- асосий матн;

-- якунловчи хушмуомалалик формуласи,
-- имзо.

Баъзан яна посткриптум қўйилади ёки хатта иловалар борлиги маълум қилиниади.

1. Санани ёзиш услари:

18 August 1996,

18 Aug. 1996,

18 th. August 1996,

August 18 th 1996.

2. Хатда кўрсатилган манзил хатжиддаги манзил билан айнан бир хил бўлиши керак.

3. Кириш мурожаати хатбошидан ёзилади ва умумий қабул қилинган формуладан иборат бўлади. ҲАммадан кўпроқ қуидаги мурожаатлар қўлланилади:

Sir, (:) Давлат амалдорларига

Sirs, (:

Dear Madam, (:) Учалик расмий бўлмаган мурожаат

Dear Sir, (:

Dear Sirs, (:) Ишбilarmon одамларга

Gentlemen, (:

Dear Mr. Brown, (:) Ўзингиз шахсан таниган кишиларга учалик расмий бўлмаган мурожаат.

4. Хатнинг асосий матни у билан танишиб чиқиш қулай бўлиши учун хатбошиларга ажратилган бўлиши керак. Амалий ёзишмаларда узун хат ёзиш қабул қилинган эмас, шу сабаби бир саҳифа билан чегараланиш мақсадга мувофиқ. Кўп саҳифали хатнинг ҳар бир вароғига (биринчи варақдан ташқари) номер қўйилиши керак.

5. Якунловчи хушмуомалалик формуласи сиз мурожаат қилган шахснинг расмий мақомига боғлиқ бўлади:

Yours very truly Ишбilarmon одамларга ва давлат амалдорларига

Very truly yours,

Yours faithfully,

Yours respectfully,

Yours sincerely,

Cordially yours,

Yours,

Sincerely.

Ҳамкасбilarга

Дўстлар ва танишларга

6. Имзо якунловчи хушмуомалалик формуласи остига қўйилади. Хатни шахсан ўзингиз ёзганилигинги ёки котибга айтиб туриб ёздирганилигингидан қатъи назар имзони шахсан ўзингиз қўйиншингиз керак.

Youers truly,
(шахсий имзо)

R. Schenk, MANAGING DIRECTOR
BMC MANAGEMENT CONSULTING

Агар хат бошиңа бир одам томонидан имзоланган бўлса, фалончининг «стопширигига мувофиқ» ёки «номидан» деб кўрсатилиши керак: ррөгрег pro (on behalf of).

Агар хат ёзиб бўлииганидан кейинроқ юз берган ҳодисалар ҳақида шошилинч хабар бериш керак бўлса, хат охирига P.S. (посткриптум) қўйилади ва зарур ахборот қўшимча суратда ёзилади. Посткриптумдан кейин яна имзо қўйилади.

Агар сиз хат билан бирга бирон – бир ҳужжатлар ҳам жўнатаёттан бўлсангиз, уларни Enclosure (илова), қисқача – Encl сўзидан кейин санаб ўтишингиз керак:

Encl: (Contract)

(Илова: контракт)

Амалий хат матни ичкарига қилиб буқланади, лекин уни буқламасдан, катта қалин хатжилда юборган яхшироқ.

Амалий хатларнинг турлари.

Илатимоснома. – Илатимос қисқа ва аниқ баён этилади. Агар баъзи – бир тушунтиришлар бериш зарурати бўлса, буни мумкин қадар қисқа изоҳланг. Шахсан манфаатдор эканлигинизни албатта таъкидланг ва илатимоссингизни бажараётгани учуннি адресатга олдиндан миннатдорчилик билдиринг. Бир қанча ҳолларда хатни қуийдаги қўшимча билан тугаллаш мақсадга мувофиқ: «Сизни ишонтириб айтмазки, Сиз берган ахборотдан қатъян махфий тарзда фойдаланилади».

Хабарнома ҳурмат (тез жавоб қайтарганилик, ҳамкорлик қилишига розилик берганлик ва шу кабилар учун миннатдорчилик) юзасидан ёки тамомила муайян ахборот тарзида юборилади. Бундай хатта референт ёки котибнинг имзоси кифоя.

Эслатма хат телефон орқали сўзлашиб ёки шахсий алоқа ёрдамида ўз вақтида матлуб натижага эришиб бўлмаган ҳолларда юборилади. Хат юборишдан мақсад олинган мажбуриятларни бажариш кераклигини хушмуомалалик билан эслатиб қўйишдан иборат. Вазият жуда кескинлашиб кетган бўлсагина бундан бўён қурилиши мумкин бўлган чораларга ишора қилиши мумкин.

Тасдиқлаш хати кўпинича аввал берилган ваъдаларнинг ёки келишилган шартларнинг кафолати бўлади. Бундай хат юридик вазифадан кўра кўпроқ маънавий вазифани бажаради – адресатнинг таклифларини қўллаб қувватлашга тайёрликни ифодалайди. Кўпинича ундан ҳужжатлар, моддий бойликлар,

шартномак қоғозлари ўз вақтида олинганилигини тасдиқлаш учун ҳам фойдалапилади.

Даъво хати гарчи аниқ – тиник бўлмаса – да, рекламацияга яқин туради. Уни расмий огоҳлантириш деса ҳам бўлади. Хатда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак: даъво билдириш учун асос, даъвонинг ўзи, даъво билдирувчи тарафнинг аниқ талаблари (сифатсиз маҳсулотни алмаштириш, баҳосини тушириш, зарани қоплаш ва ҳ. к.).

Раддия хати – бу мижоз ёки ҳамкорнинг даъвосига жавоб. Тўгри ёзилган бундай хат рад жавобига қарамай мижоз билан нормал муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Хат холисона шарҳдан бошланиши керак бўлиб, унда сиз ўзингиз рози бўлган нарсаларни санаб ўтасиз. Шундан кейин рад жавобининг сабаблари ёзилади. Хат ижобий руҳда тугалланиши керак. Ҳатто билдирилган даъвони бажариш мумкин бўлмаганида ҳам, ҳамкорликни давом этиришга тайёр эканлигингизни билдиришингиз керак.

Узрнома. Баъзан бирон – бир сабаб билан узр билдириб хат юборишга зарур бўлиб қолади. Одатда бундай хатда бирон ишнинг кутимаганда бузилишига нималар сабаб бўлганлиги баён этилади. Масалан, муҳим учрашув, конференцияда қатнашиш, тантанали тадбирда ҳозир бўлиш ва ҳ. к. Бир қатор ҳолларда бундай хат телефон орқали олдиндан огоҳлантиришдан кейин юборилади.

Кафолат хати маҳсус шаклдаги хат бўлиб, харид хизмат ва шу кабилар ҳақини тўлаш мажбурияти сифатида юборилади. Унда бажарилиши керак бўлган аниқ операция тури кўрсатилади. Хат мана бундай жумла билан тугалланади: «Ҳақ тўланишини кафолатлаймиз. Бизнинг ҳисоб – китоб варагимиз (тўла банк реквизитлари кўрсатилади)».

Циркуляр хатлар. Уларнинг мақсади мазмuni бир бўлган ахборотни бир неча манзилга (масалан, шўъба фирмалар, филиалларга) юборишдан иборат. Бундай хатлар раҳбар (бош) ташкилот томонидан умумий масалалар бўйича раҳбар имзоси билан юборилади. Бунда шахсий имзони фақат биринчи нусхага қўйиш шарт, қолган нусхаларга эса фактимиле қўйилади.

Бундай хатларнинг ҳар қайиси стандарт мурожаатдан бошланади. Фақат асосий матн алмаштирилади. Хатларнинг ташкилотда қоладиган ҳамма нусхаларида мансабдор шахсларнинг асл имзолари бўлиши керак. Бу хатларнинг ҳаммасини ҳам почта орқали юбориш мумкин, аммо улар йўлда узоқ бўлади ва адресатнинг уларни олишига кафолат йўқ. Халқаро курьер почта хизматларидан фойдаланиш ишончлироқ

бұлади. Шундай қылсанғыз, хатингиз манзилга етиб боришига ва күрсатылған вақтда имзо остида аниқ топширилишиға батамом ишонишиңгиз мүмкін.

2. Хатнинг тузилиши

Хатнинг ўнг томонида, жүннатувчи фирманиң реквизитларыдан пастроқда хатни жүннатып санағи ойни ҳарфлар билан ёзған ҳолда күрсатылады, масалан, 1992 йил 12 май. Бизда қабул қилинған қисқартырыш 12.05.92 халқаро ёзишмаларда ишлатылмайды. АҚШда олдин ойни, кейин эса күнни күрсатыш қабул қилинған – Май 12, 1992.

Хатнинг ўзи юқоридаги чап бурчакда хатжиддәгі манзилни аниқ тақрорлашдан бошланади.

Үндән пастроқда, хатбоши ташламасдан, яна гап томондан сатр бошиданоқ хүшмумомала мурожаат ёзилади. У анъанавий суратта қуйидаги сұзлардан иборат бўлади: «Қадрли ж–б (ёки хоним) Қ фамилия» ёки «Қадрли доктор Қ фамилия», ёки «Жаноблар», «Ҳурматли жаноблар», «Ҳурматли ж–б Қ фамилия».

Расмий хатларда «сен» деб мурожаат қилинмайды. Анча юқори лавозимдаги кишилар билан ҳаётда яқин бўлсанғыз ҳам, буидай хатларда уларга «сен» деб мурожаат қиласлик керак. Хат юбораёттандан одамингиз билан қанчалик яқинлигингизга қараб, мурожаатни қуйидаги сұзлар билан бошлайсиз: «Ҳурматли Жон (исм)», ёки «Ҳурматли Смит» (фамилия).

Агар ГФРга хат юбориганда «Қадрли ж–б доктор Қ фамилия» мурожаатидан фойдаланиш зарур бўлса, Австрия ва Швейцарияга «Қадрли ж–б доктор» деб ёзиш кифоя.

Кириш мурожаатидан кейин бида қилинаёттанидек ундов белгиси эмас, балки ВЕРГУЛ қўйилади.

Мурожаатдан кейинги сартда хат мавзуи күрсатылади. Бунинг учун Re: («Reference» – тааллуқли) деб қўйиш кифоя. Масалан, Re: «Сизнинг 18 Май 1992 йилдаги телексингизга жавобан».

Агар хатингиз фақат битта муаммолага тааллуқли бўлса, хат мавзуини мурожаатдан олдин, манзилдан кейинроқ күрсатышиңгиз мүмкін. Бордию, ҳамкорингиз билан бир йўлга бир неча контракт устида ёзишма олиб бораёттанд бўлсанғыз, бир марта мурожаат қилганингиздан кейин хат мавзуларини белгилаб олишиңгиз ва шу тариқа хатни тегишли қисмларга бўлиб чиқишиңгиз ўзингизга қулай бўлади.

Лекин, хат матнинг сарлавҳаси остига чизиб қўйиш ёки уни бош ҳарфлар билан ёзиш замонавий усул ҳисобланади. Масалан, Қадрли ж—б Смит,
«Омега» лойиҳасига доир таклифларингиз хусусида ёки
Қадрли ж—б Смит,
«ОМЕГА» ЛОЙИҲАСИГА ДОИР ТАКЛИФЛАРИНГИЗ ХУСУСИДА

Шундан кейин хат матни ёзилади.

Хат одатда хушомад сўзлари билан туталланади. Агар хат расмий бўлса, одатда қўйидаги хушомад сўзлари ишлатилади: «Сизга бағоят самимият билан» («Very truly yours»). Бошқа ҳолларда «Сизга самимият билан» («Sincerely yours») деган хушомад сўзлари ишлатилади. Хат охирида мана бундай яхши тилаклар билдириш билан чекланиш мумкин: «Ж—бга энг яхши тилаклар йўллаб...», «Энг яхши тилаклар билан», «Энг яхши тилакларимни қабул қилгайсиз» ва ҳ. к.

Кириш мурожаатини ва хушомад сўзларини таърифлагандага иккала томоннинг бир—бирига муносабати ҳисобга олинади. Бу гап айниқса хатларга жавоб ёзига тегишли. Келган хатда қандай иборалар ишлатилган бўлса, жавоб хатида ҳам улардан фойдаланилади. Хатнинг узил—кесил шакли ёзишма олиб бораёттандарнинг бир—бирига қанчалик яқинлигига, кайфиятига, мулоқот услуби ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Хушомад сўзлари остига имзо қўйиб, унинг остига фамилиянгиз ва лавозимингизни кўрсатасиз. Кўпчилик мамлакатларда имзо варақнинг ўнг томонига, айнан якуиловчи хушмуомалалик формуласи остига қўйилади. Агар якуиловчи хушомад сўзлари чап томонда жойлашган бўлса (Германияда шундай қилинади), имзо ҳам чап томонга, якуиловчи хушмуомалалик формуласи остига қўйилади. Хатни имзолаётган кишининг фамилияси унинг қўлёзма имзоси остига машинкада босилади. Хушомад сўзлари билан машинкада босилган фамилия орасида 2—2,5 см жой бўлиши керак.

Ҳамкорингиз жинсингизни аниқлашга қийналмаслиги учун исмингизни тўлиқ ёзганингиз маъқул.

Агар хат ёзив бўлинганидан кейин юз берган воқеалар ҳақида дарҳол хабар бериш керак бўлса, хатта P. S. (посткриптум) қўйилиб, зарур ахборот қўшимча қилинади. Посткриптум охирида яна имзо қўйилади. Хат охирига илова қилишдан мумкин қадар камроқ фойдаланган маъқул.

Агар хатта бирон—бир материал ёки ҳужжатлар илова қилинса, улар одатда хатнинг паст томонида чап тарафда алоҳида

сартда «Илова» (Enclosure) сўзидан кейин санаб ўтилади.
Масалан:

Илова: 1. Контракт (5 в.)

2. Суурга полиси (6 в.)

Хатнинг нусхалари турли манзилларга жўнатилганилиги
(Carbon сору ёки СС) илова остида алоҳида сатрга ёзилади ва
хатни бир неча манзилга юбориш зарур бўлганида кўрсатилади.
Масалан:

Нусхаси: Ж – б С. Смирновга «Мосбизнесбанк».

Амалий хат таркибий қисмларининг жойлашиш чизмаси
қўйида келтирилади.

АМАЛИЙ ХАТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1		
2	3	
4		
5		
6		
7		
8		
9	9	
10	Ёки	
11	10	
12		

1. Жўнатувчи ташкилотнинг номи.

2. Даили қилиб келтириладиган матъумотлар. Унда хатни
ёзган шахс ёки машинистка фамилияси, исми ва ота исмининг
бош ҳарфлари, фирма, бўлим ва шу кабиларнинг рақамли ёки
ҳарфли белглари кўрсатилиши мумкин. Бунда аввал хатни

олувчининг маълумотлари (Your reference) таклиф қилинади, шундан кейин хат жўнатувчининг маълумотлари кўрсатилади.

3. Хат ёзилган сана.

4. Хатни олувчининг манзили. Агар хат юборилаётган шахснинг аниқ манзили маълум бўлмаса, у ишанаётган фирмада эса адресатнинг қаердалигидан хабардор бўлса, сиз хатни шу фирма манзилига юбориб, Care of ёки сFo, яъни назорат учун деган иборани ишлатишингиз мумкин.

5. Аниқ шахс кўрсатилади. Бу реквизитдан хат фирмага юборилиб, уни жўнатувчи хатни иш фирмадаги муайян шахс ўқиб чиқишидан манфаатдор бўлган ҳолларда фойдаланилади. Бундай ҳолларда «Attention of Mr...», яъни «Ж – б ... эътиборига» деган ибора ишлатилади.

6. Кириш мурожаати.

7. Хатнинг умумий мазмуни, яъни хат матни кўрсатилади.

8. Хатнинг асосий матни. Ҳозирги вақтда яхлит усул борган сари кўп ишлатилмоқда. Бунда хатбошилар 5 ҳарф ташлаб эмас, балки ички манзил, хат матнининг сарлаавҳаси, кириш мурожаати ва якунловчи хушмуомалалик формуласига ўхшаб саҳириларниг чап томонида сатр бошидан бошлиданади. Бир хатбошини иккинчисидан аниқ вжратиш учун ҳар бир хатбоши 2 интервалдан кейин эмас, балки 3–4 интервалдан кейин бошлиданади.

9. Якунловчи хушмуомалалик формуласи.

10. Имзо.

11. Иловаларга ишора.

12. Нусхалари бошқа манзилларга жўнатилганлигига ишора.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Расмий хатларни шартли равишда қандай турларга ажратиш мумкин?
2. Ёзилишикерак бўлган хўжжатлар қандай мажбурий нуқталарга (шартларга) эга бўлади?
3. Нота ва Меморандумларниг фарқи нимада?
4. Амалий хат қандай бланкаларда ёзилади ва хат жиёдни тўлдираёттанды нималарга аҳамият бериш шарт?
5. Амалий хатларни андай турларини биласиз?
6. Амалий хатларни тузилиши қвндиўй асосий шартлага асосланган?

4 – МАВЗУ. АМАЛИЙ АЛОҚА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Амалий сұхбатларга ва музокараларға нимани ва қандай тайёрлаш керак?
2. Музокараларни ташкилий жиҳатдан тайёрлаш.
3. Музокара иштирокчиларининг феъл – автори.
4. Музокаралардаги феъл – автор турлари.

Адабиётлар:

1. Т.И.Холопова, М.М.Лебедева. Протокол и этикет для деловых людей. М.: «АНКИЛ» 1994 й., 4-боб
2. Н. И. Громова, Т. М. Деева ва бош=алар. «Ваш зарубежный партнер - переписка, документация, контракты», М., 1992 й.
3. Фишер Р., Юри У. «Путь к согласию или переговоры без поражений», Инглизчадан таржима. М.: «Наука», 1990 й.
4. Я. Нергаш. Поле битвы - стол переговоров. М., «Международные отношения». 1989 й.
5. О. Эрнест «Слово предоставляется Вам: практические рекомендации по ведению деловых бесед и переговоров». М., «Экономика», 1998 й.

1. Амалий сұхбатларга ва музокараларға нимани ва қандай тайёрлаш керак?

Амалий учрашувларни сұхбатлар ва музокараларға ажратып мүмкин. Сұхбатлар фақат қарашлар, нүқтәи назарлар, фикрлар алмашишни тақозо этади холос. Масалан, сұхбат жараёнида тарафлар ҳамкорлик ҳақида келишиб олишлари ва бундан кейинги қадамларни белгилашлари мүмкин. Музокараларда иkkала тарафни қизиқтирадиган муаммонинг ечимини топиш керак.

Қоюда тариқасида, сұхбатлар ва музокаралар олдиндан режалаштирилади. Музокаралар ва суұхбатларни тайёрлаш жараёнида иккى нарсага йўл қўйиб бўлмайди. Биринчиси – музокараларга умуман тайёрланмаслик, импровизацияга, музокаралар жараёнида ечим излашга умид боғлаш. Иккинчиси – бўлажак учрашувнинг ҳамма босқичларини батафсил ўйлаб қўйиш, миридансиригача, ҳатто ремарка ва паузаларни ҳам ҳисобга олиш.

Мана шу бир–бирига зид иkkала жиҳат ҳам заарлиди. Биринчисида ташаббус бутунлай ҳамкор томонга ўтиб кетиши мүмкин. Тайёргарликсиз музокарага киришиш қарши томонда

булар муҳокама қилинаётган масаладан баҳабар экан, деган фикр туғдириши мумкин. Ортиқча деталлаштириши музокара қатнашчиларидан бирини сиқиб қўйиши мумкин, аввалдан белгиланган схемадан озгина бўлса—да четта чиқиш саросимага ва иккиланишга олиб боради.

Учрашувнинг асосий, муҳим жойларини аниқлаш, қандай мумала қилишни ўйлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Суҳбатнинг асосий мақсади ахборот айирбошлишдан иборат бўлиб, бу ҳол тайёрланиш жараёнини ангиллаштиради. Бўлажак суҳбатларнинг мавзуи оддиндан келишилади. Тайёргарлик жараёнида қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

— сиз муҳокама қилишни истайдиган масалалар доирасини белгилаш;

— суҳбатлар жараёнида сиз ҳамкорингизга тақдим этмоқчи бўлаётган ҳужжатларни (масалан, корхонанингиз иши тўғрисидаги материалларни), ташкилотингиз билан ҳамкорлик қилиш фойдасига далил—исботларни тайёрлаш. Ахборотнинг бир қисми оғзаки маълум қилиниши, қолган қисми ёзма тарзда топширилиши (эслатмалар, реклама проспектлари ва ҳ. к.) мумкин;

— ҳамкорга берилиши керак бўлган саволларни тузиб қўйини.

Суҳбатни тайёрланганда шерикнинг саволлар ва маълумот бериши учун вақт ажратиш керак.

Музокараларга тайёрланиш анча мураккаб ва анча масъулиятли жараёндир. У қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

— иккала томонни қизиқтирадиган соҳаларни аниқлаш;

— ҳамкор билан иш юзасидан муносабат ўрнатиш;

— ташкилий масалаларни ҳал қилиш (кун тартиби, учрашув жойи ва вақти);

— умумий ёндошувни топиш ва музокара мавқеини тайёрлаш, шу жумладан муҳокама қилинадиган масалалар бўйича қарорлар ва таклифларнинг вариантларини тузиш.

Бутун тайёргарлик иши иккита асосий йўналишга: музокараларнинг мазмунни билан боғлиқ қисмни тузиш ва ташкилий масалаларни ҳал қилишга бўлинади. Бу икки йўналиш бир—биридан жуда шартли равишда фарқланади, бўлажак музокаралар характеристи ташкилий ишларга таъсир кўрсатади. Масалан, музокараларнинг мазмунига қараб, эксперталар жалб этиш масаласи ҳал қилинади. Ўз навбати тайёргарлик босқичини ёмон ташкил қилиш муаммонинг моҳиятини муҳокама қилишни қийинлаштиради.

Атрофдаги ранглар гаммаси музокараларнинг боришига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ж. Сербер у ёки бу ранглар қандай таъсирланишга олиб келишини тасвирлаб беради. Масалан, музокаралар ўтказилаётган офиснинг оқ деворлари ёруғликни яхши қайтаради ва одамни безовта қилини мумкин. Шу сабабли деворларни бир оз сарфимтил рангта бўлган дуруст. Бинонинг мовий ранглар гаммаси унинг эгалари учун устунлик мұхитини яратади ва меҳмонларга ўзларини эркин тутиш имконини бермайди. Сарфимтил ва оч жигарранг – анча бетараф ранглар бўлиб, тўқ жигарранг ва кулранг туслар депрессия келтириб чиқарипши мумкин. Қизил ранглар одамни қузғатади, шу сабаби таҳдид ҳиссини туғдириши мумкин.

Қандай ранглар гаммасини маъқул кўриш кўп жиҳатдан маданий анъаналарга боғлиқ. Масалан, японлар юмшоқ рангларни, хитойлар эса эътиборни тортадиган ёрқин рангларни маъқул кўришади. Рангларни маъқул кўришдаги фарқлар ҳатто бир мамлакат доирасида ҳам кузатилиши мумкин.

МУЗОКАРАЛАРНИ МАЗМУН ЖИҲАТИДАН ТАЙЁРЛАШ

Музокараларни мазмун жиҳатидан тайёрлаш қўйидаги масалаларни ҳал қилишни ўз ичига олади:

- муоммони таҳлил қилиши ҳамда вазиятни аниқлаш;
- умумий ёндошувни, асосий мақсад ва вазифаларни белгилаш;
- музокара мавқеини, муаммоларни ҳал қилишининг мумкин бўлган вариантларини белгилаш ва манфаатларни мувофиқлаштириш;
- таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни далиллаш.

Муаммоларни таҳлил қилиши ҳамда вазиятни аниқлашни бутун тайёргарлик занжирининг асосий ҳалқаси деб ҳисоблаш керак. Музокараларга тайёрланиш жараёнида фақат ўзингизнинг эмас, балки сиз билан музокара олиб бораётган ҳамкорларингизнинг манфаатларини аниқлашингиз зарур. Ҳамкорнинг манфаатларини тушунмаслик кўпинча музокараларнинг бузилишига олиб келади.

2. Музокараларни ташкилий жиҳатдан тайёрлаш

Музокараларни ташкилий жиҳатдан тайёрлаш қўйидагиларни назарда тутади:

- делегация тузиш – музокараларга тайёрланиш усуслари. Делегациянинг сон ва сифат таркиби мұхокама қилиниши керак бўлган масалалар сони, эксперталар жалб этиш

зарурлиги, құшымча суратда айрим масалаларни мұхокама қилиш, ва вакиллік даражаси билан белгиланади. Музокара олиб бораёттан делегацияларнинг сон таркиби бир-биридан кескин фарқ қылғанида аъзоларининг сони күпроқ бўлган делегация усутнликка эга бўлади: унга ахборот келиб турадиган камаллар күпроқ бўлади, ахборотни баҳолаш ва қарор ишлаб чиқиш имконияти күпроқ бўлади. Шундай қилиб, интироқчилар сони тенг бўлмаса, музокара олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Яккана – якка олиб бориладиган музокаралар ҳам кўп учрамайди, чунки музокараларнинг боришга субъектив омил катта таъсир кўрсатади. Унча катта бўлмаган гуруҳлар ўртасида музокаралар олиб борган маъқулроқ. Агар делегациянинг сон таркиби ортиқча бўлса, у ишлан қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин. Делегацияни тузиш вақтида ҳар бир музокара қатнашчисининг асосий вазифалари белгиланади.

Учрашув ўтказиладиган жойни (ўз ҳузурингизда ёки ҳамкор ҳузурида) танлаш психолигик жиҳатдан муҳимдир. Бир қанча тадқиқотчилар музокара ўтказиш учун у ёки бу жойни танлашнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб ўтишган. Масалан, болларти сиз музокараларни ўз мамлакатингизда ўтказсангиз қуйидаги устунликларга эга бўласиз:

1) Сиз вазиятни назорат қила оласиз ҳамда музокаралар ўтказиладиган жойни танлаш, бу қандай хона бўлади, у қандай жиҳозланган бўлади ва шунга ўхшаш масалаларни ҳақ қилиш йўли билан вазиятта таъсир эга оласиз. Қарши томонга таъсир кўрсатиш доираси кўпинча улар учун меҳмонхона танлаш (меҳмонхона музокаралар ўтказиладиган жойдан узоқми? Меҳмонлар музокара ўтказиладиган жойга қандай етиб келишади ва шу кабилар), маданий дастур тузиш, ресторон танлаш ҳисобига ҳам кенгайтирилиши мумкин. Шу билан бирга сиз билан ҳамкорингиз ўртасида маданий фарқлар қанча катта бўлса, юқорида санаб ўтилган омиллар учрашувнинг боришига шунча кўп таъсир этади.

2) Қоида тариқасида, одамлар ўз мамлакатларида ўзларини дадилроқ ҳис этишади. Масалан, спортчилар учрашувларни «ўз ҳудудларида» ўтказишни маъқул кўришади. Бир қатор тадқиқотлар берган маълумотларга қараганда уй эгалари кўп гапирадилар, музокаралар якунида эса бир оз кўпроқ нарсага эга бўлишади.

3) Музокараларда улар ўтказилаётган мамлакатда қабул қилинган протокол ва хушмуомалалик қоидаларига риоя этиш одат бўлган. Бу ҳол мезбон томонга мулоқот жараёнини

енгилаштиради. Маданиятлар ўртасидаги фарқ қанча катта бўлса, бу омилнинг аҳамияти ҳам шунча катта бўлади.

Бироқ, учрашувни ўз ҳудудида ўтказганда устунликлардан ташқари қийинчилклар ҳам туғилади:

1) Сиз ахборот йўқлигини айтиб, масаланинг ечимини кечиктира олмайсиз.

2) Ҳамкорингиз узокдан келган, шу сабабли сиз унинг қаршисида ўзингизда мажбурият ҳис пайдо бўлиши мумкин.

3) Учрашувнинг ташкилий жиҳатлари сизни масаланинг моҳиятидан чалғатиш, беҳаловатлик ҳиссини пайдо қилиши мумкин.

Учрашувни ўтказиш учун «ўз ҳудудингиз»дан ёки бошқа томоннинг ҳудудидан ташқари бетараф жой ҳам танлаб олиниши мумкин. Дипломатия ва сиёsat соҳасида агар қатнашувчилар низолашаётган бўлсалар, бу усулдан тез-тез фойдаланиб турилади. Чунончи, низоларни бертараф этиш бўйича кўптина музокаралар бетараф ҳудудида ўтказилади.

Бизнесда ҳам учрашув ўтказиш учун бетараф жойдан фойдаланиш мумкин. Бундай йўлни танлашга икки ўртада низомавжудлигигина эмас балки иккала делегация амалий сафар билан бирон-бир мамлакатта бориши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Музокараларни тайёрлаш жараёнида кенгашлар ўтазилади. Тайёргарлик кўришнинг бу усули ҳамма жойда қабул қилинган деб ҳисоблаш мумкин. Кенгашлар иштирокчилар сони, уларни ўтказиш даврийлиги, муҳокама қилинаётган муаммолар сонига қараб бир-биридан фарқланади. Кенгашлар ўтказилажак музокараларнинг вазифаларини, мақсадларини аниқлашга йўналтирилган. Кенгашларнинг мақсадлари мазмун бўйича ва операциялар бўйича фарқланади.

Операциялар бўйича мақсадлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

— бўлажак музокаралар ҳақида ахборот ва унинг муҳокамаси;

— музокараларга олиб чиқиладиган муаммолар таҳлили;

— бўлажак музокаралардаги позицияларни ва уларга умумий ёндошувни ишлаб чиқиш;

— бўлажак музокаралар истиқбол – сценарийсини тузиш.

Музокараларга тайёргарлик кўриш жараёнида амалий ёки имитацион ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Улар бўлажак музокаралардаги вазиятни тасвирилаш имконини беради. Шу билан бирга амалий ўйинлар музокаралар олиб бориши кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Музокараларни

тайёрлаш жараёнида имитация ўйинларидан фойдаланиш катта микдорда моддий маблағлар ва вақт сарфлашни, шунингдек ўйин сценарийсини тайёрлаш ва уни амалга ошириш учун малакали мутахассислар бўлишини талаб қилади. Бу ўйинлар нисбатан кам қўлланилади.

Имитация ўйинларидан кўпинча музокараларни олиб бориши кўникмаларини ишлаб чиқиш учун фойдаланилади. Бу ўйинлар соддалаштирган ҳолда «музокара ўйинлари» деб аталади. Уларда асосий эътибор мазмун жиҳатларига эмас, балки шерик билан ҳамкорлик қилиш қобилиятига қаратилади.

Музокараларни тайёрлаш жараёнида музокаралар қатнашчиларининг нуқтаи назарларини ва ўзаро мақбул бўлиши мумкин бўлган ечимларнинг варианtlарини аниқ билиш муҳимдир. Бунга эришиш усулларидан бири баланс варақлари тузишдан иборат. Бунинг учун иккита устунга ўз манфаатлари ва ҳамкорниң манфаатлари ҳақидаги маълумотлар, шундан кейин эса қарор қабул қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатлар ёзилади. Баланс варақлари материални мунтазамлаштириш ҳамда комплекс баҳога эга бўлиш имконини беради.

Музокара жараёнининг мураккаблашуви унинг самарадорлигини ошириш истаги музокараларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида шахсий компьютерлардан фодалянишга олиб кеди. Улар музокаралар бўйича шериклар билан плоқа ўрнатишга, қарорлар қабул қилиш учун нормалар ва тадбирларни танлаб олишга, хатар даражасини аниқлашга, музокаралар жараёнининг имитацион моделини тузишга имкон беради.

3. Музокара иштирокчиларининг феъл-атвори

Музокаралар амалий алоқаларнинг ажралмас қисмидир. Америкалик мутахассислар музокараларни «иқтисодий муносабатлар чўққиси» деб ҳисоблашади. Муҳокама предметини яхши билишдан ташқари музокара юритиш техникасини эгаллаб олиш, маълум профессионал тайёрғаликдан ўтиш керак. Россиялик бир муҳандис нефтчи мана бундай шикоят сўзларини айтган экан: «Бизга фарб фирмалари билан битим тузиш, нефтни тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқини беришди. Ҳамма нарса гўё яхшидек, аммо мен музокаралар етарли атрофида ўзимни жуда ноқулай сезаман. Нимадан бошлап керак? Ўз «картамни» очишим керакми? Қандай ён бериш керак ва умуман ён бериш керакми? Энг ёмони шуки, мен буни ҳеч қаердан ўргана олмайман. Юридик ва иқтисодий маслалар ҳам қийин, лекин

ҳар ҳолда бунчалик эмас. Бу масалалар хусусида, жуда бўлмаганда, минимал ахборот бор, бунинг устига эксперталар ҳам ёрдам беришади. Музокараларни олиб бориш технологияси бўйича эса деярли ҳеч нарса йўқ». Афсуски, музокарлар столи ёнидан жой олишига тўғри келган кўпгина одамлар шундай аҳволга тушиб қолишиди.

Ёшлигаданоқ музокаралар жараёнини ўрганадиган чет эзлиқ ҳамкаслардан фарқли ўлароқ (бозорни эса музокараларсиз тасаввур этиб бўлмайди), ўзбекистонлик тадбиркорлар учун бу мутлақо янги фаолият саҳасидир. Музокараларга тегишили муносабат ҳам шундан келиб чиқади. Баъзи ҳолларда музокара юритувчилар бутунлай довдираф қолишиди, бошқа ҳолларда эса тадбиркорларимиз маъмурий – буйруқбозлиқ тизими шароитида кўргай – билган усуllibардан фойдаланишиди.

Натижада музокаралар «жойидан қўзғалмайди», шериклар зарар кўришади, баъзан эса ўзаро фойдали таиски иктиносидий алоқаларни йўлга қўйиш имкониятини бутунлай қўлдан беришади. Бунинг чораси битта – музокаралар олиб бориш санъетини ўрганиб олиш. Ривожлацгани мамлакатларда тадбиркорларнинг кўичилиги музокараларни олиб бориш техникасини билишиди, у ерда таълим курслари кенг тармоғи вужудга келтирилган. АҚШнинг кўпгина шаҳарларида музокаралар олиб бориш техникаси бўйича тадқиқот, ўқув ва маслаҳат марказлари ишлаб турибди. Музокараларни биринчилар қатори ўрганлардан бири Гарвард университети бизнес мактабининг профессори X. Райффа эди. «Музокаралар санъати ва фани» деган мумтоз асар унинг қаломига мансуб. Ҳазирги мутахассислар фикрича, музокаралар олиб бориш предмети уларни олиб бориш технологиясига катта таъсир кўрсатмайди.

АҚШ ва бошқа мамлакатларда музокаралар олиб бориш жараёнини оптималлаштиришга доир кўплаб китоб ва қўлламималар чиқарилади. Шулардан Рожер Фишер ва Уильям Юрининг «Келишув йўли» деган китобини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу китоб бир неча бор қайта нашр этилган. О. Эриестнинг «Слово представляется Вам: практические рекомендации по ведению деловых бесед и переговоров» («Сўз Сизга: амалий сұҳбат ва музокаралар олиб бориш бўйича тавсиялар») деган китоби рус тилига таржима қилинган.

Музокараларнинг қатнашчилари учун энг асосийси тайёр маслаҳатлар тўпламига эга бўлиш эмас, балки музокаралар нима учун кераклигини, улар қандай имкониятлар яратиб беришини,

музокаралар вақтида вужудга келадиган вазиятларни таҳлил қилишнинг асосий принциплари нималардан иборат эканлигини тушунишдир.

Музокаралар олиб бориш жараёнида иштирокчиларнинг феъл – автори учта турли ёндошувларга мос келиши мумкин. Биринчи ёндошув тарафларнинг қарама – қаршилиги тоғисига жавоб беради. Музокаралар олиб борилаёттан стол ўзига хос жанг майдонига ўхшатилади. Ушбу мантиқ қа кўра музокараларнинг қатнашчилари илгари эгалланган чегараларни сақлаб қолиши керак бўлган аскарлар деб ҳисобланади. Бундай музокараларнинг асосий шиорини «ким – кимни» ёки «тортишмачоқ» деган сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Қарама – қаршилик даражаси кенг доирада: савдода ён беришга эришини истагидан то музокара бўйича шерикдан иложи борича кўп нарса ютиб олишга интилишгача бўлган доирада ўзгариб туриши мумкин. Бундай ёндошувнинг кўпгина салбий жиҳатлари бор.

Музокараларнинг қатнашчилари ўзларини камситилган деб ҳис қилишлари мумкин. Бундан кейинги ҳамкорлик шубҳа остида қолиши мумкин. Бир музокарадаги «ютуқ» шерикда бошқа музокараларда «алам олиш»га интилишни келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчи ёндошувни биринчисининг акси деб ҳисоблаш мумкин. Томонлар бир – бирларига дўстона муносабатда бўлишиади. Заифроқ томон музокаралар бўйича шеричидан ўзига нисбатан «дўстона» муносабат кутади ва лаганбардорлик қиласди. Иккинчи ёндошув амалиётда камдан – кам учрайди.

Ниҳоят, учинчи ёндошув тарафларнинг ўзаро мақбул ечимни топиш зарурлигини тушунишларига асосланган. Музокараларнинг иштирокчилари вазиятни биргалашиб таҳлил қиласидар ва иккала томоннинг манфаатларига максимал даражада мос келадиган ечимларни излаш билан банд бўладилар. Бундай ёндошувни шерикчилик ёндошуви деб аташ мумкин. Юқорида айтилганлардан шериклар феъл – авторида альтруизм унсурлари бўлади деган маъно чиқмайди, асло. Фалсафа нуқтаси назаридан қараганда, шерикчилик ёндошуви XVIII аср француз мутафаккирлари томонидан ривожлантирилган «оқилона худбинлик» назариясига асосланган. Бу назария умумий «ютуқ» шахсий манфаатларни рўёбга чиқариш имконини бериши учун ўз манфаатларини умумий ишга онгли суратда бўйсундириш тоғисини ривожлантиради.

«Муаммони биргалашиб таҳлил қилиш» деб ном олган ёндошувга «оқилона худбиилик» назариясининг иккита тамойили асос қилиб олинган:

- манфаатларни, шу жумладан ўз манфаатларини ҳам яхшилаб таҳлил қилиш;
- агар шерик манфаатларига эришса, қарши томоннинг ўз манфаатлари тўлароқ рӯёбга чиқади.

Бундай ёндошув самарали, лекин у шериклар ўртасимда ишонч анча юқори даражада бўлишини тақозо этади. «Картани очгандагина» вазиятни реал таҳлил қилиш мумкин. Муносабатларнинг ишончлилиги тижорат сирини сақдаш зарурлиги билан қўшилиб кетиши керак.

Амалий фаолиятда юқорида тасвирангган ёндошувларни «соф» ҳолатда учратиш қийин. Музокараларнинг қатнашичадри юқоридаги ёндошувлардан бирини назарда тутишлари ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади. Шундай бўлса — да, ишбилармонлик дунёси ривожланиб, мураккаблашиб, индивидуаллашиб борган спари кўпроқ шерикчилик муносабатларини кўзлаб иш тутиш йўлидан бормоқда.

Реал амалиётида ҳар хил «ифлос найранг»лардан фойдаланадиган шерикка дуч келиш эҳтимоли йўқ эмас. Бундай усулларни билиш ва заарсизлантира олиш керак. Эски қоидалардан бири бошлангич даражани максимал оширишдан иборат эди. Музокаралар давомида шериклардан бири мана шу охирги позицияни мумкин қадар узоқроқ ҳимоя қилишга интилар эди. Кўлинча бу усул кейинчалик ҳеч бир заарсиз воз кечиш ва бу ҳолни ён беришдек қилиб кўрсатиш мумкин бўлган баандларни киритишини назарда тутар эди. Натижада музокаралар бўйича шерикдан ҳам шундай қадамлар ташлаш кутилар эди.

Бу усул кўшгина салбий оқибатларга олиб келади. Бундай феъл — автор ишончсизлик тугдиради.

Томоналарнинг имкониятларини баҳолашнинг ҳозирги усуллари бу усулдан фойдаланиш учун кам имконият қолдирмоқда.

Юқорида тасвирангнга яқинроқ турувчи яна бир усул — «ўз позициясига соҳта ургу бериш» ва ана шу усульнинг вариантларидан бири сифатида — шерик учун очиқдан — очиқ мақбул бўлмаган таклифларни киритишидир. Бу тактик усул шундан иборатки, унда, масалан, музокаралар иштирокчиси бирон — бир муаммони ҳал қилишдан ўзини ўтга манфаатдор қилиб кўрсатади, холбуки у аслида иккинчи даражали муаммо бўлади. Бундай феъл — авторнинг сабаблари турлича бўлиши

мумкин. Баъзан бевосита савдолашиш учун шундай қилинади: кейинчалик анча муҳимроқ бўлган бошиқа масаланинг ҳал қилинишига эришиш учун аввпли муаммо кун тартибидан олиб ташланади.

Тамагарлик усули ҳам ҳозиргина таърифланган бошланғич талабларни ошириш ва ўз позициясига сохта урғу бериш усулларига яқин туради. Буларнинг фарқи мазкур усуллардан қачон фойдаланилишидадир. Агар дастлабки усул музокаралар бошланishiда кўпроқ қўлланилса, тамагирчиликдан одатда музокаралар охирия, томонлар келишувларни имзолашга яқинлашиб қолганларида фойдаланилади. Баъзан уни охирги дақиқада талаб қўйиш атапади, чунки у айнан музокараларнинг туталловчи босқичига мўлжалланган бўлади. Томонлардан бири музокаралар охирида, улар муваффақиятли тугаёттанилити аниқ кўрина бошлаганида тўсатдан янги талабларни илгари суради. Бунда у шериги эришилган келишувларни имзолашдан жуда манбаатдор бўлганилиги учун ён беришига асосланади. Бундай феъл – атворнинг оқибатлари томамила аён. Турган гапки, бундай ҳолатда шерик бирмунча ён беришишига эришиш мумкин. Лекин музокаралар тутаганидан кейин уларнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундан ташқари ҳозирги ишбилармонлар дунёсида обрў – эътибор конкрет фойда ёки устунилка эришишига қараганда анча қиммат туради.

Кенгроқ маънода олинадиган бўлса, тмагарлик усули ўз табиатига кўра бошиқа бир усулага – шерикни боши берк кўчага киритиб қўйиш усулига яқин туради. Бу услни америкалик тадқиқотчи Т. Шеллинг анча образли қилиб тасвиrlаган. Иккита юк машинаси тор фўлдан бир – бирига қараб тез келаяпти. Улар бир – бирига яқинлашганда бир ҳайдовчи иккинчисига кўрсатиб туриб ўз рулини машина ойнасидан улоқтириб юборади. Иккинчи ҳайдовчи ўзини икки хил тутиши мумкин: ё биринчи ҳайдовчига йўл бериб, ўзини четта олиш, ёки унга бориб урилиш. Равшанки, биринчи ҳайдовчи ўзига йўл бўшатиб беришларига эришиши мумкин, лекин у бир томондан, тўқиашув юз берган тақдирда ўзига катта зарар етказиши мумкин, иккинчи томондан эса, ўз ҳатти – ҳаракати одоб нуқтаи назаридан салбий баҳоланишига эришади. Музокараларда шерикни иложсиз аҳволга солиб қўйиш – энг аввало музокараларни барбод қилиш хатарли демакдир. Шуендей йўл билан қўлга киритилган розилик эса мустаҳкам бўлиши даргумон. Жуда яхши деганда, қандайдир вақтинчалик ён

беришларга эришиш мүмкін, лекин бу ён беришлар кейинчалик құммат тушмайдими?

Күпинча савдолашиб концепцияси доирасыда, тамагарлық ва шерикни иложсиз ақвога олиб қўйишидан ташқари, унга тазийқ ўтказиш билан боғлиқ бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади. Шулардан бири – талабларнинг ултиматив руҳдадиги: ё сиз бизнинг таклифўимизга рози бўласиз, ёки биз музокараларни ташлаб кетамиз. Равшанки, ултиматум ёрдамида гаплашиш – музокара эмас, балки муаммони бир ёқоама тартибда ҳал қилишга уринишидир. Бошқа бир тактик усул – таҳдид қилиши. Аслида, бу икки усульнинг бир – биридан фарқи шуки, биринчи усул таклифлар жумласига кирса, таҳдиidlар ҳар қандай баҳона билан қилинавериши мүмкін.

Тобора каттароқ талаблар қўйиш. Шерик киритилаётган таклифларга розилик бераёттанини кўриб, янги – янги вазири ўз ҳудудида ҳаво ва денгиз базаларини жойлаштириш хусусида Буюк Британия билан музокаралар олиб борганида ана шу тактикани ишлаттан эди. Ҳар гаш Буюк Британия келишувга эришилди деб ҳисоблаганида, унга: «Ҳа, албатта, розимиз, аммо яна кичкина муаммо бор» дейилар эди. Натижада, бу кичкина муаммолар Буюк Британияга 10 миллион фунт стерлингта тушди ёки у шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида ҳамма докерлар ва базаларнинг ишчиларини иш билан таъминлаш ҳақида кафолат берди.

Яна бир усул «салями» деб аталади. Бу усул шундан иборатки, ўз манфаатлари, баҳолари ҳақидағи ахборот салями колбасасини кесишга ўхшатиб жуда майда улушлар билан берилади – усульнинг номи шундан олинган. Усульнинг моҳияти шундаки, биринчи бўлиб шерик «ўз картасини очишга» мажбур қилинади, шундан кейин вазиятта қараб, тегишлиға ҳаракат қилинади. Бу услни қўлланиши натижасида энг аввало ишга зарар келтирган ҳолда музокаралар сунъий равища чўзиб юборилади.

Атайлаб сохта ахборот бериш ёки уйдирма. Умуман бу усул музокаралар қатнашчилари томонидан тобора кам ишлатилмоқда, чунки ҳозирги шароитдан ундан фойдаланиш анча осон ва тез ошора бўлиб қолиши мүмкін ва бу ҳол музокаралар иштирокчиси обрўсизланиб қолишига олиб боради.

Яна иккита усулан айтиб ўтамиз. Шулардан бири шерик қабул қилишга рози бўлиб турганида ўз таклифларидан воз кечиш. Бундан кўзланган мақсад түрлича бўлиши: музокараларни гўзиш ҳам, кўпроқ нарса «ундириш»га уриниш ҳам, музокаралар ёрдамида умуман бирор нарсани ҳал қилишини истамаслик ҳам

бўлиши мумкин. Бошқа бир тактик усул икки хил талқин қилиш. У қўйидагиларни тақозо этади. Томонлар музокаралар ёрдамида биронта ҳужжат ишлаб чиқадилар. Бунда томонлардан бири таърифларга икки гёклама маъно «жойлайди». Унинг шартномани бузмаган ҳолда, уни ўз манфаатларига мослаб талқин қилишдир. Равшанки, бундай феъл – автор жуда катта хавф туғдириши мумкин.

Дўстона муносабатта мослашиб иш қилинганида (ҳар ҳолда бу камдан – кам бўлади) шерикнинг деярли ҳамма таклифлари қабул қилинади, катта нарсада ён берилиб, эвазига ҳеч нарса талаб қилинмайди, «позициялар тўғридан – тўғри очиб берилади».

Томонлар шерикчилик муносабатларига амал қилганларида муаммони биргаликда таҳлил қилиш, биргалашиб ижоз қилиш марказий бўғинга айланмади. Муаммо қанчалик тўлиқ ва чуқур таҳлил қилинса, мавжуд зиддиятларнинг ечимини топиш учун умид шунча катта бўлади. Шу сабабли муаммони ўрганиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатлар ижобий рол ўйнайди. Ишларнинг аҳволи ҳақидаги ахборот музокаралар иштирокчиларига етиб бориши керак. Муаммони шерик билан бирга таҳлил қилишни мўлжалланганда ҳар бир томон ўз нуқтаси назарини билдириши, шерикнинг фикрини тинглаши, уларни таққослаши керак.

Кўпчилик ҳолларда муштарак манфаатлар ва жиҳатларни таҳлил қилишдан бошлаш, улар орқали эса эҳтимол тутилган умумий ечим зonasини белгилашга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳатто агар музокараларга киришган томонлар низолашин ҳолатида бўлсалар – да, музокаралар олиб боришининг дастлабки босқичида орадаги фарқни таъкидламасликка ҳаракат қилиш керак. Музокараларнинг дастлабки дақиқаларидан бошлабоқ тафовутни кўрсатиш келишмоиликларни кучайтириши, музокараларнинг умумий мұхитини ёмонлаштириши мумкин.

Музокаралар олиб боришининг самарали тактикаларидан бири мұҳокама қилинаётган масалаларнинг мураккаблигини аста – секин кучайтириб борищдан иборат. Бу тактика аввалига энг енгил масалаларни мұҳокама қилишни таклиф этади. Уларни ҳал қилиш музокараларнинг қатнашчиларига ижобий психологияк таъсир кўрсатади, келишувга эришин мумкинligини намойиш қиласи. «Мураккабликни аста – секин ошириб бориши» усулидан фойдаланиш ғоят самарали бўлиши мумкин. Аввал енгилроқ масалаларни ҳал қилиш музокараларда яхши психологияк мұхит ҳосил қиласи, муаммоларни умуман ҳал қилиш мумкинligини кўрсатади.

Баён этилган усулага «муштарак ечим зонасини излаш»га қаратылған ҳаракатлар яқин туради, яъни томонлар аввало құшма ҳужжатнинг мазмуни хусусида келишувгә эришадилар, бошқача қилиб айттанды әхтимол тутилған ечимлар зонаси ёки америкалик тадқиқотчилар У. Зартман ва М. Берман таърифи билан айттанды «ечимларнинг умумий формуласи» аниқланады. Шундай қилиб, томонлар энг муҳим масалаларда келишувгә эришиб, битим тафсилотларини ишлаб чиқадилар. Музокараларни ана шундай «икки босқичда» олиб бориш вақтни анча тежаш имконини беради.

Иккала томон манфаатлари рүёбга чиқишига ёрдам берадиган таклифларни, яъни шерик томон тасдиқ билан жавоб берини мумкин бўлган таклифларни ишлаб чиқиш ва киритишини маъқулласа арзиди. Баъзан музокаралардаги шерик таклифларнинг можиятига рози бўлади, лекин таърифларнинг ўзини номақбул деб топади.

Албатта, келишмовчиликларни биргалиқда таҳлил қилиш фақат бир—бирларига хушомад қилишдан иборат бўлмайди. Эътиrozлар бўлиши мумкин ва бўлиши зарур. Лекин уларнинг мазмуни тортишиш вақтидаги келишмовчиликлардан мутлақо фарқ қилади. Савдолашиб вақтидаги эътиrozлар — шерикнинг феъл—авторидан фойдаланиш воситаларидан бири, келишмовчиликларни биргалашиб таҳлил қилиш пайтидаги эътиrozлар эса — муаммони таҳлил қилиш воситасидир. Эътиrozларни баён этиш шакли муҳимдир. Улар яхши асосланган бўлиши ва тарафлардан бирининг ўз нуқтаи — назарини ҳимоя қилишга эмас, балки манфаатларни мувофиқлаштириш йўлини излашга қаратылган бўлиши керак.

Музокаралар жараёнида муаммони бирданига ҳал қилишга уринмасдан, «муаммони алоҳида таркиби қисмларга ажратиши» фойдалит бўлади. Музокараларнинг қатнашчилари муаммони бўлиб ташлаб, ҳар бир унсур бўйича келишувгә эришиш мумкинми — йўқми, кўриб чиқадилар. Агар мумкин бўлмаса, әхтимол уларнинг баъзиларини «қаводан чиқариш», бошқача қилиб айттанды — муҳокама қиласлик мақсадга мувофиқ бўлар. Албатта, бундай шароитда умумий битимга эришилмайди. Бироқ, бир қанча ҳолларда бундай қисман келишувнинг мавжудлиги ҳеч қандай келишувгә эришмасликка қараганда олға ташланган катта қадам бўлади.

Баъзан шерикнинг ҳаракатларини у ёки бу ёндошув жумласига киритиб бўлмайди. Улар ташқаридан бир хил бўлсалар — да, тамомила бошқа — бошқа мазмунига эга бўлишлари мумкин. Бунга мисол қилиб ҳаммага яхши маълум бўлган

«пакетлаш» усулини кўрсатиши мумкин. Бунда бир неча таклиф ёки масала билан бирга боғланади ва «пакет» арзидаги кўриб чиқишига таклиф қилинади, яъни айрим таклиф ва масалалар эмас, балки уларнинг ҳаммасини муҳокама қилиш керак бўлади. Музокаралар жараёнида иккى хил «пакет»дан фойдаланилади, лекин уларнинг бири тортишиш концепциясини иккинчиси — муаммони шерик билан бирга таҳлил қилишни акс эттиради.

«Пакет»дан тортишиш доирасида фойдаланиш жозибадор таклифлар билан унчалик мақбул бўлмаган таклифларни бир «пакет»га боғлашни тақозо этади. «Пакет» муаллифи ўз шеригининг шу «пакет»даги бир неча таклифдан жуда ҳам манфаатдор эканлигига асосланади ва бутун «пакет» маъқулланишига умид қиласди. Шу тариқа «пакет» муаллифи ўз позициясини очиб беради. Мунозарадан кейин томонлар бирор — бир ечимга келадилар.

Баъзан «пакет» мунозара натижасида пайдо бўлади ёки агар томонлар бир — бирларининг позициясини яхши билсалар, музокаралар бошида таклиф қилинади. Шерик билан муҳокама қилинадиган «пакет» иккала томон бир — бирига ён беришини ва бу ён беришни «пакет» билан боёлашни тақозо этади.

Бошқа бир усул кўп томонлама музокараларга хос бўлиб, «блок тактикаси»ни ишлаб чиқиши тақозо этади. Бу тактика ягона блок бўлиб чиқаётган шериклар билан ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборатdir. Музокаралардада қатнашаётган томонлар сони кўп бўлганида аввал уларнинг бир қисми учун ечим топиш ва шу тариқа пировард ечимни излашни енгилаштириш таклиф қилинади. Бошқа ҳолларда бу усулдан бутунлай қарама — қарши мақсадларда, яъни, масалан, блок номидан муҳобил таклифни илгари суриш йўли билан қарорни ўтказиб олишга йўл қўймаслик мақсадида фойдаланилади.

Юқорида келтирилган мисоллар ташқаридан қарагандада бир хил бўлиб кўринадиган ҳаракатлар музокараларнинг иштирокчилари учун тамомила турлича маънога эга бўлиши мумкинligини кўрсатмоқда. Агар шерик томон шундай ҳаракатларни қўлласа, энг аввало у бунда қандай мақсадларни кўзлаётганligини тушуниш зарур.

Агар шерик томон ҳар хил «ифлос найранглар»дан йўл қўйилмайдиган усуллардан фойдаланса, нима қилиш керак. Бу музокараларнинг қатнашчилари дуч келадиган асосий ва айтиш мумкини, энг мураккаб масалалардан биридир. Шунга ўхшашиб усуллардан фойдаланадиган шерик билан музокаралар олиб боргандада асосий қоидалардан бири — унинг усулини қарши ишлатмасликдан иборатdir. Қилиш мумкин бўлган иккинчи иш

— шерик ишопок йўл тутаёттанилигининг сабабларини таҳдил қилишдан иборат. Таҳдил натижаларига қараб, бундан буенги феъл — авторни белгилаш керак. Эҳтимол, бундай вазиятда бошқа муқобил чорага мурожаат қилиш ва муаммони ё бир ёқлама асосда, ёки бошқа шерик билан бирга ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлар. Шунда ҳам музокараларни кескин тұхтатмаслик керак. «Эшикни қаттиқ ёпишга» қаратилган феъл — автор бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг энг яхши усули эмас. У бундан кейин мудоқотни давом эттиришини мураккаблаштиради.

Қарама — қаршилик шароитида энг оқилона феъл — автор — ўйинни ўзгаришига уриниб кўриш, тортишиш концепциясидан воз кечиш ҳамда муаммоларнинг ечимини излашга биргалашиб куч — ғайрат сарфлаш иккала томоннинг манфаатларига хизмат қилишини кўрсатишдан иборатdir. Буни ортиқча намойишларсиз, оқилона ва асосли равишда қилиш керак.

Зиддиятларни ҳал қилишга қаратилган амалий гоялар музокаралар жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Яхши ниятни намойини қилишини шерик томон тушунади. Борди — ю бундай бўлмаса, дағдаға қилишга ва «жавоб чоралари» кўришга шошилмаслик керак.

Музокаралар жараёнида шерикнинг фикрларини зътибор билан тинглаш керак. Агар бирор нарса тушунарсиз бўлиб қолган бўлса, қайтадан сўраган, масалан «... деганда нимани назарда тутайпсиз?» деб тўғридан — тўғри савол берганингиз, ёки шерик томоннинг гапларини бошқачароқ қилиб айтиб «мен Сизни тўғри тушундимми?» деб сўраганингиз дуруст. Тафсилотларни ҳам унумаслик керак. Борди — ю, тафсилотлар маҳсус муҳокама қилинган бўлмаса, бундан уларни ўз хоҳишингизга талқин қилишингиз мумкин, деган маъно чиқмайди. Дудмол таърифларни кейинчалик, олинган мажбуриятларни бажариш пайтида қайтадан кўриб чиққандан кўра, олдинданоқ бартараф этган маъқул. Позицияларни аниқлаш қуруқ мақсадга айлантириб юбориш мумкин эмас. Акс ҳолда музокаралар суръати пасайиб кетади, «бир жойда депсиниш» юз беради. Бу эса оқибытда томонларнинг бир — биридан аччиқланишига ҳамда музокаралар мувваффақиятли тугашига ишонмасликка олиб боради.

Музокаралар олиб бориш иккала томон ҳам фаол бўлишини тақозо этади. Пассивлик одатда позиция яхши ишлаб чиқилмаганилигидан, унинг заифлигидан ёки музокаралар олиб боришни хоҳдамасликдан дарак беради. Лекин бунинг аксига ҳам берилиб кетмаслик — шерикни фақат менинг позициямни,

менинг гояларимни мұхокама қылайлик деб мажбурлаш ҳам керак әмас. Музокаралар — әнг аввало тенгүүкүли иштирокчиларнинг муроқотидир.

4. Музокаралардаги феъл-автор турлари

Музокаралар — томонлар ўртасида амалий алоқаларнинг бошланишидир. Шахсларнинг бир-бирларини ёқтириш ёки ёқтирумаслиги улар натижаларига таъсир күрсатиши мумкин. Масалан, яхши ҳазил кескинликни юмшатиши мумкин.

Агар музокаралар анча узоқ давом этса — ю, бир қарорға келишнинг ҳеч иложи бўлмаса, музокараларда танаффус зълон қилип фойдали бўлиши мумкин. Танаффус делегацияларнинг маслаҳатлар ўтказишига имкон беради.

Пайдо бўлаётган боши берк кўчадан чиқишининг бошқа бир йўли масалани кейинроққа, бошқа муаммолар ҳал қилингунча қолдириб туришдан иборат.

Мұхокамалар ва позицияни далиллаш вақтида шерик томонни унинг нуқтаи назари хато эканлигига ишонтириш керак әмас. Бундай феъл-автор қарши томонни аччиқлантириши мумкин. Француз Республикасининг сабиқ президенти Валери Жискар д'Эстен адвокатлар билан учрашувлари ҳақида мана бундай фикр айттан эди: «Мен қабул қилган кишиларнинг мени фикримдан қайтмасликка ақллари етарли эди. Улар менга шубҳаларимга қўшилишларини ва фақат ўзларининг фикрича мен назардан қочиришим мумкин бўлган жиҳатларга эътиборимни қаратмоқчи бўлганларинитина билдириб қўяр эдилар».

Шерикнинг ён беришга розилигини заифлик аломати деб ҳисобламаслик керак. Аксинча, шерик томонидан қилинган бундай ҳаракатлар қийинчиликлардан қочишига имкон беришини ва шу маънода иккала томоннинг мавқеини кучайтиришини кўрсатиш маъқулроқ.

Анча кучлироқ шерик билан, яъни позицияси объектив суратда кучлироқ бўлган шерик билан музокаралар олиб бориш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Кўпинча кучлироқ шерик билан бўлажак учрашув ҳавотирлик ва ишончсизлик ҳиссини туғлиради. Умуман у билан музокарага киришиш керакми ва агар киришиш керак бўлса, бунда қандай принцип ва усуллардан фойдаланиш мумкин?

Шуни оддиндан айтиб қўяйликки, объектив суратда заифроқ бўлган позиция ҳақида жуда шартли галириш мумкин. Давлатнинг қудрати ҳам, у ёки бу фирманинг молиявий

таъминланганлиги ҳам музокараларда позицияни түғридан—түғри кучли қилиб қўя олмайди. Нисбатан кучсизроқ томон «галаба қилган» (агар музокаралар якунларини баҳолаш учун бу атама умуман ўринли бўлса) ҳоллар тарихда кўп бўлган. Бунда кучсиз томон устароқ бўлганлиги учунгина эмас. Кучлироқ шерик музокараларга киришишининг ўзиёқ у қандайдир сабабларга кўра музокарадан манфаатдор эканлигидан дарак беради. Шундай қилиб, қатъий айттанды шериклар музокаралар столи атрофида ҳамма вақт тенгдирлар. Шунинг учун ҳам масалани мана бундай қўйиш аниқроқ бўлар эди: агар шерик ўз кучини намойиш қилиб, ўзи учун иложи борича кўпроқ нарса «ундириб олишга» урунса нима қилиш керак?

Бу масалани америкалик муаллифлар Жефри Рубин ва Жесвальд Салакюз батафсил кўриб чиқканлар. Уларнинг айрим тавсияларини келтирамиз.

Принципни далил қилиб келтириш мумкин. Бу ўринда принцип деганда ҳалқаро ҳуқуқ меъёрлари, адолат ёки тенглик принципи, шунингдек ушбу шериклар ёки бошқалар ўртасидаги муносабатлар тарихида шундай ҳодиса бўлганлиги тушунилади. Шу ўринда туғиладиган асосий муаммо — қандай принципни асос қилиб олиш керак, деган муаммодир. Одатда томонлар ўзларига қайси бири фойдалари эканлигига қараб, турли принципларга асосланадилар. Музокараларга тайёрланганда нималар принципи сифатида илгари сурилиши мумкинligини, шунингдек шерик қандай принципларга асосланишини олдиндан ўйлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Далиллар ҳам шунга қараб тайёрланади.

Кучлироқ шерик билан музокаралар олиб боришининг бошқа усули бу томон билан узоқ давом этган «тарихий муносабатлар»ни далил қилиб келтиришдан иборатdir. Кучсизроқ томон шерик билан яхши муносабатлар узоқ давом этиб келганлигини таъкидлайди ва буни ҳисобга олиши сўрайди. Масалан, ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг собиқ метрополиялари билан музокаралар олиб борганда кўпинча умумий тиа, маъданият унсурлари, эски анъанавий алоқалар мавжудлигини таъкидлашга ҳаракат қиласидилар.

Шерик билан келгусидаги муносабатларга мурожаат қилиш олдинги усулининг давоми деб бўлиши мумкин. Кучсизроқ томон келгусида узоқ муддат давомида муносабатлар ривожланиб бориши мумкинлигини кўрсатиб ўтиши ва бундай истиқболдан ҳозирги босқичда янада оқилона битим тузишга даъват қилиш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин.

Навбатдаги усул турли масалаларни битта «пакет»га бирлаштиришга асосланган. Музокаралар қатнашчиси бир масалада күчсизроқ бўлса, бошқа масалада кучлироқ бўлиши мумкин. Музокараларда бу масалаларни бир – бири билан боғлаш томонларнинг кучини «мувозанатта келтириши» мумкин. Музокараларнинг кучсизроқ қатнашчилари ўз мавқеларини кучайтириш учун бирлашишлари ва коалиция тузишлари мумкин. Табиийки, кучлироқ шерикка оппонент сифатида коалиция тузиш ёки бирон – бир бошқа шаклда бирлашиш кўп томонлама муносабатлардагина бўлиши мумкин.

Амалий алоқа технологияси ва психологиясига доир қўшимча материал. Музокаралар қатнашчисига йўриқномада келтирилган (9 – илова).

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Музокара нима.
2. Музокарага тайёрланиш қандай босқичларни ўз ичига олади.
3. Музокараларни мазмун жихатидан таёrlашда нималарга аҳамият бериш керак?
4. Агар музокара сизнинг мамлакатингизда бўлаётган бўлса сиз қандаё устунилигга ёки қийинчиликларга учрашингиз мумкин?
5. "Оқилюна худбинлик" назарияси деганда нимани тушинасиз.
6. Музокаралар жараёнида "Гирром найранг"ларни зарарсизлантириш учун нималарни хисобга олиш керак.
7. "Салами" ва "савдолашиш" усулларининг мазмунини тушунтириб беринг?
8. "Пакетлаш" усули нима.
9. Музокараларда шерикларни қандай феъл – атвор турларини биласиз?

5 – МАВЗУ. НИЗО

Режа:

1. Низолар сабаби.
2. Воситачилик ва ҳакамлик

Адабиётлар:

1. Т.И.Холопова, М.М.Лебедева. Протокол и этикет для деловых людей. М.: «АНКИЛ» 1994 й., 6-7-боблар
2. Фишер Р., Юри У. «Путь к согласию или переговоры без поражений», Инглизчадан таржима. М.: «Наука», 1990 й.

3. Я. Нергаш. Поле битвы - стол переговоров. М., «Международные отношения». 1989 г.

1. Низолар сабаби

Баъзан мана бундай нуқтаи назар учрайди: томонлар ҳамкорлик қилаёттани, умумий иш билан шуғулланаёттани экан, улар орасида қандай ихтилоф бўлиши мумкин? Аслида эса тез-тез ва жуда жиддий ихтилофлар чиқиб туради. Масалан, шериклардан бирининг илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги ёки сифатли товарни етказиб бермслиги (гарчи бу масала олдиндан муҳокама қилинмаган бўлса ҳам), умуман муаммо туғиладиган ҳолатлар камми? Албатта, суд ёки ҳакомлик идорасига мурожаат қилиш ва ўша ерда низоли масалаларни ҳал этишга уриниб кўриши мумкин. Шунга қарамай, гарб мамлакатлари амалиёти кўрсатишига, ҳатто фуқаролик ҳуқуқи билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳам суд инстанциялари орқали эмас, балки судгача, музокаралар ва воситачилик йўли билан осонроқ ва тезроқ ҳал қилиши мумкин. АҚШда барча фуқаролик даъволарининг 90—95 фоизи шу тариқа ҳал қилинади. Музокаралар йўли билан ҳал қилиши имконияти тутаган, аммо келишувга эришилмаган ҳоллардагина томонлар судга мурожаат қилишади.

Иккى сабабга хўра судга мурожаат қилмаган маъқул. Биринчидан, суд чиқимларини тўлаш керак, иккинчидан, суд қарори ижро учун мажбурий бўлиб, буниси янада муҳимроқ бўлиши мумкин. Томонлар эса музокаралар йўли билан ҳар бирини кўпроқ қаноатлантирадиган бошқа ечимни топишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, музокаралар ва воситачилик туғилаёттани низоларни ҳал қилишининг анча эпчил механизмлари жумласига киради.

2. Воситачилик ва ҳакамлик

Мана бир мисол. Қатор йиллар давомида IBM «Фудзицу»ни унинг компьютер дастурларидан фойдаланишда айблаб келган эди. Натижада ихтилоф воситачилар ёрдамида бартараф этилди. Биринчи босқичда мустақил эксперталар ролида чиқсан воситачилар IBM қўяёттани айблар қамчилик асосли эканligини аниқладилар. Натижада томонлар «Фудзицу» IBMга товон тўлаши керак деган холосага келишди. Иккинчи босқичда, яна воситачилар ёрдамида бу товоннинг суммаси белгиланди.

Томонлар ўртасида, шу жумладан собиқ шериклар ўртасида ихтилоф чиқиши ҳоллари оз эмас. Масалан, «Коммерсант» газетаси ҳаммадан қаттиқ роқ реклама қилинган, «Славянская» мәхмонхонасини ишлатиш учун ташкил этилган совет – америка ҚКларидан бири – «Intourist – RodAmer» тутатилғанлыгини хабар қылды. Сабаб – совет ва америкалик муассислар ўртасидаги ихтилоф. Томонлар бир – бирларига қарши күпдан – күш айбларни қўзғатдилар, шу жумладан 3 млн. рубл. ва 3 млн. доллар устав фондини тўламаганликда бир – бирларини айблададилар.

Одатда воситачилик деганда музокаралар жараёнини оптималлаш ва иккала томонни ҳам қаноатлантирадиган ечимни топиш мақсадида учинчи, бетараф томоннинг иштирок этиши тушунилади. Учинчи томон деганда воситачи ҳам, кузатувчи ҳам, ихтилофли муносабатларни тартибга солиш ёки бошқа томонлар ўртасидаги масалаларни ҳал қилишда ёрдам бериш билан банд бўлган ҳар қандай бошқа шахс назарда тутилади. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси анча шартни равишда, асосан, муаммога қай даражада тортилғанлигига қараб бир – биридан фарқланади. Умуман учинчи томон, масалан, низолашаёттан томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш учун шарт – шароит яратишдагина қатнашиши мумкин. Воситачи эса, қоида тариқасида, битимни тайёрлашда иштирок этади.

Кузатувчи одатда ечимни топиш билан воситачидан ҳам камроқ даражада банд бўлади. Аекин кузатувчининг мавжуд бўлишиёқ томонларни илгари эришилган келишувларни бузишдан ёки бир – бирларига қарип душманлик ҳаракатларини қилишдан тийиб турди, демак низоли масалалаларни музокаралар йўли билан ҳал этиш учун, жуда оз бўлсада, шароит яратади. Ана шу маънода ҳар учала тушунча: «воситачи», «учинчи томон», «кузатувчи» деган тушунчалардан синонимлар сифатида фойдаланиш мумкин.

Воситачилик билан ҳакамликни бир – биридан фарқлаш керак. Воситачилик ихтилофда ёки музокараларда қатнашаёттан томонларга умумий ечимни топишга қаратилған тавсияларнингина назарда тутади, холбуки ҳакамлик – томонлардан бирини қаноатлантирумайдиган, аммо улар амал қилиши шарт бўлган ҳулосани чиқаришни назарда тутади. Амалиётида аввал воситачиликни, агар у ижобий натижа бермаса, ҳакамликни кетма – кет қўлланиш мумкин.

Биринчи навбатда – воситачини қаердан топиш керак деган савол туғилади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида воситачилик хизматлари кўрсатадиган давлат ва иодавлат

хизматлари ташкил этилган. Ўзбекистонда бундай ташкилотлар йўқ. Баъзан воситачилик билан юридик фирмалар шуғулланади; иккала томон розилиги билан обрўли шахс, ташкилотни ва ҳ. к. таклиф қилиш мумкин. Воситачи ҳамма низолашувчи томонлар ишончини қозонган хабардор, бетараф шахс бўлиши керак. Бунда хабардорлик деганда воситачининг низога асос бўлган муаммони ҳам, воситачилик ва музокаралар олиб боришининг процессуал жиҳатларини ҳам билиши тушунилади. Бетарафлик воситачи ихтилофда қатнашаётган томонлардан биттасини ҳам қўллаб – қувватламаслигини назарда тутади. Агар воситачи иштирокчилардан биттасига хайриҳоҳлиқда шубҳа қилинса, унинг хизматларидан фойдаланилмайди. Бетарафлик ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш муҳимки, воситачининг ҳақиқий бетарафлиги ёки холислиги эмас, балки асосан ихтилоф қатнашчилари уни қандай қабул қилишлари аҳамиятта эга.

Низолашаётган томонлар воситачининг бетарафлиги, хабардорлиги ва холислигини турлича мезонларга асосланиб баҳолашлари мумкин. Ҳар бир алоҳида ходиса ўз талабларини қўяди ва воситачини танлашни чеклайди. Воситачилик механизми анча мослашувчан бўлиши керак. Бунга воситачилик турларининг хилма – хиллити, шунингдек уларниң бирликлари ҳисобига эришилади. Энг кўп тарқалган турлар жумласига қўйидагилар киради:

- таклиф қилинадиган – сўраб олинадиган;
- шартномавий – амалий;
- формал – ноформал;
- доимий – вақтингчалик;
- бир томонлама – кўп томонлама (индивидуал – коллектив);
- расмий – норасмий;
- шахсий – шахсийлашмаган.

Воситачи зиддиятларни ҳал қилиндида томонларга ёрдам бериш керак. У ўзаро мақбул ечимларни топиш учун музокаралар жараёнини енгиллаштириши керак. Унинг дастлабки мақсадларидан бири – низода қатнашаётган томонларга ўз нуқтаи назарини қарши томонга етказиши имконини берадиган самарали «коммуникация каналлари» яратишдан иборат. Баъзан низолашаётган томонлар муаммони муҳокама қилишдан бош тортадилар ва алоқини фақат бир – бирларига таҳдид қилиш ва бир – бирларини айблашдан иборат қилиб қўядилар. Томонлар ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлмаслиги, ўз нуқтаи назарини аниқ ва хотиржам таърифлаб ва асослаб бериш мумкин эмаслиги низонинг авж олиб кетишига сабаб бўлади.

Воситачи музокара жараёнинг тузилишини бузмаган ҳолда аввало томонларга бир-бирларининг қарашлари, фикрлари билан танишиш имконини беради. Муомала канали турли усуллар билан йўлга қўйилиши мумкин. Воситачининг ҳар бир томон билан кетма-кет учрашиши ана шундай йўллардан бири бўлиши мумкин. Воситачи тўғридан-тўғри алоқа - музокаралар ташкил этиши мумкин. Охир-оқибатда у ўзига хос оддий «почтачи» бўлиб бир томондан иккинчи томонга навбатма - навбат ахборот олиб бориши ҳам мумкин.

Бироқ шуни эсда тутиш муҳимки, ҳар қандай алоқа канали ҳам муқаррар самарали бўлавермайди. Низо жуда ҳам чуқурлашиб кетмаган, позицияларда қандайдир муштарак жиҳатлар бўлганидагина бевосита фикр, нуқтаи - назарлар алмашиш ёрдам беради. Қарашлар бутунлай қарама-қарши бўлиб қолганида бевосита муҳокама томонларнинг бир-бирларига таъна қилишларига, бир-бирларини айблашларига, диалог ўрнига монологдан фойдаланишларига олиб бориши мумкин бу эса низони кучайтиради. Агар низо чуқурлашиб кетаверса, воситачилар низо иштирокчилари ўртасида бевосита алоқа бўлишига тўсқинлик қилишлари ва айни вақтда ахборот, нуқтаи назарлар, қарашлар алмашувини таъминлашлари керак.

Воситачи яхши психолор бўлиши керак. Томонлар низолашаётган вақтларида кўпинча бир-бирларига нисбатан душманлик қиласидар аччиқланадилар, салбий ҳис - туйгуларини билдирадилар. Равшонки, буарнинг барчаси масалани ҳал қилиш йўлларини амалда излашга ёрдам бермайди. Шу сабабли воситачининг вазифаси музокараларда амалий вазиятни вужудга келтиришдан иборат. Воситачи вазифани қанчалик яхши бажарса, музокараларнинг муваффақиятли тугаш эҳтмоли шу қадар катта бўлади. Бошқача қилиб айтганда, гап низолашаётган томонлар ўртасида ишчанлик муносабатлари ўрнатиш ҳақида боради.

Америкалик мутахассислар музокаралар жараёнида ишчанлик муносабатлари бўлиши муҳимлигини таъкидлашади. Масалан, Р. Фишер ва С. Браун бундай муносабатлар иш юзасидан бўладиган алоқаларга бутунлай сингиб кетсанлигини кўрсатишиади. Музокараларда томонларнинг муносабатлари ҳамма вақт ўзаро муносабатлардир. Шунинг учун ҳам, улар фикрича, ташаббус стратегияси, яъни муносабат ўрнатиш ёки муносабатни яхшилашга қаратилган биринчи қадамни ташлашга тайёр туриш стратегияси жуда муҳимдир.

Р. Фишер ва С. Браун музокаралар қатнашчилари ўртасида бўлиши мумкин бўлган муносабатларнинг уч турини:

дүшманларга, дүстона ва шерикчилик муносабатларини тасвирилашади. Айнан шерикчилик муносабатларини амалий муносабат деб ҳисоблаш керак. Ўз навбатида улар амалий муносабатларни зиддиятларга қарамасдан муаммоларни биргалашиб таҳлил қилиш йўли билан музокаралар қатнашчилари олдида турган муаммоларнинг умумий ечимини топишга ёрдам берадиган муносабатлар деб ҳисоблашади. Муаллифлар томонлар ўргасидаги муносабатларни ташкил этувчи олтига асосий унсурни ажратиб кўрсатадилар. Булар: рационаллик (оқилоналик), тушуниш, мулоқот, туғрилик, насиҳат оҳангидан холилик, бошқа нуқтаи назарни қабул қилишга тайёрлик.

Музокаралар қатнашчиларининг муносабатлари мавжуд обрў – эътибор асосида ҳам, шунингдек музокаралар олдиндан бўладиган бевосита алоқаларда ҳам шакланади.

Воситачининг бошқа бир вазифаси томонларга муаммони шерикнинг кўзлари билан кўришга ёрдам беришдан иборат. Низолашаётган томонлар муаммони ўzlари қандай тушунишлари ҳақидагина гапириб, кўпинча ўзига хос «эгоцентризм»ни намойиш қиласидилар. Воситачи томонларнинг ҳар бири билан ўтказган сұхбатларида унинг назаридан четда қолган фактларни кўрсатади, шу тариқа унда янада мураккаброқ ва айни вақтда янада адекватроқ манзарани шаклантиради.

Баъзан томонларнинг ҳар бири билан ўзига хос ўйин ўтказиш фойдали бўлади. Бунда команданинг бир қисми оппонент манфаатларини ифода этади. Ёки норасмий музокаралар ўтказиш мумкин. Уларда низолашаётган томонлар бир – бирларининг ролини ўйнайдилар. Воситачининг вазифалари ўйинни ташкил этиш, ўйин иштирокчилари ўз ролларига аниқ риоя этишларини кузатиш ва ечим излашда зарур ёрдами кўрсатишдан иборат. Бу усдан амалда бир неча бор фойдаланилган ва у яхши натижалар берган. Томонлар бир – бирларининг манфаатларини анча яхши тушуна бошлаганилар, бу эса оқибатда ўзаро мақбул қарорларни топиш жараёнини енгиллаштиришга олиб келган.

Муаммони «бошқа кишининг кўзи билан кўриш» уни ечиш учун кифоя қилмайди. Воситачининг энг муҳим вазифаси муаммони таҳлил қилиш ва эҳтимол тутилган ечим варианларини белгилашдан иборат. Янги ғояларни ўртага ташлаш энг муҳим масала бўлади. Воситачи иккала томоннинг манфаатларини. Яъни позициялардан ташқарида ётган нарсани аниқлагач, муаммони ҳал қилишнинг ўз вариантини таклиф қилиши мумкин. Баъзан «муаммони алоҳида таркиби қисмларга ажратиб», яъни бутун

муаммони бирданига ечишга уринмасдан, балки айрим таркибий қисмларни ажратиб, янги варианtlарни топиш мумкин бўлади. Музокараларнинг бошлиғи ч босқичларида томонларнинг нуқтаи назарлари баён этилади ва келишмовчилкларга сабаб бўлаётган бандлар алоҳида ажратилади. Музокараларнинг қатнашчилари ажратилган ҳар бир таркибий қисм бўйича келишувга эришиш мумкин ёки йўқлигини таҳлил қиласидар. Агар мумкин бўлмаса, эҳтимол уларнинг баъзиларини «қавсдан чиқариш», бошқача қилиб айтганда — муҳокама қилмаслик (масалан, кечиктириш ёки шерикка қараб турмасдан мустақил қарор қабул қилиш) мақсадга мувофиқ бўлар. Бундай шароитда умумий битимга эришилмайди. Бироқ, бир қанча ҳолларда бундай қисман келишувнинг мавжудлиги ҳеч қандай келишувга эришмасликка қараганда олға ташланган катта қадам бўлади. «Яхши жажалдан ёмои муроса яхши» деган халқ мақоли бор.

Воситачи маълум бир муддатта мўлжалланган вақтинчалик қарорни ҳам таклиф қилиши ва масалан, корхонанинг ёпилиб қолишига йўл қўймаслиги мумкин. Музокара қатнашчилари ажратилган муддат мобайнида воситачи билан бирга муаммони янада чуқурроқ таҳлил қиласидар ва уни ҳал этиш йўлларини белгилайдилар.

Умуман олганда, янги ғояларни ўргага ташлаш воситачиликдаги энг мураккаб, айни вақтда энг самарали ишдир. Кўпинча низолашаёттан томонлар аввал илгари сурилган таклифларнинг қули бўлиб қоласидар ва улар дан ташқарига чиқиб кета олмайдилар. Шунда баъзан янгича қараш керак бўлади. Воситачида худди шундай қаранг бўлди.

Воситачи тамомила янги ечими илгари суриши шарт эмас. Баъзан таклиф қарши томондан ўргага ташланганлиги учунгина у нуқул психологик нуқтаи назардан рад этилади. Бетараф томондан чиқсан ўша таклифнинг ўзи осонгина қабул қилинши мумкин.

Бошқа бир ҳолда тамомила соғлом ғоя биддирилган, аммо шеритк томон унинг моҳиятини илғаб олмаган бўлиши мумкин. Шунда таклифни бошқачароқ таърифлаш кифоя. У карши томон учун мақбул бўлади — қўяди. Воситачининг вазифаси якундовчи ҳужжатни ишлаб чиқишида ёрдам кўрсатиш, керакли таърифларни топишда кўмаклашишдан ҳам иборат.

Бундан ташқари воситачи кўпинча келишувларнинг бажарилишини назорат қиласиди, уларни янада мустаҳкамлайди. Бу вазифа ҳамма вақт ҳам воситачига юкланивермайди. Томонлар келишувга эришганларидан кейин бундан буён икки

томонлам муносабатларини ўзлари ҳам ташкил этаверишлари мумкин.

Воситачи соф техникавий усуллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан, қатнашчиларнинг қарорга келиш учун ажратилган вақтларини чеклаб қўйиш. Маълум вақттacha ўзаро мақбул қарорни топиш зарурлигининг ўзи акс ҳолда томонларнинг ҳар бири бир неча баравар кўпроқ нарса йўқотишлари мумкин — излашни тезлантиради. Агар низолашаётган томонлар эътиroz билдиrmаса, воситачи музокараларга фаол таъсир этиши мумкин. Масалан, у музокаралар боши берк кўчага кириб қолаёттанини кўриб, танаффус эълон қилиши мумкин. Муҳими, томонларнинг бирортаси ҳам воситачининг ҳаракатларини оппонентта ёрдамлашиш деб ҳисобламаслиги керак.

Шуедай қилиб, воситачи амалий низоларни ҳал қилинда тенгсиз бўлиши мумкин. Лекин уни қаердан олиш керак? Бир қатор гарбий мамлакатларда, хусусан, АҚШда бу масала анча осон ҳал этилади. Ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари воситачилик хизматлари кўрсатишади. Ўзбекистонда воситачилик хизмати ҳозирча ташкил этилмаган. Нима қилини керак? Воситачилик вазифаларини юристлар, олимлар, баъзан эса ҳар қандай маnфаатдор бўлмаган оддий шахс бажариши мумкин. Муҳими, воситачи масаладан хабардор бўлиши (дилетантизм низони чигаллаштиришигина мумкин) ва низонинг ҳамма иштирокчилари томонидан бетараф деб тан олиниши керак. Баъзан шундай бўладики, томонларнинг бири у ёки бу шахснинг ёки ташкилотнинг холис эмаслигини баҳона қилиб, унинг воситачилигини рад этади. Эҳтимол аслида шундай эмасдир. ҳам, лекин низо иштирокчиларидан ҳеч бўлмаганда биттасида эътиroz бўлса, воситачи, гарчи асоссиз бўлса да, ишончсизлик шароитида ўз вазифаларини самарали бажариши даргумон бўлади.

Бундай вазиятда бошқа шахсни излаган яхшироқ. Агар бундай қилиб бўлмаса, бир вақтнинг ўзида бир қанча томон воситачи бўлиши мумкин. Воситачилардан бири низо қатнашчиларидан бири билан, бошқа воситачи — бошқа қатнашчи билан яқиндан алоқада бўлганида бундай кўп томонлама воситачилик самарали бўлиши мумкин. Камчиликлар жумласига музокараларнинг мураккаблашиб кетишни киритиш мумкин.

Мавзу охирида — бир неча маслаҳат. Агар сиз билан шеригингиз ўртасида низо чиқиб, жуда жиддий ютқизиш хавфи туғилса, низони бартараф этиш учун воситачига мурожаат қилиб

кўринг. Ў, албатта, кела солиб ҳамма муаммоларни ечиб бера оладиган сеҳргар эмас. Бундай умидлар ўзини оқломаслиги мумкин.

Воситачи – ёрдамчи, холос. У низо қатнашчилари ўрнига қарорлар қабул қила олмайди ҳам, қабул қиласлиги керак ҳам. Воситачи вазиятни таҳлил қилиб, тангликтан чиқиш ўйларини таклиф қиласди холос, «маслаҳатчи» бўлади холос. У ўз тавсияларини қабул қилишини талаб қиласмайди. Томонлар сабабини тунуштирумасдан тавсияларни рад этишлари мумкин. Лекин бундай тушунтириш бериш мақсадга мувофиқдир.

Яна битта муҳим гап. Низода ким ҳақли, ким эса айбордеган масалани ҳал кўриб чиқиш воситачининг вазифасига кирмаслиги керак. Айборларни излаш, қондида тариқасида, низоли муносабатларнинг кучайишига олиб боради. Шу сабабли асосий эътибор иккала томон учун энг кам талафотлар билан муаммони ҳал қилишга қаратилиши керак.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Нима сабабдан низолар бўйича судга мурожат қиласмаган маъқул.
2. Воситачилик механизми нимадан иборат ва унинг қандай турлари мавжуд.
3. Ҳакамлик деганда нимани тушунасиз.
4. Қандай шахсларни воситачи қилиб тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

6 – МАВЗУ, ИМО-ИШОРАЛАР ТИЛИ ЁКИ СЎЗСИЗ СЎЗЛАШМОҚ

Режа:

1. Имо – ишора, мимика, интонация – булар нима?
2. Имо – ишораларнинг асосий турлари.
3. Масофа. Табассум, нигоҳ, новербал муаммола воситаси сифатида).

Адабиётлар:

1. В.Ю.Дорошенко и др. Психология и этика делового общения. М.:ЮНИТИ, 1997 г.
2. О.Н.Улищенко. Этикет на каждый день. Харков. «Фолио», 1999 г.

3. Т.И.Холопова, М.М.Лебедева. Протокол и этикет для деловых людей. М.: «АНКИЛ» 1994 г.
4. Фишер Р., Юри У. «Путь к согласию или переговоры без поражений», пер. с англ. М.: «Наука», 1990 г.
5. Э.Я. Соловьев. Современный этикет. Деловой протокол. М.: 1998 г.

1. Имо-ишора, мимика, интонация – булар нима?

Имо-ишора, мимика, интонация – иш юзасидан бўладиган муносабатларнинг муҳим қисмидир. Баъзан ушбу воситалар (улар новербал деб аталади) ёрдамида сўз билан ифодалашга (вербал воситалар) нисбатан кўпроқ нарсани айтиш мумкин. Ҳар биримиз ҳам маъноли нигоҳ ва имо-ишоралардан фойдаланган ёки ҳамсуҳбатимизнинг юзидағи «жавоб»ни ўқиган ҳолатларга кўп тушганимиз. Бундай ахборот кўпроқ ишонч қозонган. Ҳар икки ахборот манбай (вербал ва новербал) ўртасида зиддият юзага келган тақдирда яъни киши бир нарса тўғрисида сўзласа – ю, юзида бошقا маъно акс этса, шубҳасиз новербал ахборот кўпроқ ишончта сазовор бўлади. Австралиялик А. Пизнинг таъкидлашича сўзлар ёрдамида ахборотнинг 7 фоизи, товуш воситалари (шу жумладан товуш оҳангি, интонация ва ҳ.к.) билан – 38 фоизи, мимика, имо-ишора, гавданинг ҳолати орқали – 55 фоизи узатилади.

Бошқача айтганда, нимани гапириш эмас, қандай гапириш аҳамиятлироқдир.

Бундан 15–20 йил аввал шундай бир воқеа содир бўлган экан. Товар харид қилиш тўғрисидаги музокаралар чоғида потенциал сотувчи иштирокчиларни суратта тушираверган. Муайян муддат ўттач сотувчи харидор ундан ортиғига рози бўла олмайдиган ва харидорнинг тижорат сири бўлган чегаравий нарҳда туриб олган. Харидор томоннинг нархни туширишга бўлган уринишлари ҳеч қандай натижа бермаган. Шартнома имзоланган. Битимни имзолаб товар партиясини сотиб олган музокара иштирокчиларига уларнинг фотосуратлари ёпиширилган альбомлар тақдим этилган. Ҳар бир фотосурат остига қайси таклиф эълон қилинганда тушишганлиги жавоб эканлиги ёзib қўйилган эди. Юз ифодаси, имо-ишораларга қараб чегаравий нарх осонгина аниқланган экан. Шу тариқа, ушбу музокараларда иштирок эттан харидорлар беихтиёр, ўзлари истамаган ҳолда тижорат сирини ошкор қилганилар.

Демак, ишга алоқадор учрашувлар, суҳбатлар, музокаралар пайтида ҳаракатлар ва мимикани назорат қилиш бирга ҳамкор томоннинг реакциясини тушуниб олиш ҳам муҳимдир. Новербал муомала тилини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас. Жаҳон бизнесининг етакчилари, сиёсий арбоблар новербал муомала усуслариини згаллаганликлари, жаҳоннинг етакчи университетлари бизнес факултетлари ўз дастурларига тегишли курсларни киритилянгни бежиз эмас.

Новербал муомаланинг имо – ишоралар, гавданинг ҳолати ва бошқа компонентлари ҳар доим ҳам бир хил маънога эга бўлмайди. Имо – ишоралар луғатини тузиши борасидаги уринишлар муваффақиятсиз тутаган. Муомила жараёнида суҳбатнинг умумий атмосферасига, унинг мазмунига эътибор бериш лозим. Имо – ишоралар тилининг асосий элементларига мурожаат қиласиз.

Муаммоланинг новербал компонентлари танишувнинг биринчи минутларида жуда муҳим аҳамиятта эга. «Кийимга қараб кутиб оладилар», – дейилади рус халқ мақолида.

«Кийим» деганда нафақат костюмни, балки гавда туриши, нигоҳ ва табассумни ҳам тушуниш зарур. Ҳали бир оғиз ҳам сўз айтилмасдан ҳамсуҳбатингиз сиз тўғрингизда дастлабки тасаввурни ҳосил қилиши, сизга ўзининг илк баҳосини бериб бўлган бўлиши мумкин.

Мана шу дастлабки тасаввурни кейинчалик ўзгартириш қийин бўлади. Америкалик тадқиқотчилар Л. Зунин ва Н. Зунинларнинг фикрича, учрашувнинг дастлабки тўрт минути муҳим. Бошқа муаллифлар эса суҳбатдошлар бир – бири тўғрисида тасаввур ҳосил қилишлари учун 120 секунд кифоя деб ҳисоблайдилар. Ҳар қандай ҳолда ҳам, ҳоҳ икки ёки тўрт минут бўлсин – вақт жуда қисқа.

Демак, мулоқотнинг дастлабки дақиқаларида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, бўлғуси суҳбатта қизиқиши билан қараётганлигимизни, амалий ҳамкорликка, янги ғоялар ва таклифларни эшитишга тайёр эканлигимизни кўрсатиш зарур. Бунга қандай эришиши мумкин? Тасаввур қилинг, рўпарангизда қора кўзойнак тақдан, ҳаракатсиз, бизнинг устига ёзувларини қўли билан яширган киши ўтирган бўлса ўзингизни қандай ҳис қиласан бўлардингиз? Жуда ноўнай, шундай эмасми? Шунинг учун ишга алоқадор учрашувларда гавдани қандай тутиш кераклиги, кўз қарашлар ва имо – ишораларга эътибор бериш керак. Ўзингизни эркин тутинг. Айрим одатлардан, агар улар бор бўлса, воз кечган маъкул.

Сўзни гавданинг ҳолати ва имо – ишоралардан бошласак. Ҳамкор билан бўладиган музокораларда одамовилик ва тажовузкорликни англатувчи қиёфага кирмаслик, яъни қоплар чимирилган, бош бироз олдинга эгилган, тирсаклар стол устида кенг ёйилган, бармоқлар мушт бўлиб тутилган ёки бир – бирига туташтирилган ҳолатда бўлмаслиги зарур. Айниқса биринчи учрашувда қора кўзойнек тақмаган маъкул. Ўз сухбатдошининг кўзларини кўролмаган киши жуда ноқулай аҳволга тушади, чунки катта миқдордаги ахборотни ололмайди. Натижада мулоқот атмосфераси бузилади. Сухбат иштирокчиларининг гавда ҳолати уларнинг субординациясини акс эттиради. Психологик субординация – устун бўлиш ёки бўйсенишга интилиш жуда муҳим бўлиб, у статусга мос бўлмаслиги мумкин.

Баъзан шундай бўладики, сухбатдошлар тенг мавқега эга бўлсада, улардан ҳар бири ўз устунлигини кўрсатишга ҳаракат қиласди. Мисол сифатида шундай бир ҳолатни кўриб чиқсан. Иккита ҳамсуҳбат ўтиришибди. Улардан бири стулнинг четига омонаттина жойлашиб, қўлларини тиззаларига қўйган, иккинчиси эса ястаниб, бир оёғини иккинчисига илтифотсиз оширганча ўтиришибди. Бу икки киши ўртасидаги муносабатларни улар нима тўғрисида гаплашаёттандарини билмасдан ҳам осонгина тушуниш мумкин: иккинчи киши ўзини вазиятнинг хўжайини деб ҳисоблади, биринчиси унга бўйсинади (бунда улар эгаллаган позицияларнинг ҳақиқий нисбати муҳим эмас).

Қўйидаги ҳолатлар устунликка интилишдан далолат беради: қўллар белда, оёқлар керилган; бир кўл белда, иккинчиси эшикка ёки деворга суюнган; бош бироз кутарилган, қўллар бел олдида чалкаштирилган. Аксинча, ҳамкор билан яқдиллик намойиш этилмоқчи бўлганда унинг ҳаракатларига тақлид қилишга интилишни кузатиш мумкин. Масалан, У. Юрининг таъкидлашича, дўстона сухбатда ҳамкорлардан бири бошини қўлига тираб ўтирган бўлса, шериги унинг ҳаракатларини такрорлаб, гўё мен ҳам сенга ўхшаганман демоқчи бўлади. Ҳамкорлар ҳаракатларининг буидай мослашиши улар сухбати ёзилган видеотасвир тезлаштириб кўрилганда яққол кўзга ташланади. Расмий қабулларда иштирокчиларни ўтказишда психологоик жиҳатни ҳисобга олиш керак. Иш кабинетларида столлар кўпинча «Т» ҳарфи шаклида жойлаштирилади. Раҳбарнинг мавқеи қанчалик юқори бўлса, ушбу ҳарф ҳам шунчалик катта бўлади.

Ташриф буюрувчига бошида ушбу кабинетнинг хўжайини ўтирган стол ёнига ўтириш таклиф этилади. Бу ерда устунликка интилиш дарҳол кўзга ташланади.

Баъзан устунликни таъкидлашга уринадилар. Айрим кабинет эгалари ҳамсуҳбат билан тенг мулоқотта интилади. Бунга эришиши учун агар майдон имкон берса кабинетда алоҳида стол қўйиш мумкин. Агар раҳбар ўз қўл остидагилар билан тенг муносабатларга интилса мажлислар ҳам ушбу стол атрофида ўтказилиши мумкин.

Столнинг шакли ҳам музокаралар характерига таъсир кўрсатади. «Давра суҳбати» деган ибора бежиз айтилмайди. Айлана стол атрофидағи суҳбат иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлигини, учрашувнинг норасмий характерга эга эканлигини эркин фикр алмашишини назарда тутади. Журнал столаси ёнидаги суҳбат янада норасмий тусга эга бўлади. Суҳбат чогида меҳмонга бир чашка чой ёки кофе таклиф қилган кабинет эгаси суҳбатни дўйстона руҳга мослади. Бундай суҳбатда ишга алоқадор муносабатларга энг умумий кўринишда тўхтаб ўтиш мумкин. Агар кабинетда фақат «Т» шаклидаги стол бўлиб, кабинет эгаси ўз устунлигини намойиш қилиш ниятидан йироқ бўласа креслодан туриб, суҳбатдошининг рўпарага ўтиши ёки буидан ҳам норасмий учрашувларда суҳбатдонига бурчакма – бурчак ўтириши мумкин.

2. Имо-ишораларнинг асосий турлари

Имо-ишоралар ниҳоятда кўп ахборотта эга бўлади. Улар учрашув тугагаёттанилигидан хабар бериши (масалан, суҳбатдошлардан бирининг стол ортидан туришга ҳозирланиши – гавда сал олдинга эгилган ва қўллар бирон нарсага сунянган ҳолат) ёки аксинча суҳбатга, қизиқаёттанилигидан дарак бериши (қўл чекка остида, бироқ унга тирадмаган) мумкин. Муомаланинг новербал компонентлари тўғрисидаги кўпгина машҳур китоблар муаллифи доктор Дэвид Левис имо-ишораларни мақсадига кўра тўртта хилга ажратади.

Уларнинг биринчиси – рамз-имо-ишоралардир. Уларга, масалан жаҳоннинг кўп мамлакатларига тарқалган бош ва кўрсаткич тармоқларни «О» шаклида кўрсатиш орқали билдириладиган «ҳаммаси яхши», «ҳаммаси жойида» деган маънони англатувчи американча «OK» рамзини киритиш мумкин. Бироқ, ушбу ишорани ҳамма қабул қилган деб бўлмайди.

Масалан Францияда у нолни, Японияда пулни англатиш мумкин.

Бошқа рамз – ишоралар у ёки бу маданият ёхуд жой доирасида янада күпроқ чекланган, шу билан бирга ушбу ўзига хослик икки хил намоён бўлиши мумкин. Биринчидан, бир маданият қандайдир тушунчани ифодалаш учун муайян рамзни қабул қиласан бўлса, иккинчисида бундай рамз умуман бўлмаслиги мумкин. Масалан, Саудия Арабистонида бошнинг тепасидан ўпш кечириш маъносини англатади. Иорданияда ва бошқа айрим араб давлатларида бош бармоқ тирногини тишга ишқалаш молиявий имкониятлар чекланганлигини билдиради. Иккинчидан, миллӣ ўзига хослик шунда намоён бўладики, бир хил ёки ўҳшаш тушунчаларни ифодалаш учун турли маданиятларда турлича рамз – ишоралардан фойдаланилади, хусусан америкаликлар у ёки ҳаракатнинг ўз–ўзини ўлдириш билан тенг эканлигини кўрсатиш учун битта ёки иккита бармоқни пистолет қилиб бошга тирайдилар. Папуа ва Янги Гвинеяда бу белги суҳбатта қизиқиш билдириш, суҳбатдош билан ҳамжиҳатликни; бироз юқорига кўтарилиган кўрсаткич бармоқ – шеригининг гапини бўлиш, унга эътироуз билдириш, бошқа мавзуга қайтиш ва ҳ. к. билдиради.

Ва ниҳоят, тўртингчи гуруҳни ҳис – туйғуларимизга ҳамроҳ бўлган адантор имо – ишоралар ташкил этади. Улар болалик реакцияларини эслатади ва стресс, ҳаяжонли дақиқаларда намоён бўлиб, кечинмаларнинг биринчи белгиси ҳисобланади. Ҳафа бўлган киши қулоги ёки кийимининг учини ушлаши, қийин вазиятларда эса энсасини қашлаши мумкин.

Суҳбатлар, музокараларда муайян имо – ишора қайси пайтда намоён бўлиши ва суҳбатнинг умумий мазмунин нимадан иборат эканлиги аҳамиятлидир. Новербал муюмала воситалари соҳаси мутахассиси австралийлик А. Пиз «пайзанинг учига ўҳшаш ишорани (икки қўл тармоқлари бир – бирига тегиб, найзага ўҳшаб қолган ҳолат, унинг учи юқорига ёки пастга қаратилиши мумкин) тасвиirlар экан, товар сотиш билан шуғулланувчи агент потенциал харидор билан суҳбат чоғида унинг қатор ижобий имо – ишораларига эътибор бериши лозимлигини таъкидлайди. Булар олдинга эгилиш, очиқ кафт, юқорига кўтарилиган бош бўлиши мумкин. Суҳбат якунида харидор қўлларини «найзага ўҳшаш» бирлаштиради. Агар агентнинг ўз фикрини билдириш тўгрисидаги таклифига жавобан харидор «найзага ўҳшаш» ишорадан сўнг ижобий ишораларни намоён этса бундай жавобни буортмани қабул

қилиш деб тушуниш мумкин. Аксинча, «найзага ўхшаш» ишорадан сўнг харидор қатор салбий ишораларни намоён этса, масалан, қўлларини кўкрагида қовуштиурса, кўзлари ўйнаб турса, бир оёғини иккинчисига ошириб ўтирса ва ҳ. к. бу унинг товарни рад этиш ва суҳбатни тугатиш истагини ифодалайди. Шу тариқа «найзага ўхшаш» ишора кишининг ўзига ишончидан далолат беради, бироқ тури контекстда берилгани учун турлича маънони англастиши: товарни сотиб олишга розилик ёки уни рад этишни англастиши мумкин.

3. Масофа, табассум, нигоҳ новербал муомала воситалари сифатида

Суҳбатдошлар ўртасидаги масофа жуда рамзий маънога эга. Унинг тўрт хили мавжуд: интим, шахсий, ижтимоий ва расмий. Амалда интим ва шахсий, шунингдек ижтимоий ва расмий бирлаштирилади. Натижада, суҳбатлашаёттан кишилар ўртасидаги масофа яқин ёки узоққа ажратилади. Америкаликлар учун 15 см дан 1 м 20 см гача бўлган масофа яқин, 1 м 20 смдан унгача ва ундан ортиқ масофа узоқ ҳисобланади. Суҳбатдошлар ўртасидаги масофа, миллий хусусиятлардан ташқари (бу тўғрида кейинроқ гаплашамиз) жуда кўп омилларга, жумладан: суҳбатдошларнинг жинси, уларнинг ўзаро муносабатлари ва мавқелари, яшаш жойига (қишлоқ ёки шаҳар эканлигига) боғлиқ. Суҳбатдошга яқинлашиб ёки ундан узоқлашиб ўзаро муносабатларни бошқариш мумкин. Бунда шерикнинг хоҳишини ва реакциясини ҳисобга олиш муҳим. Масалан, шаҳарлик учун расмий ҳисобланган масофа қишлоқ вакили учун шахсий бўлиши мумкин.

Табассум новербал муомаланинг энг универсал воситаси бўлса керак. «Табассум қилинг» америкаликлар тақрорлашни ёқтирадиган иборадир. Айрим психологларнинг фикрича биз факат бирон нарсадан хурсандлигимиздан кулмаймиз, балки табассум ўзимизни баҳтли ва дадил тутишимизга ёрдам ҳам беради. Ушбу нуқтаи назар мунозарали бўлсада, ҳар ҳолда табассум учрашувнинг дастлабки дақиқаларидағи безовталикни йўқотади, суҳбатнинг хотиржам ва ишончли руҳда ўтишига ёрдам беради. Табассум учрашув қувончини, хайриҳоҳлик ва илтифотни акс эттиради.

У саломлашиш, табрик сўзларининг ҳам ҳамроҳидир. Бу нарса очиқ ойдин куриниб турган ҳақиқатдек туолади, назаримизда. Айнан шунинг учун ҳам совет маданиятида

табассумга кам эътибор берилган бўлса керак. Собиқ совет фуқароси, ҳозирги пайтда АҚШлик миллионер С. Кислин шундай хикоя қиласди. У 1970 йилда оиласи билан АҚШга кўчиб борганидан сўнг қатор касбларда ўзини синааб кўрган. Ниҳоят мутахассислиги бўйича иш топилиб, менеджер асистенти бўлиб ишлаб бошлаган. Ишлар яхши кетаётган пайтда у ишлаётган компанияя бошқаруви аъзоси уни ўз ҳузурига таклиф қилган. Компанияя раҳбари С. Кислин малакали ходим эканлиги тўғрисидаги мағтоб сўзларидан сўнг унга кишилар билан мулоқот қилиш тажрибасини эгаллаш учун қайта тайёргарлиқдан ўтиш лозим эканлигини айтади. Шундай қилиб, 36 ёшли С. Кислин маҳсус курсларда муомала қилишини ўрганади. С. Кислин ушбу курсларда эгаллаган асосий қоида — барча ҳолатларда, ҳар доим ва ҳаммага табассум қилиш лозим эканлигини қайд этади.

Табассум, барча повербал мулоқот воситалари каби жуда кўп ҳис — туйгуларни ифодалаб, дўстона, кинояли, истеҳзоли, нафрлати, хунномади бўлиши мумкин.

Бир куагининг ўзи турлича маъноларга эга бўлиши мумкин. Леонардо да Винчининг «Джаконда»сини эсланг. Дўстона хайриҳоҳликни ифодаловчи табассум тўғрисида гап юритсан, у ҳам жуда кўп маъноли бўлиши мумкин. Масалан, юқори қатор тишлар озгина кўринган илжайиш оддий табассумга қарагандা кўпроқ самимийликни ифодалайди. Ундан дастлабки учрашувдаёқ фойдалаимаган маъқул. Чунки у бутунлай тескари реакцияни келтириб чиқариши ва ишончсизлик туғдириши мумкин. Ва ниҳоят оғиз озгина очилиб, ҳар икки қатор тишлар кўринган кенг илжайиш мавжуд. У дўстона ўтиришлар, дўстлар ўргасидаги ҳазилларда ўриналибўлиб ҳеч қачон танишувларда ишлатилмайди. Умуман америкаликлар принциплига риоя қилган ҳолда кўпроқ табассум қилиш зарур, бироқ табассум вазиятта мувофиқ бўлиши ва суҳбатдошнинг ғашига тегмаслиги лозим.

Нигоҳ — кучли «қурол»лардан биридир. Нигоҳ датал, ўқрайган, меҳрибон, қувноқ, очиқ, адоватли ва ҳ.к. бўлиши мумкин, уларнинг ҳаммасини санаб чиқиши мушкул. Одатда, учрашувда кишилар бир-бирларининг кўзларига бироз тик боқиб кейин бошқа томонга қарайдилар. Нима учун? — савол оддий туюлсада, унга бир хил жавоб йўқ. Ушбу сигналнинг изоҳларидаи бири қўйидагича: кўзлар алоқаси суҳбатдошларнинг бир-бирига ишончини билдиради, бироқ суҳбатдошнинг кўзига тик қараб туриш уступликка интилишдан далолат беради. Қизиқ, лекин аёл ўз табассуми билан эркакка

ўзининг кўзларига тик боқиб туришга рухсат бериши мумкин. Жавоб тариқасида кўзга тик боқили ҳам шундай таъсирга эга. Бироқ, ушбу «рухсат»ни жудаям сунистеъмол қилиш ярамайди, акс ҳолда анча агрессив реакция туғилиши мумкин.

Умуман, суҳбатдошларнинг кўзига, айниқса учрашув бошида ёки унинг кескин дақиқаларида бироз тик боқиб туриш «мен сизга ишонаман» (бунда нигоҳ билан бирга бош ҳам секин силкигилади) ёки «мен сиздан қўрқмайман» деган маънони англатиши мумкин. Инсон шеригига гапираётганда тинглаётган пайтдагига нисбатан камроқ қарайди. Сўзловчи сұхбат чоғида фикрини бир жойга тўплаш учун нигоҳини тез—тез бошқа томонга қаратиб туради. Паузада нигоҳини бошқа томонга қаратиши: «Мен ҳали ҳаммасини айтиб бўлмадим, илатимос сўзимни бўлмант» деган маънони билдиради. Сұхбатдошининг сўзларини тинглаётган кишининг кўзларини бошқа томонга қаратиши бутунлай бошқача: масалан, «мен фикрингизга қўшилмайман» менда эътиroz бор; бу унчалик аниқ эмас; бунга унчалик ишонмайман; буни ўйлаб кўриш керак каби маънога эга бўлади. Сұхбат чоғида кўзни тез—тез бошқа томонга қаратавериши кишининг асабийлашаёттанигидан, сұхбат уни қизиқтирмаёттанилигидан ва уни тезроқ тугашини истаёттанилигидан далолат беради. Энди новербал хатти—ҳаракатлардаги миллий ва маданий анъанааларга боғлиқ тафовутлар тўғрисида бироз батафсил тўхталсак. Масалан, болгарлар ва руслар «ҳа» ёки «йўқ» дейиш учун бутунлай тескари тарзда бош силкитадилар; ҳатти—ҳаракатларда унчалик маълум бўлматан бошқа кўпгина тафовутлар мавжуд. Маданиятлар бир—биридан айтилган сўзлар айнан қабул қилиниши, яширин маънога эга бўлмаслигига кўра ажратиш қабул қилинган. Контекст даражи пастроқ маданиятларга масалан, америкаликлар ва немислар маданияти киради. Бошқа маданиятларда, чунончи рус, француз ва япон маданиятида контекстнинг аҳамияти шу даражада каттаки, айтилган сўз бутунлай тескари маънони англатиши мумкин. Иккикчи хил маданиятларда новербал муомала воситалари алоҳида аҳамият касб этади. Улар қандай ҳолда ҳам, хатто контекст даражаси кичик бўлган маданиятларда (масалан, америкаликлар маданиятида) ҳам муомаланинг новербал жиҳатларига кўп эътибор қаратилади. Турли маданиятларда меъёр тушунчаси ҳар хил.

Хусусан, кишилар ўртасидаги суҳбатлашиш масофаси ҳам ҳар хил. Масалан, руслар иш юзасидан бўладиган мулоқотларда

бир – бирларига америкаликларга нисбатан яқинроқ масофда турадилар. Болшача айтганда, руслар учун ижтимоий масофа америкаликларниң күсінде қысқарып шамда шахсий ва интим масофага мөс келади. Ижтимоий масофаниң бундай қысқартырилышы ва «интим»га яқынлаштырылышынни америкаликлар «суверинитет»та дахла қилиш, ҳаддан ташқары бетакаллуфлик, руслар эса масофаниң оширилышини мұносабатларнинг совуқлашиши, расмиятчилікнинг ўсиши сифатида талқын қыладилар Одатда бундай нотүгри талқын бир неча учрашувлардан сүнг бундай нотүгри талқын одатда йүйсолади. Дастраска дақылаларда у мұносабатларни тараңлаштырылыш мүмкін. А.Пиз конференциялардан бирида қуйидеги қызықарлы саңғани күзаттан Америкалик ва япониялик иккі киши хонада секин айлап сұхбатлашар әдилар. Америкалик ишга алоқадор сұхбатларда масофа тақминан 90 см бўлиши лозим деб ҳисоблагани учун ҳадеб орқада чекинар, бундай масофа 25 см бўлиши керак деб билган япониялик эса унга яқынлашишта интилар эди.

Турли миллат вакиллари сұхбатлашиш учун қуйидеги масофларни афзал ҳисоблайдилар:

МАСОФА	МИЛЛАТЛАР
Яқин	Араблар, японлар, Жанубий Америка аҳолиси, француздар, греклар, негрлар, Шимолий Америкада яшовчи испанлар, италиянлар, испанлар
Үртача	Инглизлар, шведлар, Швейцария аҳолиси, немислар, австрияллар
Катта	Шимолий Американиң оқтанли аҳолиси, Австрияллар, Янги зеландияллар

Рамз имо – ишоралардан фойдаланишида энг күп тушунмочиликлар юзага келади. Уларга сұхбатдош сүзләппадиган тибли билмаганда, рамз имо – ишоралар ҳамма жойда бир хил ишлатылади деган фикрда, мақсадни баён қилиш учун мурожаат қылнади. Ушбу янгалиш фикр күпгина күмгили, баъзида ноқулай вазиятларга сабаб бўлади. Масалан, бизда юқорига кўтарилиган бош бармоқ энг юқори баҳони билдириса,

Грецияда «овозингни ўчир» маъносида талқин қилинади. АҚШда эса ушбу ишора айрим ҳолларда «ҳаммаси жойида» маъносида, бошқа ҳолларда йўловчи машинани тўхтатиш учун ишлатилади, қўл юқорига кескин силкитилганда хақорат маъносини англатади. Бошқа маданиятларда қўл қандай силкитилиши аҳамиятта эга эмас, бироқ Америкада бундай ҳаракат айтилган сузлар маъносини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Ишга алоқадор учрапувда инглиз тилини билмаган Россиялик иштирокчилардан бири учрапув якунларидан қониқанлигини билдириш учун бош бармоғини юқори қилиб силкиттанда америкаликларнинг юзида акс этган таажжуб ва қўрқувни тасаввур қилиб кўринг. Хуласа шуки: имо—ишораларнинг маънолаларини билмасангиз уларни мулоқотларда ишлатишдан бутунлай воз кечинг. Улар умуман тушунилмаслаги ёки сиз истагандан бошқача маънони ифодалаши мумкин.

Рамз имо—ишораларнинг ишлатилиши турали маданиятларда турлича. Масалан АҚШда 100 га яқин имо—ишора, Исройлда эса 250 тacha имо—ишора жуда фаол ишлатилади.

Имо—ишоралар тили Араб дунёсида жуда ривожланган. Имо—ишоралар тилини билиш тил билмасликни қисман компенсациялаши мумкин. Агар амалдор ёки полициячи кафтининг қиррасини иккинчи йўлининг билаги букиладиган жойига урса, бу ҳужжатларни кўрсатинг дегани бўлади. Кафт пастга қаратилиб, олдинга чўзилган ва бармоқлар билан тирнагандек ҳаракат қилиши яқинроқ келинг деган маънони англатади. Агар араб сұхбатдошингиз фикрингизга қўшилишини маълум қилмоқчи бўлса, кўрсаткич бармоқларини ёни билан бир—бирига ишқалаши мумкин, бунда қолган бармоқлар букилган ҳолатда бўлади.

Агар сизнинг зеҳн—фаросатингиз араб сұхбатдошингизга ёқиб қолса қўлингизни ушлаб кафтигизга бармоқлари билан шарт—шарт уриши мумкин. Бу ишора битим тузилишга розиликни ҳам билдиради. Бошни бирдаги орқага ташлаш, ияқ ва қошлиарни кўтариб, танглайни таққиллатиш рад этиш маъносини англатади.

Яқин Шарқ мамлакатларида «чимдим» қилиб юқорига қартилган учта бармоқ «шошилмаслик», «яна бироз кутиш» тўғрисидаги илтимосни ифодалайди. Шу тарзда йигилган бармоқлар олдинда кетаётган машина ойнасидан ташқарига чиқарилса, огоҳлантириш, яъни «эҳтиёт бўлинг, олдинда хавф бор» маъносини англатади.

Энди сизга ўз – ўзингизни текширипнгиз учун кичкина тест таклиф этмоқчимиз. У сизнинг ишга алоқадор мулоқотларда ишлатиладиган новербал воситаларни қанчалик эгаллаганингизни кўрсатади:

1. Суҳбатдошлиларим тез – тез жуда қаттиқ ёки жуда секин гапираётганингимга эътиборимни қаратадилар.
2. Суҳбат чоғида қўлимни ҳаерга қўйишни билмайман.
3. Танишувнинг дастлабки дақиқаларида ўзимни ноқулай сезаман.
4. Деярлик ҳар доим нотаниш киши билан бўладиган учрашувдан олдин менда хавотир туйгуси пайдо бўлади.
5. Кўпинча эркин ҳаракат қила олмайман.
6. 10 минутлик суҳбат чоғида бирон нарсага суюнмасдан ёки тирсакка таянмасдан туролмайман.
7. Кўпинча суҳбатдошимнинг сўзига қулоқ соламану, унинг мимикаси ва ҳаракатлари эътиборимдан четда қолади.
8. Иш юзасидан бўладиган алоқаларим доирасини бир нечта яхши таниш кишилар билан чегаралашига интиламан.
9. Суҳбат чоғида кўпинча бирон нарсанни қўлимда айлантириб тураман.
10. Бирдан пайдо бўлган ҳис – туйгуларимни яширишим қийин.
11. Иш юзасидан бўладиган мулоқотларимда мимика ва имо – ишоралардан умуман фойдаланмасликка ҳаракат қиласман.

Киши новербал воситаларни қанчалик яхши эгаллаган бўлса, ижобий жавоблар шунча кўп бўлади. Агар барча жавоблар салбий бўлса бу новербал воситаларни назарга илмаслик кераклигини англатмайди. Ўзингизни ва суҳбатдошингизни кузатар экансиз илгари ҳеч нарсанни англатмаган ва профессионал фаолиятингизни анча енгиллаштириши мумкин бўлган кўшина қизиқарли, фойдали нарсаларни топишингиз мумкин.

Музокаралар юритишнинг юқорида баён қилинган воситаларидан ташқари мулоқотнинг масалаларни қўйиш, уларга жавоблар, баёнотлар ва ҳ.к. лар билан боғлиқ янада майдо «биралик»лари мавжуд.

Музокаралар чоғида жуда ноқулай вазиятта тушиб колишингиз мумкин. Бундай вазиятдан қандай чиқиб кетиш керак? П.Кас бундай вазиятлар ва улардан чиқиш йўлларига доир кўплаб мисолларни келтиради.

1 – вазият. Сиз иш юзасидан узоқ муддатли алоқалар ўрнатишни мұлжаллаёттан фирма вакиини учратдінгиз. Бироқ музокаралар өфінде үларнинг таклифлари нореал эканлиги маълум бўлди. Нима қилиш керак?

1 – вариант. Уларга бу тўғрида очиқ ва тўғри айтиш.

2 – вариант. Музокаралар өфінде ҳамкорни муросали ечимга олиб келишига уриниши.

3 – вариант. Ҳеч нарсани сезмагандек музокаларни давом эттириш.

Биринчи йўлдан борилганда музокаралар узилиб қолиши ва ҳар икки томонда ёқимсиз асорат қолиши мумкин. Иккинчи вариант энг яхшиси бўлса керак. Бироқ уни қандай амалга оширилиши муаммоси мавжуд. Агар муросали ечимга эришин имкониятини кўраёттан бўлсангиз, уни амалга оширишга уриниб кўринг. Ҳамкорнинг «ғирромалик қилиши» эҳтимолини ҳам ҳисобга олиб қўйинг. У билан келгусида ишлаш мақсадга мувофиқлигини ўйлаб кўринг. Бундай ҳолда яхшиси битимдан воз кечган маъқул. Бироқ ҳеч нарса сезмагандек музокаларни давом эттириш керак эмас. Аксинча қарши томон алдамчиликни давом эттираверади, сиз учун эса вазиятни ўнглаш борган сари қийинлашиб боради.

2 – вазият. Сиз делегация раҳбарисиз ва анчагина йирик контрактта эришин учун музокаралар олиб бормоқдасиз. Кутимаганде музокаралар өфінде делегациянгиз аъзоларидан бири сизнинг режаларингизга кирмаган таклиф билан чиқди. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

1 – вариант. Музокараларда танаффус сўраши ва танаффус пайтида қўл остингиздаги ходим билан гаплашиб олиш.

2 – вариант. Музокаралар пайтида қўл остингиздаги ходимни кескин ўтқазиб қўйиш.

3 – вариант. Музокаралар пайтида қўл остингиздаги ходимга юмшоқроқ қилиб, у адашаёғанлигини тушунтириш.

Биринчи вариантни танлаш мумкин, бироқ кейин нима қилиш керак. Шеригингизни позициянгиз ўзарганилиги ҳайрон қолдириши мумкин. Иккинчи вариантда қарама – қарши томонга гап нимада эканлиги аён бўлади. Бироқ ўз адресига бўлган кескин танқиддан хафа бўлган ходимингиз билан боғлиқ муаммолар туғилиши мумкин. Энг яхши учинчи вариантдир. Бунда сиз вазиятни ўнглайсиз ва ҳамкорингизга делегация аъзоларига ким раҳбар эканлигини кўрсатасиз. Сўнгра танаффус пайтида ходимингиз билан гаплашиб олиш лозим. Умуман бундай

вазиятдаги ҳатти – ҳаракатлар қўл остингиздаги ходимнинг таклифи сизнинг режаларингиздан қанчалик фарқ қилишига боғлиқ.

3–вазият. Музокаралар муваффақиятли бораёттан бир пайтда сиз ваколатларингиз доирасидан ташқари нарсаларга рози бўладингиз. Бироқ сизни қабул қилинган қарорни раҳбарият маъқулламаслиги мумкин деган фикр қийнамоқда. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

1–вариант. Музокаралар муваффақиятли бораёттанилиги аниқ, шунинг учун контракт имзолангандан сўнг раҳбарият томонидан ҳам маъқулланади деган умидда музокараларни давом эттириш.

2–вариант. Музокара олиб бораёттан қарши томонга якуний қарорга келингиз учун раҳбарият билан маслаҳатлашиш зарурлигини айтиш.

3–вариант. Иккинчи томонга билдириласдан раҳбарият билан маслаҳатлашиб олиш.

Бундай вазиятда у ёки бу даражада қониқарли ечимни топиш қийин, шунинг учун бундай ҳолатлардан қочиш керак. Борди – ю тўқнаш келсангиз, барча яхши ва ёмон томонларни солиштириб кўринг. Бунда музокаралар ким билан қайси давлатда олиб борилаёттанилиги ва у ердаги анъанааларни ҳисобга олиш лозим. Биринчи вариантда муваффақиятта эришишга ишонч бўлиши мумкин, бироқ раҳбарият сизни маъқулламаса нима қиласиз? Сиз нафақат тузилаёттан битимни, балки ушбу шерик билан келгуси алоқаларни хавф остига қўясиз, шахсий каръерангиз тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Иккинчи вариант анчагина хавфсиз. Бироқ унинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор. Иккинчи томонга мустақил эмаслигингизни сездириб қўясиз. Сиз вакили ҳисобланган фирмага нисбатан эса музокараларга қарор қабул қилиш ваколати бўлмаган ходимларни юбориш айби қўйилиши мумкин. Ва ниҳоят учинчи вариант ҳам биринчи вариантдаги каби муаммоларни юзага келтиради. Бироқ ўулар бироз юмшоқроқ шаклда бўлади, чунки битимлар ҳали имзоланмаган, шунинг учун сиз раҳбарият қарорингизни маъқулламаган ҳолда вазиятни тузатиш имкониятига бўласиз.

Сизга таклиф этилаёттан варианtlарга эътиroz билдиришингиз ёки ўзингизникуни таклиф этишингиз мумкин. Сизнинг музокаралар олиб бориш амалиётингизда бундай вазиятлар учрамаслиги мумкин. Энг асосийси «мураккаб

вазиятлар» тўғрисида тасаввурга эга бўлишингиз ва уларни «жойида» тўғри қарор қилишингиздир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. А. Пизнинг ахборотни қабул қилиш крицепцияси нимага асосланган?
2. Новербал муомиланинг мазмуни нимадан иборат?
3. Психологик субординация нима?
4. Қандай хатлар кишини устуналликка интилаёттанилигидан далолат беради?
5. Разм – ишоралар деганда нимани тушунасиз.
6. "Табассум қилинг" ибораси нимани англатади.
7. Кишилар ўртасида сухбатлашиш даврида масофанинг аҳамияти борми.
8. Музокаралар чогида ноқалай вазиятлардан чиқишининг қандай йўлларини биласиз.

7-МАВЗУ. ИШГА АЛОҚАДОР МУНОСАБАТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

1. Миллий хусусиятларнинг халқаро ишга алоқадор муносабатларга таъсири.
2. Ишга алоқадор муносабатларнинг американча ва французча усуллари.
3. Германия, Швеция, Япония, Буюк Британия ва жаҳоннинг бошқа давлатларида музокарлар юритиш амалиёти.

Адабиётлар:

1. Т. И. Холопова, М. М. Лебедева. Протокол и этикет для деловых людей. М., «АНКИЛ» 1994 г. Гл. 6,7.
2. Бромли Р. Х. «Как вести переговоры с американскими адвокатами», «Внешняя торговля», 1992.
3. А. Н. Панов «Японская дипломатическая служба» М., 1998.
4. Ю. И. Рубинский «Французы у себя дома» М., 1989.

1. Миллий хусусиятларнинг ҳалқаро ишга алоқадор муносабатларга таъсири

Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир ҳалқ ишга алоқадор муносабатлар ва иш этикасининг ўз анъаналари ҳамда одатларига эга. Турли маданият вакиллари учрашганда улар қандай аҳамиятта эга? Ушбу масала юзасидан иккита нуқтаи назар мавжуд. Ҳар иккаласида ҳам миллий хусусиятлар ҳисобга олинади. Биринчи нуқтаи назарга кўра ҳозирги пайтда иш юзасидан мулоқотларнинг интенсивлиги миллий чегараларнинг «ювилиб кетишига», ягона меъёrlар ва қоидаларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ҳалқаро алоқаларнинг кучайиши, маданият, илм – фан соҳасидаги алмашувларнинг ривожланиши ушбу жараённи тезлаштиради. Натижада, масалан АҚШда таълим олган япон ёки хитой американча дунёқараш ҳамда ҳулқ – авторни ўзлаштиради. Тараққиёт ривожланиб борган сари миллий мулоқот усулларининг бир – бирига сингиб кетиши, музокара юритишнинг кўшигина ягона кўрсаткичлари шаклланиши билан боғлиқ жараёнларнинг роли ошиб боради.

Иккинчи йўналиш вакиллари, аксиича ҳалқаро ишга алоқадор муносабатларда, хусусан уларнинг асосини ташкил этувчи музокараларда миллий хусусиятларга асосий ўрин берадилар. Улар «музокаралардаги қийинчиликлар куттилган натижалардаги тафовутлар оқибатида юзага келади, ушбу тафовутлар эса маданиятлар ўртасидаги фарқларга боғлиқ» деб ҳисобладилар. Инсонга болалиқда ўзлаштирилган, яъни айнан миллий асосга эга бўлган қадриялар, анъаналар, урф – одат ва ҳ. к.лар катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари

Ҳалқаро бизнесга ҳалқаро алоқалар тажрибасига эга бўлмаган кишилар фаол кириб келмоқда. Улар ўzlари билан салмоқли миллий ўзига хослик элементини олиб кирмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Мавжуд миллий тафвутларнинг аҳамияти қай даражада? Назаримизда, миллий хусусиятлар музокаралар жараёнида аҳамиятта эга; уларнинг аҳамиятилилек даражаси ҳар бир аниқ вазиятда туричадир. Швед тадқиқотчиси К. Йонсоннинг таъкидашибича, томонларнинг манбаатлари кўп даражада мос тушган, яъни ҳамкорлик юзага келган ҳолда миллий тафовутлар сезилмайди, бироқ, ўртада келишмовчилик тутилиши билан улар муҳим рол ўйнай бошлади.

Миллий хусусиятлар ишга алоқадор муносабатларга фақат томонлар ўртасида зиддият түғилганда эмас, бошқа ҳолларда ҳам таъсир кўрсатади. Фарбий Европа фармацевтика

компанияларидан бирининг тажрибасидан мисол келтирамиз. Компания янги оғриқни қолдирувчи препаратни араб мамлакатларига экспорт қилишга қарор қиласи. Янги дорини Европада миңтақасида яхши сотилганлиги учун унинг араб давлатларида ҳам харидоргир бўлишига умид қилинган эди. Препаратни Европада реклама қилиш учун учта суратдан фойдаланилган: биринчи суратда оғриқдан қичқираётган аёл, иккинчисида – аёлнинг дори ичаёттанилиги, учинчисида – дори ичиб оғриғи босилган хотиржам аёл тасвирангган эди. Ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайдиган рекламани араб давлатларида ҳам қўллашга қарор қилинган. Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг препарат ушбу давлатларда умуман сотилмаёттанилиги маълум бўлди. Араблар чапдан ўнга ўқишини билишагану, бироқ бу суратларга ҳам тааллуқли эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Миллий хусусият ҳисобга олинмаганлиги учун реклама бутунлай тескари маъно касб этган: аёл таклиф этилаётган дорини ичадида, оғриқдан қичқира бошлиайди.

Халқаро муносабатлар иштирокчилари ягона меъёр ва қоидаларга риоя қиласидар, бироқ миллий ва маданий ўзига хосликлар ишга алоқадор муносабатларда муҳим рол ўйнаши мумкин. Миллий хусусиятларни таърифлашга ўтишдан один бир нечта тушунтиришлар берсак. Биринчидан, миллий услублар деганда муайян миллатта эмас, у ёки бу мамлакатта хос бўлган услублар тушунилади. Масалан, АҚШда яшайдиган ва Америка компанияси номидан музокаралар олиб бораётган хитойлик ўз миллатига хос хусусиятларни муайян даражада сақлаб қолади ҳамда бу музокаралар характерига таъсир кўрсатади. Бироқ унинг музокара олиб бориш услуби америкача бўлади, чунки музокаралар олиб бориш услубига кишининг иш шароити, шунингдек қайси давлат манфаатларини ифода этёттанилиги ҳам таъсир кўрсатади. Иккинчидан, шуни ҳисобга олиш лозимки, ишга алоқадор муносабатларнинг миллий услубини «муглоқо объектив таърифлаш» деярлик мумкин эмас. Ҳар доим у ёки бу халқнинг барқарор ўрнашиб қолган миллий хусусият стереотиплари амал қиласи. Учинчидан, миллий услуб – бу энг кўп тарқалган, фикрлаш, тушуниш, хуљ – автор хусусиятларидир. Уни таърифланадиган давлатнинг барча вакиллари учун характерли, ажralmas хусусият эмас, балки уларга хос бўлган нарса деб тушумоқ керак. Миллий хусусиятларни билиш ўзига хос йўл кўрсатувчи бўлиб, шерикнинг эҳтимолий ҳатти – ҳаракатларини таҳмин қилиш имконини беради.

2. Ишга алоқадор муносабатларнинг америкача ва французча усуслари

АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИ

Америка маданияти күпгина Европа, Осиё екі Яқын Шарқ мамлакатлари маданиятига нисбатан ёш ҳисобланади. Америкаликлар бутун жағонда музокаралар юритиш услугаларига кучли таъсир күрсаттылар. XX асрнинг иккинчи ярмини «музокаралар асри» деб аташ мүмкін, у АҚШнинг халқаро ишга алоқадор муносабатлар, иқтисодий, ижтимоий алоқалардаги таъсири кучайышы даврига мөс келади. Америкаликлар ишга алоқадор муносабатлар амалиётінде жуда кatta демократизм ва прагматизм элементларини олиб кирдилар. Америкаликлар қанақа инсонлар үзи?

Америкаликлар – шахслардир. Ўзига хослик ва инсон ұкуқұлары америкалик учун әнг асосий нарасалар. Ушбу хислатни эгоизмнинг намоён бўлиши сифатида баҳолаш мүмкін, бироқ у америкаликларни бошқа шахсларга ҳурмат билан қарашга ва тенг ұкуқұлilikни талаб қилишга мажбур қиласди.

Улар мустақил кишилар. Америкаликлар болалиқданоқ «үз оёғида мустаҳкам туришга», яъни фақат ўзига ишенишга ўрганадилар. Америкаликлар – тўғри сўз кишилар, инсонларда ҳалоллик ва очиқликни қадрлайдилар, сұхбат чоғида расмиятчилеклар учун кўп вақт сарфламасдан масаланинг моҳиятига тез ўтиб қўя қоладилар.

Америкаликлар – такаббурликині ёқтирумайдилар, қулай, ҳар кунлик кийимни афзал кўрадилар, бир – бирларига нисбатан, ёшли ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар оддий, норасмий муносабатда бўладилар.

Америкаликлар мусобақалашишни, ютуқлар, рекордларни ёқтирадилар ва доимо бир – бирлари билан мусобақалашишга интиладилар. Бу нараса улар учун табиий бўлса ҳам ташқаридан хўжайнинг қилиш, хиракицек кўриниши мүмкин.

Америкаликларнинг дўстлик тўғрисидаги қарашлари ҳам ўзига хос. Кўпинча уларнинг дўстлиги узоқ, давом этмайди ва унда амалий жиҳатлар кўпроқ бўлади. Уларнинг садоқат тўғрисидаги тушунчалари бошқа маданият вакиллариникидан фарқ қиласди ва улар бошқа кишиларга боғлиқ бўлишни ёқтирумайдилар. Улар дўстларини «иш юзасидан дўстлар», «спорт бўйича дўстлар», «дам олиш бўйича дўстлар» ва «ойла

дўстлари»га бўладилар. Бироқ америкаликлар ҳам садоқатли ва вафодор дўст бўлишлари мумкин.

Улар савол беришни жуда ёқтиришади. Америкалик саволларининг бир қисми сизга оддий ва тўғри туюлиши мумкин. Сизга жуда шахсий саволлар беришлари ҳам мумкин. Бу уларнинг ҳаддан ташқари қизиқувчалигидан далолат беради.

Америкаликлар ашаддий материалистлар ҳисобланади. «Муваффақият» уларнинг назарида ишлаб топилган нул миқдори билан ўлчанади. Бироқ Америка зиёлилари орасида бундай қарашни рад этувчилар ҳам кўп.

Америкаликлар жуда сергайрат инсонлар. Уларнинг жамиятига юқори даражада фаоллик, ҳаракатчаник ва ўзгаришлар хосдир. Жим ўтириш уларнинг ғашига тегади. Уларга суҳбатдаги танаффуслар ёқмайди. Америкаликлар суҳбатда танаффус қилгандан кўра об-ҳаво тўгрисида бўлса ҳам гаплашиб ўтиришни маъқул кўрадилар.

Ишбилармон америкалик ўз характеристига кўра майдаган ҳам ва ўтакеттан расмиятчи ҳам эмас. Бироқ у ҳар қандай ишни ташкил этишда майдаган нарсалар бўлмаслигини яхши тушунади. Шунинг учун музокараларга тайёрланишда муваффақиятта олиб келадиган барча нарсаларни синчилаб ўрганади. Америкалик бизнесмен қўйидаги учта қоидага риоя этади, булар: таҳдил қилиши, вазифаларни тақсимлаши, ижросини текширмиси. Ушбу қоидалар малакали раҳбарлик шартлари ҳисобланади. Ихтисослашув эса, ҳар бир ишни бошлаш шиоридир.

Америкаликлар вақни тежашади ва пунктуалликни қадрлашади. Улар кундалик дафтардан фойдаланишади ва кундалик жадвал бўйича яшайдилар. Улар белгилантган учрашувга кечикмайдилар. Мамлакатнинг Шарқий соҳилида (Вашингтондан Бостонгача) ушбу қоидага қатъий риоя қилинади – кечикиш мумкин эмас ва ҳеч нарса билан оқланмайди, гарбда эса бунга енгилроқ қарайдилар. Музокаралар жуда қисқа – ярим соатдан бир соатгача давом этиши мумкин ва одатда, яккана – якка олиб борилади.

Америкаликлар pragmatizmi шунда намоён бўладики, улар ишга алоқадор суҳбатлар, музокараларда муҳокама қилиниши лозим бўлган муаммога бутун зътиборни қаратадилар. Нафақат муаммонинг эҳтимолий ечимларини аниқлаш ва муҳокама қилишга, балки эришилган шартномаларни амалга ошириш деталларини ҳам гаплашиб олишга уринадилар. Иш юзасидан бўладиган алоқаларда америкаликлар сергайрат ва жадал ишлапшга мойил бўладилар. АҚШда мавжуд таълим ва тарбия

тизими ҳам шунга хизмат қиласы. Мактаб партасидан бошлаб болалардаги тиришқоқлик, ўз олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш, улар ифода этадиган компаниялар манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш лаёқатлари рағбатлантириб борилади.

Америкача pragmatism кўп жиҳатдан объектив омиллар билан таъминланади. Одатда америкаликлар музокараларда етарлича кучли позицияга эга бўладилар ва бу уларнинг ҳуљ – автор технологияларига таъсир этмасдан қолмайди: америкаликлар ўз мақсадларига эришиш учун сабот билан интиладилар, «савдолашиш» қўлларидан келади ва буни яхши кўрадилар. Америкаликлар турли муаммоларни биргаликда кўриб чиқишига – кўпинча «пакетли» ечимларга эътибор қаратадилар. Уларнинг кўриб чиқиши учун таклифлари «пакетлар»дан иборат бўлади. Улар дастлаб эришилиши мумкин бўлган битимнинг умумий рамкаларини, сўнгра унинг деталларини муҳокама қилишига ҳаракат қиласидилар.

Америкаликлар суҳбатлар, музокараларда амалдаги исбот асосида хуоса қилишини назарда тутадиган сабаб – оқибат аргументларини афзал кўрадилар. Аргументлашнинг бундай тури умуман инглиз – саксон музокаралар юритиш усулига хос бўлиб, бошқалардан фарқ қиласи. Масалан, Рим ҳукуки анъаналарига кўра исботлашнинг бошлангич нуқтаси сифатида бирон бир принцип олинади, исбот эса ушбу принципни қўллашнинг намойиши сифатида қурилади.

Америкаликларнинг ишга доир алоқалардаги демократизми музокаралар ва иш юзасидан бўлидаги суҳбатларда иорасмий атмосфера яратишига, протоколга қатъий риоя қилишдан воз кечишига уринишларида намоён бўлади. Америка делегацияси аъзолари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари кенг тарқалган бўлади. Улар бир – бирларига ёши ва мавқеидан қатъий назар исмларини айтиб мурожаат қиласидилар. Ҳорижий ҳамкорларга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлишлари мумкин. Бу муносабатлар нафақат иш юзасидан, балки дўстона эканлигини билдиради. Америкаликлар ҳазилни тушунишпайди ва қадрлашпайди, дўстоналиқ ва самимийликни таъкидлашга ҳаракат қиласидилар. Кўпгина музокаралар тадқиқотчилари ва иштирокчиларнинг фикрига кўра, музокараларда иштирок этувчи америкаликлар якуний қарор қабул қилиш бўйича Франция, Япония, Хитой ва бошқа давлатлар вакилларига нисбатан кўпроқ ваколатларга эга бўладилар.

Иш юзасидан мулоқот қилиши услубини профессионализм ажратиб туради. Америка делегацияси тарқибида муҳокама

этилаётган масалалардан яхши хабардор бўлмаган кишини учратиш мушкул.

Америкача музокара, сухбат олиб бориш услубининг «тескари томонига ҳам бор. Америкаликлар ўзларини ишга алоқадор муносабатлар технологиясини яратувчилар деб ҳисобланганлари учун кўпинча ўтакеттан, ҳамкорлар ҳам улар риоя этадиган қоидаларга амал қилишлари керак деб ҳисоблайдилар. Оқибатда АҚШ вакилларининг ҳаракатлари бошқалар томонидан ҳаддан ташқари тиришқоқлик, тажовузкорлик, қўполлик сифатида, норасмий мулоқотта интилишлари эса бетакаллуфлик сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда тушунмовчилик, низоли вазиятлар ҳам содир бўлиши мумкин. Америкалик касбдошларнинг бу тарздаги ҳулк – автори бошқа давлатлар ишбилармон доираларида тушунмовчиликларни келтириб чиқараётганлигини уларнинг ўзлари ҳам биладилар.

Иқтисодий қурдатли улкан давлатда яшаётган американклар биринчидан, йирик битимларни афзал кўрадилар, иккинчидан, ўз фирмаларининг фаолият, обороти кўламини, ҳажми ва ҳ.к.ларни таъкидлаб кўрсатишга уринадилар. Масалан, уларнинг фирмаси Калифорнияда энг катта деб кўрсатишлари мумкин.

АҚШда янги ишга алоқадор муносабатларни ўрнатиш учун ёнингизда бир нечта CV (лотинчадан – cūrticūia vīfæ, яъни хаёт йўлингиз таърифи) нусхалари бўлгани яхши. Сиз CV да титулингиз, маълумотингиз (қачон, қаерни тутаттангансиз), илмий даража ва унвонларингиз (уларни қачон ва қаерда олгансиз), чоп этилган илмий ишларингиз, қаерда ва ким билан ишлаганингиз тўғрисида маълумотлар бўлини лозим. Бошқача сўзлар билан айтганда касб фаолиятингиз кўрсатилиши зарур. Америкаликлар ким билан иш қилаётганликларини билишини афзал кўрадилар.

Америкалик шеригингиз кабинетига кирганингизда, сизни деворларга осиб ташланган кабинет эгаси ёки у ишлайдиган фирмага таалуқли кўплаб сертификатлар, шунингдек қачонлардир фирмага ташриф буорган сиёсий ва жамоатчилик араббларининг фотосуратлари ҳайрон қолдириши мумкин. Агар сиз американлик ҳамкорлар билан кенг алоқаларга эга бўлсангиз кабинетингизни «худди шундай» безашингиз фойдаланадиган холи бўлмайди.

Ҳамкорларнинг норасмий вазиятдаги учрашувларига келсак, АҚШда иш юзасидан қабуллар оддий ҳолат ҳисобланади.

Бу оила ва хобби түгрисида гаплашши учун қулай имкониятдир. Стол атрофида сиёсат ва дин түгрисида гапиришдан қочиш керак, чунки АҚШ нуритан қадриятлари давлатидир. Америка миллати ўз саломатлиги түгрисида жуда қайғуради. Бу ерда спиртлик ичимликлар жуда кам истеъмол қилинади. Асосан пиво ва суюқликдан кўра муз кўпроқ солинадиган коктейллар ичилади. Қадаҳ сўзлари айтиш удум эмас. Америкаликлар спиртли ичимлик солинган стаканин кўтаришда оддийгина «чиэз» ёки «прозит» дейишади. Шуни унутмаслик зарурки, АҚШда иш юзасидан қабуллар масалан Франциядагига нисбатан жуда қисқа давом этади. Қабул тутаганидан сўнг иштирокчилар бюрга қайтишлари ва музокараларни давом эттиришлари мумкин.

ФРАНЦИЯ

Француздар Европа қигъасида бой тарих ва маданиятта эга энг ўзига хос ва қадимий миллатлардан биридир. Ўтмишда Франция дипломатик протокол ва этикетнинг шакланишига катта таъсири кўрсатган. Узоқ вақт давомида француз тили дипломатик ёзишмалар ва дипломатик алоқалар тили бўлиб келган. Буларнинг барчаси миллий характер хусусиятларида, замонавий ишга алоқадор муносабатларнинг француз услубида акс этмасдан қолмади.

Француздарда одобилиқдан кўра назокатлилик кўпроқ, улар шубҳаланувчи ва тежамкор, мугомбир ва тоқири бўлишади. Айни пайдада улар завқли, ишонувчан ва олижаноб кишилар ҳамдир. И. Кант уларга шундай баҳо берган эди: «назокатли, хушимумала, илтифотли..., ҳазимга мойил ва мулоқотда эркин, бироқ жуда тез бетакаллуғға айланади». Инглиз дипломати Г. Никольсон шундай ёзган эди: «Француздарда нозик кузатувчаник ўзига хос аниқ ишончалик билан қўшилиб кеттан. Улар олижаноб ва сўзининг устидан чиқувчи, бироқ муросасиз инсонлар. Ўртача француз ўзининг интеллектуал устунлигига, ўз маданиятиининг афзаллигига шу даражада ишонадики, кўп ҳолларда бошқа давлатларда яшаётган варварлар уларни ғазаблантираётганини яшира олмайдилар. Бу уларни камситади. Француздар ўзларининг таҳсинга дойиқ интеллектуал яҳлитлиги боис норавшаш ақлларнинг чигал фикрларини носамимий деб баҳолайдилар ва кўпинча муруватли бўлиш ўрнига аччиғланиб такаббурлик қиласидилар».

Кўп йиллар илгари берилган ушбу баҳо бутунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Масалан, Англияда сұхбатлашиш маҳорати камгашиликка боғлиқ бўлиб, буни инглизлар сиполик ва

боадаблик деб биладилар. Францияда эса ўткір сүз билан күзга ташланишни севишиди ва бунинг удасидан чиқадилар ҳам, бу ерда индамас киши ўз-ўзини ижтимоий нобуд қиласы. Англияда шахсий хаётта ишора қилишдан қочилади, Францияда эса бунинг акси. Французлар жуда әркин ва тез суҳбатлашадилар. Улар тез гапириш бўйича дунёда оддинги ўринларни эгаллади.

Инглизлар дунёга стол атрофида сипо ўтиришини ўргатдилар, бироқ французлар буни янада моҳирона бажарадилар. Инглизлар расмий протоколга қўл бериб кўришишини киритдилар, бироқ французлар ҳақиқий қўл бериб сўрашадилар.

Англияда қўл беришиши минг йиллар давомида деярли стандарт шаклга кирган, французларда эса унинг турли кўринишлари мавжуд. У қизғин, дўстона, такаббурона, совуқ, эътиборсиз, қуруқ ва ҳ. к. бўлиши мумкин.

Французларнинг иш юзасидан мулоқот олиб бориши услугига мустақил ва танқидга мойил фуқароларни тарбиялашга йўналтирилган таълим тизими катта таъсир кўрсатади. Жамиятнинг юқори қатламлари фалсафа, санъатлар тарихи, француз тарихи ва маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор берадилар.

Оқибатда хорижий ҳамкорни французларнинг жозибаси маҳлиё қиласы, бироқ улар билан иш юзасидан мулоқот қилиши осон эмаслигини тушунадилар.

Франциядаги ишбилармонлик фаолиятида шахсий алоқалар ва таниш—билишлик катта аҳамиятта эга. Янги ҳамкорларни дўстлик, оиласиё ёки молиявий муносабатлар билан боғланган воситачилар орқали тошишга интиладилар. Нозик табиат французлар иш юзасидан бўладиган алоқаларни тегишли иерархик даражада олиб борилишига эътибор берадилар.

Француз бизнесменлари бўлажак музокараларга пухта тайёргарлик кўрадилар. Улар тушадиган таклифларнинг барча жиҳатлари ва оқибатларини синчилаб ўрганишни яхши кўрадилар. Шунинг учун улар билан бўладиган музокаралар америкалик тадбиркорларга нисбатан секин суръатда кечади.

Замонавий америкалик тадқиқотчи М. Харрисон французча музокара усулини таърифлар экан принципларга берилганлик ва айни пайтда муросасозликка ишонмаслик хислатларини қайд этади. Французлар ички муаммоларини музокаралар ёрдамида ҳал этишга интилмасдан, зиддиятларни эътиборга олмасликни

ёки уларни ҳал этишнинг бошқача йўларини излашни афзал кўрадилар. Муросасозликка салбий муносабатни французларга хос бўлган интеллектуал устуник ҳисси янада кучайтиради.

Улар у ёки принцип ёки ўз позицияларини моҳирона, ҳаттоқи назокат билан ҳимоя қиласидар, бироқ «бозор қилиш»га мойил эмаслар. Оқибатда маълум бўладики, французлар музокараларни етарлича ҳатъийлик билан олиб борадилар, бироқ, заҳирадаги позицияга эга бўлмайдилар. Француз делегацияси вакиллари кўпинча ўзаро таъсирнинг конфронтацион йўлини танлайдилар. Уларнинг ҳатти – ҳаракатлари муаммо ким билан муҳокама қилинаёттаниларига кўра тубдан ўзгариши мумкин.

Музокараларда француз иштирокчилари АҚШ вакилларига нисбатан камроқ эркинлик ва мустақилликка эга бўлади. Француз делегациясининг бевосита иштирокчилари ваколатига музокара юритиш тактикаси масаласи киради, бунда улар турли восита ва усусларни намойиш этадилар. Французлар дастлабки келишувларга катта эътибор қаратадилар, расмий учрашув чогида юзага келиши мумкин бўлган масалаларни имкон қадар оддиндан аниқлаб олишни, улар бўйича дастлабки маслаҳатлашувлар ўтказишни афзал кўрадилар. Француз тадбиркорлари музокаралар жараённада позицияларнинг кутилмаганда ўзгаришини ёқтиромайдилар. Француз фирмалари билан имзоланган шартномалар ҳаддан ташқари сипо ва аниқ баён қилиниб, бошқача ўқилишга йўл қўймайди.

Французлар ўз мамлакати, тарихи, маданияти, тилига зўр муҳаббат билан қарашлари сабабли улар билан учрашувларнинг расмий тили сифатида француз тилини танлаш муҳим омилдир. Музокараларда муҳокама этиладиган материалларни француз тилида тайёрланган маъқул. Шуни ҳисобга олиш зарурки, французлар ажнабийларнинг французчадаги хатоларига нисбатан таъсирчандир. Риторика масалаларига катта эътибор берилади. Бироқ, француз ҳамкорингиз бирданига инглизча ёки бошқа сизга қулай тилда сўзлай бошласа, билингки, у сизга жуда катта ён босган. Иш юзасидан музокаралар одатда эрталаб 11⁰⁰ да бошланади. Бир ярим соатдан сўнг музокара иштирокчиларига аперитивли француз нонуштаси таклиф этилиши мумкин. Столдаги таомлар ва ичимликлар сифатига исталганча таҳсинлар ўқишингиз мумкин, чунки французлар ўз миллий таомлари билан жуда фахрланадилар. Бироқ шуни унутмаслик зарурки, бу ерда тарелкада овқат қолдириш, таомни ўз таъбига кўра тузлаш ёки зираворлардан фойдаланиш мумкин эмас. Кучли

спиртли ичимликлар кам ичилади, ҳамма ҳолларда вино афзал күрилади. Үзүндән узоқ қадаң сүzlари айтиш урғ эмас. Ичишдән оддин «А вотр санте» – «Сизнинг соғалингиз учун» дейилади. Ресторанда ўтириш ҳақини таклиф қылган киши тұлайды. Иш юзасидан қабулларда иш тұғрисида кофедан сүңг гаплашилади, унгача французлар мәданият ва санъет тұғрисида сүzlашинни афзал күрадилар. Бу французларнинг гапни бирданига ўзларини энг күп қызықтирган нарасдан бошлапши ёқтираслығидан бўлса керак. Унга аста – секин, гапни турли нейтрал мавзуларда узоқ айлантириб, йўл – йўлакай, яъни тушлик охирида яқинлашилади. Аксинча йўл тутиш нафақат муомаласизлик, балки ақласизлик ҳисобланади: сиз ўз манбаатингизни намойиш қилиб, илтимос қилювчи ролига тушиб қоласиз, мабода салбий жавобга учрасангиз ўзингизни ҳам, шеригингизни ҳам ноқулай вазиятта солиб қўйсиз.

Французлар ҳар доим ҳам аниқлик ва пунктауллик билан ажralиб турмайды. Қабулларда қуйидаги қоидага амал қилинади: меҳмоннинг мавқеи қанча катта бўлса у шунча кечикиб келади. Агар сиз француз компанияси президенти билан кечки овқатта таклиф этилган бўлсангиз стол атрофига белгиланган вақтдан ярим соат кеч ўтиришингиз мумкин.

Агар сизни иш бўйича ҳамкорингиз кечки овқатта таклиф этса, буни ўзингизга билдирилган катта ҳурмат ифодаси деб тушунмоқ керак. Кечки овқатта белгиланган вақтдан 15 минут кейин ташриф буюрик, совға сифатида гуллар (оқ гуллар ва хризантема олманг), бир қути конфет ёки шампан виноси олиш лозим.

Умумай, француз миллий характеристери ва иш юзасидан мuloқot үслуби тұғрисида гапирап эканмиз, французларда ҳулақ – автор, фикраш тарзи, идрок қилиш турлича эканлагини қайт этмаслик мумкин эмас. Замонавий тадқиқотчилардан бири Т. Зэлдиннинг ёзишича, замонавий француз миллигининг энг характеристи хусусияти унинг индивидларининг тақрорланмас эканлагидир: «Ўз моҳиятини бир хил белгилаган, маълумоти, мәданияти, орзу – умидлари бир хил бўлган иккита французни топиш мумкин эмас. Французлар ўртасидаги ушбу тафовут борган сари ортиб бормоқда».

3. Германия, Швеция, Япония, Буюк Британия ва бошқа давлатларда музокаралар олиб бориш

БҮЮК БРИТАНИЯ

Инглизларга хос бўлган вазминлик, охиригача тағирилар, нозик табиатлик уларни бегоналар билан муносабатларда одамови бўлишга ундаиди, шунингдек мулкчиликни ҳурматлаш, тадбиркорлик, ишнинг кўзини билиш ҳам уларнинг миллий хусусиятлари ҳисобланади. Ётсирашгача олиб борадиган шахсий мустақиллик Британияда кишилар ўртасидаги муносабатларнинг асоси ҳисобланади. Инглиз табиатида кутишга, ишонч ва гумон ўртасидаги муросани шошилмасдан излашга мойиллик мавжуд. Доимий равища келинтирувчи, амалга оширса бўладиган, қуладай ечимларни излаш, зарур ҳолларда принциплар, мантиқа риоя қиласаслик ва бир пайтда иккита қарама-қарши фикрни ёқлаш имконини берувчи ноаниқ фикрлари Англияга «Маккор Альбион» номи берилишига, кўп ҳолларда уни иккюзламачиликда айблашга асос бўлган. Инглизларда адолат ҳисси жуда юқори ривожланганлиги сабабли улар ҳололликка ишонадилар ҳамда айёллик ва маккорликка тоқат қила олмайдилар.

Инглиз анъаналарига кўра фикр билдиришда вазминлик суҳбатдошга ҳурмат белгиси ҳисобланади. Қатъий фикр айтиш ёки инкор этишдан қочиш, бунда: «Менинг назаримда», «Менинг фикримча», «Эҳтимол» ва ҳ. к. каби турли кириш сўзларидан фойдаланишга интилишнинг сабаби ҳам шунда. Умуман инглизлар сўзлашувда ҳар қандай шахсий жиҳатлардан, яъни бегона шахсий хаётта аралашиш бўлиб кўриниши мумкин бўлган барча нарсалардан қочишга уринадилар.

Инглизлар хушмуомалалиги, хайриҳоҳлиги, ёрдам беришга, қўллаб-қувватлаш, фалокатдан қутқаришга тайёрлигига қарамасдан, бирон-бир қоида, хусусан қонунларга риоя қилишда муглоқо оғизимайдиган кишилардир. Бунда улар ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам аямайдилар.

Боғдорчилик инглизларнинг миллий ишқивозлигидир. Бу уларнинг характеристири ва хаётта муносабатининг кўп жиҳатларини тушунишга бўлган қалит ҳисобланади. Бу миллий қадриятлар кодекси, деярли динидир.

Сукут—аломати ризо, деб ҳисоблашга ўрганган хорижлик инглизни ўз ҳақлигимга ишонтиридим дея күпинча адашади. Британияда сұхбатдошни зытиroz билдирмасдан тоқат билан эшлиш ҳар доим ҳам ризоликни англатмайди. Шунчаки инглизлар ўзини тутабилишни инсон характерининг энг муҳим фазилати деб ҳисобладылар. Музокаралар жараёнида юзага келадиган танаффусларни интуитив равишида нима биландир түлдиригинг келади. Бироқ, инглиз ҳамкорлар билан жим ўтиришдан қўрқмаслик лозим. Аксинча, инглизлар кўп гапиришни қўполлик, шилдимлик деб қабул қиласидар. Сизнинг бундай ҳулқ — атворингиздан хайратта тушган ҳамкорларингизда сизга ишонмаслик учун асос пайдо бўлади. Тежамкорлик — инглизлар пулга, сўзлар ва ҳис — туйғуларга нисбатан намоён этадиган хислатдир. Улар ҳис — туйғуларини очиқ намоён қилишини ёқтиримайдилар.

Инглиз фирмалари билан музокараларни пухта тайёргарлик ва келишувсиз бошлаш керак эмас. Бу ерда импровизацияяга ўрин йўқ. Агар инглиз ҳамкорлар билан ташриф муддати ва дастури келишиб олинган бўлса уларга етиб келганлигиниз ва манзилингизни хабар қилиш шарт эмас. Буюк Британияда пунктуаллик қатъий қоидадир. Фақат биринчи учрашувда қўл бериб кўришилади, келгусида инглизлар оддий оғзаки саломлашиш билан чекланадилар.

Музокаралар бир ёки бир нечта иштирокчилар билан олиб борилиши мумкин. Анъанага кўра улар об — ҳаво, спорт ва бошқа мавзуларда сұхбатлашишдан бошланади. Инглизлар француздарга нисбатан секинроқ қарор қабул қиласидар. Инглизнинг берган чин сўзига ишониш мумкин. Улар музокараларга жуда катта pragmatism билан ёндошиб, ҳамкорнинг эгаллаган позициясига боғлиқ равишида музокараларнинг ўзида энг яхши ечимни топиш мумкин деб ҳисобладылар. Улар етарлича мослашувчан бўлиб, қарама — қарши томоннинг ташаббусига бажону — дил ҳайриҳоҳлик билдирадилар. Инглиз музокарачиларини ишга pragmatik ёндошув, эмпиризм ажратиб туади. Музокаралар пайтида кескинликдан қочиш маҳорати инглизларнинг анъанавий хислатидир.

Агар музокаралар иайтида стандарт инглиз нонуигтаси ёки түшлиги таклиф этилса шуны ёдда туtingки, чойда бирон нарсаны ивитиш, тарелкадаги соусни нон бўлаклари билан артиши, қўлни тиззага қўйиб ўтириш, кофе берилмасдан олдин чекиши одобсизлик ҳисобланади. Кучли ичимликлардан джин ва виски ичилади, бироқ инглизларнинг севимли ичимлиги пиво ҳисобланади. Қадаҳ сўзлари айтиши ва қадаҳ уриштириш урф эмас. Ичишдан олдин «чиэз» деилади. Стол атрофидаги суҳбатда қирол оиласининг ҳаёти, дин, Шимолий Ирландия, шахсий ҳаёт ва пул мавзуларида сўз очманг.

Уйга таклиф этиш алоҳида илтифот белгисидир. Агар Сизга шундай таклиф билдирилса меҳмонга бориладиган куни уй этгалирга гул, шоколад ва вино юборишни унутманг.

Инглиз хонадонида визит карточкалар алмашин қабул қилиннмаган.

ГЕРМАНИЯ

Немисларни меҳнаткашилик, тиришқоқлик, пунктуаллик, тежамкорлик, рационаллик, уюшқоқлик, педантлик, шубҳаланувчанилик, жиҳдийлик, тадбирлилик, тартибга интилиш ажратиб туради.

Немис фирмалари билан ҳамкорлик тўғрисида ҳат ёзиш орқали алоқа ўрнатиш мумкин. Хорижий фирмалар ва алоҳида тадбиркорлар ўз таклифларини Кельн шаҳридаги ташкии савдо Федерал идораси чоп этадиган маҳсус «Аусландсанфраген» бюллетенида ва «Нахрихтен фюр Ауссенхатдел» газеталарига иловаларда бепул чоп этиришилари мумкин. Германияда агентликлар ва воситачилик фирмалари орқали ҳамкорликни ташкил қилиш мумкин. Немис фирмаларининг юқори профессионализми ва зиммаларига олган мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари улар билан узоқ муддатли алоқаларни ўрнатишга хизмат қиласди.

Утрашув вақти олдиндан келишиб олинади. Буни телефонда ҳам бажариш мумкин. Телефондаги суҳбат ўзни таништиришдан бошланади. Телефондаги суҳбатда берилган барча ваъдалар, одатда бажарилади.

Немис ходимлари кийим танлашда анчагина талабчан. Асосий кийим – сипо ва асосан икки бортли костюм. Оёқ кийими танлашда эътиборли бўлиш ва ҳар қандай костюмга очиқ рангли ботинка киявериш ярамайди.

Музокаралар бир ёки бир нечта ҳамкорлар иштирокида олиб борилади. Немисча пунктуаллик кўрсатиш билан дарров немис касбдошларнинг ҳурматига сазовор бўласиз, ва бу музокаралар микроқлимига ижобий таъсир кўрсатади. Танишириув маросими ҳалқаро қоидаларга мувофиқ бўлиб, қўл берib сўрашиш ва визит карточкалари билан алмасицдан иборат.

Немислар масала ечимига эришиш имконияти етарлича аниқ кўринадиган музокараларни ёқтирадилар. Одатда иштирокчилар ўз позицияларини жуда пухта ишлаб чиқадилар. Музокараларда улар масалаларни кетма – кет ҳал этишга ҳаракат қиласидилар.

Немислар битимлар тузища қабул қилинган мажбуриятларниң қатъий бажарилишини, шунингдек улар бажарилмаган тақдирда юқори жарима тўланиш қатъий талаб қилиб туриб оладилар. Улар ўзларига етказиб берилаёттан товар учун катта кафолат даврини, шунингдек, сифатсиз товар етказиб бериш ҳолларига мўлжалланган гаров талаб қилишлари мумкин.

Немислар музокаралар ўзларини анчагина қатъий тувишлари мумкин, бироқ музокаралар учун яхши шароит: хона, зарур асбоб – ускуналар билан таъминлайдилар. Музокараларда немислар анчагина профессионал ва расмий бўлиб, сиздан ҳам шуни кутишади. Уларга америкаликларга ўхшаб исмни эмас фамилияни айтиб мурожаат қилиш лозим, масалан «Жаноб Шмидт» (агар унвони бўлса – уни ҳам кўрсатиш зарур). Немислар японларга ўхшаб расмий учраппувларда кийниш масаласида анчагина консерватив.

Музокаралардаги танаффусда сизни ресторонга таклиф этиши, шуни унугмангки, биринчидан, ресторанда ўтириш ҳақи баъзан таклиф этувчи ва таклиф этилганлар ўргасида бўлиб тўланади. Иккинчидан, стол атрофида ўтирганда мезбоилар анъанавий «Прозит»ни айтишгандан сўнг ичиш керак. Учинчидан, сиёсий мавзудаги суҳбатдан қочиш лозим.

Германияда иш бўйича ҳамкорларни жуда кам ҳоллардагина уйга таклиф этишади. Агар сиз шундай таклифга мушарраф бўлсангиз уй бекасига гулдаста олишни унугманг.

ИТАЛИЯ

Италянлар экспансив, қизиқон, шиддатли ва тез тил топишиб кетадиган ҳалқдир.

Мамлакатдаги иш юзасидан музокаралар юритиш амалиёти күччилик Европа давлатларидағи қабидир. Йирик ва майда фирмалар вакилларининг ҳұлқ – авторида айрим тафовутлар мавжуд. Майда фирмалар вакиллари одатда, дастлабки алоқа ўрнатыш даврида жуда серғайрат ва фаол бўлиб, ташкилий ва расмий масалалар ечимини тошишни чўзмасликка интиладилар ва ечимнинг муқобил варианtlарини бажону дил қабул қиласидилар.

Иш юзасидан алоқалар ўрнатыш учун таклифлар кўрсатилган расмий хат кифоя қиласиди. Сўнги пайтда иш юзасидан алоқалар ўрнатыш учун жуда тез ривожланиб бораёттан ёситачиларга мурожаат қилиш кўпаймоқда.

Италян бизнесменлари музокаралар корхонада, ишбилармонлик дунёси ва жамиятда тенг мавқега эга кипилар ўртасида боришига катта зътибор берадилар.

Ишбилармон доиралар вакиллари учун ҳамкорлар билан норасмий муносабатлар, шу жумладан ишдан ташқари пайтдаги муносабатлар муҳим ўрин тутади. Норасмий вазият эҳтимолий зиддиятлар юмашига кўмаклашади, бунда ҳамкорнинг норозилигини келтириб чиқаришдан қўрқмасдан унга тақидий фикрларни айтиш мумкин. Кучли спиртли ичимликлар кам истеъмол қилинади, хаттоқи машҳур италян грапаси ҳам ўз ватанида унча машҳур эмас.

Анъанааларга садоқатли италияликлар пивони ҳам ичмасликка ҳаракат қиласидилар, одатда ҳар қандай тушлик овқатнинг ажралмас белгиси ҳисобланадиган маҳаллий вино истеъмол қилинади. Бу ерда ҳам узундан – узоқ қадаҳ сўzlари айтиш қабул қилинмаган, ичишдан оддин «чин – чин» дейилади.

Италянлар ўз мамлакатларига кўпгина санъат ва хунармандчилик турларининг асосчиси сифатида қаралишини жуда қадрлайдилар. Бунга ҳурмат билан қарааш ва бу соҳада билимларга эга бўлиш яхши таассурот қоддиради, музокараларда ишонч ва хайриҳоҳлик муҳитини яратишга ёрдамлашади.

Умуман италян бизнесменлари ишбилармонлик этикасига риоя қилинишига нисбатан анча таъсирчандир, буни музокараларни ташкил этиш ва юритишда ҳисобга олиш лозим.

ИСПАНИЯ

Ўз характерига кўра испанлар – жиёднй, очиқ кўнгил, күшмумоомала, инсонларвар кошилар бўлиб, катта юмор ҳисси ва командада ишлап лаёқатига эга. Испаниянинг ўн еттига вилоятидан ҳар бири аҳоли характеристида ўз колорити билан қўшимча из қолдиради.

Мамлакатта етиб боришингиз билан албатта, ҳамкорларингизни хабардор қилинг.

Учрашувни туш вақти – фиеста соатига белгиламаслик зарур. Испанияларнинг учрашувга кечикишга мойилли жуда кўп ҳазилларга сабаб бўлган. Танишув маросими умумий қабул қилинган тартибдан четта чиқмайди ва қўл бериб кўришиш ҳамда карточкалари билан алмашишдан иборат.

Одатда, музокаралар бир ёки бир нечта ҳамкорлар иштирокида ўтади ва об-ҳаво, спорт, шаҳарнинг диққатига сазовор жойлари ва ҳ. к.лар тўғрисидаги суҳбатдан бошланади. Испан фирмалари вакиллари билан музокаралар юритиш услуби америкаликлар ва японларникига нисбатан секинроқ суръатда кечади. Испан бизнесменлари бошқа давлатлар вакиллари каби музокараларда ишибилармонлик дунёси ва жамиятда тенг мавқега эга бўлган кишилар иштирок этишига катта аҳамият берадилар. Испанлар кўп гапиришни хуш кўришлари учун учрашувлар регламентига кўпинчча риоя қилишмайди. Классик костюм, оқ кўйлак ва яхши тозаланган оёқ кийими зарурлиги шубҳасиз.

Испанияда кеч овқатланишида: ионушта 14⁰⁰ да, тушлик эса 22⁰⁰ да бўлади. Стол атрофида фуқаролар уруши, Франко ҳукмронлиги даври, коррида, шахсий ҳаёт мавзуларида гапирманг.

Испанияда иш юзасидан ҳамкорларни уйга таклиф қилиш қабул қилинмаган. Бироқ сизга шундай таклиф билдирилса, меҳмонга бораётганингизда совға сифатида гул ва вино олинг. Қиммат совғалар олманг, улар пора сифатида тушунилиши ва ҳамкорингизни хафа қилиши мумкин.

ШВЕЦИЯ

Шведлар чуқур сингиб кетган лютеран иш этикаси билан дунёга машҳур. У немисларникига яқин бўлиб, бироқ ундаи қуруқ эмас. Унга хос хусусиятлар тиришқоқлик, пунктуаллик, батартиблик, жиёдийлик, шухталик, виждонлилик ва муносабатларда ишончлиликдир.

Швед бизнесменларининг малака даражаси жуда юқори, шунинг учун улар ўз ҳамкорларида профессионализмни қадрлайдилар. Шведлар одатда бир нечта хорижий тилларни, биринчи навбатда инглиз ва немис тилини билишади.

Шведлар ўга расмиятчи кишилар бўлганлиги учун ҳамкорингизнинг ўзи шуни таклиф этмагунча унинг исмини айтиб мурожаат қилманг.

Шведлар ишларни режалашни ёқтирадилар, шунинг учун иш юзасидан учрашувлар тўғрисида охирги минутда эмас, оддиндан келишиб олиш зарур. Музокараларга аниқ белгиланган пайтда келиш зарур, фарқ 3–5 минут, фавқулодда ҳолларда 15 минутдан ошмаслиги керак. Швед бизнесменлари иштирокчилар таркибини ва ташриф дастурини (ишлаш қисми, қабуллар, театр ва ҳ. к. ларга бориш) оддиндан билишини афзал кўрадилар. Қабуллар ва театрларга ташриф буюришда кийиниши тўғрисида тавсиялар бериш сиз томондан кўрсатилган боадаблик бўлади. Музокаралар об – ҳаво, спорт, диққатта сазовор жойлар ва ҳ. к. лар тўғрисидаги суҳбатдан бошланади. Музокараларининг ушбу қисмига оддиндан тайёрланиши лозим. Нуфузли йиред компанияларида қатъий интизом ва эгалланган мавқега мувофиқ субординацияга риоя қилинади. Музокараларнинг ҳар бир иштирокчиси унга сўз берилганда ўз фикрини баёни қилишга ҳақлидир.

Шведлар вазмин ва ўз ҳис – туйгуларини очиқ намоён қилмайдиган кишилар. Улар олинган таклифларни оддиндан ва ҳар томонлама ўрганадилар ҳамда барча масалаларни энг кичик деталларгача кўриб чиқишини ёқтирадилар. Шунинг учун муваффақиятта эришмоқчи бўлсангиз музокараларга шухта тайёргарлик билан боринг.

Дўстона алоқалар ва муносабатлар бизнесни ривожлантиришда алоҳида рол ўйнайди. Ишофис деворлари билан чегараланиб қолмасдан, кўпинча ресторандаги дўстона қечки овқат пайтида ёки меҳмондорчиликда давом этади. Уйга энг яқин кишилар ёки муҳим ҳамкорлар таклиф этилади. Агар сиз шундай таклиф олсангиз, ташриф куни уй бекасига атаб гуллар сотиб олиш ёки уларни хат ташувчи орқали бериб юборишни унутманг. Шведларга сувенирлардан ҳалқ ҳунармандчилиги буюмлари, классик мусиқа ёзувлари, шоколадди конфетларни ёқтирадилар. Шведлар кечки овқат пайтида кичик аяъналарга риоя қилишни севадилар. Одатта кўра уй эгаси бокалини кўтариб, ҳар бир меҳмонга мурожаат қиласди ва «сколь» (сизнинг соглигингиз учун) лейди. Ҳар сафар

ушбу сўз айтилгандан сўнг ҳамма бир-бирининг кўзига қарайди, ичилади ва яна ҳамма билан кўз уриштирилади. Овқатланиш тутагунча уй бекаси ёки эгаси шарафига қадаҳ сўзи айтиши, қадаҳ сўзи айтилаётганда ҳамма бир-бирининг кўзига қарамагунча бокални столга қўйиш мумкин эмас. Одоб қоидаларига кўра сиз ҳам меҳмонга таклиф этишиниз зарур.

Шведлар ишбилармон кишининг кийиниши тўғрисида анъанавий қарашга риоя қилиб, классик услубни афзал кўришади: Эркаклар учун қорароқ тусдаги, одатда майда чизиқли кўк ёки кул раиг костюм. Аёллар учун матълум даражада сипо, модага мувофиқ узунилкка ва силузтта эга бироз оч рангли костюм, унчалик серҳашам бўлмаган кўйлак маъқул кўрилади.

РОССИЯ

Иш юзасидан мулоқотларнинг европача услублари тўғрисида гапирав эканмиз, музокаралар ва ишга алоқадор сұхбатларнинг русларга хос хусусиятлари тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас. Рус услугига иккита омил: бир томондан – советча меъёрлар, иш юзасидан мулоқот қоидалари, ушбу даврда шакланган қадрияглар, иккинчи томондан рус миллий характеристи хусусиятлари таъсир кўрсатган.

Музокараларнинг совет иштирокчилари, айниқса уларни доимий олиб борадиганлар хорижий ҳамкорлар томонидан юқори профессионал мутахассислар сифатида баҳоланганд. Мазкур баҳо энг аввало музокаралар мавзусини яхши билишга тааллуқлидир. Қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга катта эътибор қаратилган. Қарор қабул қилинмаслиги, келишилиши, аниқлаштирилиши мумкин эди, бироқ у қабул қилиниб, шартнома имзоланса, қатъян бажарилган. Ҳамкорлардан ҳам шартномага аниқ риоя этиши талаб этилган.

Ушбу ижобий характеристикалар билан бир пайтда салбий жиҳатлар ҳам мавжуд эди. Энг аввало совет даврида муросани мажбурий, вақтингчалик чора деб тушунилганилгига эътибор бериш лозим. Муросасозликка бундай муносабат (у музокараларнинг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади) музокара юритипнинг советча услугига таъсир этмай қолмади. Кўпинча совет услуги хорижий ҳамкорлар томонидан ёпиқ ва ҳушиёр услуг сифатида баҳоланганд. Музокара юритиш тактикаси шу билан фарқ қилганки, совет томони музокараларнинг бошида оширилган талабларни қўйтган. Шундан сўнг узоқ баҳслардан кейин позициялар яқинлаштирилган. Бунда ён босишни советлар кучсизлик ифодаси ҳисоблаб, унга хоҳдамайтина

үтишган. Кўп ҳолларда бир томонлама устунликка эришишга йўналтирилган усуллардан фойдаланилган.

Музокараларда иштирок этувчи совет делегация таркиби ва тузилмаси қатъий иерархик принципга асосан қурилган. Қарор қабул қилишдан аввал Москва билан масалаларни келишиш талааб қилинади ва бу анча вақтни олар эди. Музокараларда совет томони эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишни, таваккал иш тутмасликни афзал кўрарди. Агар масала ечимининг таваккалчилиги юқори ва кичик варианлари мавжуд бўлса, кейинги вариант танланади. Таваккалчиликдан қочиш ташаббуснинг чекланишига олиб келар эди.

Академик Д.С. Лихачев рус миллий характери хусусиятларини таърифлар экан, Rossiya кўп асрлар мобайнида шимолдан жанубга (Болтиқ дengизидан Ўртаер дengизи соҳилларигача) ва гарбдан шарққа (Европадан Хитой ва Хиндистонга) борувчи савдо йўллари чорраҳасида жойлаштанилигини қайд этади. Оқибатда «рус маданияти ўз таркибига кўпгина бошқа халқлар маданиятларини олганлиги ва қадимдан қўшини Скандинавия, Византия, жанубий ва гарбий славянлар, Германия, Италия, Шарқ ва Кавказ халқлари маданиятлари билан алоқада бўлганлиги учун – универсал ҳамда бошқа халқлар маданиятига бегараз маданиятди». Бу Россиянинг бошқа маданиятларга қизиқишини шакллантириди ва рус маданиятининг ушбу маданиятлар (биринчи навбатда Фарбий Европадан) элементларини ўзлаштиришига сабаб бўлди. Петр биринчининг кўпгина янгиликлари бунга мисол бўлади.

Музокаралар, ишга алоқадор муносабатларга нисбатан бу энг аввало турли мамлакатлар ва миллатлар вакиллари билан осон иш олиб бориш, ҳамкорни ҳис этиш, унинг музокара юритиш усулига очиқ бўлишни англатади. Айни пайтда Д.С. Лихачев бошқа нарсани – барчасини «ҳаддан ошириб юбориш, имконият чегарасигача» олиб боришга интилишни ҳам кўрсатади. Музокараларда бу турлича: қатъий позицияга доимий амал қилиш (ёки аксинча) ва ҳамкор учун кутилмаганда унинг барча таклифларини қабул қилишда намоён бўлиши мумкин. Америкалик муаллиф Р. Смит музокараларда рус иштирокчилар ҳулақ – авторининг қуийдаги томонларини қайд этади: кайфият ва ҳамкорга муносабатнинг тез ўзгариши – жуда дўстона муносабатда бўлиш ёки ҳар қандай шахсий хайриҳоҳликка ўрин қолдирмайдиган расмиятчиликни намоён қилиш. Умуман, эмоционал томон совет музокара юритиш услубининг муҳим қисми эканлиги кўпчилик томонидан қайд этилган.

Иш юзадан мулоқотларнинг сабиқ совет, эндилиқда рус услугига хос яна бир қизиқарли хусусият чукур илдизларга эта. Музокараларда руслар умумий мақсадларга кўпроқ эътибор қаратиб, уни амалга ошириш йўларини назардан четда қолдирадилар. Айни шайтда у ёки бу мақсадга эришиш масалалари, масалан, Америка вакиллари учун асосий аҳамиятта эта. Деталларга муносабатдаги бундай тафовут Россия – Америка келишувларини ишлаб чиқишини чўзиб юбориши, айрим ҳолларда музокараларнинг узилишига олиб келиши мумкин.

Иш юзасидан алоқаларнинг русча услубини таърифлашда кўпгина рус тадбиркорларининг тажрибасизлигидан келиб чиқадиган қатор хусусиятларга эътибор қаратиш лозим. Хорижий ҳамкорларнинг фикрига кўра руслар музокараларга гайриоддий муносабатда бўладилар. Мисол учун канадаликлар бошқа кўпгина бизнесменлар каби ишбилармонлик тақлифини муҳокама қилишда шундай фикр юритадилар: биз «пирог»нинг ҳажмини ошириш мақсадида бирлашмоқдамиз, шундай қисқа ҳар биримизга тегадиган бўлак кўпаяди. Бошқа айттанды улар «ютуқ – ютуқ» стратегиясига таянидилар. Россиялик тадбиркорларининг стратегияси эса кўшинча бошқача бўлади. Улар пирогнинг катталиги маълум ва мақсад йирикроқ бўлакни қўлга киритиш деб ҳисоблайдилар. Русларнинг музокаралардаги иштирокига берилган бундай таъриф рус миллий характеристига хос хусусиятлардан эмас, билимсизлик, муайян «музокара маданияти» йўқлиги, ҳамкорлик вазиятида ҳам манфаатларнинг мос келишини эмас, тўқнашувини кўришга интилишдан келиб чиқади деб тушунмоқ керак. Бундан ташқари бунда советларча муросасизлик тушунчасининг таъсири ҳам бор. Жна бир нарса руслар хорижий ҳамкорларга «савдолапшида» анча ютқазадилар. Руслар чет элда айнан савдолашибашга мойил эмаслигилари сабабли, реал нархлар даражасини билмасдан харид учун жуда ортиқча тўлайдилар. Чет элликлар буни жуда яхши биладилар ва бундан фойдаланадилар.

Бундай ҳулк – атвонд янги рус тадбиркорларининг чет элларга чиқишини чеклаши мумкин. Мисол учун йирик француз электрон компанияси директорининг фикрини келтириш мумкин: Мен «янги руслар билан алоқа қилишни мутлақо хоҳламайман. Улар жуда маданиятсиз кишилар. Мен доимо Толстой, Достоевский, Чеховни ўқиб бораман. Мен кўрган ўша «янги руслар» менинг тасаввуримдаги Россия тимсолига мутлақо тўғри келмайди ва улар ҳеч қачон жаҳон бизнеси элитасига кира олмайдилар. Мен уларнинг Франция жанубида ўзларини қандай

тутаёттандары, қанақа данғиллама уйлар сотиб олаёттандары, қандай дам олаёттандары, казино ва ресторанларда қанақа суммаларни ҳавога совураёттандарини биламан. Бу ёвойилик. Маданияттың жамиятта бойлик күз-күз қилинмайды, аксинача бизнесни ривожлантиришга, янги иш жойларини яратишга, турмуш шароитини яхшилашга интиладилар».

ХИТОЙ

Хитой ўзига хос давлатлардан бири бўлиб, у ерга борини катта психологияк қийинчиликлар билан боғлиқ. Сиз доимо юзлаб, баъзида минглаб кишиларнинг диққат марказида бўласиз. Хитойликлар жуда хунгчақчақ, очиқ кўнгил ва фаросатли кишилар, бироқ уларнинг одоб тўғрисидаги қарашлари бошқаларницидан фарқ ёилади.

Хитойликларнинг МДҲ давлатлари фуқароларига муносабати вилоятдан вилоятта ўзгариб боради. Чегара ҳудудларида "савдогарлар" сабабли обрўга анча путур етказилганлиги сабабли мураккаб муносабатлар юзага келиши мумкин. Хитойда бўлиб қайтганлар ҳар қандай оғир вазиятда ҳам муаммони етишининг айланма "чап" йўлларини излаш қоидасига амал қилишни тавсия этадилар.

Иш юзасидан бўладиган учрашувларда хитойлик иштирокчилар иккита нарсага: 1) муҳокама этилиши лозим бўлган мавзуга, шунингдек иштирокчиларга тегишли маълумотлар тўплашга; 2) "дўстона кайфиятни" юзага келтиришга жуда эътибор берадилар. Музокаралардаги "дўстона кайфият" улар учун жуда муҳим аҳамиятта эга бўлиб, хитой маданий анъаналари ва қадриялари билан белгиланган ҳамда кўпчилик муаллифлар томонидан таъкидланган. Хитойликлар "дўстона кайфият" деганда ҳамкорлар билан яхши шахсий муносабатларни тушунадилар. Шуни унутмаслик лозимки, учрашувларда қўл бериб сўрашишни дастлаб юқори мансабли кишидан бошлаш лозим.

Хитой делегацияси таркибида одатда, кўп эксперталар, масалан молиявий, техник ва бошқа масалалар бўйича эксперталар бўлади. Шунинг учун ҳам делегация сони кўпчиликни ташкил этади.

Хитойликлар музокараларни етарлича аниқ алоҳида босқичларга: позицияларни аниқлаш, уларни муҳокама қилиш ва якунловчи босқичларга бўлиб олиб борадилар. Боплангич босқичда ҳамкорларнинг ташки кўрининиши, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, делегация ичидағи муносабатларга эътибор берилади. Шу асосда хитойликлар музокара иштирокчиларнинг

мавқеларини аниқлашта ҳаракат қыладилар. Келгусида улар эътиборни юқорироқ мақомга эга расмий ва норасмий кишиларга қаратадилар. Бундан ташкари ҳамкор делегация таркида хитойликларга хайрихоҳ кишилар ажратилади. Айнан шундай кишилар орқали хитойликлар қарши томоннинг позициясига таъсир қилишга уринадилар.

Хитой томони билан бўладиган музокараларда ҳамкор биринчи бўлиб ўз иуқтаи назарини баён қилишини, биринчи бўлиб таклиф билдиришини ва ҳ.к. кутиш зарур. Агар музокаралар Хитой ҳудудида ўтказилаёттан бўлса (улар музокараларни ўз ватанларида ўтказишни севадилар) хитойликлар уларнинг анъаналарига кўра "меҳмон биринчи бўлиб гап бошлиайди" деган важ кўрсатишлари мумкин. Биринчи бўлиб Хитой томонидан маълумот олишга уриниш кўпинча самарасиз якунланади: маълумотлар умумий қоидаларга тегишли бўлиши мумкин.

Хитой томони қарши томоннинг имкониятларини баҳолаб бўлганидан сўнг, музокаралар якунида, ён босиши мумкин. Музокаралар боши берк кўчага киргандек туюлган дақиқада хитойликлар ён босувчи янги таклифларни билдиришлари мумкин. Натижада музокаралар янгитдан бошланади. Бироқ, улар музокараларда қарши томон йўл қўйган хатолардан моҳирона фойдаланадилар.

Хитойлик иштирокчилар якуний қарорларни одатда, музокаралар столи атрофида эмас, уйда қабул қыладилар. Эришилган келишувлар "марказ" томонидан маъқулланиши деярли шарт қилиб қўйилган. Бунда улар имкон қадар эришилган келишувларни ўzlари учун яхшилашта, қўшимча ва тузатишлар киритипга ҳаракат қыладилар.

XXRning Россиядаги элчинонаси ва савдо ваколатхонаси ходимлари ишбилиармонлик алоқаларини ўрнатища шошилмасликка ундейдилар: "сизга визит карточкасини тақдим этган биринчи хитойлик билан шартнома имзолашта шошилманг. У реал ишбилиармонлик ва маъмурий тузилмани ифода этмаслиги мумкин. Хитойда визит карточкалари тайёрлаш қийин иш эмас".

Хитойликлар ҳамкорлар билан норасмий муносабатлар ўрнатишига муҳим аҳамият берадилар. Сиздан ёшингиз, оиласији аҳволингиз, болаларингиз ҳаёда сўраписа ҳафа бўлманг, бу сизга чин дилдан қизиқищдан далолат беради. Сизни уйга ёки 20 хилдан кам бўлмаган овқатлар бериладиган ресторанга тушлик учун самимий таклиф этишлари мумкин. Агар сизга таклиф этилаёттан экзотик таомни тотиб кўришга тайёр бўлмасангиз,

очиқча рад этманг. Озгина бўлсада тотиб кўриб, қолганини тарелкада аралаштириб юборинг. Столга шўрва тортилиши тушилик ниҳоялаётганидан дарак беради. Меҳмон стоддан биринчи бўлиб туради.

Хитойликларнинг асосий ичимлиги гуруч ароғидир (қуввати 55 градусли). Халқ орасида қизил вино – каулиян жуда машҳур. Осиё маросимларни ёқтиради, шунинг учун Хитойда қадаҳ сўзлари айтиш урф ҳисобланади, бироқ қадаҳ уриштириш шарт эмас. Агар уриштиришга тўғри келса ёши кичиклар бокалининг юқориси билан катта киши бокалининг пастки қисмига уриштиради, бу билан у шеригига ҳурматини намойиш қиласди. Соқий бегона бокалларни тўддириб қувиши керак, аксинча ҳурматсизлик кўрсатган бўлади. қадаҳ уриштиришда "кан пей" (збекча "охиригача") дейилади, бунинг хитойчадан таржимаси "дарё саёzlаниб қолсин" деган маънони англатади.

Совғалар муайян шахсга эмас, бутун ташкилотта қилингани яхши, чунки маҳаллий қоидаларга кўра шахсий совғалар қабул қилиш тақиқланган бўлиши мумкин.

ЯПОНИЯ

Япон миллий характерига меҳнатсеварлик, кучли ривожланган эстетик туйғу, анъаналарга содиқлик, ўзлаштиришга мойиллик, интизомалик, нуфузли қишиларга содиқлик, бурч ҳисси, хушмуомалалик, батартиблик, вазминлик, тежамкорлик, қизиқувчаник, гуруҳдаги келишилган ҳаракатларга интилиш хислатлари хосдир. Япониялик болалиқдан "гуруҳий бирдамлик" руҳида тарбияланади. ўзининг индивидуалистик интилишларини босишига, иззат – нафсини сақлапга, ўзининг кучли томонларини кўз – кўз қилишдан сақланишга интилади. Япон аҳлоқи ўзаро боғлиқликни киппилар ўртасидаги муносабатлар асоси деб ҳисблайди. Индивидуализм совуқ, қуруқ ва инсонийликка бегона хислат сифатида баҳоланаади. Япон аҳлоқи шундай таълим беради: «Ўзинг мансуб бўлишни истаган гуруҳни топ. Унга содиқ бўл ва таян. Ёғиз ўзинг ҳаётдаги ўрнингни тополмайсан, унинг ҳийлаю – найрангларига ўралашиб қоласан. Боғлиқлик ҳиссисиз ишонч туйғуси бўлиши мумкин эмас». Бундай ҳулақ – автор япон анъаналарига кўра албатта мукофотланади. Японлар кишига унинг у ёки бу гуруҳга тааллуқлиги бўйича баҳо беришга одатланганлар. Иккита япон учрашганда энг аввало бир – бирининг тааллуқлигини, гуруҳдаги эгаллаган мавқенини аниқлашта интилади. Ушбу маълумотларсиз улар мулоқот учун асос тола олмайдилар. Япониялик ўз манфаатларини уйда оила,

ишида эса гурух манфаатлари билан бирлаштириб, ҳамкаслари билан бирга хизмат погоналаридан юқорилайди. Муайян даражага еттач эса уни юқори эшелонга кўтаришларини сабртоқат билан кута бошлиди. Шу сабабли японлар учун ўз фирмаси, давлати, миллатига «содиқлик», уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдаги фидокорлик ва ватанипарварлик катта аҳамиятта эга.

Японияда табассум ёки кулги турли маънони англатади: у дўстона хайриҳоҳлик, вазминлик, сир бой бермаслик, ҳис туйғуларни очиқ намоён қилиш, қийин аҳволга тушиб қолганда ноқулайлик белгиси бўлиши мумкин. Бундай кулгини «сири табассум» деб аташади, ибодатхоналардаги будда тасвирларида шундай табассум акс эттирилган.

Японияда қўл бериб кўришиш қабул қилинмаган. Афтидан японлар қўл бериб кўришишда муқаррар бўлган тикилиб, тўғри қарашдан қочишга уринадилар, уларга бир-бирига тегиш одати ёқмайди. Ҳар ҳолда қўл бериб кўришиш мулоқот жараёнига киритилмаган. Одобли муомала қоидаларининг мұҳим элементи таъзим ҳисобланади. Тривиал саломлашин учун ўн бешта таъзим етарли. Яхши таассурот қолдириш учун қирқ беш марта, алоҳида ҳурматни ифодалаш учун етмишта, энг ҳурматли кишига салом берганда тўқсон марта таъзим қилиш зарур. Танишаёттанды визит карточкасини икки қўллаб узатинг ва қабул қилинг: ҳурмат ифодаси сифатида уларни дикқат билан ўқиб чиқинг. Карточка ундаги ёзувларни осон ўқиш мумкин бўлган тарзда узатилади, сиз ҳам ўзингизнигини шундай тақдим этинг.

Японларни миллат сифатида юқори ҳамжиҳатлик, барча нарсада жуда батартиблик ва юмор туйғуси йўқлигидан ташқари яна бир хислат — самимий ўз-ўзини танқид ажратиб туради. Ушбу хислат уюшқоҳлик, батартиблик ва юмор туйғуси йўқлиги билан қаандайдир тарзда бирикиб кетади. Кўлчилик кишилар мувваффақиятсизликка учраганларида узоқ умидсизликка тушадилар. Японлар эса аччиқ дақиқаларда бўшашмасдан мувваффақиятсизликка олиб келган хатоларни жиҳдий таҳлил қилишга ва уларни қисқа муддатда тузатишга ҳаракат қиласидилар. Бир киши шундай йўл тутса буни ирода кучи деб аташади. Бироқ бутун мамлакат шундай ҳаракат қилганда унинг номини «япон мўжизаси» дейдилар.

Бошқа кўпгина давлатлардан фарқли равишда япон фирмалари билан хат ёки телефон воситасида иш алоқаларини ўрнатишга уриниш самарасиз ҳисобланади. Бунинг бир нечта

сабаби бор. Биринчидан, миллий бозорда фаолият юритаёттан күпгина майда ва ўрта фирмалар ўз ишларини япон тилида олиб борадилар ва улар билан оaloқа ўрнатиш учун таржимон талаб қилинади.

Иккинчидан, япон тадбиркорлари зиммага мажбурият олишга ҳаддан ташқари инжиқлик ва эътибор билан ёндошадилар. Шунинг учун ҳам музокара ўтказишга ҳам мажбурият юкловчи қадам сифатида қарайдилар ва ҳамкор ҳамда унинг таклифлари тўғрисида тўлиқ маълумот олмай туриб, унга рози бўлмайдилар. Учинчидан япон фирмаларида қарор қабул қилишнинг мураккаб тартиби мавжуд бўлиб, бу сизнинг сўровингизга жавоб олишини секинлаштиради. Ва ниҳоят, япон тадбиркорларига шахсан гаплашишга бўлган кучли иштиёқ ва масалаларни хат ёки телефон орқали ҳал этишга мойил эмаслик хусусияти хосдир. Бундай хусусият айниқса майда ва ўрта бизнесменларда яққол намоён бўлади.

Ушбу қийинчиликларни бартараф этиш учун қуйидагиларни тақлиф этиш мумкин. Ҳамкорлик ўрнатишни истаган япон фирмаларига юбораёттан хатларингизга расмий йиллик ҳисботларингизни, брошурулар, корхонангиз ҳамда унинг маҳсулотлари тўғрисида батағсил маълумот берадиган бошқа чоп этилган материалларни илова қилинг. Улар фирманинг ишончли ва нуфузли ҳамкор сифатида таништириш учун зарур. Материалларни профессионал таржимонга япон тилига ўтиритириб тақдим этсангиз янада яхши бўлади. Сифатсиз таржима ёқимсиз таассурот қолдиради.

Япон фирмалари вакиллари билан иш юзасидан биринчи учрашувда фирмалар тўғрисидаги материалларни ўзаро алмашини лозим. Уларда қуйидаги масалаларга доир маълумотлар бўлиши зарур: фирманинг фаолият тури, у тўғрисидаги асосий маълумотлар (фирманинг аниқ номи, манзили, асосий раҳбар шахсларнинг фамилиялари ва лавозими, чиқариладиган маҳсулот тури, компания тараққиётининг асосий босқичлари), фирманинг раҳбарининг биографияси, фирманинг япон бозорига тақлиф этаёттан маҳсулотлар, технологиялар ва хизматлар тўғрисидаги текстлari ва график материаллар. Бундан ташқари маҳсулотингизни бошқа рақобатчилар маҳсулотидан ажратиб турувчи хусусиятлар тўғрисида қўшимча маълумот берган маъқула.

Япон маданиятида пунктуаллик, аниқликка катта аҳамият берилади. Учрашувга келишган япон белгиланган пайтдан кечикмай келади. Японияда ишга алоқадор муносабатлар

амалиёти энг юксак мажбурийликка асосланган. Музокаралардаги аниқлик — у бошланиш ва тугаш вақти, ёки ваъдалар, зиммага олинган мажбуриятларни бажаришда бўлсин — япон музокара юритиш усулиниң муҳим хусусиятларидан биридир.

Музокаралар юритишда шуни кўзда тутиш лозимки, Японияда «Ҳа» деган жавоб ҳар доим ҳам розиликни англатмайди. Бу биринчидан, япон грамматикаси қоидалардан келиб чиқади: агар саволингизда рад этиш маъноси мавжуд бўлса («Сиз буни ҳоҳламайсиз — а»?), япон суҳбатдошингиз «Йўқ, мен буни ҳоҳламайман» деган маънода «Ҳа» деган жавобни беради. Иккинчидан, «Ҳа» деб таржима қилинадиган японча «Ҳай» суҳбатда жуда кўп ишлатилади, бироқ «шундай», «Ҳа — Ҳа», яъни сизни тинглашаётганини тасдиқлаш маъносида ишлатилади. Бундан ташқари Японияда имо — ишоралар ва ҳаракатларда мўтъадиллик ва сиполик рағбатлантирилади, шунга қарамасдан суҳбат жараёнида бошни тасдиқ маъносида силкитиб туриш «қулогим сизда», «фикрингизга қўшиламан» деган маъниони англаради. Учинчидан японлар суҳбатдош билан очиқча зиддиятта бориш ва уни хафа қилишдан қочадилар, шунинг учун тўғридан — тўғри «йўқ» демасликка интиладилар.

Японларнинг қарама — қарши қарашларнинг очиқ тўқнашувидан қочиши қарорлар қабул қилиш амалиётида ҳам намоён бўлади. Ушбу қарорлар одатда кимнингдир шахсий ташаббуси натижасини эмас, барча манфаатдор томонлар фикрларининг келишуви натижасини, ўзаро ён босишлилар асосида топилган умумий маҳражни ифодалайди. Япон ишибилармонлик этикаси меъёрларига кўра ўз фикрида қаттиқ турган киши эмас (ҳақ бўлса ҳам), умумий келишув учун муросага тайёр киши ҳақиқий ҳимматли инсондир.

Америкалик тадқиқотчи М.Блейкер японлар билан музокаралар олиб бориш юзасидан тавсиялар берар экан, японларга ён босиш нияти очиқ намоён қилинса, улар ҳам ҳудди шундай жавоб қайтаришини айтади. Умуман японлар улар томонидан бўлган ён босишлилар, муросага келишларни муқаррар ва мажбурий қадам сифатида қабул қиласидилар. Кучсиз ҳамкорларга нисбатан ён босиш олижаноблик ҳисобланади. М.Блейкер японлар билан музокараларда дўйк — пўписанинг самараси кам эканлагини таъкидлайди. Японларнинг ўзи дўйк — пўписалар ва умуман мажбурулашга қаратилган бошқа тактик усувлар — ёлғон, тазийә ва ҳ.к.ларни жуда кам қўллайдилар.

Японлар кўпинча расмий музокаралар пайтидаги муҳокамалар ва позициялар тўқнашувидан қочишига, шунингдек кўп томонлама музокараларда иштирок этмасликка интиладилар. Улар кучсиз ҳамкорлар билан музокараларда дўйк – пўписа ишлатишлари мумкин. Умуман японлар музокараларда ўз позициялари ва музокара юритиш тактикасини кескин ўзгартиришига ҳаракат қиласадилар.

Шу билан бирга японлар ҳамкорлар билан шахсий алоқаларни мустаҳкамлаштига катта эътибор қаратадилар. Норасмий учрашувлар пайтида улар имкон қадар муаммони ҳар томонлама муҳокама қилишига ҳаракат қиласадилар. Агар сизни анъанавий япон таомлари ресторанига таклиф этишса, пойабзал ва пайтогинингизга эътибор беринг, чунки оёқ кийимингизни ечишига тўғри келади. Сизга спиртли ичимлик таклиф этишса, бокалингизни кўтаришишингиз ва япондан шишани олиб, унинг бокалини тўлдиришишингиз зарур. Таклиф этилган ичимликдан бош тортманг, ҳеч бўлмаса бир хўпланг. Рад жавоби фақат тибий нуқтаи назардан асосли бўлиши мумкин. Агар сиз таклиф этилган таомни татиб кўришига тайёр бўлмасангиз ошкора рад этманг. Кичик бир бўлакни истеъмол қилингда, қолганини тарелкада аралаштириб юборинг.

Японлар музокараларда японлар таваккал қилишдан қочадилар, бу уларнинг номуси, нуфузи ва обрўсига шутур етказиши мумкин ҳисоблайдилар. Ютқазиб қўймасликка интилиш галаба қозониш хоҳишидан кучли бўлиши мумкин. Айни пайтда улар музокараларда маневрлар эркинлигини максимал ривожлантиришига ҳаракат қиласадилар, шахсий давдиллик ва журъатлилик баҳсларда ёрқин намоён бўлиши мумкин. Жамоатчилик фикрига таъсирчанлик японларга хос хусусият ҳисобланади.

Ҳамкорингизга ўзингизни эслатиб қўйиш ва ўз наебатида уни ҳам унугмаганлигинингизни намойиш қилиш учун ҳар қандай ўринни имкониятдан фойдаланиш лозим. Алоқаларни сақлаш ва тиклаш учун қуйидагилар яхши важ бўла олади: музокаралар ўтказилганидан сўнг ҳамкор қисқача миннатдорчиллик хати жўнатиш; компаниянгизнинг янги ахборот ёки реклама брошиораларини, босма материалларини юбориш; газеталардан олинган ўзаро манфаатларингиз мавзусига тегишли қирқумларни юбориш; байрам билан табриклаш (табрик откруйткаларини компания учун умумий эмас, иш юзасидан боғлиқ бўлган ҳар бир ҳодимга алоҳида юборишишингиз зарур); ҳамкорингизни унинг хизмат поғонасидағи ўрни кўтарилиганлиги билан табриклаш;

лавозим вазифаларингиздаги ўзгаришлардан хабардор қилиш ва ҳ.к.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Кореяликлар иш юзасидан муносабатлар ўрнатишга тарбияларга нисбатан бошқача ёндошадилар. Жанубий Корея фирмаси билан унга ёзма мурожаат қилиш орқали алоқа ўрнатиш қийин ёки умуман мумкин эмас. Бунинг учун воситачи орқали келишиб олиб, сўнгра шахсан учраштан маъқул. Сизнинг бўлғуси ҳамкорларингиз билан яхши таништиради, таклифларингизни баён қиласди, сизнинг фирмадаги шахсий мавқеингиз ва ҳ.к.ларни маълум қиласди.

Шуни назарда тутиш лозимки, Кореяда анъанавий конфуцийча аҳлоқ мустаҳкам бўлиб, унга мувофиқ шахслараро муносабатларда иккинчи кишининг ҳис-туйгуларини ҳисобга олиш, унга ижтимоий мавқеига мувофиқ муносабатда бўлиш, унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва соф ниятли бўлиш зарур. Анъанавий аҳлоқ шахсий мулоқот, шахсий алоқани юқори қўяди, бусиз Кореяда биронта ҳам муаммони ҳал этиш мумкин эмас. Айнан шунинг учун корейслар бизнинг назаримизда телефонда гаплашиб олиш етарли бўлган ҳолларда ҳам шахсан учрашишни сўрайдилар. Агар учрашув тўғрисидаги илтимосга ноаниқ жавоб берсангиз, корейслар офисингизда оддиндан келишмасдан пайдо бўлишлари мумкин, чунки улар сизнинг мавҳум жавобингизни учрашишга тайёрлик сифатида қабул қилишлари мумкин.

Корейслар асосан очиқ кўнгил, дилкаш, жуда хушмуомала ва яхши тарбия кўрган кишилар бўлади. Шунинг учун сизга нисбатан илиқ муносабат уларни сизнинг таклифларингиз қизиқтирганлигини англатмаслиги мумкин. Улар шунчаки хушмуомалалик қилмоқдалар, сиз ҳам шундай жавоб қайтаришингиз лозим.

Корейс жамияти қатъий иерархияли ва жуда авторитар ҳисобланади. Кишининг обрўси унинг лавозими ва ёшига боғлиқ бўлиб, машаққатли меҳнат эвазига эришилади. Шунинг учун, агар хорижлик тегишлича ҳурматни намоён этмаса муваффақият қозониш имкониятлари чекланади. Бунинг учун ўз мақомингиз ҳамкорингиз мақоми ўртасидаги нисбатни аниқ тасаввур этиш лозим. Бунга сизнинг визит карточкаларингиз хизмат қиласди. Унда корейс бизнесменларини ишингиздан кўра кўпроқ сиз ишлайдиган ташкилот ва унда сизнинг мавқеингиз кўпроқ қизиқтиради. Исмлар тўғрисида гапиргандада шуни ёдда тутиш

зарурки, биринчи бүгін – фамилияни (энг күп тарқалғанлари: Ким Ли, Пак, Цой, Нам, Чон, Сон), кейинги иккі бүгін исмни билдиради.

Корейс бизнесменлари музокаралар юритишида анчагина тиришқоқ ва тажовузкордир. Аңъанавий тарбия ва аҳлоқ ҳал этилиши лозим бұлған муаммога бирдан ўтишга тұсқынлик қиласы. Одатда, музокаралар, айниңа дастлабкілардың аңча узун протокол қисмінде зәғ бұллады. Бироқ япон компаниялары вакилларидан фарқылы равишда корейслар асосий масалага оқыста ўтишга интилиб, иккінчи даражада нарасаларни узоқ муҳокама этишінде мойил эмас. Корейс бизнесменларига муаммо ва уни ҳал этишінде йүлларини аниқ ҳамда равшан баён этиш хосдид.

Корейслар ҳамкорнинг фикрига қўшиламасликни очиқ ифодалаш, унинг ноҳақлигини испотлашга ўрганилар ва суҳбатдошлардан ҳам шуну кутадилар. Корейс бизнесменлари билан мулоқотда «ўйлаб кўриши керак», «таклиф узоқ ўрганишни талаб қиласы», «бу масалани ҳал этиш осон бўлмайди» каби ибораларни ишлатмаслик керак. Чунки бу гояни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш бўйича узоқ сай – ҳаракатларга тайёрлик эмас, уни мазкур босқичда қабул қилиб бўлмаслигини ташлашни ёқтирмайдилар, уларни ўз ҳаракатларининг бевосита натижаси кўпроқ қизиқтиради.

Ишибилармөнлик ҳәёти меъёrlарига, масалан доимий ҳамкорларга юбориладиган кўчишлар тўғрисидаги хабарномалар, учрашувдан сўнг барча иштирокчиларга юбориладиган миниатдорчиллик хатларини киритиш зарур. Биринчи учрашувда сувенирлар алмапиши қабул қилинган, мақсад мазкур фирманинг потенциал ҳамкорга эътибор кўрсатиши, шунингдек рекламадир.

Корейслар кийиниш масаласида нозик табиат кишилар: эркаклар учун – сипо костюм, кўпинча оқ кўйлак ва одми галстук, аёлларга иш шароитида шим кийиш тавсия этилмайди. Ёши ва лавозими бўйича катталар ҳузурида чекиши мумкин эмас.

АРАБ ДАВЛАТЛАРИ

Араблар учун музокараларда ҳамкорлар ўртасида ишонч үйготиши мұхим ҳисобланади. Агар америкалик ҳар қандай муаммони ҳал этишінде воқеалар ривожини олдиндан кўришга интилса, араблар ўтмишга таянишга ўрганган бўлиб, доимо ўз илдизлари ва аңъаналарига мурожаат қиласидилар. Шунингдек, улар музокараларда муҳокама этиладиган масалалар

деталларини олдиндан ўрганиб чиқиши афзал биладилар. Араб дүнёсида ислом анъаналари катта ажамиятта зга.

Умуман араб дүнёси ранг—баранг бўлганлиги учун турли араб вакилларининг иш юзасидан алоқалар услублари ўртасида катта фарқ мавжуд. Улардан фақат биттаси мисрликлар услуби тўғрисида батафсил тўхталсак. Америкалик тадқиқотчи собиқ Кэмп—Дэвид музокаралари иштирокчиси У. Квандт қўйидағи учта асосий хислатни ажратиб кўрсатади. Биринчидан, Миср башарият тараққиётининг қадимий ўчоқларидан бири бўлганлиги учун мисрликларда миллий ғурур, ўз мамлакатининг тарихий анъаналарига риоя қилиш туйгуси жуда кучли. Иккинчи хусусият — кучли бошқарув заруратини қабул қилиш ва ниҳоят, учинчи хусусият қатъий ва етарлича ривожланган маъмурий ҳулқ — автор қоидаларидир. Мисрликларнинг ушбу хусусиятлари улар билан музокаралар олиб боришда жуда сезилади. Масалан, улар миллий мустақиллик билан боғлиқ барча масалаларга нисбатан жуда таъсирчан. Улар ички ишларига аралашиш деб қараш мумкин бўлган барча нарсаларни аёвсиз рад этадилар. Музокаралар олиб бориладиган даража ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда мисрликлар ҳамкор билан ўзаро муносабатларнинг бошқача турларига нисбатан «савдолапшиш»ни маъқул деб биладилар. Улар дўстлик, самимилик, меҳмондўстлик ва яхши кайфият намоён қилишга катта эътибор билан қарайдилар.

Европача саломлашиш қисқа ва қуруқ бўлса, арабча саломлашиш саломатлик, ишлар тўғрисидаги саволлар билан бутун бир маросимга айланади. Ушбу сўровлар суҳбат жараёнида такрорланиб туриши мумкин. Агар жуда шошаётган бўлсангиз ҳам араб суҳбатдошингизнинг саноқсиз хайрли тилакларини охиригача эшитингиз дозим. Тилак билдириш ва табриклиш сабаблари жуда турлича бўлиши мумкин, масалан учрашув, етиб келиш, жўнаб кетиш, харид қилиш ва ҳ. к. Араб суҳбатдошнинг нутқи кўп марта Оллоҳга мурожаат қилиш, бўлгуси ишларни якунлашда унинг ёрдамига ишонч билдиришларга бой бўлади. Араб дунёсида бу оддий хушмуомалалик формуласидир.

Суҳбатлашаётган араблар ўртасидаги «маданий масофа» европаликларнига нисбатан қисқа. Суҳбатдошлар бир—бирига деярли тегиб турари ва бу ўзаро ишончдан далолат беради.

Бириңчи учрашувда араб суҳбатдошиңгиз сизга илтифот ва марқамат күрсатады. Бу сохталик эмас, балки анъанага бўйсинишидир: араблар ҳақиқий мусулмонга фақат шундай ҳуљ – автор муносаб деб ҳисоблайдилар. Суҳбатнинг давоми силлиқ бўлмаслиги мумкин. Араблар қатъийлик, аниқ «ҳа» ёки «йўқ» жавобларидан ҳар ҳил йўллар билан қочишга уринадилар. Бунииг ўрнига ноаниқ «Иншоллоҳ» {Худо хоҳласа} каби иборалар ишлатилади. Арабча этикет суҳбатда дангал жавоб бериш, қатъий бўлишни ман этади, шунингдек араблар суҳбат чоғида беҳуда оворагарчилик, шошилишни ёқтирумайдилар. Араб суҳбатдошлиар доимо ўзлари ва суҳбатдошлиарининг обрўсини сақлашга уринадилар. Келгуси алоқалар учун имконият қолдириш зарур деб ҳисоблайдилар. Битимдан воз кечиш турли изоҳлар, муҳокама этилаётган таклиф фойдасига мақтovлар билан амалга оширилади. Араб тадбиркорлари рад жавобини имкон қадар юмшатилган, ниқобланган кўринишида ифода этадилар.

Ислом аҳдоқи савдони нуфузли, ҳурматли машгулотлар ҳаторига киритади. Ўрта аср мутафаккирлари савдога санъатнинг бир тури сифатида қараганлар, савдода муваффақият қозониш чуқур ақл белгиси ҳисобланган.

Арабларда савдо битими тузиш – доимо кичик бир спектаклдир. Бу ерда европача ва арабча қарашлар катта фарқ қиласди. Битим тузишни таклиф этаётган араб савдогари жуда хушмуомалаликнинг юқори намунаси кўрсатади. Дастрлабки нарх доимо кўп марта оширилган бўлади. Оширилган нархни айттан товар эгаси уни ҳар томонлама мақташга тушади. Харидор нархни туширишга интилади. Савдолашувчилар ажralишилари, қўлни қўлга бермагунча қайта – қайта товарнинг баҳосини муҳокама қилишлари мумкин. Харид жараёнида харидор яхна ичимликлар, чой, кофе билан меҳмон қилинади. Сизга узатилган кофени (куюқ, шакарсиз, кардамон миқдори катта бўлади) ичиб бўлгандан сўнг чашкани эгасига узатсангиз, у яна кофе қуйиб беради. Агар бопша кофе ичкингиз келмаса чашкани уёқ буёқка силкитингда, тўйтариб қўйинг. Агар кофедан один яхна ичимликлар таклиф этилса, билингки, учрашув учун ажратилган вақт ўз ниҳоясига етмоқда.

Биз сизни ишга алоқадор муносабатларнинг айрим мамлакатларга хос услублари билан таништирдик. Шуниси қизиқарлики, турли давлатлар вакиллари нафақат музокара ва иш юзасидан учрашувларни турлича олиб борадилар, балки бир – бирларини ҳам турлича қабул қиласди.

социологлари беш давлатнинг 8 минг нафар бизнесменлари ўртасида сўров ўтказганлар. Уларга турли мамлакатлар фирма раҳбарларига 10 фазилатдан қайси бири ва қай даражада хос деган савол билан мурожаат қилинган. Олиш мумкин бўлган юқори балл Қ90, минимал балл – 40. Сўров натижалари «Absatzwirtschaft» журналининг 1999 йил 3-сонида эълон қилинган (жадвалга қаранг).

	ГЕРМАНИЯ	АНГЛИЯ	ФРАНЦИЯ	ИТАЛИЯ	ИСПАНИЯ
Компетентлик	+80	+20	+40	-10	-35
Самарадорлик	+90	-5	+30	-10	-35
Юмор туйуси	-40	+30	-5	+40	+25
Ишончлилик	+75	+30	+20	-30	-28
Ишдаги тиришқоёнлик	+70	+4	+35	+12	-6
Тадбиркорлик	+45	+4	+35	+12	-6
Ўқимишлилик	+60	+20	+45	+5	-15
Инсонийлик	-27	-18	-5	+25	+17
Гурухда ишлаш даеъдати	+25	+10	-5	+35	+17
Пунктуаллик	+80	+30	+10	-20	-25

Немис социологларининг ушбу баҳоси жуда субъектив ва фақат сўров иштирокчиларининг фикрини ифодалайди. Шу билан бирга улар миллий характерлар ўртасидаги фарқ ва уларнинг турли давлатлар бизнесменлари ишбилармонлик ва профессионал хусусиятларига таъсири тўғрисида, тахминий бўлсада, тасаввур беради. Буни, шубҳасиз, музокаралар юритишда ҳисобга олиш лозим.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШРИҚЛАР:

1. Миллий хусусиятлар ишга алоқадорми?
2. Миллий услугуб тушунчасини қандай тушунасиз?
3. Америкага иш муносабатларининг хусусиятлари нималардан иборат?
4. Французча иш олиб бориш усуllibарнинг хусусиятлари нималардан иборат?
5. Инглиз фирмалари билан қандай иш олиб бориш керак ва бунда нимрларни хисобга олиш зарур?
6. Германиялик тадбиркорлар билан музокаралар олиб боришида нималарни кузда тутмоқ зарур?

7. Россияликлар билан ишга алоқадор муносабатларнинг хусусиятлари қандай?
8. Хитойликлар иш юзасидан бўладиган учрашувларда нималарга кўпроқ аҳамият беришади?

8-МАВЗУ. ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН ПРОТОКОЛЛИ АЛОҚАЛАРНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИ

Режа:

1. Визит карточкалари ва улардан фойдаланиш.
2. Совғалар ва сувенирлар.
3. Қабуллар.
4. Қабулни ўтказишга тайёргарлик.

Адабиётлар:

1. А. Ф. Борунков «»Дипломатический протокол в России и дипломатический этикет. М. Интерпракс. 1993 г. 250 с.
2. Ж. Данкел «Деловой этикет» Ростов на Дону. «Феникс» 1997 г. 320 с.
3. Дж. Вуд Ж. Серре «Дипломатический церемониал и протокол» М. 1986.
4. К. Махмудов «Меҳмоннома» Т. 1989, 234 б.
5. Э. Соловьев «Современный этикет» Осв. — 89, 1998, 176 с.
6. Т. И. Холопова «Протокол и этикет для деловых людей» М. 1995 г., гл. 10.

1. Визит карточкалари ва улардан фойдаланиш

Протокол қоидалари ва оддий инсоний хушмуомалалиқ соғиши алоқаларидан (ишга алоқадор музокаралар, ёзишмалар) ҳам ташқари муносабатларнинг бошқа расмий ҳамда норасмий шаклларини ҳам кўзда тутади. Уларга байрам табриклари, ҳамдардлик билдириш, табриқ ва ҳамдардлик билдиришга жавоблар ва визит карточкаларидан фойдаланишини кўзда тутадиган бошқа алоқа шакллари киради.

Сүнгі йилларда нафақат дипломатик муносабатларда, балки халқаро ишбилиармонлик амалиётида ҳам визит карточкаларидан фойдаланиш кеңг тарқалди. Улар ўз эгасини ғойибона «станаштиради» ва унинг номидан «ҳаракат қиласы».

Визит карточкаларини тайёрлаш қоидалари

Визит карточкалари унча қалин бўлмаган картон қофоздан кичик форматда: 5x9 см, аёллар учун (эгаллаган лавозимига кўра эмас, рафиқа сифатида) 4x8 форматда тайёрланади. Юқори мансабли кишилар баъзан 6x10 см ҳажмидаги визит карточкаларига эга бўлади. Бундай ҳолда хотинларининг визит карточкалари 1 см кичик бўлади. Бироқ бундай амалиёт барча жойда бир хил эмас, масалан Буюк Британияда аёлларнинг визит карточкалари эркакларнидан катта бўлади.

Расмий шахс, айниқса дипломатик ходимнинг визит карточкасида исми, фамилияси, лавозими кўрсатилади. Телефон номери, уй ва хизмат жойи манзиллари кўрсатилмайди.

Унинг визит карточкаси қўйидаги кўринишда бўлади:

Михаил Михайлович Смирнов
Россия Федерациясининг
Фавқулодда ва муҳтор элчиси
Деҳли

Дипломатик ходимларнинг визит карточкаларидан ташқари яна бир нечта турдаги карточкалари бўлади. Иккинчи карточкада фақат лавозими кўрсатилади (масалан, Элчи). Учинчи хил карточкалар иорасмий ҳолатларга мўлжалланган бўлиб, уларда дипломатнинг исми, отасининг исми, фамилияси ёзилади. Лавозим кўрсатилмаган визит карточкаси фақат аёлларга берилади. Бундан ташқари эр ва хотиннинг исми, оталарининг исми ва фамилиялари кўрсатилган биргаликдаги карточкалар ҳам ишлатилади (инглизлардан ташқари).

Оддий ишбилиармонлик фаолиятида визит карточкаларидан фамилия, исми, отасининг исми, иш жойи, манзили, лавозими, иш телефони, телекс ва телефакс рақамлари кўрсатилади. Масалан:

«Ўзбекистон» Халқаро тижорат маркази
Рахимов Азизбек Баҳтиёрович
Бош директор
Тел.: (317) 2367147
Факс: (317) 2302360, 1814133
113054 Тошкент Навоий 20

Визит карточкалари шрифти маҳаллий амалиётта боғлиқ бўлиб, қатъий тартибга солинмайди. Визит карточкаси тексти она тилида, ташриф буюрилган давлат тилида, бироқ кўпинча инглизча тайёрланади. Визит карточкаларининг бир тарафига она тилида, иккинчи тарафига инглизча ёзиш ҳоллари мавжуд. Агар қатъий протокол талабларга риоя этилса бу унчалик тўғри эмас: визит карточкасининг бир томонида ёзилади, унинг иккинчи томони у ёки бу ёзувлар учун бўш туриши керак. Шундан келиб чиқсан ҳолда икки хил – она тилида, шунингдек инглиз тилида ёки заруратта кўра бошқа бирор тилда ёзилган визит карточкаларига эга бўлган тўғрироқ бўлади.

Ҳозирги пайтда визит карточкаларининг ранги жуда турли туман: қизил, кўкдан қорагача (гарчи протокол талабларига кўра оқ рангли бўлиш керак бўлсада). Визит карточкасида эгасининг реквизитларидан ташқари фотосурати ҳам бўлиши мумкин. Фақат дипломатик амалиётдагина визит карточкаларини безашга нисбетан қатъий талаблар қўйилади. Ишбилармон кишилар эса бу масалада анча эркиндирлар.

ВИЗИТ КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Визит карточкалари қўйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. Табриклаш. Хорижий ҳамкорларни (фирма, қўшма корхона ёки дипломатик ваколатхонада ишлашидан қатъий назар) уларнинг миллий байрамларида табриклаш лозим. Табриклашнинг оддий шакли визит карточкаси юбориш ҳисобланади.

Табрик визит карточкасини юборишида унинг пастки чап бурчагида сиёҳ ёки оддий қаламда (шуниси тўғрироқ) устхат ёзилади. Анъанага кўра ушбу устхат тегишли француз сўзларининг қисқартирилган белгиси бўлиб, қўйидаги маъноларга эга.

P. F. (pour feter) – табриклаш учун (табриклайди). Янги йил муносабати билан табриклашда P.F. ёзувига N. A. қўшилади.

P. F. N. A. (pour feter le Nouvel An) – Янги йил билан табриклаш учун (Янги йил билан табриклиди).

Агар ҳамкорларингиз сизни биринчи бўлиб, Янги йил билан табриклашса, биринчидан уларга миннатдорчилик билдириш, иккинчидан ўз навбатида уларни ҳам Янги йил билан табриклаш зарур. Буни қўйидаги устхат билан бажариш мумкин:

P. R. F. N. A. (pour remercier et pour feter le Nouvel An) – миннатдорчилик ва Янги йил билан табриклаш учун (миннатдорчилик билдиради ва Янги йил билан табриклиди).

2. Ҳамдардлик билдириш. Миллий мотам ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда ҳамдардлик билдириш учун қўйидаги устхатли визит карточкиаси юборилади:

P. C. (pour condoleances) – ҳамдардлик билдириш учун (ҳамдардлик билдиради).

Ҳамдардлик билдирилган визит карточкиаси узоқ муддатли иш алоқаларида бўлган ҳамкорлардан бирининг вафоти муносабати билан ҳам юборилади.

3. Миннатдорчилик билдириш. Табриклар ёки ҳамдардлик ифодаси, совғалар ва бошқа майдав хизматлар (фотосуратлар, китоблар, альбомлар ва ҳ. к. юбориш) учун миннатдорчилик белгиси сифатида 24 соат ичida жавоб визит карточкиаси юборилиб, қўйи чап бурчагига қўйидаги устхат ёзилади:

P. R. (pour remercier) – миннатдорчилик билдириш учун (миннатдорчилик билдиради).

4. Мамлакатдан жўнаб кетиши.

Қисқа муддатли ёки узоқ муддатли хизмат сафарида бўлган мамлакатдан бутунлай жўнаб кетаёттганингизда ишга алоқадор ҳамкорларингиз билан шахсан хайрлашиш имконини топа олмасангиз уларга ўз визит карточкангизни қўйидаги устхат билан юборишингиз мумкин:

P. P. C. – (pour prendre congé) – хайрлашиш учун.

5. Таништириш учун. Келгусида ишга алоқадор муносабатлар ўрнатиш мўлжалланаёттан шахсга ўзингизни таништириш учун визит карточкангизни ўша кишига яхши таниш бўлган шахснинг визит карточкиаси билан унга юборишингиз мумкин. Иккинчи карточкада қўйидагича ёзилади:

P. P. (pour presenter) – таништириш учун (таништирилади) жавоб устхатсиз визит карточкиаси билан таништирилаёттан шахс манзилига юборилади.

6. Қабулга таклиф этиш. Норасмий, дўстона қабулга таклиф этиш учун визит карточкасининг тепасига таклиф этилаётган шахснинг исми ва фамилияси ёзилади, пастида қабулнинг номи (инушта, коктейл ва ҳ. к.), жойи, санаси ва вақти кўрсатилади.

Ушбу маълумотни визит карточкасида жойлаштириш мураккаб бўлганлиги учун тайёр таклифнома, открытидан фойдаланиб, унга визит карточкангизни бириткириб қўйишингиз мумкин.

7. Манзил ўзгарганда эски визит карточкаси билан янги реквизитлар кўрсатилган янгисини юбориш лозим.

Тегишли шахс билан муносабатлар характерига боғлиқ равиша визит карточкасида бошқа ёзувлар ёзилиши ҳам мумкин. Масалан: «Янги йил табриги учун миннатдорчилик билдиради», «Янги йилда энг яхши тилакларни йўллади», «Эътибор учун миннатдорчилик билдиради», «Ҳамдардлик билдиради» ва ҳ. к.

Визит карточкаларида ҳеч қачон имзо ва сана қўйилмайди. Визит карточкаларидан фойдаланиш юқоридаги ҳолатлар билан чекланиб қолмайди. Улар танишувда алмашинади, ташриф буюрилганда қолдиради, ташрифдан сўнг юборилади (агар жавоб ташрифи мўлжалланмаса), визит карточкалари совғалар, гуллар, альбомлар, китоблар, газета – журнallар, театр билетлари, фотосуратлар ва ҳ. к. билан бирга юборилади. Баъзан визит карточкаси бирон – бир тадбирга (инушта, кўргазма, кинофильм ва ҳ. к.) таклиф учун миннатдорчилик белгиси сифатида хат ўрнига юборилади.

Почта ёки курьер орқали юбориладиган визит карточкалари маҳсус конвертга солинади ва қўлда сиёҳ ёки ёзув машинкасида адресатнинг исми, фамилияси ва лавозими кўрсатилади.

Битта шахс номига юбориладиган битта конвертга турли шахсларнинг бир нечта визит карточкалари солиниши мумкин. Агар битта ковертга бирданига бир нечта шахсларга визит карточкалари юбориладиган бўлса ҳар бир карточканнинг юқори чап бурчагида у бориб тегиши лозим бўлган шахснинг фамилияси кўрсатилади.

Конвертда юбориладиган визит карточкалари букланмайди. Визит карточкасидан кейинчалик бегона киши ёмон мақсадда фойдаланмаслиги учун унга бирон нарса ёзиш тавсия этилади.

Адресатта шахсан тошириладиган визит карточкаси маҳаллий амалиётта мувофиқ букилади. Айрим давлатларда визит карточкасининг юқори ўнг ёки чап бурчаги, бошқаларида ўнг томони ёки чап томони бутунлай букилади. Агар визит карточкасини шахсан тоширсангиз уни олган шахсга алоҳида ҳурмат кўрсаттан бўласиз. Визит карточкаси қолдирилаётган шахснинг фамилияси ёзилмайди.

Агар букилган карточка шоффёр, куръер, ёки почта орқали юборилса этикет қўйол равишда бузилган ҳисобланади.

Олинган ёки келтириб берилган визит карточкаларига 24 соат мобайнида визит карточкаси билан жавоб бериш лозим.

Ўз визит карточкангизни адресатта миннатдорчилик билдириб ёки бошқа ҳисларни намоён қилиб бериш қабул қилинмаган.

Хорижий давлатларда визит карточкаларидан фойдаланишда амал қилинадиган айрим маҳсус қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, учрашувдан сўнг биринчи бўлиб мартабаси қўйироқ киши ўз визит карточкасини қолдиради. Қолган тенг шароитларда ёш эътиборга олинади ва биринчи бўлиб ёши кичикроқ киши визит карточкасини қолдиради.

Аёллар ҳеч қачон ўз визит карточкаларини бўйдоқ эркакларнинг уйида қолдирмайдилар.

Эркак киши аёлга таништирилганидан сўнг бир ҳафтадан кечиктирмасдан унга ва таниш бўлмаса ҳам унинг эрига ўз визит карточкасини юбориши лозим.

Нонунгта, тушлик ёки кечки қабулда (чойга таклифдан ташқари) иштирок эттан барча меҳмонлар, агар миннатдорчилик хатларини юбормаган бўлсалар, бир ҳафта муддат ичида ўз визит карточкаларини уй бекасиникида қолдиришлари лозим.

COBFA VA SUEVENERLAR

Гуллар иш юзасида ҳамкорларга аҳамиятли воқеа муносабати билан табрик белгиси ёки у ёки бу тадбир, биргаликдаги сафар ҳ. к. ларда иштирок эттанлик учун миннатдорчилик белгиси сифатида совфа қилинади. Ҳозирги пайтда у ёки бу ҳолатда нечта ва қанақа рангли гуллар совға қилишга катта аҳамият берилмаяпти. Айрим ҳоллардан ташқари ҳар қандай гулларни исталган миқдорда совға қилиш мумкин; тоқ ёки жуфт сонли бўлиши аҳамиятсиз. Бироқ шуни унугтмаслик зарурки, айрим давлатларда (масалан, Венгрияда) гортензия ва хризантемалар қайғу белгиси ҳисобланади. Германияда қип –

қизил атиргул эҳтиросли севги рамзи ҳисоблангани учун уни жуда яқин кишиларга совға қиласан яхшироқ.

Мексика ва Лотин Америкасининг бошқа давлатларида қизил ранг қон ва ўлимни ифодалагани учун ушибу давлатлардаги ҳамкорларга оқ рангай гуллар совға қилиш зарур.

Хитой ва Туркияда оқ ва кўк ранг биримасини ёқтиришмайди, қизил рангнинг нозик турларида гуллар ва декоратив ўтлардан ясалган гулдасталар эса барчага ёқади.

Гулдастани бир хил гуллардан ясаган яхшироқ, атиргуллар ва дала гулларидан иборат гулдаста оригиналликдан эмас, сизнинг ёмон дидингиздан далолат беради. Гулдаста катта бўлиши шарт эмас, кичкина ёқимли гулдаста ёки битта қизил гул, масалан гунчаси кичик узун пояли атиргул билан ҳам чекланиш мумкин. Битта гул гулнинг кўркамалигини юзта гулга нисбатан яхшироқ «ифодалайди», дейишади японлар.

ҚАБУЛЛАР

Қадимдан қабуллар иш юзасидан алоқаларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаб келмоқда. Қабулларнинг асосий мазмуни овқатланиш ва иҷимликлардан татиб кўришда эмас. Қабуллар алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, норасмий вазиятда керакли маълумотларни олиш учун ўюштирилади.

Қабуллардаги суҳбатларда ўзаро фикр ва ахборот алмасиши содир бўлади, ушибу алмашувнинг фойдалилиги ҳар бир суҳбатдошнинг тажрибаси ва дипломатик маҳоратига боғлиқ. Қабул пайтида жамиятнинг турли доираларини ифода этувчи кўп кишилар билан учрашиш ва суҳбатлашишга тўғри келади. Бу хизмат фаолиятининг давомидир. Қабулга пухта тайёргарлик кўриш: ким билан нима тўғрисида таплашиш, ким билан танишиш, кимни таништириш ва ҳ. к. тўғрисида ўйлаб олиш лозим. Бундан ташқари маълумот олишдан манфаатдор кишиларнинг эҳтимолий саволларига жавобларни ҳам тайёрлаб қўйиши лозим.

Кўп йиллик халқаро амалиёт натижасида дипломатик қабуллар турлари, уларни тайёрлаш усуслари, қабул иштирокчилари риоя этиши лозим бўлган этикет ишлаб чиқилган.

Дипломатик қабулларда амал қилинадиган умумий қоидалар ташки иқтисодий ташкилотлар ва фирмалар бошқа давлатлардаги ҳамкорлари шарафига ташкил қиласан таъсизиган ва ўтказадиган қабулларга нисбатан тўла татбиқ этилади.

Қабуллар миллий байрамлар, икки томонлама ёки кўп томонлама асосдаги ҳодисаларнинг йилликлари, мамлакатта ташриф буюрган хорижий делегация шарафига, шунингдек ҳар кунлик иш тартибида уюштирилади.

ҚАБУЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Қабуллар кундузги ва кечки, стол атрофида ўтириладиган ва ўтирилмайдиган бўлади. Қабулларнинг асосий турлари: «Бир бокал шампан» («coupe de champagne») ёки «Бир бокал вино» («Vin d’Honneur»), «Нонушта» («Lunch»), «Тушлик» («Dinner»), «Тушлик буфет» («Buffet Dinner»), «Кечки овқат» («Supper») ҳисобланади, шунингдек «А ля фуршет», «Коктейл» типидаги ва кичик қабуллар – «Кофели ёки чойли дастурхон» мавжуд.

Кундузги қабулларга «Бир бокал вино» ёки «Бир бокал шампан» ва «Нонушта» киради. Қолган барча қабуллар кечки ҳисобланади.

Халқаро амалиётта мувофиқ энг обрўли қабуллар «Нонушта» ва «Тушлик» ҳисобланади. «Бир бокал шампан» ёки «Бир бокал вино» соат 12 да бошланиб 13 да тугайди. Бундай қабул пайтида фақат шампан, вино ва шарбатлар берилади. Егуликдан – кичик пирожнийлар, бутербродлар ва ҳ. к. лар бўлади. Ушбу қабул кўп вақт олмаслиги ва мураккаб тайёргарлик талаб қиласлиги билан қулай. Қабул пайтида ўтирилмайди. Кийим – ҳар кунлик костюм ёки кўйлакдан иборат.

«Нонушта» соат 12 ва 15 ўрталарида уюштирилади. Кўп ҳолларда 12.30 ва 13.30 ўрталарида ўтказилади. Нонушта одатда 1–1,5 соат давом этади, шундан 45–60 минутида меҳмонлар стол атрофида ўтирадилар, 15–30 минут кофе ичилади (кофе, чой ўша столда ёки меҳмонхонада берилиши мумкин). Нонуштага бир – иккита яхна егулик, битта балиқли ёки гўштили таом, десерт тортилади.

Меҳмонлар йифилаёттан пайтда уларга аперитив таклиф этилади. Нонушта охирида чой, кофе берилади, конъяк ва ликер таклиф этилади.

Агар таклифномада маҳсус кўрсатилмаган бўлса ҳар кунлик костюм ёки кўйлак кийилади.

«КОКТЕЙЛ» турдаги қабуллар соат 17 ва 18 ўрталарида бошланады ва 2 соат давом этади. Қабул тик оёқда ўтказилади. Таклифномада қабулнинг бошланиш ва тугаш вақти кўрсатилади (17.00 – 19.00, 18.00 – 20.00). Меҳмонлар кўрсатилган ваёт оралийда ҳоҳлаган пайтда кетишлари мумкин. Қабул пайтида 1,5 соат бўлиш етарлича ҳисобланади.

Биринчи меҳмонлар 15–30 минут мобайнида тўпланишади. Қабулга кечикмасдан келиш ва охирида кетиш мезмонларга алоҳида ҳурмат белгиси ҳисобланади. Кечикиб келиш ва эрта кетиш (узрли сабабларсиз) меҳмоннинг қабул ташкилотчилариға салбий муносабатини таъкидлаши сифатида қабул қилинади.

Ваколатхона, фирма ва ҳ. к. лар ходимларининг қабулга ўз раҳбарларидан сўнг келишлари этикетни қўйол равишда бузиш ҳисобланади. Меҳмонлар тескари тартибда тарқаладилар: биринчи бўлиб раҳбарлар, сўнгра каттагитига кўра бошқа ходимлар кетадилар.

Қабул эгаси ва бекаси бутун вақт мобайнида киришда туриб, меҳмонларни кутиб оладилар ва кузатиб қўядилар. Бундан ташқари бека янги келган меҳмонларни қолганларга таништиради. Агар бека ўз жойида бўлмаса янги келган меҳмон бошқа меҳмонлар билан алоқага киришишдан оддинbekани қидириб топиши ва саломлашиши зарур.

Агар қабул чекланган доирадаги меҳмонлар учун ўюнтирилаётган бўлса, қабул эгаси ва бека бирмунча эркин бўлиб, нафақат меҳмонларни кутиб олиб, кузатишлари, балки улар билан анча ўтириб суҳбатлашишлари мумкин.

Бокалларга коктейл қўйилади. Уларни официантлар тарқатади. Баъзида спиртли ичимликлар билан бар–буфет ташкил этилади.

«А ЛЯ ФУРШЕТ» турдаги қабуллар «Коктейл» каби қабуллар вақтида (17.00 – 19.00, ёки 18.00 – 20.00) ўтказилади. Уларнинг фарқи шундаки, «Коктейл» қабули пайтида ичимликлар кўпроқ, егулик камроқ бўлади, фуршет қабулларда ҳам ичимлик кам бўлмайди, бироқ егуликлар ундан ҳам кўпроқ тортилади. Лекин ҳозирги пайтда ушбу икки қабул бир–бирига қўшиб юборилмоқда. Меҳмонларга турли–туман ичимликлар таклиф этилади, мўл–кўл егуликлар қўйилган фуршет столлар тузатилади.

Столга полгача етадиган (пoldan 5–10 см) дастурхонлар ёпилади. Стол тик туриб овқатланишга қулай бўлиши учун одатдагидан бироз баландроқ бўлиши лозим. Совуқ ва алкогольди ичимликлар учун рюмкалар ва бокаллар қатор қилиб ёки учбурчак шаклида қўйилади. Тегишли шиша учбурчак ўртасида турари. Тарелкалар стол охирида, яхна егуликлар стол ўртасида бўлишият лозим. Стол четлари меҳмонлар ўз тарелкаларини қўйишлари учун бўш туриши керак.

Хонада бир нечта «А ля фуршет» столларини ясатиб қўйиш мумкин (ҳар бири 6–8 кишига). Яхна егуликлардан сўнг тоблаб пиширилган таомлар (джульєнлар) тортилади. Столга иссиқ сосискалар, кичик котлетлар ҳам қўйиш мумкин. Иссиқ егуликлардан сўнг меҳмонларга десерт – мевалар ва пишлар, желе, музқаймоқ таклиф этилади. Қабул сўнгида кофе берилади. «А ля фуршет» французчадан «вилка билан» деган маънони англатади, яъни столда пичноқ талаб этилмайдиган, вилкада тановул қилиш мумкин бўлган егуликлар бўлиши лозим.

Бундай турдаги қабулга келганда энг аввало хўжайин ва бекани қидириб топиб, улар билан саломлашиш лозим. Хайрлашмасдан кетишга рухсат этилади. Қабулдан кетаётганда дахлиздаги маҳсус патнисда ўзингизнинг иккита карточкангиз ва хотингизнинг бурчаклари букланган карточкасини қолдирсангиз яхши бўлади.

Агар таклифномада бошқа нарса кўрсатилмаган бўлса ҳар кунлик кийим – костром ва кўйлак кийиш мумкин.

«ТУШЛИК» қабулянинг обрўли турларидан биридир. У одатда 19.00 дан 21.00 тacha бўлган вақт оралиғида ўтказилади.

Столларга оқ дастурхонлар ёзилади. Оқ крахмалланган салфеткалар улар нон солинадиган тарелкаларга қўйилади.

Столлар «П» ёки «Т» ҳарфи шаклида қўйилади. Таантанали стол атрофида ҳурматли жойлар кириш эшиклари, агар бунинг имкони бўлмаса кўчага қараган деразалар рўнарасида қўйилади. Стол гуллар ва декоратив сабзавотлардан тайёрланган кичик яхна егуликлар билан безатилади.

Яхна егуликларнинг турлари – биттадан балиқли ва гўштили таом, сабзавот салатлари билан чекланади. Яхна егуликлардан сўнг қовурилган бурда ионли шўрва, ундан кейин бирон бир гўштили таом қўйилади. Иссиқ овқат иккита бўлиши мумкин. Улардан биринчиси балиқли таом турлича тайёрланган сабзавотлар билан гўштили овқатдан олдин столга қўйилади.

Тушлик десерт билан тутатилади. Унгача столдан олдинги оқшатларга мұлжалланған барча идишлар йиғиштириб олинади.

Десертта желе, кремлар, турли шириң таомлар, қаймоқлы мевалар бериш мүмкін. Агар ширилліклар умумий идишда бұлса, столға тегишли идишлар ва десерт ёки чой қошиқлари құйилади. Ширилліклар мәҳмөннинг одига ўнг томондан порциялар билан құйилади. Охирида чой ёки кофе таклиф этилади.

Спиртли ичимліклар нонуштадаги каби бўлади. Тушликдан один мәҳмөнларга аперитив таклиф этилади.

Хонимларнинг либоси нафис, бироқ камтарин бўлиши лозим. Башангликни оддийлик билан қўшиш жуда қадрланади. Аёллар қабулларга оддий бичимли, ёрқин бўлмаган рангли кийимда келишлари зарур. Нонушта, коктейлга оддий узунликдаги кўйлак – костюм ёки костюмда, кичик фетр ипак шляпада, келиш қабул қилинган. Қабул пайтида шляпани ечиц шарт эмас. Қабулларга кўп тақинчоқлар тақиб келиш тавсия этилмайди. Умуман тақинчоқлар 18.00 гача тақилмайди. Кундуз пайти бижутерия ёки ярим қимматбаҳо металлардан ясалган тақинчоқлар ўринлидир.

20.00 гача бошланадиган қабулларга хонимлар ипак, лайкадан тикилган қўлқопда, замш ёки тери сумкача билан келиши мүмкін.

Бироқ қўлқопларни келган заҳотиёқ, кечи билан аперитив тарқатилаётган фойеда ечиш лозим.

Кечки кўйлакка ипак, тўр ва бошқа юпқа қўлқоплар кийиш мүмкін, бунда кўйлакнинг енги қанча калта бўлса қўлқоп шунча узун бўлиши лозим ва аксинча.

Тантанали кийим айрим умумий қоидаларга амал қилишни талаб этиди. Фрак билан қўлда борланған (ипак, яхшиси никедан тикилган оқ капалак галстук), қаттиқ крахмалланған манишка, бурчаклари қайрилган тик ёқа, оқ нике жилет, қора лакланған туфли лозим бўлади. Фрак жилеткасидаги учта тутма доимо қадалган бўлиши лозим. Кўкрак чўнтакка, агар кўкракда орденлар тақилмаган бўлса, оқ дастурмол солинади. Запонкалар оддий бўлсин. Ёнингизда оқ тоза қўлқоп бўлиши лозим.

«ТУШЛИК – БУФЕТ» «Тушлик»нинг бир тури ҳисобланади. Қабулнинг бу тури Швециядан келиб чиққанлиги учун уни «Швед столи» деб ҳам атайдилар. Бундай қабул «Тушлик» вақтларида ўтказилади. Уни ўтказиш осонроқ, чунки меҳмонларни стол атрофида ўтказиш керак эмас, умуман буфет тушликни ташкил қилиш анча енгил. Буфет пештахтаси кўринишидаги «шведча» стол девор ёнига ёки хона ўртасига қўйилади ва полгача етадиган кенг дастурхон ёшлиб, ясатилади.

Стол ўртасига яхна егуликлар, қайла, ион, турли салатлар, печенье, ширинликлар, совуқ ичимликлар, шарбатлар, минерал сув қўйилади. Стол четларига қатор қилиб ёки учбурчак шаклида рюмка, бокаллар ва устма – уст қилиб тарелкалар қўйилади. Пичноқ ва вилкалар декоратив идишга ёки столга териб қўйилади. Салфеткалар даста – даста қилиб бир нечта жойга қўйилади. Узун пояли гуллар баланд вазаларга солинади.

Буфет – тушлик иштирокчилари умумий стол атрофида ўтирамайдилар, стол олдига келиб чап қўлга салфетка олиб, устига олдиндан пичноқ ва вилка солингган тарелкани қўядилар ҳамда тарелкага овқат солинади. Ўнг қўл билан вино, шарбат ёки бошқа бирон – бир ичимлик солингган бокал олинади.

Тарелкага овқат солган меҳмонлар стoldан узоқлашиб кичик столчалар ёнига ўтирадилар. Улар гаплашиб олиш зарур бўлган кишилари билан диванлар, креслоларда жойлашиб олишлари мумкин.

Вино, коктейллар ва бошқа спиртли ичимликлар официантлар турган буфет пештахталари ва столларга қўйилади.

Кийиниш тартиби «Тушлик» дагидек бўлади.

«КЕЧКИ ОВҚАТ» 21.00 да ва ундан кечроқ бошланади. «Тушлик» дан бошланиш вақти билангина фарқ қиласи. Бундан ташқари кечки овқатда одатда, шўрва тортилмайди.

Таклифномада ҳандай кийиниш кўрсатилади – тўқ ранг костюм, смокинг ёки фрак; аёллар учун – кечки кўйлак.

Бу соҳадаги ҳалқаро амалиёт тантанали қабуллардан ташқари янада норасмий вазиятда – чой ёки кофе столи атрофида учрашувлар ташкил этиш имкониятини беради. Бундай кичик қабуллар ҳалқаро муносабатларда нафақат ишбилармон кишилар ўртасида, балки ундан юқорироқ даражаларда ҳам ўтказилади. Кофега, одатда, 17.00 дан 19.00 гача, чойга бундан ҳам кечроқ – 20.00 да таклиф этиш мумкин.

Кофе ёки чой билан кичик декоратив бутербродлар, сомса, ширин ва шўртак печеньелар, ёғли булочкалар, кекс, тузли ёки ширин тортлар берилади. Столга шоколадли конфетлар қуттиларини, қаймоқ ёки музқаймоқ, лимон қўйиш мумкин.

Кофе ёки чой столига гулли дастурхон ва қўлда тайёрланган гулли салфеткалар ташланади. Столга гулли газлама салфеткалар ёзиш ҳам мумкин. Бунда уларни стол ўртасига йўлакча қилиб тўшаб, унга бутербродлар, кондитерлик маҳсулотлари, мевалар солинган тарелкалар қўйилади. Идишлар ҳар бир меҳмоннинг олдидағи тўқицган салфеткаларга қўйилади.

Стол қуйидагича ясатилади: тарелкага чашка қўйилиб, чой (ёки кофе) қошиқ солинади, ундан чапда қовурилган нон бўлакларига ёғ суриб, мармелад ёки пишилоқ бўлагини қўйиб истеъмол қилиш учун кичкина тарелка ва пичноқча қўйилади. Пичноқ тарелкадан ўнг томонда тифини тарелкага қаратиб қўйилади, ундан чапда кичкина салфетка туриши керак. Қаймоқ, қанд, чойнак ёки кофейник столга қўйилади. Тарелкани чап қўлга олиб, ўнг қўлда чашкадан ичилади. Бошқалар биринчисини олиб бўлмагунча иккинчи чашкани сўраш одобдан эмас. Кофе ёки чойдаги қандни аралаштириб ёки десертни тутатиб бўлганингиздан сўнг қошиқни чашка ёки вазачадан олиб тарелкага қўйинг. Стакан ёки чашкада чой қошигини қолдириш беодоблик белгиси ҳисобланади.

Кўплаб давлатларда бундай пайтда чой ичиш анъанаси мавжуд. Масалан, инглизлар соат бешда чой ичиш анъанаисига содиқ. Бунда меҳмонга ҳақиқатдан ҳам бир чашка чой (хинд чойи — сут билан, хитойники — лимон билан) таклиф этилади. Айрим давлатларда, масалан Россияда мураббо билан чой ичилади. Сут бўш чашкага эмас, чой солинган чашкага қўйилади. Қабулларнинг асосий турларидан ташқари бошқа турлари ҳам мавжуд.

Баъзида қабулнинг «БРАНЧ» (BRACHEE) каби туридан ҳам фойдаланилади. Бу нонушта ва ланч ўртасида ўтказиладиган қабул туридир. Унинг номидаги биринчи 4арф инглизча «Breakast» — нонушта сўзидан, қолган қисми «Lunch» сүзидан олинган. У одатда якшанба кунлари ўтади ва унга кўпинча дўстлар оиласлари билан таклиф этилади. Бу касбдошлар ёки ҳамкорлар билан эркин, дўстона вазиятда яқиндан танишиш имкониятидир. Ўтказиши характерига кўра бранч нонушта ёки енгил ланчга ўхшаб, таомлар бирхил бўлади. Турли шаклда тухум, бекон, сосискалар, димланган гўшт, балиқ, блинчиклар, димланган помидор, булочка, ёғ бериш мумкин. Кўп миқдорда

кофе, чой, шарбатлар, совуқ ичимликлар тақлиф этилади. Вино қўйнилиши мумкин.

Бранч менюси ва ташкилӣ томонлари бека меҳмонлар билан кўпроқ бирга бўлиши учун имкон қадар соддалаштирилиши лозим.

Шашлик (барбекью). Бу норасмий ва кўпчилик ёқтирадиган қабул туридир. Очиқ ҳавода, кўпинча шаҳардан ташқаридағи чорбогда, дала ҳовлида ўтказилади. Унга ҳам меҳмонларни оиласари билан тақлиф этиш мумкин. Ўзбекистонда шашлик тайёрлаш учун мол ёки қўй гўшти танланади ва дастлаб маринадланади. Кўпгина давлатларда оловда гўшт пиширишнинг бошқача анъаналари мавжуд. Кўпинча шампур ўрнида панжарадан фойдаланилади. Унинг устида бирданига турли хил гўшт, товуқ, сосиска пишириш мумкин. Гўшт ва товуқда зиравор сепилади.

Барбекью ёки шашлиқда энг оддий кўринишда кийиниш зарур. Аёллар шим, свитер, хатто джинси ва шорти кийишлари мумкин. Таклиф этилганлар сони одатда, унча кўп бўлмайди.

Табиятта чиқиш (пикник). Кундуз пайти шаҳардан ташқарида очиқ ҳавода ўтказилади. Овқатлар олдиндан тайёрланиб, саватлар, кўчма музлаткичлар, қутлагра жойланади. Бунда пластик идишлардан фойдаланиш мумкин, бироқ ҳақиқий тарелкадан овқатланиш анча ёқимлидир, меҳмонларни ўтқазиш ва овқатларни қўйиш учун йигиладиган стол ва стуллардан фойдаланилади (кўпгина давлатларда уларни прокатта олиш мумкин). Ўзингиз билан катта зонт олганингиз маъқул. Пикник ташкил қилишда транспорт муаммосини ҳисобга олиш зарур. Маҳсулотлар қандай олиб борилади? Меҳмонлар пикник жойини қийинчилексиз топа оладиларми?

Пикник менюси турлича бўлиши ва ўз ичига егуликлар (паштет, салатлар); совуқ ёки термосда олиб бориладиган иссиқ шўрва; термосда олиб бориладиган асосий таом (масалан, лаҳм мол гўшти, тобланган чўчқа гўшти ёки қовурилган жўжа); десерти (мева, пирожнийлар) олиши мумкин.

Пикник йилнинг иссиқ пайтларида ташкил этилади. Шунинг учун кийим ентил, ёзги бўлиши керак. У шашлиқдагига нисбатан башантроқ бўлиши, джинси киритилмаслиги мумкин.

«Бир бокал вино ва пишлоқ» (Cheese and wine party). Бундай қабуллар 70—йилларда айниқса ёшлар ўртасида кенг урф бўлган эди. Бироқ ҳозир ҳам бир бокал вино ва пишлоқга тақлиф қилиш кенг тарқалган ва қайтадан модага кириб

бормоқда. Бундай қабул нисбатан осон ва арzonга тушади. Бопқа томондан у ташкил этувчига вино ва пишлоқлар танлашда ихтирочилик кўрсатиш имкониятини, меҳмонларга эса сұхбатни вино ва пишлоқлар фазилатларини баҳолашдан бошлаб, бир-бирлари билан осон танишиб олиш имкониятини беради.

Қабул ўтказишга тайёрланиш. Қабуллар олдиндан пухта тайёргарликни талаб этиб, унга қуидагилар киради: қабул турини танлаш; таклиф этиладиганлар рўйхатини тузиш; таклифномалар юбориш; (нонушта, тушлик ва кечки овқатда) иштирокчиларни ўтказиш режасини тузиш; меню тузиш; столларни сервировкалаш, меҳмонларга хизмат кўрсатиш, шунингдек қадаҳ сўзлари ва нутқларни тайёрлаш. Ва ниҳоят, қабулни ўтказиш схемаси ва тартибини тузини.

Таклиф этиладиганлар рўйхатини тузиш, таклифномалар юбориш ва уларга жавоб бериш. Олдин қабул тури, мақсади, хона ва хизмат кўрсатиш имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда меҳмонларнинг умумий сони аниқланади. Шундан сўнг меҳмонларга таклифномалар юборилади.

Таклифномалар учун типография йўли билан тайёрланган маҳсус бланкалар ишлатилади. Таклифнома бланкаларида таклиф этилувчининг фамилияси ва лавозими кўрсатилади. Исл, фамилия қўлда ёки машинкада ёзилади. Хотинларга алоҳида таклифномалар юборилмайди, балки эркакларнинг таклифномаларида улар рафиқалари билан бирга ташриф буюришлари сўралади. Эркак кишининг исми доимо биринчи ўринга қўйилади. Таклифномалар номидан, «таклиф этиш шарафига мұяссарман» иборасини қўллаган ҳолда ёзилади.

Таклифномада кийим турини ҳам кўрсатиш тавсия этилади. Бундан ташқари унда қабул тури — коктейл, тушлик, чой эканлиги, ва албатта қабулни ўтказиш жойи ва соати кўрсатилади. Агар нонушта, тушлик, кечки овқатга таклиф этилса, таклифноманинг пастида К.Б.Ч.Р. харфлари ёзилиб, таклифнома олинганини тасдиқлаш илтимосини англатади. Таклиф этилаётган киши юқорироқ мансабли шахс бўлса, телефон орқали таклиф этилган кун унга тўғри келишини аниқлаш лозим.

Тик туриб меҳмон қилиш кенг тарқалган мамлакатларда, масалан, меҳмонлар кечикмасдан келиш зарурлигини билишлари учун, таклифномада «стол атрофида ўтказиладиган тушлик» деб кўрсаттан маъқул.

Таклифномаларни олдиндан юбориш, одоб — аҳлоқ қоидаларини бузмаган ва ҳеч кимни хафа қилмаган ҳолда, рад

эттан меҳмонлар ўрнига бошқаларни таклиф этиш имкониятини беради. Агар таклиф этилганлардан айримлари сўнги дақиқаларда келолмасликларини маълум қилсалар, уларнинг стол атрофидағи ўринини ўз муассасангиз ходимлари эталашлари мумкин.

Қабулни ташкил этувчи шахснинг расмий мақоми қанчалик катта бўлса, унинг таклифномасига шунчалик эрта жавоб берилиши лозим. Жавоб одатда таклифнома олингандан сўнг 3–5 кун ичидаги юборилади.

Таклифномага ўз визит карточкангизни юбориш билан змас, хат ёки откруётка билан (жавоб ижобий ёки салбий эканлигидан қатъи назар) жавоб берсангиз тўғрироқ бўлади. Айrim мамлакатларда визит карточкиси билан жавоб қайтариш, айниқса қабул расмий бўлган тақдирда, одобсизлик ҳисобланади. Кўпинча таклифномага жавоб бевосита бекага юборилади.

Агар таклифномада телефон номери кўрсатилган бўлса, жавобни телефонда билдириш ҳам мумкин. Бироқ таклифнома расмий нонушта ва кечки овқатта бўлса хат орқали жавоб бериш зарур.

Таклиф этилганларнинг жавоблари олинишига кўра ўтириш жойлари аниқлашиб боради. Қабул арафасида протокол катталик тартибида нонушта, тушлик ёки кечки овқат иштирокчиларнинг умумий рўйхати тузилади.

Меҳмонлар стол атрофидағи жойларини қийинчилексиз топиб олишлари учун ошхонага киришдаги хонада ҳар бир меҳмоннинг жойи кўрсатилган режа осиб қўйилади. Бундан ташқари столда ҳар бир приборнинг олдида меҳмоннинг фамилияси ёзилган куверт карточка қўйилади. Баъзан меҳмонга стол схемаси ёки столлар номерлари ёзилган схемали карточка берилади.

Қабулда меҳмонларни стол атрофига ўтқазиши. «Нонушта», «Тушлик», «Кечки овқат» каби қабулларда меҳмонлар стол атрофида лавозими ва протокол катталиги тартибида ўтқазилади.

Норасмий нонушта ёки тушликларда аёлар эркаклар ўртасида уларнинг лавозимига ёки қабулда расмий шахс змас рафиқа сифатида иштирок этаётган бўлсалар, эрларининг лавозимига мувофиқ ўтирадилар. Аёлларга эрларининг мақоми берилади. Расмий мақомга эга бўлган аёлнинг эри агар унга ўз мавқеи (фаҳрий унвон, даража ва ҳ.к.) янада ҳурматлироқ жойга ўтириш ҳуқуқини бермаса, эркаклар ўртасида хотинининг лавозимига мувофиқ ўтиради.

Стол атрофидаги жойлар ҳурматли ва янада ҳурматлиларга бўлинади. Энг ҳурматли жой бекадан ўнг томонда (аёллар иштирок этадиган қабулда) ва хўжайиндан ўнг томонда (эркаклар қабулида) бўлади. Кейинги ўринлар беканинг чап томонидан, хўжайиннинг ўнг томонидан бошланади. Бека ёки хўжайиндан узоқлашиб бориши билан жойларнинг ҳурмати тушиб боради. Ўтқазишнинг асосий қоидаси: энг ҳурматли жойда энг ҳурматли меҳмонлар ўтиради. Стол атрофига ўтқазишда қўйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. Беканинг ўнг ва чап томонидан кучли жинс вакиллари ўтқазилади, хўжайинни хонимлар ўраб туради. Кейин жойлар алмашинади: аёлларнинг ёнига эркаклар ўтқазилади ва аксинча.

2. Столнинг бурчакларида эркаклар ўтиргаган бўлса аёллар ёнма – ён ўтқазилмайди.

3. Эр – хотинлар ёнма – ён ўтқазилмайди.

4. Битта мамлакатдан бўлган иккита хорижлик ҳам ёнма – ён ўтиришмайди.

5. Охирги ўринларга ўз муасасасангиз ходимлари ўтиришади, бироқ ҳеч қачон аёллар ўтқазилмайди.

Хўжайин биринчи хонимнинг қўлидан олади ва ошхонага бошлаб киради. Ҳурматли меҳмон уй бекаси билан бирга энг охирида киришади.

Меҳмонлар бека ўтиргандан сўнг ўз жойларини згаллайдилар.

Агар қабул норасмий бўлса, хонимларнинг қўлтиқлаб олиш зарур эмас. Бундай ҳолда бека ошхонага аёлларни, хўжайн эркакларни бошлаб киради.

Ноңушта ёки тушлих тугагандан сўнг бека биринчи бўлиб ўрнидан туради.

Қабулларни уйда тошил этиш ва ўтқазиш бўйича умумий тавсиялар. Кўпчилик давлатларда уйга таклиф қилиш қабулни ресторонда ўтқазишга иисбатан дўстона муносабатни англатади. Уйга энг яқин касбдошлар, ҳамкорлар, дўстлар таклиф этилади. Бироқ юқори ижтимоий ва хизмат мартабасига эга кишиларни уйга таклиф қилиш қабул қилинмаган.

Қабулга белгиланган вақтдан бир сотат олдин келиши одобдан бўлмаса ҳам шунақаси бўлиб туради. Белгиланган вақтдан 20 – 30 минут олдин кийинган ҳолда қабулга тайёр бўлиб туриш керак.

Одатда меҳмонлар 15 – 20 минут ичида тўпланишади. Стол атрофига ҳамма ўтиргаган бўлса меҳмонларга бирон – бир

ичимлик таклиф этиш зарур. Кичкина алоҳида столда ёнгоқлар, қовурилган картошка ва б. қўйилади. Бироқ ушбу столга кўп овқат қўйиш керак эмас, аксинча меҳмонлар асосий таомлар тортилгунга қадар тўқ бўлиб оладилар.

Кўпинча меҳмонлар ўзлари билан гул олиб келадилар, шунинг учун қўл остида бир нечта гулдонлар бўлиши зарур.

Меню қандай тузилади. Энг аввало ўз имкониятларингиздан келиб чиқинг. Ўзингиз яхши билан овқатларнигина тайёрланг. Меҳмонларда янти кулинария рецепсларини синаб кўриш ярамайди.

Таомларнинг бир-бирига мувофиқ бўлишига эътибор беринг. Агар яхна егулик балиқ бўлса, асосий таом сифатида балиқ қўйиш керак эмас. Гарнирнинг нафақат бирга тортиладиган таом билан, балки бошқалари билан ҳам мос келиши мұхимдир.

Таомни дастурхонга қандай торти зарур. Бунинг учта асосий усули мавжуд. Биринчиси, таомини ошхонада сервировкалаш ва меҳмоннинг оддига тайёр ҳолатда қўйишни назарда тутади. Масалан, ресторандарда шундай қилинади. Уй шароитида меҳмонлар сони тўрт кишидан ортиқ бўлса, бирор кишининг ёрдами талаб этилади.

Иккинчиси, французча усул. У ҳаммасидан кўра расмийроқ. Бу ерда албатта официантнинг ёрдами зарур. Официант меҳмоннинг ўнг томонидан яқинлашади ва ўнг қўлида сервировка қошигини, чап қўлида чинни лаганчани ушлаган ҳолда меҳмоннинг тарелкасига овқат солади. Вино ҳам меҳмоннинг ўнг томонидан ўтиб қўйилади. Официант вино қуяёттанды шишанинг этикеткасини меҳмонга кўринадиган қилиб ушлаши лозим. Агар меҳмонга тарелкасига ўзи овқат солиши таклиф этилса, официант чинни лаганчани унинг чап томонидан ўтиб тутади.

Ва ниҳоят, овқат улашишнинг яна бир – оилавий усули мавжуд. Бунда бека гарнир тарқатади, хўжайн эса гўштни бўлади ва тақсимлайди. Бундай қабул норасмий тусга эга бўлади.

Баъзан тушлиқда алоҳида таом сифатида пишлоқ берилади. Францияда пишлоқ десертдан оддин, бошқа мамлакатларда масалан Англияда десертдан кейин қўйилади.

Айрим жойларда меню оғирлашиб кетади деган мұлоҳаза билан пишлөқи таом умуман алоқида берілмайды. Голландияда пишлөққа ионуштадаги асосий таом ёки ланч сифатыда қаралади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Визит карточкаси қандай куринишиңда бўлади?
2. Визит карточкаси нима учун зарур ва у билан алмашиш қандай амалга ошади?
3. Совгалар қилаёттаниң нималарга аҳамият бериш зарур?
4. "Коктейл" турдаги қабул маросимини қандай тушунасиз?
5. "АДА Фуршет" қабулиниң "Коктейл" қабулидан фарқини тушунтириб беринг?
6. "Бранг" қабулиниң хусусияти нимада?
7. Мехмноларни стол атрофига утқазишиңда қандай қоидаларга аҳамият берини керак?

9 – МАВЗУ. ЗАМОНАВИЙ ЭТИКЕТНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Режа:

1. Этикет нима?
2. Кийиниш түғрисида.
3. Стол атрофида ўтириш одоби.
4. Мәҳмона ва жамоатчилик жойларида одоб сақлаш қоидалари.
5. Ўзбекистонда хорижий мамлакатлардан келган мәҳмопларни кутиб олишининг баъзи жиҳатлари

Адабиётлар:

1. А.Ф.Борунков "Дипломатический протокол в России и дипломатический этикет" М.Интерпракс, 1993г. 250с.
2. Ж.Данкел «Деловой этикет» Ростов на Дону «Феникс», 1997г. 320с.
3. Дж.Вуд, Ж.Серре «Дипломатический церемониал и протокол» М.1986
4. К.Махмудов «Мәҳмопнома» Т.1989, 234.
5. Э.Соловьев «Современный этикет» Ось – 89, 1998, 176 с.
6. Т.И.Холопова «Протокол и этикет для деловых людей» М.1995г. га.11.

1. Этикет нима?

«Этикет» атамаси – у ёки бу жамиятда қабул қилингандыктын – туриш шакли, услуги, одоблик ва хушмуомалалик қоидаларидир. Замонавий этикет талаблари күп асрлык маданий тараққиёт давомида юзага келген. Этикет қоидалари – авлодлар тажрибаси натижасидир. Улар ўз асосига кўра халқаро ҳисобланади, чунки барча мамлакатларда у ёки бу даражада бир хил риоя этилади. Айни пайтда ҳар бир мамлакат этикети тарихий, миллий, диний ва бошқа анъана ҳамда урф – одатлар билан белгиланган ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Этикетнинг ўзига хос хусусияти олдиндан белгиланган ўзини тутиш расмий қоидаларини уларга жойланган мазмунининг соғлом фикри, оқилоналиги ва фойдалилиги билан боғлаш ҳисобланади.

Этикетнинг амалий аҳамияти шундаки, у кишиларга ҳар хил гурӯҳдаги кишилар билан турли даражаларда мулоқот қилишда алоҳида уринишларсиз умумий қабул қилинган тайёр хушмуомалалик шаклларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Этикет асослари анча оддий. Бу нафақат грамматик ва стилистик тўғриликни, балки беодоб, қўпол, ортиқча сўзлар бўлмаслигини назарда тутувчи нутқ маданияти, шунингдек саломлашиши, хайрлашиши, «илтимос», «кечираасиз» дейишни, ёрдам, хизмат учун миннатдорчиллик билдиришни, хайрли тун, хайрли тонг, яхши иштаҳа, саломатлик тилаш ва б. назарда тутувчи оддий хушмуомалаликдир.

Кишиларнинг ўзаро мулоқот қилишлари учун уларнинг ташқи кўриниши, кийиниши, жамоатчилик жойларида, турли вазиятларда ўзини тутиши катта аҳамиятта эга. Яхши, дид билан кийинган, ҳар қандай вазиятда ўзини қандай тутишни биладиган ва ҳар доим ўзини тегишли тарзда тутадиган киши яхши таассурот қолдиради.

Кишиларнинг бир – бирлари билан мулоқотларида гаплашиш одоби, суҳбатлашишни билиш ҳам муҳим аҳамиятта эга. Яхши суҳбатдош бўлиш учун нима тўғрисида гапираётганликни ҳам, фикрни қизиқарли ва насиҳатта ўхшамаган шаклда баён қилишни ҳам билиш керак.

Ўзининг салбий ҳис – туйгуларини бошқара олиш яхши тарбия ва одобдаи даволат беради. Этикетга мувофиқ жаҳлни ва бошқаларнинг норозилигини енгишнинг энг яхши воситаси – инсон табассумидир. Этикетда илтифотлилик, суҳбатдошини тинглашни билиш, ёрдамга муҳтожларга ёрдам кўрсатиш жуда қадрланади.

Этикетнинг бир нечта турлари мавжуд:

1. Сарой этикети – подшолар саройида мулозамат қилишининг қатъий белгиланган тартиби ва шакллариридир.

2. Ҳарбий этикет – ҳарбий хизматчилик учун қисмлар, кемалар, жамоатчилик жойларида ўзини тутиш қоидалари, меъёрлари йигиндишидир.

3. Дипломатик этикет – дипломатлар ва бошқа расмий шахсларнинг ўзаро муносабатларда ва турли расмий дипломатик қабуллардаги (қабуллар, ташрифлар, тақдимномалар, музокаралар, делегациялар учрашуви ва ҳ. к.) ҳатти – ҳаракат қоидалариридир.

4. Умумфуқаро этикети – жамиятда хусусий шахслар ўртасидаги муносабатларда амал қилинадиган қоидалар, анъаналар ва шартлар йигиндишидир.

Умумий фуқаролик ва дипломатик этикетларнинг кўп қоидалари бир – бирига ўхшайди ёки у ёхуд бу даража мос келади. Бироқ дипломатик ва расмий шахслар доирасида этикет қоидаларига қатъий амал қилишга катта эътибор берилади.

Ишбилармон доиралар вакиллари ҳам шубҳасиз, этикет қоидаларини нафақат яхши билишлари, балки ўз амалий фаолиятларда уларга оғишмай амал қилишлари лозим.

Ўткан бўлимларда ҳам дипломатик, ҳам умумий фуқаролик этикетига тааллуқли бўлган айрим масалалар (учрашувлар, кузатиш, тақдимот маъросимлари ва ҳ. к.) кўриб чиқилган эди. Ушбу бўлим ҳамма ҳолларда амал қилиш зарур бўлган асосий одобли муомала қоидаларига бағишланади.

2. Кийиниш тўғрисида

Кийинишга бўлган асосий талаб – озодалик ва батартиблиқдир. Костюм доимо яхшилаб дазмолланган, дор – дуғиз, кўйлак тоза, оёқ кийим яхшилаб тозаланган ва пошнаси қийшаймаган бўлиши лозим.

Кийим жойга, вақтта, воқеалар характерига мувофиқ бўлиши лозим. Ўзига ортиқча бино қўймасдан оддий кийинган яхшироқ.

Ёзда ва кундуз пайти оч рангли, қишида ва кечки пайт тўқ рангли костюм ёки қўйлак кийиш зарур.

Музокараларга тайёрланиши жараёнида костюм танлашга эътибор бериш зарур. Бундай тадбир учун бир хил рангли – кул – ранг, тўқ кул ранг, тўқ кўк, қора рангли костюм кўпроқ мос келади. Галстукнинг костюмга яқин рангли (тегишли равишида кул ранг садаф, кўк – қизил, тўқ қизил рангли) бўлиши, бунда костюм газламасининг ранги устун бўлиши зарур, галстукнинг график суратлиси бўлгани маъқул. Бундай ранглар уйғулиги суҳбатдошларингизни аччиқлантиришмайди, уларнинг диққатини ишдан чалғитмайди. Ёрқин рангли авангард суратли галстук суҳбатдошларга муайян эмоционал тазиيқ, ўтказади.

Галстукнинг танланган ранги унинг эгаси тўғрисида муайян фикрни ҳосил қиласди. Оч қизил рангли галстук таъсирчанликни, бир оз изчил эмасликни ифодалайди. Оч қизилнинг сариқ ранг билан бирикмаси эркинлик, ўз ишқтани назарини ҳимоя қилишда қатъиятликни билдиради. Қора фондаги қизил сурат ўзига ишонч, мақсад йўлидаги қатъиятликдан далолат беради. Қизил ва бироз оч яшил аралашган кўк, тўқ жигарранг хайриҳоҳлик, мухолиф томоннинг фикрини ҳисобга олишга тайёрликни билдиради. Кулранг – садаф ранглар ҳис – туйгуларни бошқара олишни таъкидлайди. Яшил ва сариқ ранг бирикмаси бир мунча ҳушёриликни, ҳаворанг хотиржамликни билдиради. Қора тўқилган тери галстук башанг ва жозибадор бўлиб кўринишга интилишдан дарак беради.

Галстук танлашда ўз ўлчамларингизни ҳисобга олинг. Ўлчамингиз қанча катта бўлса галстук шунча кенг бўлиши лозим. Яхши галстуқда чок четига 5–6 см етмаслиги зарур. Астардан чиқиб турувчи учи тутилган иш алоҳида ҳашамат ҳисобланади.

Расмий вазиятда пиджак тутмалари қадалган бўлиши лозим. Тутмаси қадалган пиджакда кабинетга мажлиста кирилади, президиумда ўтирилади ёки маъруза қилинади. Ресторанг, қабулга, театрнинг томоншалар залига киришда ҳам шундай йўл тутилади. Пиджакнинг пастки тутмаси ҳеч қачон қадалмайди. Пиджак тутмаласини ионушта, тушлик, кечки овқатда стол атрофида ёки креслода ўтирганда ечиб ўтириш мумкин.

Барча турдаги қабулларда оқ күйлак билан исталған оч бўлмаган рангдаги галстукни тақиши мумкин. Қолган барча ҳолларда күйлакнинг ранги костюмнинг рангига мувофиқ бўлиши лозим. Галстук батартиб боғланган, унинг мақбул узунлиги шимнинг белбогигача бўлиши зарур.

Камтар костюм билан ярим ботинка ёки қора ёхуд тўқ жигар ранг ботинка кийиш керак. Ёзги пайтда оч рангли костюмга оқ пойабзal қийилади. Лакланган ботинкаларни фақат смокинг ва фрак билан кийиш лозим. Эркак пайпоқлари ранги кийиладиган костюм рангига мувофиқ бўлиши зарур. Костюм рангидан тўқроқ, оёқ кийими рангидан очроқ галстук энг идеал ҳисобланади.

Бош кийимига келсак, унинг ранги ва фасони кийимга ва жойга мувофиқ бўлиши лозим. Фетр шляпа савлатли пальто билан кийилади, кепка костюмга тўғри келмайди, тери ёки матодан шляпа, унча катта бўлмаган қиррали бош кийими плаш, шунингдек спорт курткасига ярашади.

Кўлқоп, шарф ва дастрўмол ранги ҳамда сурати бўйича бошқа кийим – бошларга мувофиқ келиши зарур.

Дастрўмол ёзилган ҳолатда шим чўнтағида ёки сумкачада бўлиши лозим. Пиджак ва жакетнинг ташқи чўнтакларига ручка, қалам, кўзойнак, тароқ ва бошқа нарсаларни кўриниб турадиган қилиб солини мумкин эмас.

Халат, пижама ва уй туфлилари ётоқхона ва ванна хонаси учун мўлжалланган; уларда меҳмонхона, вагон йўлагига, вокзал перронига ва кема палубасига чиқиши мумкин эмас.

Аёллар модаси эркакларникига нисбатан анча бекарор бўлиб, фасон ва материал рангининг турли – туман бўлишини кўзда тутади, бироқ унга доир айрим анъана ва қоидалар мавжуд. Улардан энг асосийси кийим – бошнинг ранг уйгунилиги бўлиб, кўйлак аксессуарлари бири – бирини табиий равишда тўлдириши, кўйлак фасонига эмас, қомат хусусиятларига мувофиқ бўлиши лозим. Кўп тақинчи ёки тавсия этилмайди.

Киши ўзининг ташқи кўринишига зътибор бериши лозим, бироқ пардоз – андозни фақат уйда, меҳмонхона номерида ва мўлжалланган жойларда қилиш керак. Масалан, жамоатчилик жойларида, стол атрофида, кўчада соч тараш, тирноқ тозалаш ва кийимни тўғрилаш мумкин эмас.

Ишбилиармон аёлнинг музокаралардаги кийими функционал бўлиши лозим, бу музокаралар жараённага таъсир кўрсатади. Энг яхшиси классик стил ҳисобланади. Катта қирқимли калта юбка

ва кўйлак киймаган маъқул. Кийим бош сұхбатдошнинг жигига тегмаслиги, жиддий сұхбатдан чалғитмаслиги лозим. Кийимда ёрқин ранглар, ялтироқ ишлар бўлмаслиги керак. Анъанага кўра иш костюмининг асосини костюм ва кўйлак костюм ташкил этади. Аёл киши никоҳ костюмини кийиши мумкин, бироқ эҳтиёткор бўлиш, ёш, тўлалик, ва гавданинг бошқа камчиликларини унутмаслик зарур. Тўқилган кийимларга нисбатан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Улар беканинг ҳурматини кўтариши ёки обрўсини жиддий тушириб қўйиши мумкин. Бундай нарсалар нодир муаллифлик иши, дизайн ва ижроси бўйича юқори сифатли бўлиши лозим.

Тақинчоқлар ҳам катта рол ўйнайди, бирданига олтии ва кумуш тақинчоқлар тақманг. Бижутерия юқори сифатли ва нуғузли фирмаларни бўлиши керак. Духиларни ҳам эҳтиёт бўлиб ишлатиш керак. Кўп кишиларга ҳидларга нисбатан жуда таъсирчан бўладилар. Гриндан фойдаланишда ҳам меъёрга риоя қилиш керак.

Аёллар хорижлик эркак ҳамкорлар билан музокараларга тайёрланишда кийим – бошларига ўзгартиришлар киритсалар фойдали бўлади. Мусулмон давлатлари вакилларига романтиклик, сирлилик яхши таассурот қолдиради. Бундай таассуротни кўзга ташланадиган заргарлик тақинчоги ёрдамида эришиш мумкин. Сочларни замонавий турмаклаган маъқул. Америкаликлар кийимга катта зътибор қаратмайдилар. Модага мувофиқ яхши тикилган шимли костюм, сезиларли ва яхши макияж етарлидир. Соч қисқа олинган бўлсин.

Инглизлар этикет қоидаларига қатъий амал қиласидилар. Ёрқин бўлмаган ранглардаги класик костюм кийиш мумкин. Қора рангнинг оқ ва қизил ранглар билан бирикмаси яхши таассурот қолдиради. Тақинчоқлар имкон қадар кам, макияж яхши қилинган бўлиши лозим. Ўртача узунликдаги соchlарни замонавий турмаклаш ёки орқага тараш лозим. Немислар кийинишда жуда консерватив бўлишади. Уларга класик костюм, осойишта ранглар, косметика ва тақинчоқлардан меъёрида фойдаланиш, сило, камтар кийиниш ёқади.

Француздар кийиниши ва макияж соҳасининг яхши билимдонлариidir. Улар билан мулоқотларда класик стилга амал қилиш лозим. Костюмни енгил шарф ёки жуда мос танланган тўғнагич очиб юбориши мумкин. Италянлар жуда экспрессив ва кийим рангини нозик ҳис қиласидилар. Кийимда ярим ранглардан ташқари учтадан ортиқ ранг ишлатмаслик лозим. Битта ранг такрорланадиган ёрқин учта рангли кўйлак ёки пиджакни

танлаш мумкин. Соч турмаклари жуда ҳилма – хил: эркин осилиб турган кокиллардан қисқа олинган сочгача бўлиши мумкин. Испанларга кийинишида оқ ва қора ранглар бирикмаси ёки қора ва қизил рангларниң тилла ранг аралаш қурамаси ёқади. Қичик қора кўйлакнинг қора пиджак ва тилларанг шарф ёки оқ ёча билан бирикмаси жуда қизиқарли. Сочлар орқага битта қилиб уралгани чиройли кўринади.

Грекларга товланиб турувчи юмшоқ бурмали, пастел рангли газламадан тикилган кийимлар, юмшоқ макияж ва елкага ёзилиб тушган соchlар ёқади. Пешона очиқ, соchlар орқага тараалган. Полякларга ёрқин ранглар, тор юбка, озгина тақинчоқлар билан тақиладиган кўйлак кўпроқ ёқади.

3. Стол атрофида ўтириш одоби

Стол атрофида ўтирилганда риоя этилиши лозим бўлган қатор қоидалар мавжуд. Ноуншта, тушлик ва кечки овқатта белгиланган вақтдан кечикмасдан келиш лозим. Кечиккан меҳмонлар уй эгалари ва меҳмонларни куттириб қўйиб, уларга нисбатан ҳурматсизлик қилган ҳисобланади.

Уй эгаси ва бекаси белгиланган вақтдан кўпи билан 30 минут ўттанидан сўнг ҳамма тўпламаган бўлса ҳам меҳмонларни ўтиришга таклиф этадилар.

Эркаклар барча хонимлар ўтирилгандан сўнг ўтирадилар. Хонимга ўнг қўлини туттан ҳолда столга кузатиб қўйиш лозим. Эркак киши ресторонда жой танлаганидан сўнг стулни суриб хонимни ўтқазади ва ўзи унинг чап томонида, агар стол кичик бўлса рўпарасида ўтиради.

Столга ўтирилгандан сўнг эркак киши аёлга менюни узатиб ўзи учун таом танлаш имкониятини беради. Сўнгра ўзига танлади. Бироқ аёл эркакка ўзи ва аёл учун таом танлаш имкониятини бериши мумкин. Эркак ҳар доим ўзи ва аёл киши учун официантга таом буюради.

Энг аввало уй эгасининг ўнг томонида ўтирган хонимга (ёки ҳурматли меҳмонга), сўнгра чап томонидаги меҳмонга таом қўйилади ва ҳ.к. Агар тўпланган орасида биттагина аёл киши бўлса таом бериши дастлаб ундан бошланади, энг охирида уй эгасига таом қўйилади.

Барча меҳмонларга овқат таклиф этилмасдан овқатланишни бошлиш керак эмас. Бошқа таомларни олиб келишда

қолғанларнинг тарелкаларига қўйилишини кутиб ўтириш шарт эмас. Эркаклар аёллар бошлишини одоб билан кутиб турадилар.

Таомдан тотиб кўришини бошламоқчи бўлсангиз, тарелкаларни олинга ўнг томондан узатинг.

Ичкилик ичишни умумий қадаҳ сўзи айтилгандан сўнг бошлиш мумкин. Ўнг томонда ўтирган хонимга вино қўйиш учун вино идишини чап қўлга олиб бироз ўнгга бурилиш керак. Янги шиша очиаганда эркак аввал ўзига бироз қўйиб олиб, сўнгра хонимга қўйиши лозим.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта хато пичоқдан овқат ейишдир. Қошиқни оғизга бор бўйича тиқиши керак эмас. Агар шўрвани ичиб тутгатаётган бўлсангиз, тарелканни ўзингиздан бироз қийшайтириингда қолган шўрвани қошиб билан йигиб олинг.

Уй эгаси ёки бекаси ҳеч қачон биринчи бўлиб овқатланишини тутгатмаслиги лозим. Меҳмонларга қараб туринг. Бунга айниқса охирги таом тортилганда эътибор беринг.

Вилкага овқатни пичоқ ёрдамида қўйманг. Овқатни вилкага сикқуича овқат олиш зарур.

Агар ноқулай аҳволга тушиб қолгансангиз (ниманидир тўкиб ёки тушириб юборсангиз) бирданнiga хатояигизни тузатишга киришманг. Дастурхонни фақат салфетка билан артинг. Овқат ушоқларини полга туширмасдан салфеткага йигиб олинг. Агар овқат кийимингизга сачраса уни дастрўмол билан бирдирмасдан ортиб олинг.

Овқатланаёттанды сочни тараш, пудра ишлатиш ёки лаб бўяш ярамайди.

Аёл киши стол атрофида шляпасини ечмасдан ўтириши мумкин, бироқ қўлҳоплар ечилган бўлиши лозим.

Тушлик ёки кечки овқат тутгамасдан узрли сабабсиз туриб кетиш одобсизлик ҳисобланади.

Бошқа меҳмонга орқангиз билан туриб олмаслик учун ҳамроҳингиз билан гаплашаёттанды унга бурилиб ўтирманг. Бирон киши билан ёнингиздаги одам орқали гаплашманг.

Ўрнингиздан туришдан оддин бекага миннатдорчиллик билдиришни унугманг. Тушлик ёки кечки овқат тутгандан сўнг кетишга шошилиш ярамайди, бироқ узоқ ушланиб қолиш ҳам керак эмас.

Таомлар хусусида мақтөвдан бошқа сўзларни айтиш, айниқса уларни ташқид қилиш мумкин эмас.

Тушликни мажлис танаффусида ташкил қилиш ёки иш юзасидан мулоқотни овқатланиш билан бирлаштириш мумкин. Биринчи ҳолатда овқатланилаёттанды иш тўғрисида

тапирилмайды. Иккинчисида – ишга доир масалалар түгрисида десертдан сүнг сүз очиш мумкин. Фақат шимол мамлакатларидағина овқат устида иш түгрисида таплашиш мумкин.

Овқатлананаёттанды хат ёки ҳужжатларни ўқиманг.

Аёллар биринчи бўлиб ўринларидан тургандаридан сүнг эркаклар ҳам туриб улар хонадан чиққунча кутиб туришлари лозим. Шундан сүнг қолиш ва чекиши ниятингиз бўлса яна қайта жойингизга ўтиришингиз мумкин.

4. Меҳмонда ва жамоатчилик жойларида одоб сақлаш қоидалари

Меҳмонга келганда ҳар бир киши билан қўл бериб сўрашишга уринманг. Фақат уй эгаси ва бекаси билан қўл олиб саломлашиш зарур, қолгаиларга таъзим қилиб қўйиш кифоя. Таклиф этмасларидан олдин ўтиришга шошилманг ёки уй эгаси ва бекаси ўтиришини кутиб туринг.

Хонада жойлашган мебел, суратлар ва бошқа нарсаларга синчилаб назар солиш керак эмас.

Яқин дўстингиз ёки қариндошингиз бўлмаган киши билан суҳбатлашалаёттанды унинг эътиборини тортиш учун қўл тегизиши, елкасига ёки тиззасига қўл қўйиш керак эмас.

Хонага аёл киши кирганда эркаклар агар ўтирган бўлсалар ўринларидан туришлари лозим. Бундан ташқари хонага киришда ёки ундан чиқишида аёлдан олдинга ўтиб олманг. Эркак киши фақат истисно ҳоллардагина: йўлда бирон тўсиқ учраганда аёлга ёрдам бериш учун ундан олдинга ўтиши мумкин.

Зинапоядан кўтарилишда эркак аёлдан бир – икки зина пастда юриш, тушилаёттанды олдинда тушиши лозим.

Суҳбатдошингизга ёки яқинингизда турган бошқа бирон кишига орқангизни ўгириб турманг.

Агар ўзлари таклиф этишмаса, суҳбатдошлардан сигарета сўраш хунук иш. Ўзингиз эса чекишидан олдин албатта суҳбатдошингизга ҳам сигарета таклиф этинг.

Агар сиздан қўшиқ айтиб беришни ёки бирон бир мусиқа асбобида ўйнаб беришни ёки бирор нарсани ҳикоя қилиб беришни илтимос қилишса, қўлингиздан келса рад этманг.

Меҳмонда ҳадеб соатингизга қарайверманг. Агар ростдан ҳам меҳмонлар тарқалишидан олдинроқ кетишингиз жуда зарур бўлса олдиндан уй эгаларидан узр сўраб, бошқаларга сездирмасдан чиқиб кетинг.

Жуда узоқ қолиб кетиш билан мезбоилар меҳмондўстлигини суистеъмол қилманг.

Театрга ташриф буюрилганда эркак киши гардеробда аёлга уст киймини ечиб қўйишга ёки кийинишига ёрдам берганидан сўнгина ўзи уст киймини ечади. Кийинишида ҳам оддин аёлнинг кийимини гардеробчидан олиб, унинг кийинишига ёрдам бериси ва сўнг ўзи кийиниши лозим.

Қатордаги ўз жойингизга ўтишда ўтирганларга орқа буриб ўтманг ва уларни ўринларидан туришга мажбур қилманг. Безовта қилганингиз учун секин овоз билан ёки бош қимирилатиб кечирим сўранг.

Агар спектакл ёки концерт пайтида бирон бир сабабга кўра ташқарига чиқишингиз зарур бўлиб қолса буни иложи борича сездирмасдан қилинг.

Спектакл ёки концерт пайтида гаплашиш, конфет очиб қоғоз шиқирилатиши ва ҳ.к. одобдан эмас.

Ресторан, кафе ва шунга ўхшаш муассасаларга эркак киши аёлдан оддин киради. Вестибюлга кирилгандан сўнг эркак шляпа ёки фуражкасини ечиши ва уни фақат чиқишда кийиши лозим.

Агар ресторан, кафеда танишингизни учратиб қолиб, ўз даврангизга таклиф этсангиз, уни стол атрофида ўтирганлар билан танишириши лозим. Таниширилаётган киши эркак ёки аёл бўлишидан қатъни назар тик туради. Аёл киши келганда барча ўтирганлар: эркаклар ҳам аёллар ҳам ўринларидан туришлари лозим. Қўл бериш сўрашиш шарт эмас.

Кўчада эркак аёлнинг чап томонида юриши лозим. Агар кўчада икки киши кетишаёттан бўлса ўнг томон ҳурматли жой ҳисобланади. Уч киши кетаётганда энг ҳурматли жой ўртадаги, иккинчи: ўнг томондаги ва учинчи: чап томондаги жой ҳисобланади. Агар кўчада бир эркак ва иккита аёл кетишаёттан бўлса эркак аёлларнинг иккаласига ҳам бирдек эътибор бериш учун уларнинг ўргасида юриши лозим.

Эркак аёлдан оддинга ўтиб эшикни очади ва унинг орқасидан бинога киради.

Бошқа кишини безовта қилиб қўйсангиз ёки унга ноқулайлик туғдирсангиз кечирим сўрашни унутманг.

5. Ўзбекистонда хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларни кутиб олишнинг баъзи жиҳатлари

Ўзбекистоннинг ташқи мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техника ва маданий алоқалари борасида

муҳим хисса қўшиб келмоқда. Республикамиз вакиллари делегациялар ташкил қилиб чет мамлакатларга тез – тез бориб туради, сиёсий ва жамоат арбоблари билан, олимлар, адабиёт ва санъат намоёндалари билан бўлган учрашувларда қатнашади, турии халқаро конференцияларда, конгрессларда, симпозиумларда иштирок этади. Бундан ташқари, ўзбекистонликлар сайёҳ бўлиб жаҳоннинг турли мамлакатларига саёҳат қиласидилар.

Шундай экан, чет эллардан диёrimизга ташриф буюрган кишиларни меҳмон қилиш, уларнинг ўз одатларини ҳисобга олган холда, халқимизнинг меҳмоннавозлик анъаналари билан таништириш, аввойи поз – неъматларимиз, серлаззат таомларимиз билан сийлаш — ғоят муҳим ва жуда нозик бир вазифа. Бунда шунга эришиш керакки, ўз дустларимизда ҳам, ҳар бир чет эллик меҳмонда ҳам республикамиз, меҳнаткаш халқимиз, прогрессив урф – одатларимиз, социалистик турмуш тарзимиз тўгрисида яхши таассурот қоссин, улар учун дастурхон тузашнинг ўзи ҳам дустликни мустахкамлашга бир восита бўлсин.

Биз жуда қадимий тарихга эга бўлган, маданиятли, матонатли, меҳнатсевар, бунёдкор халқлар қаторидан қонуний ўрин згаллаймиз.

Таомнома

Дастурхонга қўйиладиган асосий таомларни эслатиб ўтамиш, бироқ булаарнинг барчасини тайёрлаш шарт эмас, шароитта ва шу жойнинг удумига қараб иссиқ овқатларни бир ёки икки ҳил пиширилади. Ноnларнинг ҳам, сомсаларнинг ҳам ёки яхна овқатларнинг ҳам бир – икки ҳили бўлса кифоя. Мевачева, полиз маҳсулотларидан не ҳили бўлса барчасидан оз – оздан қўйилади.

НОНЛАР: Уй ноnи, оби ноn, патир, ширмой, гўштили ёки жizzали ноnлар, қатлама...

СОМСАЛАР: тандир варақи, пармуда, гўштигижда, тутмача сомса.

ЯХНА ОВҚАТЛАР: қази, яхна гўшт, хасип, қовурдоқ, яхна барра, каллапоча, товуқ; гўшти, қовурилган балиқ, думба – жигар, лиқ – лиқ...

САЛАТЛАР: аччиқ – чучук, турп салати, редиска салати, сузма қўшиб тайёрланган салат, қаймок, қўшиб тайёрланган салат, бодринг ва тухумдан тайёрланган салат.

СҮЮҚ ОВҚАТЛАР: қайнатма шүрва, қовурма шүрва, нұхатли шүрва, товуқ шүрва, қиймали шүрва, чучварали шүрва, мастава, миш – хүрда, карам шүрва, хүл нори...

ҚҮЮҚ ТАОМЛАР: Палов (фарғонача палов, самарқандча палов, хоразмча палов, түй палови, ивитма палов, саримсоқ палов, бедана палов, беҳили палов, нұхатли палов, майизли палов); кабоб (барра кабоб, қийма кабоб, думба – жигар кабоб, бугелама кабоб, тандир кабоб, бедана кабоб, каклик кабоб, балиқ кабоб), манти, лагмон, шима, манпар, димлама, хунон, қовурма, тухум дүлма, беҳи дүлма, коваток дүлма...

ШИРИНЛИКЛАР: ұар турли торт ва конфетлар, новвот, холва, мева мурабболари, нишолда, болқаймоқ...

ТАРМЕВАЛАР: қовун – тарвўз (турли навларидан бир неча ҳилдан таъбга күра), қулушнай, ўрик, шафтоли, нок, анор, гирос, олма, ол – ҳүри, лимон, апельсин, мандарин, узум (турли навларидан бир неча ҳил).

Беҳи қүйилмайды, чунки кесганда қорайиб кетади. Анжир қүйилмайды, негаки, тезда ачиди. Қүйилса ҳам бир соат давомида истеъмол этиб юборилишига эришиш лозим.

ҚҰРУҚ МЕВАЛАР: писта, бодом, ёнгок (магзи), турли ҳил майизлар, бартак...

Хорижий меҳмонларнинг ўз мамлакатларидағи овқатланиш үдүмини ҳисобга олиш

Ҳар бир мамлакат ва регионнинг асрлар давомида шаклланған ўзига ҳос одатлари, үдүмлари, қоидалари, аңъаналари борки, булар ўша халқ ишлаб чиқарадынан хұжалик мәданий тишига, яшаёттап табиий географик мұхитига, этник хусусиятларига, диний ақидаларига боғылғын бүләди.

Чунончи, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларидан келған меҳмонлар титроқ, дона – дона қилиб пиширилған гуручларни хүш күрадылар. Монголиялыklар күпроқ гүштли таомларни истеъмол этишса, Марказий Африка мамлакатларидан келғанларға күпроқ сабзавотты таомлар манзур бүләди. Шведлар, турклар шириллікка ўч булишади, Корея, Венгрия, Ҳиндистон, Вьетнам ва Мексикадан келғанлар учун эса аччик таомлар маъқул. Скандинавия мамлакатлари, Япония, Янги Зеландия каби атрофини океанлар ўраган ёки деңгиз қырғоқларыда жойлашған барча мамлакатларда күпроқ балиқ истеъмол қилинади, шунинг учун бу жойлардан келған меҳмонларға ўзбекча таомлар билан бир қаторда балиқли таомлар таклиф этилса соз бүләди.

Немисларга кўпроқ тортлар ва бутербродлар маъқул тушса, французлар учун ҳилма-ҳил сардаклар яхши. Италиялар макарон махсулотларини ҳуш кўришади. Буларни лагмон билан сийланса соз бўлади. Жанубий Америкадаги мамлакатлардан келганилар кўпроқ маккажӯхори таомларини, Шимолий Америкадан ташриф буурганлар эса сосиска, сарделька, музқаймоқ, сутни хуш кўрадилар. Барча мусулмон мамлакатларидан келган меҳмонлар дастурхонида чучқа гўшти солинган таомлар бўлмаслиги керак. Ҳиндистонликлар мол гўшти ейишмайди. Жанубий штатлардан келган меҳмонлар кўпроқ, балиқни, марказий ҳиндистонликлар парранда гўшларини истеъмол қиласидар. Шимолий Хиндистон, Покистон, Афғонистон ва Эрондан келган меҳмонларга барча ўзбек таомлари манзур бўлаверади, чунки уларнинг таомлари ҳам бизнигiga ўхшайди.

Поляклар, немислар қўй гўштини кўпам ёқтиришмайди, буларга чучқа, балиқ, гўшти таомлар манзур бўлади. Қўй гўшти таомлар барча мусулмон мамлакатларидан келганиларга маъқул.

Инглизлар, ливанликлар, тибетликлар қуюқ дамланган чой ичадилар. Буларга ширчой қилиб берилса нур устига аъло нур бўлади. Барча Европа мамлакатлари, Африка, Америка ва Туркияда қора қахва ичиш удум. Вьетнамдан тортиб то Япониягача бўлган барча мамлакатларда овқатни бир жуфт чўп билан ейиш одат. Шунинг учун дастурхонда қошиқ-вилкалар бўлса ҳам бир неча жуфт махсус тайёрланган ана шундай (пластмаса, ёғоч ёки бамбук) чўплардан стаканларга солиб кўйилса соз бўлади.

Голландия ва Бельгияда пиплоқ (сўр)ни яхши кўришса, Болгария ва Югославияда кабоб кўпроқ истеъмол этилади. Испания ва Португалияда мол гўшти ва балиқ гўшлари, салатлар, ахамиятга эга овқатлар ҳисобланади. Венгрияда қалампир дўлма, Чехословакияда картошкали таомлар биринчи ўринда туради.

Мана шу айрим мисолларнинг ўзиёқ, сизга меҳмонларни хурсанд қилиш учун бир восита бўлиши мумкин. Албатта, ўзбекча таомлар билан уларнинг ўз таомларига ўхшаганларини танлаш, овқатланиш анъаналарини хурмат қилиш орқали меҳмонлар улуғланади.

Дастурхон тузаш

Хорижий меҳмонларни колхозларда, совхозларда нознельматлар бевосита етиштириладиган жойларда қабул қилиш хукумат ташкил эттан расмий меҳмондўстлик зиёфати (нонушта, тушлик, кечки овқат) базмдан андак фарқ қиласи. Бахор, ёз ва куз фаслларида дастурхонни ишкомлар остидаги салқин жойларда, атрофи гулзор бўстонларда, суви шарқираб оқаётган ариқ ва ховуз бўйларидағи соя—салқин оромгоҳларда тузаш мумкин. Лекин бунда танланган жой пашиша ва чанг учиб келмайдиган, даҳлсиз одамларнинг нигоҳи тушмайдиган, холироқ ерда бўлиши керак.

Аслида дастурхон иморат ичидаги кенг заллардан бирида тузалади. Бунда зал деворларидағи портретлар, плакатлар, «ифлос қилинмасин», «чекилмасин» кабилидаги эълонлар осиб қўйилади бўлса, олиб ташланади, ўрнига фақат натюроморт ва табиат манзаралари акс этувчи суратлар қолдирилади. Дастурхон тузаладиган столлар ликилламайдиган қилиб текис ўрнатилгандан сўнг, атрофига меҳмонлар ўтирганларида тирсаклари бир—бирига халақит бермайдиган қилиб стуллар қўйилади.

Яхши ўрнатилган столлар устига аввал клэнка ёки фланель тўшаб, устидан охорли дастурхон ёйилади. Дастурхонларнинг ранги бир ҳил: ё оқ ёки хаворанг бўлиб, гуллари ортиқча жимжимадор бўлмаслиги шарт. Дастурхонга қўйиладиган идиштоворқ, чойнак—пиёла ҳамда хурак асблоблари (қошиқ, вилка, пичоқ) ранги, гули, шакли бир ҳил бўлиши керак.

ВАЗАДА ГУЛЛАР Нонушта, тушлик ва кечки овқатланиш дастурхонида гул турса эстетик завқ беради ва зиёфат тантанавор бўлади. Бунинг учун столнинг ўрта қисмида ҳар жой—ҳар жойга оралиғи тахминан 2 метр чамасида гулдонлар жойлаштирилади. Вазада гул кўп бўлиши шарт эмас. Ҳар бир вазага 2—4 дона турли рангдаги гуллар қўйилса кифоя, аммо япроқлари чангдан ювилган бўлиши шарт, албатта.

Нон, сомса, яхна овқатлар ва мева—чеваларни жойлаштириш

Нонушта дастурхонида яхна овқатлар, қаймоқ, сомса, нон, мева—чева бўлади. Тушлик ва кечки овқатларда шуларга қўшимча яна салатлар, қовун—тарвуз қўйилади. Ўзбекча дастурхон тузашнинг ўзига хослиги ҳам шундаки, меҳмонларга мўлжалланган овқатларнинг (иссиқ овқатлардан ташқари) барчаси дастурхонга қўйилган бўлади. Бунда меҳмонлар дастурхондаги гизоларнинг муҳайёлигига қараб иштаха

сақлашлари ва тановулни түгри ташкил эта олишларига қулайлик туғилади. Сүнгра дастурхондаги ноз – неъматларнинг ҳилма – ҳиллиги ҳар кимга эстетик завқ бағишилаши билан бирга турмушнинг фаровонлигидан ҳам дарак бериб туради. Шундай экан, столнинг ўрта қисмига қатор қилиб лаганда яхна овқатлар, нонлар, ликопларда сомсалар, ширииликлар, қуруқ мевалар жойлаштирилади. Тармеваларнинг барча ҳилидан вазаларга ассорти қилиб тузалади ва дастурхон ўргасига қатор қилиб оралиғи бир ҳил масофада жойлаштирилади. Қовун – тарвузлар эса ликоп ёки лаганларда «карч», «тилик», «коса» усулида сўйилиб қўйилади ёки гулдор қилиб «кар – бовка» усулида кесилади. Бунда қовунлар «ромашка», «алия» гулларига ўхшатиб ва тарвузлар «корзинка», «лола» ва «пахта чаноғига» ўхшатиб кесилади.

Дастурхонга қўйилган ҳар бир овқат шундай жойлаштирилсинки, меҳмонлар ўринларидан қўзғалмасдан бемалол оладиган бўлсин. Агар дастурхонда турли таомлар кўп бўласа – ю, лекин уларни баъзи меҳмонлар ўрнидан туриб, чўзилиб оладиган масофада қўйилса бу хато бўлади. Суюқ овқатлар косаларда тортилади. Дастлаб келтирилгани дастурхон турида ўтирган мартабали меҳмон олдига қўйилади, сўнг унинг ўнг ва сўл томонларидағи меҳмонларга узатилади. Зиёфат туташига 1 соат қолганда қуюқ овқатлар лаганларда ёки ҳар бир меҳмон учун алоҳида идишларда тортилади. Қуюқ овқат тортилишидан олдин ҳар кимга биттадан қошиқ, вилка ва пичоқ қолдирилиб, қолган – қуттан, нишхўрд нарсалар йиғиштириб олинади, зарур бўлса ликоплар ҳам янгиланади.

Нонушта

Дастурхонни нонушта учун тузаганда, ҳар бир меҳмон стулининг тўғрисига иккитадан ликопча қўйилади: бири ўртадаги яхна овқатлардан солиб истеъмол этишлари учун, иккинчиси суюқ овқат келтирилганда косани қўйиш учун. Биринчи ликопчанинг ўнг томонига қошиқ, билан пичоқ, чап томонига эса вилка қўйилади. Қошиқ; билан вилканинг букилган томонини тепага қилиб, пичоқнинг тифини эса ликопчага қаратиб бир масофада қатор терилади. Бунда хурак асбобларнинг сопи стол четидан 2 см ичкарироқда сурилган бўлиши керак, агар стол четига озгина чиқибириқ турса, меҳмонлар ўтираёттандарига бехосдан тегиб кетиб асбоблар тартиби бузилиши мумкин.

Биринчи ликопчанинг устига оқ салфетка тахлаб қўйилади ва шу ликопчанинг олд томонига биттадан пиёла қўйилади.

Соат 9.00 да ўтказишга мўлжалланган нонушта дастурхонига бир – икки ҳил яхна овқат, мева – чевалар, нонлар ва сомсалар тортилади. Спиртли ичимликлар қўйиш хато хисобланади. Ўзбек удумига кўра, нонушта бир пиёла чойдан бошланади. Чой шундай иеъматдирки, уни қорни оч одам ичса ором олдиради, тўқ, одам ичса овқатни хазм қиадиради. Иссикда ичилган чой чанқоқни тез босади ва кишини салқинлатади, совуқда ичилган чой қонни равон юргизиб танани иситади.

Шунинг учун дастурхонга кўк ва қора чой дамланган чойнаклар келтирилади. Баъзи мамлакатларда кофе (қахва) ичиш одат, бинобарин, кофе дамланган чойнак келтирилиши ҳам мақсадга мувофик, бўлади. Меҳмонлар чой ичиб яхна овқатлар ва мевалардан баҳраманд бўлишгач, бир ҳил суюқ овқат тортилади. Бунда ҳар бир областнинг ўзига хос таомлари бор. Шулардан тайёрланади. Мисол учун Тошкентда мошхўрда, нухатли шўрва, Фарғона водийсида мастава, угра – чучвара, Сирдарё ва Жиззах обласларида ширчой ёки қовурма шўрва, Самарқанд ва Бухорода аса чучварали шўрва, угра оши, Қашқадарё ва Сурхондарёда қайнатма шўрва, Хоразм ва Қорақалпоғистонда мошўгра, шўрва, мастава ва хоказо.

Суюқ овқатларга қўшиш учун алохида идишда қатикқ, қаймоқ, чопилган райхон, кашнич ва зираворлардан мурч қўйилади. Нонушта пировардида меҳмонларга яна бир пиёладан чой таклиф этилади ёки қахва ичиб яйраплари учун алохида дастурхон тузалади. Бунда фақат ширинилклар қўйилиб, қахва келтирилади.

Тушлик овқат

Тушлик овқат дастурхонини тузаганда ҳар бир меҳмон учун уттадан ликоп қўйилади. Бири — яхна овқатлардан солиб ейиш учун, иккинчиси қуюқ иссиқ овқат учун, учинчиси нон, сомсани олиб қўйиб ейиш учун. Бунда яхна овқат ликопчаси алохида, қуюқ овқат ва нон – сомса учун ликопчалар устма – уст қўйилиб, устига салфетка тахланади. Бир жуфт қўйилган ликопчанинг ўнг ёнига букилган томонини тепага қилиб 2 та қошиқ, (қуюқ ва суюқ овқатлар учун), 2 та пичноқ;

(бири гўшт кесишига, бири мева кесишига мўлжаллаб) қўйилади. Ликопчанинг чап ёнида эса иккита — бири каттароқ, бири кичикроқ вилка бўлсин. Хурак асбобларини қалаштириб

қүймасдан юқорида айтилган қоида бүйича бир текис масофада чиройли қилиб териб қўйилади.

Бериладиган ичимликларнинг хилига қараб рюмка ва фужерлар ликопнинг олд томонига қатор қилиб терилади. Мисол учун конъякка хажми 25 граммдан ошмаган оқ рюмкача, арақ учун хажми 50 граммдан ошмаган рангли (қизил, зангори) рюмка, шампанское виноси учун новча бокал, дессерт винолар учун ва минерал сувлар учун фужерлар қўйилади. Ёнида чой учун пиёла туради.

Соат 14.00 тушлик овқат вақти қилиб белгиланади. Агар тушлик овқат бир соат давом этадиган бўлса, фақат бир ҳил қуюқ таом тайёрланади. Агар икки соат ва ундан кўпроқ вақтта тўзиладиган бўлса, унда икки ҳил — бири суюқ, бири қуюқ таом пиширилади.

Суюқ овқат ярим порция хисобида тайёрланиб қуюқ овқатдан камида бир соат олдин, яхна овқатлардан тановул эттаниларидан сўнг тортилади. Даастурхонга спиртли ичимликлардан конъяк, шампанское, дессертли ва маркали винолардан қўйиш мумкин. Спиртсиз ичимликлардан эса минерал сувлар, мева шарбатлари бўлади. Шишалар ярқиратиб артилган ва этикеткасини ташки томонга, кўриниб турадиган қилиб туп-туп жойланади. Этикеткаси кўчирилган ёки қингир-қийшиқ ёпиширилган даастурхонга қўйилмайди. Суюқ овқатдан сўнг то қуюқ овқат тортилгунга қадар меҳмонлар даастурхон атрофидан туришлари, атрофни томоша қилишлари, бир-бирлари билан сухбатлашишлари ҳам мумкин. Шундай пайтдан фойдаланиб нишхурдлар йиғиштириб олинади, ликопчалар ва хурак асбоблари янгиланади, стуллар яна катор қилиб териб қўйилади. Қуюқ иссиқ овқат (палов, манти, кабоб, димлама ва хоказо) дан фақат бир ҳили тайёрланиб, алохида-алохида ёки бир неча порцияси бирга тортилади. Иссиқ овқатдан сўнг спиртли ичимлик ичиш тўхтатилади.

Пировардида бир пиёладан чой таклиф этилади ёки қахва учун бошқатдан даастурхон тузалади.

Кечки овқат

Кечки овқат даастурхони худди тушликка тузалгандек бўлади. Яхна овқатлар 1–2 ҳил, нон-сомсалар 1–2 ҳил, мева – чева ҳамда ичимликлар, идиш – товоқ, хурак асбоблари, рюмка ва фужерлар барчаси айнан.

Кечки овқатни ўтказиш соат 20.00 да бошланиши мумкин ва икки ёки икки ярим соат давом этади.

Дастурхонга қўйиладиган ноз – неъматлар, ичимликлар ва қуюқ – суюқ овқатлар худди тушликдагидек. Агар бир гурух меҳмонларни икки марта — тушликда ва кечки овқатда сийланадиган бўлиб қолинса, унда таомлар хили ўзгартирилади, чунончи тушликда шўрва – палов, кечки овқатда суюқ ош – кабоб каби.

Шунга алохида эътибор берилсинки, тайёрланган қуюқ – суюқ овқатлар донга – дон, хамирга – хамир, гўштга – гўшт бўлиб қолмасин. Масалан, мастава билан палов, чучвара билан манти, сергўшт қовурма билан кабоб берилиши хато хисобланади.

Меҳмонларни жой – жойига утқизиш

Бу жуда нозик ва масъулиятли иш бўлиб, кишидан фоятда сергаклик ва хурмат жоизликни талаб қиласи. Дастурхон атрофига меҳмонлар тутган мавқеига қараб ўтқизилади. Шу издахомни ташкил этган энг асосий мезбон энг хурматли меҳмоннинг чаш томонидан ёки столнинг қарама – қарии томонидан бир – бирига қараб ўтирадиган қилиб жой олади.

Агар меҳмонлар эркак – аёл аралаш бўлса бунда ҳам мавқеига ёки шу мавқеи улугрок кишининг рафиқаси эканлигига қараб тўрдан бошлаб бир эркак ва бир аёл қилиб ўтқизилади.

Издахомни ташкил этган асосий мезбоннинг рафиқаси эса энг мұльтабар меҳмоннинг ёнига ёки столнинг бу томонида рўпарасига ўтиради. Ҳурматли меҳмоннинг рафиқаси эса асосий мезбоннинг ёнига ёки рўпарасига ўтқазилади.

Бу жуда қийин иш бўлғанлигидан дастурхонга кимни қандай ўтқизиш режаси аввалдан тузилиб, бамаъни кишилар билан келишиб олинса соз бўлади.

Кийиниб олиш

Хорижий меҳмонларни дастурхон атрофига таклиф қилганда ҳар қанақа кийим билан ўтириш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун оқ сорочка, қорамтири (тўқ қора эмас) галстук, қора костюм, қора (лакланган эмас) туфли кийиб олиш керак. Костюм тимқора бўлмаса ҳам майли, лекин зинхор очиқ, рангли, ола – чипор гулли, катак – катак ёинки спорт формасида тикилган бўлмасин. Дастурхон атрофида бош кийимсиз ўтирилади.

Аёлларда ҳам оқ блузка ва қорамтири костюм бўлгани маъқул. Бундай издахомларда аёллар қават – қават ялтироқ тақинчоқлар билан ўтиришлари ва бошқаларнинг нигохини ўзига

ром килинадиган қилиб кийинишлари ёки уткір хидді атилар сепиб олишлари ман-тикка мутлак о номувофиқидир. Бундай меҳмандорчилікта ёшрок ии-гит-кіз дастёлар (официантлар) хизмат қиласы. Киз-жувон официанткалар атлас ёки бошқа матолардан бир ұл формада тикилған күйлаклар устидан фартуклар тәкіб олған, бошларида эса оқ мато-дан тикилған ва крахмаллантан тожға ушаган чепчиклар булиши керак. Иигит официантлар оқ күйлак, кора шим кийиб, корамтири галстук тақкан, бош кийимсиз булиши керак.

Пазандалар зеро оқытланиш залига бормасалар ҳам эгнига узун оппок, халат ва бошига оқ калпок кийиб оладилар.

Хорижий меҳмонарларни сийлаш жуда нозик, маңсулиятли иш бўлганлигидан ҳар бир пазанда шахсий гигиена ва умумий санитария қойдаларини бирор бир дакика эсдан чикармаслиги керак. Тайёр-ланяётган таомларнинг рецептлари ва технологиясини сал бўлса ҳам бузилишга йул куймасликлари керакдирки, бунинг акси дилхиралик-ларга олиб келишини асло унумтаслик зарур.

Масалликларни ва тайёр таомларни саклаш қойдалари бузили-шига мутлако йул қўйилмасин.

Дастурхонга тортиладиган таомларнинг хажми ва таркиби ра-самадли булиши керак. Ов`атланиш

Хорижий меҳмонар билан бир дастурхонда утириб оқытланиш одатдагидан анча фарқ қиласы. Бунда тоятда назокатли ва хушёр булишга тутри келади. Токи бирон номсуся харакат ёки килик билан уларда нотугри таассурот пайдо булмасин.

Таом тановулини бош мезбон ва унинг рафикаси бошлаб бера-ди, сўнг барча меҳмонарларга таклиф килинади.

Аёл меҳмонарга кўпроқ эътибор каратилади, уларга дастурхон-даги неъматлардан таклиф этилаётганда, узининг вилкаси билан олишга кулайлик тутдирилсин, кимдир ўз вилкаси ва кошиги билан бошқдарнинг ликопларига таом олиб бермасин. Бирон каттарок бу-лак гўшт ёки ковун кесмокчи бўлганда вилка чап кулда, пичок эса унг кулда ушлаб бажарилади. Ҳар гал оғизга сигадиган булакча ке-сиб олиниб ейилади. Мен иложи борича қошиқ „ вилка ва пичокни идишга шараклатиб урмасликка харакат киламан. Шу билан бирга сую кликни «хуриллатиб» ичмасликка, кую к, оқытларни «чапилла-

тиб» чайна маслика эришмогим керакки, буидан бошқаларнинг гаши келмасин.

Киймаланган гўштли овқатлар (тефтели, котлет, дулма) истеъмол этганда пичок, ишлатилмайди, вилканинг узи билан ейилаверади, балиқ, ва куш гўштларини ҳам пичоксиз — вилка билан ейилади.

Бир неча порцияси бирга — яхлит идишда берилган таомлардан керакли микдорини ҳар ким ўз ликоччасига олаётганда умумий қошиқ ёки вилкадан фойдаланади, зинхор ўз кошигини умумий овқатта солмаслиги жоиз.

Суюк овқат тановул этганда косани чап кулга олиб, оғизга якинлаштириб ёки косанинг узида хуплаб ичиш уят хисобланади. Коса стоддан кузгатилмаган холда овқатланилади. Овқатни шошибилиб ейишдан, суюқликни «култиллатиб» ичишдан воз кечморим жоиздирки, калкиб кетиб атрофдагиларни безовта қилиб куйишим мумкин. Оғиз ва кулни артишда факат салфеткадан фойдаланилади, даструмол иш-латиш яхши эмас. Бирок, терлаб кетилса юзни салфеткага суртиш ҳам ножуялигини хис киласман. Овқатланиш тугагач, салфеткани тахла — масдан стол устида колдирилади.

Овқатланиш пайтида канча безовталансам ҳам буни хеч ким га сездирмасликка интиlamан ва тиш кавлашни узимга эп курмайман.

Меҳмонларга илтифот қилиш албатта зарур, бирок ута зурлаб овқат едириш ва куп ичириб маёт қилиб куйиш мутлако ярамайди, зиёфатнинг окилоналиги барбод бўлади.

Мезбонлар ўз мамлакатлари таомларини, мева — чеваларини, ичим — ликларини мактамасликлари керак, буни меҳмонлар килас бошка гап.

Дастурхон устида суҳбат

Суҳбат гоят самимий булморига эришиш зарур. Ганирганда овоз — пи баландатмасликка, лекин утирганларнинг барчасига эшитила — диган қилиб сузлаш керак. Овқатланишда бўлгани каби суҳбатда ҳам доим аёлларни эътиборсиз колдириб булмайди. Уларга мурожаат этганда юзда енгил ва самимий табассум бўлгани яхши. Савол бериш — маса ортикча ганиравериш ярамайди. Чайналаётган луқмани ютмай туриб, ганириш ҳам жуда хунук одатdir.

Суҳбат мазмунни турли темаларда булиши мумкин: меҳнат, тур — муш, маданият, фан, маориф, дам олиш, оидавий хаёт ва

хоказо. Бунда камчиликлар тутрисида эмас, эришилган мұваффақияттар түгри – сида факт мактансадан маълумот берилади.

Дастурхон устида зинхор касаллик, улим, фожиа, баҳтсизлик кабилар тутрисида оғиз очилмайды. Үз одамларимиз билан сұхбат – лашаёттанды гоят хүшөр булиш керакки, меҳмонлар ичиде русча, ўзбекча ва умуман Совет Иттифоқи ҳал ларининг тилларини била – дигаплар ҳам булиши мүмкін.

Сұхбатлашаёттанды иложи борича ижобий сузлар, терминлар, аталмалар ишлатышта харакат 1<илиш зарур. Зотан, ҳар андай мил – лий тиллар грамматик составининг ярми ижобий ва ярми эса салбий сузлардан таркиб тошкан бўлади, мисол учун:

а) ижобий сузлар:

яхши одобли меҳнаткаш инсон

б) салбий сузлар:

ёмон одобсиз дангаса кимса
каби.

Бинобарин, сұхбатда «ёмон, одобсиз, дангаса, кимса»лар тутрисида эмас. Балки «яхши, одобли, меҳнаткаш, инсон»лар хакида гапи – рилгани маъқул. Албатта салбий сузларни мутлако ишлатмасдан, мисолимиздаги нукул ижобий сузлардан иборат жумла тузиш жуда мураккаб. Шундай бўлса – да, салбий сузлар камрок ишлатилса нутқ чиройли чиқади.

Зиёфатда кадаҳ кутариб сузлашга ҳам түгри келади. Тушлик ёки кечки овқат дастурхони устида кладаҳ кутариш яхна овқатлар, мева – чевалардан тановул этилгандан сунг, барча хозир бўлганлар – га шампан виноси қўйилганды, хархода зиёфат бошлангандан 10 — 15 минут утга амалга оширилади.

Айтиладиган кадаҳ нутки аввалдан пухта уйлаб қўйилган, қоғозга туширилган бўлиши керак. Негаки, кадаҳ сузи расмий ҳужжат ҳисобланиб матбуотда эълон қилиниши мүмкін.

Совға – сувенир

Шу меҳмондорчилик узоқ вақтлар унитилмаслиги мақсадида ва меҳмонларни хүш кўрганлик рамзи сифатида совға ёки бирор эсдалик буюм тақдим этилади. Бироқ, совға – сувенир бериш шарт қилиб қўйилмайди. Бу ташкилотнинг иқтисодий имкониятларига қараб, мантиққа мувофиқ келадими, йўқми, пухта уйлаб иш тутилади. Совғани меҳмонар ичиде энг табаррук ва раҳбар саналган кишига дастурхондан турилганда барчанинг интироқида асосий мезбон топширади за қисқа нутқ сўзлайди. Бошқа меҳмонларга эса расмиятчиликсиз, нутқсиз,

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-МАВЗУ. Чет эллик ҳамкор билан муносабатда булишнинг ҳуқуқий асослари	5
2-МАВЗУ. Хорижилик ҳамкорлар билан амалий алоқаларни ташкил этиш	19
3 – МАВЗУ. Амалий ёзишма	40
4 – МАВЗУ. Амалий алоқа технологияси	54
5 – МАВЗУ. Низо	71
6 – МАВЗУ. Имо-ишоралар тили ёки сўзсиз сўзлашмоқ	79
7-МАВЗУ. Ишга алоқадор муносабатларнинг миллий хусусиятлари	93
8-МАВЗУ. Хорижий ҳамкорлар билан протоколли алоқаларнинг бошқа шакллари	126
9 – МАВЗУ. Замонавий этикетнинг асосий қоидалари	144

бошқаларнинг иштирокисиз, алоҳида — алоҳида олдиндан тайёрлаб қўйиб топширилади.

Хуллас, зиёфат шундай ташкил этилсинки, бундан мекмонларда фақат яхши таассурот қолсин. Шаънимизга заррача ҳам иснод келтирмайдиган оқилона бўлсин.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Этикет нима.
2. Этикетнинг амалий аҳамияти нимадан иборат.
3. Этикетнинг қандай турлари мавжуд.
4. Музокараларга тайёрланиш даврида кийим танлашнинг аҳамияти борми.
5. Ишбилармон аёлнинг музокаралардаги кийми қандай бўлгани маъқул.
6. Меҳмонда одоб сақлашнинг асосий қоидаларини айтиб ўтинг.

Босишга рухсат этилди 30.11.2001. Ҳажми 10.5 босма табок.
Бичими 60x84 1/16 Адади 250 нусха. Буюртма 508.
М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмалоҳасида чоп этилди.